

**ЭРКИН ХУШВАҚТОВ**

**АНДИШАЛИ  
КЕЛИНЧАК**

*Пъесалар*

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2015

821.512.133-2 Ўзбек агадиёти

УЎК 821.111.1-2

КБК 84(5Ў)6

X-96

Моможоним Қурбоной Тошмурод қизининг  
порлоқ хотирасига бағишлайман.

Муаллиф


Хушвақтов, Эркин.

Андишали келинчак. Пьесалар / Э. Хушвақтов. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015 й. – 400 б.

Драматург Эркин Хушвақтовнинг «Андишали келинчак» деб номланган ушбу тўпламига жамланган пьесаларда ўзбекона миллий анъанавий урф-одатлар, куй-кўшиғу ёр-ёрлар тараннум этилган.

УЎК 821.111.1-2

КБК 84(5Ў)6



ISBN 978-9943-03-671-0

© Эркин Хушвақтов  
© Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2015

---



## ЧИМИЛДИҚ

### Икки пардали этнографик томоша

#### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Қурбон момо – 60 ёшда

Келин – 16 ёшда

Күёв – 33 ёшда

Үланчи – 30 ёшда

Амма – 40 ёшда

Қайнона – 50 ёшда

Овсин – 25 ёшда

Хола – 45 ёшда

Қайнопа – 35 ёшда

Бува – 70 ёшда

Қайнота – 55 ёшда

Тоға – 50 ёшда

Амаки – 40 ёшда

Янга – 30 ёшда

Қиз – 16 ёшда

Куёвжўралар, келиннинг дугоналари, қўни-қўшнилар,  
мехмон ва мезбонлар.

#### МУҚАДДИМА

Радиодан “Чимилдиқ” ашуласи эшитилади.

Чимилдиқда кўз очиб кўрган ёrim, ёр-ёр,

Тақдир чархи пешонамга ёзган ёrim, ёр-ёр.

Чимилдиқда бошимга кўнган қушим, ёр-ёр,

Тангрим менга буюрган ҳалол жуфтим, ёр-ёр.

Чимилдиқда нур сочган ой юзлигим, ёр-ёр,

Субхидамда очилган гул юзлигим, ёр-ёр.  
 Чимилдиқда туғилган мұхаббатим, ёр-ёр,  
 Йиғламагин ўлдузим, менинг бахтим, ёр-ёр.  
 Чимилдиқда бүзтүрғай бўзламасин, ёр-ёр,  
 Суйганидан айрилиб, йиғламасин, ёр-ёр.  
 Чимилдиқнинг боғлари узилмасин, ёр-ёр,  
 Яратган қурган уя бузилмасин, ёр-ёр.  
 Чимилдиқнинг чоклари сўкилмасин, ёр-ёр,  
 Боғланган дил риштаси узилмасин, ёр-ёр.

**М е з б о н л а р м е х м о н л а р н и к у т и б о лиш учун парда**  
**ортидан чиқиб кела бошлайдилар.**

### **Биринчи парда**

Саҳна палак, сўзаналар билан безалган. Ўртага чимилдиқ осилган. Чап томонда тахмон, ўнг томонда хонтахта, хонтахтанинг ёнига қўғирчоқ қўйилган. М о м о чиқиб келади.

М о м о (*Тугун билан чиқиб келади. Тугундан новвом бўлагини олиб, чимилдиқнинг бир учига илади*). Турмушлари новвотдай ширин бўлсин (*Иккинчи учига қошиқ илади*). Илоҳим, ризқли-насибали бўлишсин (*Чимилдиқча исириқ илади*). Келин-куёвнинг бахтига кўз тегмасин. Кўшгани билан қўша қарисин.

Ў л а н ч и билан қ из л а р ёр-ёр айтиб к е л и н и  
 олиб келишади.

“Ёр-ёр”нинг аввалбоши ё бисмиллоҳ, ёр-ёр, ё бисмиллоҳ,  
 Ўртамизда келяпти каломуллоҳ, ёр-ёра, каломуллоҳ,  
 Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан-о, ўланчи қиз, ёр-ёра,  
 ўланчи қиз, ёр-ёр.

Ваъдасида турмаган ёлғончи қиз, ёр-ёра,  
 ёлғончи қиз, ёр-ёр.

Ёлғончи қиз келяпти-ё, йўл беринглар, ёр-ёп,  
 йўл беринглар, ёр-ёп.  
 Остонаси тиллодан уй беринглар, ёр-ёп,  
 уй беринглар, ёр-ёп.  
 Дока кўйлак енгини-ё сўтдим она, ёр-ёп,  
 сўтдим она, ёр-ёп,  
 Оқ сутингга рози бўл-о, кетдим она, ёр-ёп,  
 кетдим она, ёр-ёп.  
 Оқ милтиқ-қора милтиқ отган отам, ёр-ёп,  
 ўз қизини ёт қилиб  
 сотган отам, ёр-ёп.  
 Ўз қизининг ўрнига бодом эксин, ёр-ёп,  
 бодом эксин, ёр-ёп,  
 Бодом шохи синганда-ё, болам десин, ёр-ёп,  
 болам десин, ёр-ёп.  
 Тахта-такса кўприк тахтинг бўлсин, ёр-ёп,  
 тахтинг бўлсин, ёр-ёп,  
 Пайғамбарнинг қизидай баҳтинг бўлсин, ёр-ёп,  
 баҳтинг бўлсин, ёр-ёп.

**М о м о (Келиннинг оёги тагига пойандоз солиб,  
бошидан қанд сочиб.)**

Офтоби анбарим, хуш келдингиз.  
 Икки дийдам сарсари, хуш келдингиз.  
 Сиз учун ою кун муштоқдир,  
 Жон боламнинг қаллиғи, жоним келин, хуш келдингиз.

Қизлар пойандозни талашиб-тортишади. Бир қиз юлқиб олади.

— “Келин ўтирумади”, деган урф-одатимизни қиласайлик. Келинжон, ўтиринг (*ўтирумайди*). Қайнонаси, келинингиз ўтирумаяпти, бирор нарса денг!

**Қ а й н о н а . Ой қизим, ойдин қизим! Кундек ўғлимни бердим, ўтира қолинг (*Келин ўтирумайди*).**

М о м о. Аммасиу аммаси, эшигимнинг тамбаси, сиз ҳам бирон нарса дeng, келинингиз ўтирмаётиби.

А м м а. Келиним яшасинлар, тагларига баҳмал тўшасинлар, келинимдан ва жиянимдан бўлган болалар кўпроқ жиянимга ўхшасинлар! (*Келин ўтирмайди.*)

М о м о. Холасиу холаси, келинингиз ўтирмаётибдилар. Сиз ҳам бирон нарса деб юборинг!

Х о л а. Келинимдан айланай, бемалол ўтирабергин. Қуроқ-қуроқ кўрпачаю кўрпаларни ўз қўлларим билан тикиб келганман (*Келин ўтирмайди.*)

М о м о. Қайнопаси, сиз ҳам бирон нарса деб юборинг! Келинингиз ўтирмаётиби.

Қ а й н о п а. Вой, келинимдан айланай, мен ҳам ўз қўлларим билан сизга атаб иккита духоба кўрпа, иккита духоба кўрпача тикиб келганман. Ўтира қолинг, келинжон, ўтира қолинг (*Келин ўтирмайди.*)

М о м о. Овсинию, сиз ҳам бирон нарса деб юборинг, қолиб кетманг.

О в с и н. Менми, мана шу кенг ҳовлини супургиси билан бердим, ўчоқбошини идиш-товоғи билан бердим, ўтира қолинг, овсин, ўтира қолинг! (*Келин ўтирмайди.*)

М о м о. Қайнонаси, келинингиз ўтирмаётиби. Яна бирон нарса деб юборинг.

Қ а й н о н а. Нима десам экан? Оҳ, болам, кенг ҳовлининг катта келини бўлинг. Қозон-товоқни, эчки-улокни бердим. Етса молим, етмаса жонимни бердим, ўтира қолинг, айланай! (*Келин ўтиради.*)

Ў л а н ч и. Келин, ўтириди, ўтириди!

М о м о. Ош тайёр бўлса, олиб киринглар, “Келин ош емади”, деган урф-одатимизни қиласиз. Күёвнинг қариндош-уруғига айтинглар, тайёр туришсинлар.

Я н г а лаганда ош олиб келиб, келининг олдига қўяди.

М о м о. Куёвнинг тогасини чақиринглар, келин ош емаяпти.

Т оғ а. Келин, ош еяверинг, мен сизга атаб ўғилларингизнинг тўйига иккита хўқиз бокиб бераман (*Келин ош емайди*).

М о м о. Куёвнинг амакисини чақиринглар, келин ош емаяпти.

А м а к и. Келин, ош еяверинг, мен сизларга бузоқли сигиримни бераман. Сут-қатиқ ичиб маза қиласизлар! (*Келин ош емайди*)

М о м о. Куёвнинг укасини чақиринглар, келин ош емаётибди.

У к а. Келинойи, ош еяверинг. Мен ҳам сизларга атаб иккита кўчкор бераман (*Келин ош емайди*).

М о м о. Куёвнинг бувасини чақиринглар, келин ош емаётибди. Сиз ҳам бирон нарса денг.

Б у в а. Келин, ош еяверинг, мен сизларга битта сандик тўла сарпо бераман (*Келин ош емайди*).

М о м о. Қайнотасини чақиринглар.

Қ а й н о т а. Келин, ош еяверинг. Мен ҳам сизларга атаб уч хонали уй қуриб бераман. Насиб этиб, ўғилли бўлсанглар, ўғил тўйини ҳам қилиб бераман.

М о м о. Келинжон, уй-жойлик бўлдингиз, кўй-кўчкорлик, сигир-бузоқлик бўлдингиз, энди ош еяверинг! (*Келин ош ейди*.)

Доира чалиб к у ё в н а в к а р л а р кириб келишади.

К у ё в ж ў р а.

Беда берсанг тойга бер, ёр-ёр ёрон-ей,

Касир-кусир чайнасин, ёр-ёр ёрон-ей.

Қизни берсанг ёшга бер, ёр-ёр ёрон-ей,

Кувалашиб ўйнасин, ёр-ёр ёрон-ей.

Томга сепдим седана, ёр-ёр ёрон-ей,  
Териб есин бедана, ёр-ёр ёрон-ей.  
Ишқингда куя-куя, ёр-ёр ёрон-ей,  
Юрагим бўлди адо, ёр-ёр ёрон-ей.  
Томда товук ётади, ёр-ёр ёрон-ей,  
Оёғи шамдай қотади, ёр-ёр ёрон-ей.  
Кўшнимиз шу қизини, ёр-ёр ёрон-ей,  
Қалампирга сотади, ёр-ёр ёрон-ей.  
Оқ гардиши айлана, ёр-ёр ёрон-ей,  
Онанг бўлсин қайнона, ёр-ёр ёрон-ей.  
Отанг сени бермаса, ёр-ёр ёрон-ей,  
Олиб қочай том оша, ёр-ёр ёрон-ей.

Куёвнинг оёғи остига пойандоз ташлаб, кутиб олади.

М о м о. Офтоби анбарим, хуш келдингиз.  
Юртимнинг сарвари, хуш келдингиз.

Йигитлар пойандозни талашиб олишади.

– Омин, кўшгани билан қўша қариб, ували-жували бўлишсин. Омин, оллоҳу акбар (ҳамма чиқиб кетади). Айланай, тўрга ўтинг. Қадамингиз теккан жой гулга, нурга тўлсин. Эй тўхтанг,вой эсим курсин, бу замонда урф-одатларимиз ҳам эсдан чиқиб кетяпти. Одатимиз бўйича куёв келиннинг қўлидан рўмолчани олмагунча ўтирумайди. Куёвтўра! Келиннинг қўлидан рўмолчани олгунингизча мен чой дамлаб келаман.

К у ё в ташнобнинг олдига чўнқайиб, келиннинг сув куйишини кутади. К е л и н сув куймайди. К у ё в нинг ўзи сув куйиб, қўлини ювади. Белбоғини олиб, қўлини артади.

К у ё в. Охулардек ҳайё-ҳайт деб тоғу тошларга учеб кетгим келади. Кетолмайман. Бўйинларда занжир, оёқ-

ларда кишан (*туфлисини ечади*). Ризқимиз бут бўлсин, деб буғдой солиб қўйишибди. Бут бўлармикан?!

М о м о (чой олиб киради). Ўргилай, келинжон! Кўп йиғламанг. Бу кун йиғлайдиган кун эмас. Буғдой тўла уйни бердик, гижинглаган тойни бердик, думбалари селкиллаган кўчкорни бердик, йиғламанг, келинжон. Куёвтўра, сиз ҳам ширин гаплар билан овутиб ўтиринг (чиқиб кетади).

К у ё в. Овутишга тилим лол (*келинга чой узатади*).

К е л и н. Масхара қилманг.

К у ё в. Чой қуйиб узатарсиз, деб кутдим...

К е л и н. Чой қуйиб узатадиганингиз бошқадир?

К у ё в. Сиз-чи?

К е л и н. Мен...

М о м о кириб келади.

М о м о. Яхши ўтирибсизларми, ўргилайлар? Куёвтўра! Мана бу асални «Турмушимиз асалдек ширин бўлсин», деб хазинабон бармоғингиз билан ўзингиз яланг, сўнgra келинга ҳам ялатинг. Кейин мана бу новвот сувини ўзингиз ҳўплаб, сўнг келин боламга ҳам ҳўплатинг (чиқмоқчи бўлади). Нега ёмғирда қолган мусичадек қунишиб ўтирибсизлар? Келинжон! Очилиб ўтиринг, айланай. Куёвжон! Сиз келинга ҳар хил матал айтиб беринг, ичини қизитманг. Мен сизларга афанди айтиб бераман. “Афандининг уч қизи бор экан, учовининг ҳам тили чучук экан. Бир куни афанди бозорга кета туриб, қизларига тайинлаб, мен келгунча совчи келса, сизлар гапирманглар, деб ўзи бозорга кетибди. Шунда тўсатдан уйга совчилар келиб қолибди. Қизлар индамай ўтираверишибди. Совчилар ҳайрон эмиш. Шу пайт уйнинг тўридан сичқон ўтиб қолибди. Қизларнинг каттаси “ана чичон”, деб гапириб

юборибди. Ўртанчаси “тани-тани” дебди. Шунда энг кичиги “Сенлар дапирсаларинг ҳам мен дапирмайман”, дебди. (*Куёв билан Момо роса кулишади, келин индамай тураверади.*) Ана шундай маталлардан айтиб беринг.

К у ё в. Маталингиз нима?

М о м о. Матал матал-да, айланай! Ҳа, латифа дегани.

К у ё в. Мен қизиқ қилиб айтотмайман-да.

М о м о. Айтаверинг.

К у ё в. Ўзимдан бошқа бирор кулмайди.

М о м о. Келин кулади, кулмаса қитиқлаб кулдиринг.

Айтаверинг, мен чойни янгилаб келай (*чиқиб кетади*).

К у ё в. Қанақа матал айтсам экан. Эсимга келмаёт-тибди. Бир вақтлар “Муштум”да бир латифа ўқиган эдим. Афанди билан ўғли бир куни тўйга боришибди. Дастурхон нозу неъматларга тўла экан. Ўғли меҳмонлардан уялмай тарвузда “Т” витамини бор, ковунда “К” витамини бор, узумда “У” витамини бор, бодомда “Б” витамини бор, деб мева-чеваларни паккос тушира-верибди. Афанди меҳмонлардан изза бўлиб, ўғлининг юзига бир шапалоқ тушириб, шапалоқда “Ш” витамини бор, дебди (ўзи кулади). Айтдим-ку, кулдириш қўлимдан келмайди, деб (*қўғирчоқни қўлига олади*). Сизни ким бу ерга қўйиб кетди? Қайси гуноҳларингиз учун, нечун бошларингиз эгик? Нечун жимсиз? Дард эшитадиган одам тополмаган бўлсангиз, менга сўйланг, дардкашингиз бўлай! Дардимни эшитиб, калака қиласди, деб қўрқяпсизми? Қўрқманг! Менинг забоним йўқ. Недандир вайрон бўлган кўнглингизни қандай кўтарсам экан?.. Мен сизга таъзим қиласман:

Куёвини хушламаган,  
Новвот суви ҳўпламаган,  
Келинойимга салом.

Мажнунтолдек эгилган,  
Мусичадек қунишган,  
Келинойимга салом.  
Таъзим солиб эгилдим,  
Камон ёйдек букилдим,  
Келинойимга салом.  
Гаплашолмай лол бўлган,  
Юрак-бағри қон бўлган,  
Куёвтўрага салом.

Сиз билан ҳам гаплашгилари келмаяпти, одамнинг жонсиз тимсоли, нима қиласиз? (*Чимилдиқقا осилган новвот бўлагини кўриб*) Новвот ейсизми? Олиб берайми? (*Новвот бўлагини олади, чимилдиқнинг бир учи ечилиб, келиннинг устига тушади, келин қафасга тушган қушидек, титирчилаб йиғлай бошлиайди.*) Бу тунни йиғлашиб ўтказар эканмиз-да...

Йиғламанг қиз, йиғламанг, тўй сизники,  
Йиғламанг қиз, йиғламанг, уй сизники,  
Тақдир қўшган экан бизни, начора!  
Мен Сизники, Сиз меники!

К е л и н нинг бошига тушган чимилдиқ учини олиб,  
жойига боғлайди. М о м о киради.

М о м о . Мен сизларга мошхўрда билан юпқа олиб келдим, келинжон! Ҳали ҳам ўралиб ўтирибсизми? Бу кунлар умрингизнинг қайтмас дамлари, “сўнгги пушаймон, ўзингга душман” деганлар, айланай, очилиб ўтиринг. Мош-гуручдай аралашиб кетайлик, деб яхши ният билан мошхўрдани ичиб олинглар, юпқадай бир-бишимизга ёпишиб кетайлик, деб юпқадан енглар, олиб ўтиринглар (*камтири чиқиб кетади*).

Күёв ё. Фаройиб одатларимиз бор экан! Ёпишиб кетармизу, қапишиб кетармиканмиз?! (*Юпқанинг бир урамини олиб келинга узатади.*) Қапишиб кетайлик, олинг! (*Келин олмайди.*) Рўза тутганмисиз? Олинг! (*Келин олмайди.*) Чўзилиб қолманг, озгина тамадди қилинг (*келин жсим...*). Ё... бирор дардингиз бўлса... айтинг! (*Келин яна жсим.*) На тамадди қиласиз, на дардингизни айтасиз. Жонсиз, тилсиз кўғирчоқдек ўтираверасиз! Ҳа, гапиринг (*келин гапирмайди*). “Ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта уйлан, хотининг яхши чиқса, хўп-хўп, ёмон чиқса, бўласан файласуф, деган экан Сукрот”.

Келин (*кутилмагандаги*). “Ёш хотиннинг биқинида чол ётгандан кўра, шу биқинга камон ўки ботгани яхши”, деган эканлар шоир Саъдий.

Күёв (*довдираб*). И-и-и!.. Сиз ҳам файласуф экансиз-ку? Охири ёрилдингиз-а! Мен чол бўлсам, сиз ўн тўрт кунлик ойдек бўлсангиз керак-а? (*Келинга яқинлашади.*)

Келин. Яқинлашманг...

Күёв. Ойдек юзларингизни бир кўриб қўяйлик (*келиннинг рўмолини олиб юзини кўрмоқчи бўлади*).

Келин. Тегманг, нари туинг...

Күёв. Бугундан хасми ҳалолимсиз.

Келин. Момомни чақираман.

Күёв (*дадиллашиб, келиннинг қўлини ушлаб*).  
Чақиринг!

Келин (*эркак киши қўлининг тафтидан чўчиб*).  
Момо-жо-он!

Күёв (*орқага тисланиб*). Ия, ёввойимисиз?

Келин. Тегманг, дедим-ку.

Момо (*қўлида баркаши билан шошилиб киради*).  
Келинжон, чақирдингизми? Айланай! (*Келин жсим.*)  
Куёвтўра, тинчликми? (*Қўлидаги баркашини хонтахтанинг устига қўяди.*)

Күёв. Тинчлик.

Момо. Келиннинг овози чиққандай бўлдими?

Күёв. Ойдек юзларини кўрмоқчи бўлувдим...

Момо. Ҳали келиннинг юзларини кўрасиз ҳам, дийдорига тўясиз ҳам...

Күёв. Тезроқ тўймоқчийдим...

Момо. Қани, ҳовлига чиқиб, шамоллаб келинг-чи, болам!

Күёв. Хўп (*чиқиб кетади*).

Момо. Пешонангизга ёзилган жуфти ҳалолингиздан уялмай юзингизни очиб ўтиринг, жонимни қоқай. Йигит-қиз улғайиб, қиз турмушга чиқади, йигит уйланади. Бу улуғ кун ҳамманинг бошига тушади. Яратганинг буюргани бу. Бу улуғ кунга етолмай юрган не-не бебахтларни кўрганман. Ўзинг ақлли-хушли келинчакка ўхшайсан, кўп гапирмайин, бошингни қотириб. Уялмасдан юзингни очиб ўтиргин, болам (*ўрнидан турмоқчи бўлади*).

Келин. Йўқ, йўқ, кетманг!

Момо. Нечун, болам?

Келин. Қўрқаман!

Момо. Кимдан, болам?

Келин. Ёвингиздан!

Момо (*кулиб*). Ёв эмас, маҳрамингиз, айланай, умид билан бир ёстиқقا бош қўйган жуфти ҳалолингиз, қўрқанда қалқонингиз, суянганда тоғингиз бўлади (*ўрнидан туради*).

Келин. Моможон, тўхтанг! Озгина гаплашиб ўтиринг.

Момо. Гапир, болам!

Келин. Бирпас ўтиринг!

Момо. Кўнгил-кўнгилдан сув ичадиган кечада ораларингизда Қоработир бўлиб ўтираманми? Бу кеча

сирли кеч... Мен билан гаплашгандан маъни йўқ, болам. Бу кун куёвтўра билан гаплашгандан маъни бор (*куёвни чақиради*). Куёвтўра! Шамоллаб келган бўлсангиз, бери келинг (*куёв киради*). Мана бу бобонгиз таққан пичоқ. Ўзбек йигитларининг белидан белбоғ билан пичоқ тушмасин, бу узукни келиннинг қўлига тақиб қўйинг. Пичоқ билан узук фарзанд белгиси. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим! Серфарзанд-сердавлат бўлинглар! Бу фарангি рўмол билан келиннинг соchlарини юқоридан пастга қараб силанг. Келин ипакдек мулойим бўлиб, соchlари ҳамиша эркалашга арзийдиган бўлсин (*куёвни четроқقا бошлаб пичирлайди*). Аввал келиннинг оёғидан маҳсисини ечиб олинг.

Ку ё в. Нега мен ечиб оламан?

М о м о. Ирими шунақа...

Ку ё в. Иримингиз ҳам кўп экан-да!

М о м о. Бу урф-одатларимизнинг ярми, болажоним!

Ку ё в. Қўйсангиз-чи, шу одатларингизни!

М о м о. Урф-одатларимизга нописанд қараб, бе-баҳтлар кўпайиб кетяпти. Баҳтли бўлай десангиз, айт-ганимни килинг, ота-боболаримизнинг айтганларида ҳикмат кўп.

Ку ё в. Баҳтли бўлармиканмиз?

М о м о. Айтганларимга қулоқ солсаларинг, баҳтли бўласизлар.

Ку ё в. Баҳтли бўлишга кўзим етмаяпти...

М о м о. Тавба дeng, оғзингиздан чиққанини шамол учирсин! Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин, дейди. Яратганнинг буюргани билан чимилдиқса кирибсизлар, баҳтли бўлайлик, деб ният қилинглар. Бўшашмасдан келинни гапга солинг!

Ку ё в. Гапга сололмаяпман.

М о м о. Келин бамисоли қулф, калитини топиб очинг!

Күёв. Калитини тополмаяпман.

Момо. Сизни ким айтади, йигит киши деб, топинг калитини (*чиқиб кетади*).

Күёв (*ўз-ўзича*). Маҳсисини ечаман десам, дод солса-чи, нима қилсан экан? Қизиқ гаплар ҳам шу топда эсга келмаяпти (*келинга*). Кеча қўшнимизнинг эчкиси бир туғища еттига туғиб, кичик холамга етиб қолипти. (*Секин бориб маҳсисини ечмоқчи бўлади, келин оёқларини тортиб олади, ўз-ўзича*.) Маҳси ечиш ҳам қийин экан, кўнгил қулфини очиш унданам азоб экан (*сукут*). Бир куни онам “чироқ ўтказаман, битта хўроздушлаб, сўйиб бергин, болам”, дедилар. Мен “йўқ” дедим. “Уйда отанг, аканг йўқ, болам, сўйиб берақол” деб ялинсалар ҳам “сўймайман” деб туриб олдим. Охири, онам укамга сўйдиришга мажбур бўлдилар. “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин” деганлариdek, укам кекирдагидан сўйиб қўйибди. Бир маҳал боши ёнига осилган хўрозду ҳовлида қон сачратиб чопиб юрибди. Укам қўлида пичоқ, даҳшатдан қотиб қолган онам фақат тавба, дейди. Ўша даҳшатли манзаралар йиллар ўтса ҳам хаёлимда жонланаверади. Одамзоднинг озори билан, чала сўйилган хўроздек йўлнинг ҳисобини йўқотиб яшайверамиз, ҳаёт олғирларга осон, камсукумларга озор экан. Гоҳ дод дегинг келади-ю, овозинг чиқмай қолаверади. Яқинда бир шоир йигитнинг шеърини ўқиб қолдим. Ўқиб берайми? (*Келин жсим*.) Нега жимсиз? Яхши шеър экан, қалбимга сингиб қолибди. Эшитинг, сиздан ҳам ун чиқиб қолар?

Тошларга сўйладим мен дардларимни,  
Оғриқдан инграпиб, тошлар гуллади.  
Тоғларга сўйладим аламларимни,  
Ўкириб-ўкириб тоғлар йифлади.

Сахрода сўйладим армонларимни,  
Таскин майсалари кўкариб чиқди.  
Осмонга сўйладим ҳасратларимни,  
Осмон ўпирилиб, бошимга тушди.  
Одамга сўйладим оғриқларимни,  
Одам эшитгиси келмади мани.

(Сукут.) Сиз ҳам бир нарса денг! (Сукут.) Яли-  
найми? (Сукут.) Эркалайми? (Сукут.) Юзини кўр-  
сатмаган гўзалим менинг, очилмаган гулғунчам менинг,  
кўзи очилмаган мушукчам менинг (*алам билан нима*  
*деганини, нима қилаётганини сезмайди*). Тиз чўкайми  
(*тиз чўкиб*), бир умрлик қулингиз бўлай, калишла-  
рингизга патак бўлай, вафодор итингиз бўлай (*асабий*)  
истасангиз, ҳозироқ итингиз бўлай (*тўрт оёқлаб*  
*келинга суйкалади*). Ит бўлиб ўтганнинг этагидан ол,  
десангиз оламан, хур десангиз ҳураман (*ўзини уну-  
тиб*), бир оғиз хур, денг, азизим! Яна нимангиз бўлай?  
Хоҳласангиз эшагингиз, бўламан! Миниб, тезак те-  
расиз, ўтин ташийсиз (*эшакдек лўкиллаб юради*). Хоҳ-  
ласангиз, ҳанграб ҳам бераман. Буюринг, маликам!  
Истасангиз, отингиз бўлай. Яёв юрмайсиз, узоғингизни  
яқин қиласман. Мининг устимга (*келинчакнинг олдига*  
*бориб елкасини тутади*). Нега ўтирибсиз, мининг!  
(*Келин қалтираб ўрнидан туради*) Мининг, ота-онан-  
гизнинг олдига олиб бориб қўяман...

М о м о (*ҳовлиқиб киради*). Күёвтўра, Сизга нима  
бўлди?

К у ё в (*келинга бақириб*). Мининг деяпман!

М о м о. Ақлдан озяпсизми?

К у ё в. Ҳамманг эшак қилиб минмоқчи бўласизлар!

М о м о. Вой, ўлай, юрагим лакиллаб қолди-я!

К у ё в. Мининг деяпман!

М о м о. Туриңг, уят бўлади.

К у ё в. Нимаси уят?

М о м о. Келиннинг ўтакасини ёрибсиз-ку!

К у ё в. Ёрилса ёрилсин!

М о м о. Ундей деманг, ақлли, вазмин бола эдингиз-ку?

К у ё в. Ақлли, камсуқум, бўш деб ҳамманг минмоқчи бўласан. Шу пайтгача ҳеч кимга бош эгмадим. Келингизни миндириб, тезак тердиргани олиб бормоқчи эдим.

М о м о. Нималар деяпсан, болам?

К у ё в. Одамлар эшагини топса, пиёда юргиси келмайди.

М о м о. Келиннинг нози бўлади-да, болам!

К у ё в. Бу ноз эмас, келингизнинг нияти мени миниш бўлса, ҳозир минсин, кейин...

М о м о. Асов отни минги қилишнинг ўзи бўлмайди.

От кетидан эргашганни той, дейдилар,

Шоли эккан эр йигитни бой, дейдилар.

Тўқсон уч кун ботқоқ кечиб лой тепганинг

Тиззасидан бўйнигача мой, дейдилар!

Қани, ҳовлига чиқиб бир шамоллаб келинг!

К у ё в. Энди шамоллаб умримиз ўтаркан-да (чиқиб кетади).

М о м о. Келин боламнинг юраги қинидан чиқишига озгина қолибди-я! Мен қозонни қириб, озгина қоракуя олиб келай (чиқади).

К е л и н. Эй Худо, мен нима гуноҳ қилувдим?

М о м о (тиёлада сув, қоракуя олиб қиради). Мана бу қоракуяни ичib олинг, кўркувни босади (келин ичади). Менинг ҳам юрагим лакиллаб қолди (ўзи ҳам ичади).

Мен ҳозир... (*чиқиб исириқ тутатиб киради*). Келин-куёвга ёпишган бало-қазони ҳайда! Туинг, этагингизни кўтариб туинг (*этагини тутади*).

К е л и н. Ёзигим не, Тангрим?

М о м о. Инс-жинсларни ҳайда (*келиннинг бошидан уч марта айлантириб, дуо ўқийди, исириқни олиб чиқиб, қайтиб киради*). Нима жин урди, болаларим?!

К е л и н. Мени жин ургани йўқ.

М о м о. Ҳали ёшман деб қўрқаяпсизми? Ҳозирги ёшлар 20 га кирса ҳам ёшман, деб турмушга чиқмай юраверадилар. Қадимги замонда ундан қизлар қариқиз саналиб, бояқишлиарга харидор ҳам келмас эди.

К е л и н. Қадимгиларингиз қиз эмас, қул бокишар экан-да?

М о м о. Гап қулликда эмас, болам! Ота-она қизини узатишдан олдин етти ўлчаб бир кесади. Қиз ота-онанинг қўнглига қарайди. Кўча-кўйда ялашиб-юлқашмаган, умрида кўрмаган мисли Фарходдек йигитнинг куёв бўлиб, чимиликнинг бир томонини кўтариб киришининг, юрагинг қинидан чиқай деб титраб кутишнинг ҳам гашти бор, болам! Кўз очиб кўрганинг чимиликдаги номаҳрам киши маҳрамингга айланади. Ўртада ҳаё-андиша, меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Эрни пайғамбардек сийлаб, яшаб кетишаверарди.

К е л и н. Моможон, осмондек кенг, юлдуздек мўл орзуларим бор эди. Зебуннисодек шоира бўлмоқчи эдим.

М о м о. Орзулари дунё, умидлари дарё, болам-а! Шоира бўламан десанг, шу киндик қонинг тўкилган қишлоғингда ҳам бўлсанг бўлаверади. Худо сендан раҳматини аямаган экан, шу табаррук тупроқни, содда ҳамқишлоқларингнинг орзу-армонларини, тоза табиатини, ўт-ўланларини, урф-одатларини шеърга сол, болам!

К е л и н. Узок юртларга бориб ўқимоқчийдим.

М о м о. Күйсантан-чи, узоқ юртларни. Ўз қишлоғини ташлаб, мусофир юртларда бошпанасиз, қариндош уруғсиз, сарсон-саргардон бўлиб юрган шоирларни ҳам кўрганман. Қишлоғининг бир сиқим тупроғини кўзига тўтиё қилолмай, ота-онасининг дийдорига тўёлмай, соғиниб юрганларни ҳам кўрганман. Уларга ҳавас қилма, болам!

К е л и н. Отам орзу-умидларимни ўлдириб, “чимилдик” деб аталмиш қафасга томон отдилар!

М о м о. Ҳай-ҳай, чимилдик қафас эмас, муқаддас жой, болам!

К е л и н Қафас! Уйга қайтиб бориб, отамнинг бошини ҳам қиласман.

М о м о. Капалагимни учирма, отангнинг бошини ҳам қилиб, баҳтли бўлолмайсан. Чимилдикқа хиёнат қилиб қочиб, армон билан юрганлар, чимилдик кўрмай, никоҳсиз фарзанд кўриб, узоқларда юрганларнинг тақдирига ҳавас қиласман!

К е л и н. Ҳаммаси ҳам бебаҳт эмасдир?

М о м о. Ақлингдан ўргилай, тўғри, баҳтини топганлар ҳам бор.

К е л и н Баҳтимни тополмасам, ёлғиз яшайман.

М о м о. Ёлғизликдан худо сақласин. Ёлғизликни худо кўрсатмасин. Ёлғиз яшаганнинг биттаси – мен. Чолим шўрликни батальонга олиб кетишган кўйи қайтиб келмади. Уч қизим билан бўтадек бўзлаб қолавердим. Бева деб ёмон кўз билан қарашлар, хўрлашлар кўп бўлди. Мени суянадиган тоғи йўқ, деб Мирзачўлга ҳайдаши. Чўл иссик, сув йўқ, болаларим кучук боласидек ғингшийди. Дардингни эшитадиган одам йўқ. Тепадан берилган буйруқни бажарувчи ақли қосир, кўзи кўр, юзсиз, сотқин маҳлуқлар не кунларни бошимизга

солмади. Ўша кунларни эсласам, ҳали-ҳали юрагим орқамга тортиб кетади. Умр йўлдошсиз ит азобини тортганман. Бева деб не кунларни бошимга солишмади. Бева бошим билан Мирзачўлдан қочиб, поездга осилиб, минг азоб билан юртимга қайтиб келдим. Уч қизимни, мушук боласини кўтариб катта қилгандек, катта қилдим. Эримга хиёнат қилмадим. Худонинг пешонамга ёзган ёзуқларига чидадим. Тангрининг менга атаган кунлари ҳам бор экан. Уч қизимни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, жойини топиб узатдим. Ҳозир Холбуви қизимнинг олти фарзанди бор, Норбувимнинг 11 фарзанди бор, Норхолим кирқقا киргани йўқ, 10 та фарзанди бор. Худога минг қатла шукр, шу ёруғ кунларга етиб келдим. Сабр-қаноатда гап кўп, болам!

К е л и н. Яратган буюрди деб, йиғлаб-сиқтаб кўнишиб қолавераманми?

М о м о. Яратганга шак келтирма.

К е л и н. Сиз ёлғиз яшабсиз-ку?!

М о м о. Мен урушнинг касофатига ёлғиз яшадим!

К е л и н. Мен ҳам ёлғиз яшайман!

М о м о. Қайсар бўлма, болам, муқаддас Куръони каримнинг Раъд сурасида “Худо ерни ёйик қилиб яратиб, унда тоғлар ва дарёларни пайдо қилган зотдир. У ердаги ҳар бир мевани жуфт-жуфти билан яратди. У кечани кундуз устига ёяр, яъни кеча-кундузлар ҳам бир-бирларининг жуфтидир». Дарҳақиқат, куёшнинг жуфти – ой, ернинг жуфти – осмон, куннинг жуфти – тун, дунёнинг жуфти – охират. Ёлғизлик фақат Оллоҳ таолога ярашур, болам!

К е л и н. Мени тушунинг, моможон! У кишида кўнглим йўқ.

М о м о. Кўнглим йўқ? Тўй бўлмасдан олдин “Ўламан, саттор! Бу одамга тегмайман!” десанг бўлмасмиди?

К е л и н. “Тегмайман” деб тўполон қилдим. Отам бир сўзли одам, айтганларидан қайтмайдилар.

М о м о. Гулчи бир гулни ўстиргунча юз тикон захрини тортади. Отанг кўра-била туриб, жарга итармагандир?

К е л и н. Жарга итармагани шуми, ёши ўтган одамга беришди. Шунинг учун уйга қайтиб бориб, отамдан ўчимни оламан.

М о м о. Болалик қилма, болам! Отага ўчакишиб бўлмайди. “Пардали қиз парига teng” дейдилар. Айб ота-онангдами? Куёвдами? Сендами? Биз ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз. Беайб – Парвардигор. Парвардигор буюрибдими, шу хонадонга келин бўлиб тушиб, чимилдиққа кирдинг. Чимилдиқнинг ичи – баҳт остонаси. Эрнинг эрлигига, қизнинг бокиралигига гувоҳ муқаддас жой! Муқаддас жойга хиёнат қилманглар! Насиҳатни ҳам насибали киши олар экан.

К е л и н. Ўлсам ўламан, ўзимга қўлини теккиздирмайман.

М о м о. Капалагимни учирма, болам. Палахмон тошига ўхшаб отилган қиз боланинг пешонаси қурсин... Баҳти бўлгин дейман-да, болам!

К е л и н. Менга баҳт истаган моможоним, у одам менга бегона.

М о м о. Мен ҳам ожиз бўлиб қолдим. Мен сенга бир матал айтиб берай. Мағзини чақиб кўр! Ғайрат неварам тўти бокишни яхши кўради. Ёлғиз тўтисини кўпайтираман, деб эркак тўти сотиб олиб, иккисини бир қафасга солиб қамаб қўйди. Аёл тўти эркак тўтини ўзига яқинлаштиrmай, чўқишиб патлари тўзиб кетди. Ноилож уйнинг эшик-деразаларини ёпиб, эркак тўтини қўйиб юборди. Қафасдаги тўти патирлай бошлади, қаноти синиб қолмасин деб, аёл тўтини ҳам қўйиб юборди.

Чийиллашиб, иккаласи бир-бирини роса қувишди. Эшикни ёпиб чиқиб кетдик. Бир маҳал урчуғимни олай деб уйга кирсам, иккаласи қафаснинг устига қўниб, бир-бирининг пинжига кириб, чуғурлашиб ўтирибди. Орадан кунлар ўтиб, нима бўлди-ю, эркак тўти ўлиб қолди. Бирам ичим ачиdi. Аёли ҳам узоқ яшай олмади.

## П а р д а

### Иккинчи парда

Биринчи пардадаги саҳна. М о м о ўтирибди.

К у ё в бошини эгиб кириб келади.

М о м о (*кириб келган куёвга пешвоз чиқади*). Ёмғир ҳали ёғмадими?

К у ё в. Йўқ!

М о м о. Кечадан бери осмонда булут дард тутган хотиндек тўлғаниб ётибди-ю, ёмғирини туғолмаяпти.

К у ё в. Осмондаги булут ҳам учаламизга ўхшайди.

М о м о. Гапингиз курсин. Ёмғир ёғса, ғуборларни ювиб тозаларди.

К у ё в. Ёғиб қолар...

М о м о. Шўримиз қуриб қолди, болам. Энди нима қиласмиш?

К у ё в. Нима?

М о м о. Индамас келинимиздан бир пайтавалик жун чиқди.

К у ё в. Қаеридан?

М о м о. Ҳа, содда куёв-а, мақолни ҳам тушунмайсиз. Мақталган келиннинг тўйдан кейин бир ҳунари чиқса, шундай дейишади қадимгилар.

К у ё в. Нима ҳунари бор экан?

М о м о. Эй-й, айтишга тилим бормайди.

К у ё в. Хунук эканми?

М о м о. Ойдаккина!

К у ё в. Чўзмасдан гапиринг!

М о м о. Отаси сизга мажбурлаб узатган экан. Ўзимга қўлини теккизгани қўймайман, деяпти.

К у ё в. Ўзгани суйган эканми?

М о м о. Билмадим!

К у ё в. Мен нима қилай?

М о м о. Билмадим, болам. Ақлим шошиб, бошим айланиб қолди.

К у ё в. Жавобини бериб юборайми?

М о м о. Йўғ-е, зинҳор ундай қилманг.

К у ё в. Нима маслаҳат берасиз?

М о м о. Яна бир бор кўнглига қўл солиб кўринг (чиқиб кетади).

К у ё в (ўз-ўзига). Нима маслаҳат берасан, қалбим! У бечорага раҳмим келяпти. Бу қушчани қафасдан қўйиб юборайми?.. Кўйиб юборсам, эртага одамлар “Куёв эркак эмас экан, шунинг учун уйланмай юрган экан”, деб гап тарқатишмайдими? “Ит ҳуради – карвон ўтади”, дейдилар. Итфеъл одамлар олти ой ҳуар, бир йил ҳуар, охири жағи чарчаб, тинчиб қолар. Суймаган юракни зўрлаб сүйдиролмайсан. Тақдир пешонамга бу қизни ёзмаган кўринади. Ўз суйганини топиб баҳтли яшасин. Одамларнинг гап-сўзи, деб бир бокира қизни бебаҳт қилиб қўйсам, Оллоҳ бу гуноҳимни кечиравмикан?

К е л и н киради.

К у ё в. Неча ёшга кирдингиз?

К е л и н. Ўн олтига!

Күёв. Мен ўн еттига кирганимда еру күкка жар солиб дунёга келган экансиз-да?

Келин. Отам ўзлари кеч уйланганлари учун мени эрта күёвга бердилар.

Күёв. Шунинг учун ҳам отангиз мени тушунган эканлар-да?

Келин. Қаранг-а, отам от миниб қидириб, ўзларига үхшаганини топиб, қизларини ўшанга берибдилар!

Күёв (*келинга қараб*). Мендан нима истайсиз?

Келин. Жавобимни беринг, кетаман.

Күёв. Майли, мен розиман.

Келин (*жайратланиб*). Чинданми?

Күёв. Ёлғон гапиришни ёмон кўраман!

Келин (*қафасдан қутулган қушдай эсанкираб қолади*). Кишининг кўнглини тушунадиган одам эканлигинизни кўнглим сезган эди (*қўғирчогини олиб бағрига босганча чиқмоқчи бўлади*).

Күёв. Қоронғидан кўрқмайсизми?

Келин. Кўрқмайман.

Күёв. Балки тонгда кетарсиз?!

Келин (*шошилиб*). Ҳозирок кетаман!

Күёв. Шошманг, олиб бориб қўяман.

Келин. Йўқ, ўзим кетаман.

МОМО (*келиннинг йўлини тўсади*). Йўл бўлсин, болам?!

Келин. Уйга кетаман.

МОМО. Капалагимни учирманг!

Келин. Жавобимни бердилар!

МОМО (*ховлиқиб*). Талоқ қилдими?

Келин. Йўқ.

МОМО. Хайрият-е, талоқ айтдими, деб юрагим қинидан чиқиб кетай деди-я.

Келин. Талоқсиз ҳам кетавераман.

М о м о. Мусулмончилиқда талоқсиз кетиб бўлмайди.

К е л и н. Кетишимга рози бўлдилар-ку!

М о м о. Ёмғир томчилаяпти, ҳадемай жала қуяди.

К е л и н. Тош ёғса ҳам кетаман.

М о м о. Ярим кечада қишлоқнинг итларига ем бўлмоқчимисан?

К е л и н. Майли, итлар гўштимни еб кетсин.

М о м о. Кетсанг, юзинг қаро бўлади, билиб қўй!

К е л и н. Бўлса бўлсин!

М о м о. Куёвнинг остонасидан ўтдингми, эр кўрган хотин ҳисобланасан...

К е л и н. Гапирманг!

К у ё в. Бечорага азоб берманг, момо!

М о м о. Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни гапирай: кетадиган бўлсанг, сенинг tengning хотин қўйган, хотини ўлган, икки-уч болали эркаклар бўлади.

К е л и н. Эшитишни истамайман!

М о м о. Ҳозир кетсанг, “Қиз чиқмаганлиги учун ҳайдаб юборибди”, деб бокира қайтганингта ҳеч ким ишонмайди.

К е л и н. Бўлди-да, момо!

М о м о. Ҳақ гап аччиқ бўлади, маломат тошлари бошингга ёғади.

К е л и н. Қонимга беланиб қолай, кетаман.

М о м о. Ҳеч қаерга қўймайман.

К е л и н. Йўлимдан қочинг, моможон!

М о м о. Нима десанг дегин, ҳозир ҳеч қаерга кетмайсан!

К у ё в. Қўйинг, момо, мен рози бўлдим-ку, кетса кетсин!

М о м о. Мен иккалангнинг ҳам ота-онанг олдида жавоб беришим керак. Кўнгилларинг кўнгилларингга

тушмас экан, эрталаб келиннинг ота-онасини чақиртирамиз. Ота-онангиз олдида учталоқ қиласиз. Сўнг келиннинг кўчини ортиб, жўнатиб юборамиз. Иккалангиз ҳам эрталабгача чимилдиқда чидаб ўтирасизлар. Гап шу! (*Чиқиб кетади.*)

К е л и н. Ўлгим келяпти, онажон!

К у ё в. Куюнманг!

К е л и н. Нега туғдингиз, онажон?!

К у ё в. Ўкинманг!

К е л и н. Қаердасиз, онажон?! (*Келин ўксиб-ўксиб ииғлайди.*)

К у ё в. Йиғламанг (*рўмолча тутади*). Кўз ёшларингизни артинг!

К е л и н. Телба!

К у ё в. Тўғри!

К е л и н. Дарвеш!

К у ё в. Ҳақ гап!

К е л и н. Латта!

К у ё в. Лапашангман!

К е л и н. Худо юзингни тескари қилсин!

К у ё в. Майли...

К е л и н. Эркак киши ҳам шу ёшгача уйланмайдими?

К у ё в. Шуни айтинг!

К е л и н. Шу топгача уйланган бўлганингизда, мени зўрлаб узатишмаган бўлардилар.

К у ё в. Айборман, азизам!

К е л и н. Азизангиз эмасман сизнинг...

К у ё в. Майли, жоним!

К е л и н. Жоним деманг, жонингиз чиқсин!

К у ё в. Танимда жоним йўқ. Жоним куш бўлиб ўзга юртларга учиб кетган. Иккимиз бир қафасда нима қиласиз? Сўзсиз ўтирганимиз билан вақт ўтмаса керак

(сукут). Бир эртак айтсам. Шу эртак тугагунча тонг ҳам отиб қолар! Кейин сиз уйингизга кетасиз, мен эса қалбим билан яна ёлғиз қоламан. Эшитасизми?

К е л и н. Эртагингиз бошингиздан қолсин!

К у ё в. Ҳалиям бошимдан қолганини айтиб бераман. Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Қадим ўтган замонда, Амударё томонда парижамол қиз яшаган экан. У қизнинг ой деса оғзи, кун деса кўзи бор экан. Кулса оғзидан гул, йиғласа кўзларидан дур тўкилар экан. Сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринар экан. Хуллас, бир қултум сув билан ичсанг ҳам томоғингдан қулт этмай ўтиб кетар экан. Ўша қиз улкан шаҳарлардан бирига илм олгани кетибди. Донолар, нодонлар, ориқлар, семизлар, пишиқ-хомларнинг юрти бўлган улкан шаҳарда Париқизнинг жамолига маҳлиё бўлган ошиқлар соядек эргаша бошлабди. Ўша олийгоҳга узоқ кишлокдан содда, самимий, оғзи-боши тиржайган, эгни-боши қийшайган, камсуқум, кўримсизгина бўлса ҳам ғурури теракдан баланд бир йигит ҳам ўқишига келибди. Рухи руҳига, гапи гапига, фикри фикрига, кўнгли кўнглига мос тушган парижамол қиз билан камсуқум йигит дўстлашибди. Худонинг ор-номусли, беозор бандалари булбулдек сайрашиб, мусичадек кукулашиб... Тонглар отаверибди, кунлар ботаверибди. Йигит қалбидаги дўстлик уруғи муҳаббатга айланиб, ўшал парижамол қизнинг хаёли билан яшай бошлабди. Ҳис-туйғуларини жиловлай олмаган йигит Париқизга: “Мен сени суйиб қолдим, ишқингда қуиб қолдим”, дебди. Кутилмаган “севги изҳори”дан Париқиз қотиб-қотиб кулибди. Йигит муҳаббатимдан кулди, деб юрагимга, йўқ, юрагига оғриқ кирибди. Бекарор ошиқларнинг “севги изҳори”дан безиб қолган Париқизнинг юраги санчадиган бўлиб қолибди. Муҳаббати дардидан иккаласи ҳам

юрак оғриғи орттириб олишибди. Иккаласи гаплашмай қўйишибди. Тим қоронғи, зилдай оғир кунлар ўтаверибди. Битирув оқшомида май ичиб, ширакайф бўлган йигит дадиллашиб “Мен сени севиб қолдим, ишқингда куйиб қолдим, қалбим ўша-ўша”, дебди (*сукут*). Париқиз мийифида кулиб, бир сўз демабди. Париқиз ўз юртига кетибди. Муҳаббат домида қолган йигит ҳарбий хизматга кетибди. Муҳаббатидан кўнгил узолмай, қизга мактуб ёзибди. Жавоб хати келмабди. Йигит муҳаббатидан кўнгил узиб, дили вайрон, кўзи гирён бўлиб кунлар ўтаверибди. Кунларнинг бирида кутилмаган мактуб келибди. Мактубни очиб ўқиса, Париқиздан экан. Йигитнинг юраги бу гал севинчдан санчибди. Париқиз: “Сизнинг муҳаббатингизни тушунмай, хато қилибман. Сиздан ўзгага кўёлмадим, муҳаббатингиз сўнмаган бўлса сизни кутаман”, дебди (*сукут*). Камсукум йигит севинчи ичига сиғмай Париқиз томон учгиси келибди-ю, хизматчилик, учолмабди. Дил сўзларини маржондек тизиб, япроқдек тўкиб, ишқий мактублар битибди. Париқиз мактубларининг бирида севгингиз чин бўлса, бизнинг юртларга келинг, отонам сизга турмушга чиқишимга рози бўлади, деб шарт қўйибди. Сизнинг юртингизга борсам, “ота-онасини, қишлоғини ташлаб, бир қизни деб олис юртларга бош олиб кетибди”, дейишмайдими? Сиз ҳам ота-онангизни кўндиринг, мен ҳам ота-онамни кўндирай, Амударёда ҳам эмас, Кешда ҳам эмас, бир-биримизни учратган кўхна Шошда яшайлик, дебди. Қиз мактуб ёзмай қўйибди. Париқиздан айрилиб қолишдан қўрқсан йигит минг пушаймон бўлиб, ҳамма шартларингизга розиман, сафардан қайтишимни кутинг, дебди. Жавоб мактуби келмабди. Йигит хизматдан қайтгунча, қиз девга турмушга чиқиб кетибди.

К е л и н . Нега энди, девга?

Күёв. Чин севгининг қадрига етмаган “маликалар” бориб-бориб девларга турмушга чиқади-да...

Келин. Бахтлимикан?

Күёв. Олис юртлардан келган совуқ шамоллар-нинг хабарига кўра, Париқиз баҳтсиз экан!

Келин. Нега?

Күёв. Дев: “Менга юраги касал хотин керак эмас”, деб ҳайдаб юбориби.

Келин. Балки миш-мишлардир...

Күёв. Йигит ҳам шундай деб ўйлаб, Амударё томонларга бош олиб кетиби. Сўлим қишлоқлардан бирида суюклигини ахтариб топиби. Йигит билан қизнинг тили айланмай, бир-бирининг дийдорига термилаверишибди. Қошлар, кўзлар, киприклар, нигоҳлар гаплашавериби. Йигит зўрга тилга кириби: “Мен сизни олиб кетгани келдим. Мен сизни хўрлатиб қўймайман. Йифламанг, кўз ёшларингиз менинг юрагимдан оқаяпти. Сизни узокларга олиб кетгани келдим”. Париқиз шошиб қолиби. Нарсаларини йиғишири туриб: “Шошманг, шу пайтгача уйланмадингизми?” деб сўрабди. Йигит: “Йўқ”, деб жавоб бериби. “Уйланмаган бўлсангиз, мен сизнинг tengingiz эмасман. Сиз гул йигит, мен ит теккан ошман. Мен сизни баҳтли қиломайман”. Йигит қанчалик ёлворса ҳам, Париқиз: “Сизга нолойикман, йиллар ўтиб, таъна қилсангиз, куйиб тамом бўламан”, дебди. Умидлари узилган камсуқум йигит ёлғиз яшайвериби. Тошдек оғир, заминдек залворли йиллар ўтавериби. Кунларнинг бирида йигитнинг отаси: “Қайсаrlигинг жонимга тегди, дардингни айт, нега уйланмайсан? Сен тенгиларнинг уч-тўртгадан фарзандлари бор. Ўғиллilar суннат тўйи килишяпти, орзу-ҳавас кўришяпти. Сен ҳануз бўйдоқсан. Таъна-маломатлардан бошимизни қўтара олмай қолдик. Кўнгил қўйганинг бўлса айт, совчи юборайлик”, дебди.

Йигит: “Сабр қилинглар”, дебди. Ота: “Үғил боламисан, ўзи? Одамларнинг: “Үғлингиз нега уйланмаяпти? Уйлантиришга кучларинг етмаяптими”, деган бемаъни гапларидан бошимизни кўтариб юролмай қолдик. Дардсиз кесакка ўхшамай дардингни айт. Агар гапимга кирмасанг, сендай ўғлим йўқ. Уйланмасанг уйдан кет, йўқол”, дебди.

Ў ла н ч и билан м о м о кириб келишади.

Ў ла н ч и. Ойдай келин, кундай куёв бўлиб ўтириб-сизларми?

М о м о. Жойларингни тўшаб берайлик.

Ў ла н ч и (*тахмонни бузиб, жой сола бошлиайди*).  
Тўшак бирлаштиурсин!

М о м о. Илоё!

Ў ла н ч и. Тўшак туташтиурсин!

М о м о. Илоё!

Ў ла н ч и. Тўшакда кўпайинглар!

М о м о. Янгаси, тўшакни қалин қилиб тўшанг, келин-куёвнинг бели ботмасин!

Ў ла н ч и. Белимиз бота-бота бизларга бало ҳам ургани йўқ. Ҳеч нарса қилмайди (*икки момо тўшакка ётишади. Момо хуроз бўлиб қичқиради*). Куқу-ку-у-у!

М о м о (*ўланчига*). Туриңг, тонг отди.

Ў ла н ч и. Туш кўрибман.

М о м о. Қандай туш?

Ў ла н ч и. Бошимда тож, қўлимда куш.

М о м о. Тонгда хуш туш кўрибсиз!

Ў ла н ч и. Қўлимдаги куш келин-куёвга фарзанд бўлсин! Бошимдаги тож куёвга давлат бўлсин!

М о м о. Айтганингиз келсин!

Ў ла н ч и (*момога шўхлик қилиб*). Олмамидир, аномидир?

М о м о. Ҳазилингизни қўйинг!

Ў ла н ч и (момонинг белини ушлаб). Новдамидир,  
хипчинмидир?

М о м о. Тегманг, хипчиндир.

Ў ла н ч и. Лабингдаги болмидир, қаймоқмидир?

М о м о. Қаймоқдир.

Ў ла н ч и (момонинг соchlарини ушлайди). Бу соч-  
мидир, сумбулмидир?

М о м о. Сумбулдир.

Ў ла н ч и. Ҳилила ёrim уйғонсин, ҳилила ёrim, ҳилила.

Сочлари белга чулғонсин, ҳилилаё, ҳилила.

М о м о. Рўмолим учди-кетди, ҳилилаё, ҳилила.

Дарёning шамолига, ҳилилаё, ҳилила.

Ў ла н ч и. Рўмолимни олибсан, ҳилилаё, ҳилила.

М о м о. Олиб дорга ёйибман, ҳилилаё, ҳилила.

Ў ла н ч и. Ҳазилингни қўй аққа, ҳилилаё, ҳилила.

М о м о. Вой, сенга тегмай мен ўлай, ҳилилаё, ҳилила.

Вой, тоза қолдик чатоққа, ҳилилаё, ҳилила.

Ў ла н ч и. Ҳажринг ўтида адo қилдинг-ку!

М о м о. Ажаб бўпти, хўп бўпти.

Ў ла н ч и. Ишқингда мени гадо қилдинг-ку!

М о м о. Баттар бўлинг!

Ў ла н ч и. Ноз-карашмаларингга чидолмайман,

Сурмали оху кўзларингни бир кўрай!

М о м о. Йўқ, йўқ, йўқ...

Ў ла н ч и. Юзингни қизил дейдилар,

қизилуз укам, ёр-ёр,

Кўрсат юзингни бир кўрай,

жоним укам-эй, ёр-ёр.

М о м о. Юзимни кўриб нима қиласиз,

сиз акажоним, ёр-ёр,

Бозордаги ширмой нонни

кўрмабмидингиз, ёр-ёр.

Ў л а н ч и. Кўзингни қуралай дейдилар,  
                          қуралайкўз укам, ёр-ёр,  
Кўрсат юзингни мен бир кўрай,  
                          жоним укам-эй, ёр-ёр.  
М о м о.     Кўзимни қўриб нима қиласиз,  
                          сиз акажоним, ёр-ёр,  
Охуларнинг кўзларини кўрмабмидингиз,  
                          ёр-ёр.

Ў л а н ч и. Энди чидолмайман!

М о м о. Чидамасангиз чиллак ўйнанг!

Ў л а н ч и. Чидолмайман!

Улар бир-бирларини кувиб, чиқиб кетадилар.

К е л и н. Эртагингизнинг давомини айтинг!

К у ё в. Қиз бўламан, деган кампирларнинг қилиғи хаёлимни олибди. Нима деяётган эдим?

К е л и н. Отангиз уйдан кет, йўқол, деган эди.

К у ё в. Менинг отам эмас. Ўша йигитнинг отаси.

К е л и н. Хўш, гапираверинг!

К у ё в. Йигитга отасининг, “Ўғил боламисан, ҳам-қишлоқлар орасида, ўғлингизнинг соғлиғи жойидами, деб гапиришяпти. Бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолдик”, деган гаплари алам қилиб, “буларга бир эркаклигимни кўрсатиб қўяй”, деб уйланишга рози бўлган экан. “Аммо топган келинларингни эски урфодат бўйича чимилдикда кўраман”, дебди. Алам устида бир бегуноҳ қизнинг бебаҳт қилишини ўйламабди. Қайсар қизни бўйсундира олмай, шарманда бўлишига саноқли дақиқалар қолибди.

К е л и н. Сиздек қалби дарё, сабр-тоқатли, ҳистуйғуларга бой инсон чин муҳаббатга эришиш учун бардошингиз етмадими? Охиригача баҳтингиз учун кураша олмадингизми? Нега?

Күёв (мийигида қулиб). Қаранг, ўша вактда сиздек маслаҳатгүйим бўлмаган-да.

Келин. Шундай буюк муҳаббати бўлган одам нега мени билмай-кўрмай туриб олишга рози бўлдингиз?

Күёв. Сиз куёвсиз қолманг дедим-да. (*Қиз киради.*) Кел-кел, Лола! (*қиз индамай келиннинг нарсаларини томоша қила бошлиайди, келинга чой қуйиб узатади, лекин келин олмайди, кейин куёвга узатади. Қиз чиқади.*) Мана, тонг ҳам отди. Ҳамма гуноҳларни менга юклаб, энди кетишингиз мумкин (*чиқади*).

Келин. Раҳмат сизга оққўнгил одам! (*Норизо қиёфада кийимларини йигиштиради.*) Кўнглим қафасдан кутулган күшдек қаёққа учишни билмай қолди. Хўрозди ҳам сўёлмаган раҳмдил, меҳрибон инсонни ташлаб кетсан, ҳалиги Париқизнинг қисмати менинг бошимга ҳам тушмайдими? Чимилдикқа хиёнат қилиб ҳозир кетсан, бу камсуқум одам бошқа бир гўзал қизга уйланиб яшайверади. Мени эр кўрган жувон, деб учраган одам этагимга осилиб, ҳоли-жонимга кўймаса нима қиласман? Ота-онамнинг юzlари шувут бўлмайдими? Қишлоқда қандай қилиб бош кўтариб юришади? Бир кўнглим “кет” дейди, бир кўнглим “кетма” дейди. Қайси бирига қулоқ тутишни билмай, ожизман (*қўғирчоқни кўриб қолиб қўлига олади*). Нима маслаҳат берасан, қалбим?

Ховлимиз этагида бир туп анжир,  
Бир туп анжир шохида тилла занжир.  
Бу занжирни ким битган, заргар битган,  
Бу тақдирни ким битган, Тангри битган.  
Заргар битган занжирни узиб бўлмас,  
Тангри битган тақдирни бузиб бўлмас.

Ичкаридан күёв чиқиб келади.

Күёв. Ия, ҳали ҳам кетмадингизми? (*Келин тиёлага чой қуиб куёвга узатади.*) Ичмайман!

Келин. Менинг қўлимдан чой ичмайсизми?

Күёв. Йўк!

Келин. Ўзгаларнинг қўлидан чой ичасиз!

Күёв. Ўзгалар менинг қариндошларим.

Келин. Мен-чи?

Күёв Сиз энди, бегонасиз!

Келин. Мунча совуқ сўз!

Күёв. Илиқ сўзларим тугади!

Келин (*тошинобин олдига бориб, офтобани кўтариб туради*). Кўлингизни ювмайсизми?

Күёв. Кўл ювадиган иш қилмадим ҳали!

Келин (*хонтахта ёнига бориб ўтиради*). Асал ширин бўлса керак? Юпқа мазалидир? Узум ейсизми? Бу узумнинг оти нима?

Күёв. Чарос!

Келин. Нега қизларнинг исмини қўйишган?

Күёв. Кўзингизнинг қорасига ўхшагани учундир!

Келин (*кулимсираб*). “Жонимдин ўзга ёру вафодор топмадим”, деган эканлар ҳазрати Бобур.

Күёв. Мирзо Бобур ҳақ экан. Мен ҳам топмадим!

Келин. Вафодорингиз ёнингиздадир, кўрмаяпсиз.

Күёв. Кўрман-да!

Келин. Ўкинманг! Момомдан эшиитган халқ ашула-ларини айтиб берайми? Нега жимсиз?

Күёв. Карман-да!

Келин. Эшиитинг, кулокларингиз очилиб қолар!

Бозор боши лой экан, ўтай десам сой экан,  
Дига-дига, дигажон, ёрингиз бўлай, оғажон.  
Бормасам бўлар экан, акангиз ёмон экан,  
Дига-дига, дигажон, ёрингиз бўлай, оғажон.

Тегмасам бўлар экан, ўзга ёри бор экан,  
Дига-дига, дигажон, ёрингиз бўлай, оғажон.  
Ёқдими?

Куёв. Ёқмади!

Келин. Итингиз бўламан, деган эдингиз!

Куёв. Ҳура-хура жағим толди!

Келин. Отингиз бўламан, деган эдингиз!

Куёв. Туни билан кишинадим, фойдаси бўлмади.

Келин. Ота-онамдан розилик сўрагани олиб бормоқчи эдингиз!

Куёв. Кўп гапирмасдан туёғингизни шиқиллатинг!

Келин. Бебурд экансиз!

Куёв. Нима десангиз, денг!

Келин. Бағритош экансиз!

Куёв. Тошга тошман!

Келин. Бефаҳм! Эркак киши ҳам шунчалик беўхшов, ландовур бўладими?

Куёв. Кулманг!

Келин. Кулиш керак. Сизга ўхшаган ландовурларнинг устидан кулиш керак.

Куёв. Қани, эшикни орқасидан ёпинг, қорангизни қўрмай.

Келин. Энди қорамни ҳар куни кўрасиз.

Куёв. Бошимни қотирмай тезроқ кетинг!

Келин. Қаерга кетаман?

Куёв. Онангизни кига!

Келин. Онамнинг дили вайрон бўлади!

Куёв. Отангизнинг бошини ҳам қилишга аҳд қилувдингиз-ку?

Келин. Ниятимдан ҳам, истагимдан ҳам, орзуимдан ҳам воз кечдим.

Куёв (*келиннинг елкасидан итариб*). Бўлинг тезроқ!

Келин. Тегманг, ҳеч қаерга кетмайман! (*Йиглайди*.)

К у ё в. Кетинг десам ҳам йиғлайди, қолинг десам ҳам йиғлайди. Бунга нима бўлган ўзи? Тушунмадим!

К е л и н. Нимага тушунмайсиз? Шу чимилдиқда қолишни истайман. Бир умрга... қолишни! (*Йизлаб туриб қолади.*)

Чимилдиқ ашуласи эшитилади.

К у ё в. Худога шукр!

Келиннинг оёғидан маҳсисини ечиб олади, келин күёвнинг кўлига сув қуяди, күёв келиннинг кўлидан рўмолнасини олиб қўлини артади. М о м о келинга асал, новвотчой олиб киради. К у ё в келинга асал ялатади, новвотчойни ҳўплатади ва рўмолини бошига ёпиб қўяди, келин күёвга салом қиласди.

К у ё в келинни кўтариб, чимилдиққа кириб кетади.

М о м о. Хайрият, муқаддас чимилдиқка, урф одатимизга хиёнат қилишмади. Яратганнинг амри билан бино бўлган уй бузилмади. Хўroz қичқирганига анча бўлди. Тонг ҳам отди. Туринглар энди (*чимилдиқдан куёв чиқиб келади*). Куёв бўлган бўйларингдан ўргилай. Бирор кўрмасин, секин чиқиб бирон жўрангизниги бориб ётинг (*Куёвнинг устига тўн ётиб чиқарib юборади*). Келинжон! Турдингизми? (*Келин чимилдиқни кўтариб чиқиб келади*.) Келинжон! Ўсма-сурмаларни қўйинг, ҳали-замон “Юзочар”га хотин-халажлар келиб қолишади. (*Бориб, келиннинг юзини ювдиради*.) Янгалари! Чика қолинглар, келиним тайёр! (*Янгалар чиқиб келишади*.)

Я н г а л а р.

Патнис тутиб келинга, қўлим толиб келаман,

Йўллари ойдин бўлсин, деб ойна олиб келаман.

Худо баҳтин берсин, деб Қуръон олиб келаман.

К е л и н уларга салом қилиб, таъзим қиласди.

**Я н г а л а р** (*бараварига*). Кўп яшанг! (*Келинни кийинтира бошлишаади.*)

Я н г а. Кўп яшанг!

Ў л а н ч и. Күёвингиз билан қуйруқ ошанг!

Я н г а. Опа! Келинимиз ойдек экан.

Ў л а н ч и. Ой уялади.

Я н г а. Кундай келин экан.

Ў л а н ч и. Кўз қамашади.

Я н г а. Қошлари қалам экан.

Ў л а н ч и. Кўзлари чарос экан.

Я н г а. Бир қултум сув билан ютиб юборадиган сулув келинчак экан.

М о м о. Туфлаб қўйинглар, кўз тегмасин!

Я н г а. Туф-туф, кўз тегмасин!

М о м о. Суқларингиз ўтмасин тағин!

Я н г а л а р. Туф-туф, суқимиз кирмасин!

М о м о. Тез бўлинглар, ҳадемай хотин-халаж босиб кетади. Келинимни кийинтиринглар!

Ў л а н ч и. Кўз тегмасин! Мана бу жийда мунчоғи.

Я н г а. Жий-жий деб юрадиларми?

Ў л а н ч и. Йўк, бало-қазодан ўзи асрасин. Олов мунчоғи.

Я н г а. Инс-жинсдан асрасин!

Ў л а н ч и. Зебигардон. Қани менга ярашдими, қаранг-чи!

Я н г а. Опа, қуйилмадингиз-қуйилмадингиз-да!

Ў л а н ч и (*тиллақошини тақади*). Ярашдими, ўргилайлар?!

Я н г а (*ўланчининг бошидаги тиллақошини олиб келинга тақади*). Ана келинингиз ойдек келин бўлди. Энди ҳаммани келинсаломга чақираверинг.

М о м о. Аввал келинимизнинг қайнонасини чақиринглар! Урф-одатимизни қилиб олайлик.

Ў л а н ч и. Қайнонаси-ю, кела қолинг, келинингиз тайёрлар!

Қ а й н о н а кириб келади, қўлида супра, 2 та нон, қанд.

М о м о. Урф-одатимизни охиригача қилайлик. Нонни келинингизнинг қўлтиғига қистиринг, супрангизни ёйинг, қўлингизда 3 марта олиб келинингизга ундан тутинг (*қайнона ҳаммасини момо айтгандай қилиб келинга тутади*). Келинингизнинг супрасидан дон-дун аримасин! Энди бир дона қандни оғзингизда келинингизни оғзига тутинг.

Қ а й н о н а. Момоси! Келинимни уялтирманг!  
Қўлимда ҳам беравераман.

М о м о. Йўқ, айланай. Урф-одатимизни охиригача қилайлик (*Қайнонаси оғзидағи қандни келинига тутади, келини олади*). Қайнона-келиннинг тили қанддай ширин бўлсин! Қариндош-уруғларини чақиринглар!

Ў л а н ч и. Хашладиг-у хашладик,  
Ўртага гилам ташладик.  
Қабул айланг, қудалар,  
Келин саломни бошладик.

Аввал бошлаб айтайлик.  
Гуноҳ бўлса кечайлик.  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, аввал Худо  
Сизга салом, ёр-ёр.

Икки тоғни бир қилган,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.

Қабул айланғ, пайғамбарлар,  
Келин салом, ёр-ёр.

Маккатилло йўлида,  
Жойнамози қўлида.  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланғ, қайнотаси,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Оқ рўмоли ярашган,  
Охиратни ўйлаган,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланғ, момолари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Сеп кийгани эринган,  
Ўғил туғдим деб керилган,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланғ, қайноаси,  
Сизга салом, ёр-ёр.

От қозиги олтиндан,  
Узангиси кумушдан,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланғ, амакиси,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Юришлари чақмоқдай,  
Хар бир сўзи тўқмоқдай,

Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, тоғалари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Мекмон деса “хуш” деган,  
Мекмонхона бўш деган,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, аммалари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Юришлари иликдай,  
Қошу кўзи пиликдай,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, қайнэгачилари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Сатиндўппи сардори,  
Келин бола харидори,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, куёв бола,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Тошойнага қараган,  
Гажакларни тараган,  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, қайнингиллари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Атлас күйлак кийишган,  
Югуриб хизмат қилишган.  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, овсиналари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Паст девордан қараган,  
“Түй қачон?” деб сүраган.  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, қүшнилари,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Хиром этик пошнаси,  
Куёвтүра ошнаси.  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, куёвжүра,  
Сизга салом, ёр-ёр.

Бўйнимдаги маржоним,  
Узилиб адо бўлди.  
Салом-салом, ёр-ёр,  
Келин салом, ёр-ёр.  
Қабул айланг, яна кудалар,  
Салом тамом, ёр-ёр.

П а р д а



---

## ҚАЛЛИҚ ҮЙИН

### Икки пардали этнографик томоша

#### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Қурбон момо – 60 ёшда  
Холбека – 30 ёшда  
Чоннама – 35 ёшда  
Абдуназар – 55 ёшда  
Худойберди – 60 ёшда  
Мулла бува – 70 ёшда  
Хұжакүл – 25 ёшда  
Худойқүл – 30 ёшда  
Жарчи – 20 ёшда

#### МУҚАДДИМА

Узокдан овоз эшитилиб, томоша залига  
Жарчи кириб келади.

Жарчи. Жоппа-жамоа Абдуназар аканикига түйга ҳо-о-ов! Абдуназар аканинг қизига түй келди. Думбалари селкиллаган қўй келди. Белқас-белқас майиз, ҳолваю парвардалар келди. Абдуназар аканикига түйга ҳо-о-ов! Тўйга келган тўй кўрсин, элда тўйлар мўл бўлсин! Жоппа-жамоа “нонсиндирап” тўйга ҳо-о-ов!

Парда олдида Абдуназар ака мезбонлар билан тўйга келган меҳмонларни кутиб олади.

Абдуназар. Ассалому алайкум, хуш келибсизлар!

М у л л а б у в а. Ваалайқум ассалом, түй қуллук бўлсин, Абдуназарбой!

А б д у н а з а р. Қуллук, мулла бува, тўрга ўтинг!

М у л л а б у в а. Пойгак ҳам бўлаверади.

А б д у н а з а р. Бугун буважон, пойгак меники, тўрга ўтинг!

Мулла бува. Лекин пойгакда ўтириб, меҳмонларни кавушини тўғрилаш ҳам савоб иш (*тўрга чиқиб ўтиради*).

А б д у н а з а р (*меҳмонларни кутиб олади*). Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар! Ие, Ие, қуда, келинг, хуш келибсиз!

Х у д о й б е р д и. Бугундан бошлаб, қуда десак ҳам бўлаверади (*иккаласи қучоқлашиб кўришади*).

А б д у н а з а р. “Яхши ният – ёрти мол”, дейдилар. Тўрга ўтинг, қудажон!

Х у д о й б е р д и. Мен сиз билан ёнма-ён ўтириб, меҳмон кутаман.

Х ў ж а қ у л. Тўй бошлаб юборибсизлар-да, қуллук бўлсин!

А б д у н а з а р. Қуллук.

Х у д о й қ у л. Тўйлар қуллук бўлсин!

Х у д о й б е р д и. Қуллук.

М у л л а б у в а. Илоҳи омин, тани соғликни, тинчлик-хотиржамликни берсин худойим! Ҳаммани тўйга етказсин! Аллоҳу Акбар! Тўй олиб келиб чарчамадингларми, Худойбердибой?

Х у д о й б е р д и. Йўғ-ей, мулла бува. Тўй куни одам чарчайдими?

М у л л а б у в а. Бола-чака, қозон-товорқ, эчки-улоқ дегандай, ҳаммаси яхшими?

Х у д о й б е р д и. Шукр, шукр. (*Ҳамма бир-бира билан сўрашиб чиқади.*)

М у л л а б у в а . Хўш, энди гапнинг пўскалласига ўтсак, Абдуназарбой бир атиргул ўстириб, шудринг кўндиримай, вояга етказиб, бугун унга “нонсиндирап” тўй насиб этди. Бу кутлуг кун ҳаммага насиб этсин!

Х у д о й б е р д и . Илоҳо, ҳаммага насиб этсин.

М у л л а б у в а . Худойберди арслондай ўғлон ўстириб, Абдуназарбойнинг остонасини ҳатлаб, тўй олиб келибди. Ота-бувамииздан қолган “нонсиндирап” одатини бошлаймиз. Саккизта патир нон, саккизта қатлама, майиз, парварда олиб келдингларми?

Х у д о й б е р д и . Топган-тутганимизни олиб келдик, мулла бува (*патир билан қатламани Мулла буванинг олдига қўяди*).

М у л л а б у в а . Бисмиллохир раҳмонир раҳим. Нон билан қатламани қўша-қўша қилиб синдирамиз. Мана шу нондай бошлари азиз бўлсин! Кўша-қўша фарзанд кўриб, қўшгани билан қўша қариб юрсин! (*Патир нон билан қатламани синдириб, ўтирганларга қўлма-қўл узатишади*.)

Х у д о й қ у л . Буваларидек невара-чевараларининг ҳузурини кўриб юрсин.

Х ў ж а қ у л . Болалари орқасидан чопиб юрсин!

М у л л а б у в а . Абдуназарбой, сиз парварда, майизларни ўз қўлингиз билан таркатиб чиқинг!

А б д у н а з а р . Хўп, мулла бува (*ўтирганларга, томошибинларга тарқатиб чиқади*).

Х у д о й қ у л . Майиздай-майиздай кизлар берсин, илоё!

Х ў ж а қ у л . Парвардадай-парвардадай ширин ўғиллар берсин, илоё!

Х у д о й қ у л . Кизларига яхши жойлардан майиз келсин!

Х ў ж а қ у л . Ўғилларига яхши жойлардан яхши қизлар ато этсин!

М у л л а б у в а. Абдуназарбой!

А б д у н а з а р. Лаббай!

М у л л а б у в а. “Нонсиндирап” тўйидан кейин қадими үрф-одатимиз бўйича қизингиз куёвнинг уруғ-аймокларига юзини кўрсатмай, бекиниб юрсин.

А б д у н а з а р. Қизим қудамиз остонасига келин бўлиб бормагунича қорасини кўрсатмайди.

М у л л а б у в а. Худойбердибой!

Х у д о й б е р д и. Лаббай!

М у л л а б у в а. Ўғлингиз ҳам ота-бувамидан қолган үрф-одатимизга гард юқтирмай, келиннинг қариндош-уругларига кўринмай юрсин. Иззат-хурматини сақласин, қулоғига куйиб қўйинг!

Х у д о й б е р д и. Пурмаъно сўзларингизни ўғлимнинг қулоғига қўрғошиндай қуйиб қўяман.

М у л л а б у в а. Азиз қудалар, бугундан бошлаб қариндош-уругчиликнинг иплари мустаҳкам боғланди. Илоҳи омин, икки ёш қўшгани билан қўша қариб, бола-чақаси кўп бўлсин, ғам кўрмасин, бало етмасин, оғатдан-кулфатдан, бевақт ўлимдан худонинг ўзи асрасин! Ўлмас ўғил берсин, тўкилмас қиз берсин! Кетмас давлат берсин, тўй тўйга улансин! Илоҳи омин, Таомнинг ҳақи – балонинг дафъи. Аллоҳу Акбар!!!

Х ў ж а қ у л. Абдуназар ака, куёв қуллук бўлсин!

А б д у н а з а р. Қуллук, қуллук, қуллук.

Х у д о й қ у л. Худойберди ака, келин қуллук бўлсин!

Х у д о й б е р д и. Қуллук, қуллук, қуллук.

М у л л а б у в а. Абдуназарбой, куёв эмас, ўғил муборак!

А б д у н а з а р. Муборак, қуллук.

Х ў ж а қ у л. Худойберди ака, қиз қуллук бўлсин!

Х у д о й б е р д и. Минг бора қуллук!

Мулла бувा Абдуназарбойнинг қизининг тўйини кўрсам, ўлмасам, худойим ўша кунларга етказса, ўзим ўлан айтиб, бир ўйнаб бераман, деб ният қилган эдим.

Олма гули гул бўлмас, ёр-ёр ёрон-ей,  
Тақсанг чаккангда турмас, ёр-ёр ёрон-ей.  
Бизнинг келин-куёвлар, ёр-ёр ёрон-ей,  
Бир-бирига кул бўлмас, ёр-ёр ёрон-ей.  
Зардевор-ей, зардевор, ёр-ёр ёрон-ей,  
Зардеворнинг гарди бор, ёр-ёр ёрон-ей.  
Бизнинг келин-куёвлар, ёр-ёр ёрон-ей,  
Бир-бирига дарди бор, ёр-ёр ёрон-ей.

(“Ёр-ёр ёрон-ей”га ҳамма жўр бўлади.)

### **Биринчи парда**

Эски қора уйнинг олдида катта қайрағоч дарахти, қайрағочнинг тагида супа, супанинг ўнг томонида тандир, ўчоқ, чап томонида товуқхона. Эркакшода қиз катта қозонни кўтариб олиб бориб, ўчоқ устига қўяди. Челакда сув ташиб, қозонни, тоғорани сувга тўлдиради. Катта кундани олиб чиқиб, болта билан ёра бошлайди. Урчуғи билан ипини тугунча қилиб, қўлтиғига қистириб олган м о м о кириб келади.

**М о м о . Холбека-ю!**

**Х ол б е к а** (*ўтин ёришдан тўхтаб*). Ассалому алай-  
кум момогинам, келинг (*қўл бериб, эркакча сўрашади*).

**М о м о .** Подачи қизининг пода қайтарда ғайрати  
келар экан, пода қайтар маҳалда нима қиляпсан?

**Х о л б е к а** (*ўтин ёришда давом этади*). Эртага  
душанба, яхши кун. Кир ювиш учун сув, ўтин тайёрлаб  
қўяяпман.

М о м о. Фаросатингта балли, эрка қизим. Аёл мардумнинг кўпи кир ювадиган, соч ювадиган куннинг фарқига бормайди.

Х о л б е к а. Ёшлигимда момомнинг “Бозор куни бош ювма, бошинг ғавғодан чиқмайди”, деганлари қулоғимда қолган.

М о м о. “Қари билганни пари билмас”, яхши гапни қулоғига олган одам кам бўлмайди.

Х о л б е к а. Ўзимнинг кайвони момогинам, супага чиқиб ўтиринг! Мен ҳозир ўчоққа олов ёқиб, чой қайнатаман.

М о м о. Мен чой ичгани келганим йўқ!

Х о л б е к а. Тинчликми, моможон?

М о м о. Чойни тўйингда ичаман... Куш қуллук бўлсин!

Х о л б е к а. Қўйинг ўша “маймоқ” кушингизни.

М о м о. Отанг қаерда?

Х о л б е к а. Лалми буғдойни ўргани кетганлар.

М о м о. Адирандан қачон қайтади?

Х о л б е к а. Билмасам, икки-уч кунда қайтсалар керак.

М о м о. Онанг кўринмайди?

Х о л б е к а. Тўсатдан “Қизилиштон” бувамни мазалари қочиб қолибдилар, кўргани кетдилар.

М о м о (*ўзига-ўзи*). Айтганимни қилиб, онаси қизини ёлғиз қолдирибди.

Х о л б е к а. Ота-онамни сўраб қолдингиз?

М о м о. Мен бугун ота-онанг уйда йўқлигини сезгандай, қаллифингта одам жўнатдим. Кош қорайиб, ой чиққанда қаллифинг “Қаллик ўйин”га келади.

Х о л б е к а. “Қаллик ўйин”ингиз нимаси?

М о м о. Қадимда йигит билан қиз унаштириб қўйилгандан сўнг юрагида ўти бор, кўкрагида ёли, белида белбоғи бор йигит қизнинг уйида ота-онаси

йўқлигини янгасиданми, дугонасиданми, билиб, оқ як-тагини кийиб, оқ чоригини мойлаб, оқ эшагини миниб, устига бир хуржун ёнғокни ортиб, ярим кечаси “Қаллик ўйин”га борган. Эшак ҳанграганда устидаги ёнғок шақиллаб, уни эшитган қизни юраги лакиллаб, “Қаллик ўйин”га келган қуёв бўлмишни кутиб, иккаласининг кўнгли кўнглига тушиб, тўй бўлиб кетган.

Х о л б е к а . Оқсоқ қуёвингизни кўргани кўзим йўқ.

М о м о . Унаштирилган йигитингнинг оқсоқлигини кўрдингми?

Х о л б е к а . Йўқ, одамлардан эшитдим.

М о м о . Оғзи билан юрадиган одамларнинг гапига ишонма!

Х о л б е к а . Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирамайди.

М о м о . Бемаза одамларнинг оғзидан чикқан шамол қимирлатаверади.

Х о л б е к а . Энг яқин дугонамдан эшитдим.

М о м о . Ким экан ўша отин дугонанг, оғзини калиш қилиб кияман!

Х о л б е к а . Айтмайман! Тегмайман унга, тегмайман! Тўйни бузаман!

М о м о . Тўтиқушга ўхшаб бир гапни қайтаравермай, ўша йигитни бир кўр олдин, ичиди кири йўқ бир одам у.

Х о л б е к а . Худодан пешонамга мўлтоқ-сўлтоқ эмас, тўрт мучаси соғ эр ато этгин, деб сўраган эдим. Ёшим ўттиздан ошганда пешонамга ёзилганини қаранг.

М о м о . Тангрининг буюргани бўлади. Ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳим одамни ўз жуфти билан топиштириб қўяди. Қаллиғинг келганда кўрасан, ичини биласан, ёқмаса тўйни қайтаришдан осони йўқ.

Х о л б е к а . Э-э-э, кераги йўқ!

М о м о. Менинг сўзимни ҳеч ким икки қилган эмас, мен сенга ёмонликни раво кўрмайман. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида! Сен одамнинг ичини билгин!

Х о л б е к а. Одамнинг ичигаям, сиртигаям ишонмайман!

М о м о. Кўп қаттиқкулоқ бўлма! Ана тоғнинг ортидан ой мўралаяпти.

Х о л б е к а. Ой кўринса кўринаверсин!

М о м о. Кўрпа-тўшак олиб чик!

Х о л б е к а. Дарров ухлайсизми?

М о м о. Бу узун кеча уйқу йўқ.

Х о л б е к а. Ухламасангиз, жой солиб нима қиламиз?

М о м о. Қаллиғинг билан сенга тўшак солиб бераман.

Х о л б е к а. Ие, ие, ақлингизни еб қўйибсиз, момо!

М о м о. Момонгнинг ақли жойида ҳали. “Қаллик ўйин” одати шунақа, қалликни тўшак солиб кутилади (*кулиб*). Кўнгил-да, кўнгил ийиб кетса, қиз бўшроқ бўлса...

Х о л б е к а. Миянгиз айниб қопти, момо!

М о м о. Гапнинг лўндасини айтяпман, “Қаллик ўйин”дан кейин қорнида юки билан борган келинлар ҳам бўлган!

Х о л б е к а (*кулиб*). Ўлманг-да, момо!

М о м о. “Қаллик ўйин” ҳам болаликдай, ёшлиқдай! Йигитлар билан қизларнинг бир гўзал даври, лекин “Қаллик ўйин”да қиз ўзига маҳкам бўлиши керак. Сен ҳозир “маймок” деб ноз қилиб турибсан, эркакнинг деви бўлади, нафасига эриб кетма!

Х о л б е к а. Э-э-э, менинг юрагим йигитлардан майин ғап эшитмай, тош бўлиб кетган, осонликча эrimайди (*кўрпа-тўшак олиб чиқади*).

М о м о. Ширин ғап эшитмай юрган юрак тез эриб, адо бўлади-да!

**Х о л б е к а . К ё п алжиманг!**

**М о м о (жойни түшай бошлайди).** Кўрамиз, ўзингга маҳкам бўл, “Қаллиқ ўйин”да ор-номусини сақлаган қиз фаросатли, ақлли қиз ҳисобланади. Тўйдан кейин “Жой йиғди” гача қиз бола ўзини асрashi керак.

**Х о л б е к а .** Куёвингиз ҳали “Қаллиқ ўйин”га ярайдими, йўқми, кўрамиз.

**М о м о .** Гапнинг тагидан оласан-а, бўйинг чўзилгур?!

**Х о л б е к а .** “Ҳамсоянг кўр бўлса, кўзингни қисиб қара” деганларидек, сиздан юқяпти.

**М о м о .** Ой бўй кўрсатяпти, қаллифинг келар маҳал бўлди.

**Х о л б е к а (чиқиб кетмоқчи бўлади).** Ҳеч қачон чўлоққа тегмайман! Келса, қайтариб юборинг!

**М о м о .** Шошма, кучугинг қаерда?

**Х о л б е к а .** Уйнинг орқасида, қозиққа боғлаб кўйганман. Нега сўраяпсиз?

**М о м о .** Момонгнинг ҳунари кўп.

**Х о л б е к а .** Нима ҳунар кўрсатмоқчисиз?

**М о м о .** Қаллифингнинг юрагида ўти борми, йўқми, ботирми, кўрқоқми, сени кўришга муштоқми, синааб кўрамиз! Мен нима десам, шуни қиласан, тушундингми?

**Х о л б е к а .** Тушунмадим.

**М о м о .** Мен айтган пайтда кучугингни бўшатиб юборасан.

**Х о л б е к а .** Қопағон-да!

**М о м о .** Қопағон кучукдан қочиб кетган қаллик қаллиқ эмас!

**Х о л б е к а .** Келмаса юрагим муздек бўлар эди-да!

**М о м о .** Жим, қадам товушини эшитяпман! Сен ҳам эшитяпсанми?

**Х о л б е к а (ҳаяжонланиб).** Йўқ!

М о м о. Кулогингни том босган экан-ку, бор кучугингни қўйиб юбор!

Х о л б е к а (*овози эшитилади*). Бўриbosар, ўғри келди, бос! (*Итнинг вовуллагани, йигитнингвойвойлагани эшитилади*.) Оҳ-оҳ! Муздек шамол эсиб, ёқамдан кириб этагимдан чиқиб кетди. Бопладингиз, маза қилдим!

М о м о. “Оҳ-оҳ”лаб шамол хотинининг рашкини келтирма!

Х о л б е к а. Бу нима деганингиз?

М о м о. Шамол хотинини уришиб, ҳайдаб юборибди дегин! Бўлмаса, эсадиган шамол “оҳ-оҳ”лаганингга тўхтаб қолармиди?

Х о л б е к а. Кишининг хаёлига келмаган гапларни топиб гапирасиз-а??!

М о м о. Ичим тўла гап, “Пояси бор хотиннинг сояси бор” дейдилар. Новдадек нозик хотин иккита тұгса, ипдек эшилиб, инқиллаб қолади. Сенга ўхшаган бўрвойлари бакувват девқомат қизлар Алномишдек ўнта ўғил туғса ҳам сини бузилмайди.

Х о л б е к а. Ҳозиргилар иккитадан ортиқ туғишига тоблари бўлмай қолган.

М о м о. Бемаза гапларни қўй! Боласи камларнинг ёнини олма, уларнинг бора-бора уруғи йўқолиб кетади.

Х о л б е к а. Балки ҳақдирсиз! (*Аланглаб*.) Қаллингиз қайтиб келмас бўлиб кетди.

М о м о. Қайтмаса эрсиз қоласан.

Х о л б е к а. Менга эр керакмас, кўнглимдагидек бўлди!

М о м о. Кучугинг ҳам қайтмади-ку?

Х о л б е к а. Иккаласи оғайнини бўлиб олгандир-да!

М о м о. Э, чақир кучугингни!

Х о л б е к а. Бўриbosар! Ма-ма-ма! (*Чақира-чақира чиқиб кетади*.)

М о м о. Қаллиқни синамай менгина ўлай! Бечора күёв оқсоқ бўлса, қочолмай кучук ғажиб ташлаган бўлса-я!?

Х о л б е к а (*кириб*). Кучугим келди, аммо ёр келмади (*кулади*).

Момом сизга ҳолим баён айлайн-айлайнин,  
Ёрнинг ити келди, ўзи келмади, ёр келмади.  
Бу бошимга не савдолар солмади-солмади,  
Ёрнинг ити келди, ўзи келмади-келмади.

(*Қотиб-қотиб кулади.*)

М о м о. Кўп қарсилаб кулма!

Х о л б е к а. Бўрибосар қаллиқнинг юмшоқ жойидан бир парча узиб олган бўлса-я?! (*Кулгидан ўзини тўхтатолмайди.*)

М о м о. Бўлди, бас! Қиз бола кўп қарсилаб кулмайди.

Х о л б е к а. Кучук ғажиб ташлаган бўлса, эртага товон тўлагани борамиз.

М о м о. Жим, одам сасини эшитяпман, сен уйга кир. Шошма, эсимдан чиқай дебди, онангни отангга бепардоз кўрсатма деганлар (*тугунидан тасма олиб узатади*), мана бу тасмани тақиб ол!

Х о л б е к а. Буни қаеримга тақаман, белимгами?

М о м о. Сонингга, тос суюгингдан пастга тақиб ол!

Х о л б е к а. Нега у жойимга тақаман?

М о м о. Қаллиғинг келганда эркакча юриш қилмай, бедана юриш қилиб чиқасан!

Х о л б е к а. Менинг юришимни ўзгартириш учун ўзингиз ўйлаб топдингизми?

М о м о. Бу тасма ота-буваларимиздан қолган. Қадимда ота-оналар қизи балоғат ёшига етганда, бўсағадан ҳатламасин, ариқдан сакрамасин, девордан ошмасин, от-эшакка минмасин, деб бу тасмани тақиб қўйишган.

Х о л б е к а . Нима учун?

М о м о . Қизлар майда қадам босиб хиром билан юрган, қомати тик бўлган, бокиралигини асраган.

Х о л б е к а . Ҳа, момо, сиз бебаҳо хазинасиз!

М о м о . Мен қаллифингни кутиб оламан, сен уйга кириб, ясаниб чиқ!

Х о л б е к а . Ясанмайман!

М о м о . Қайсар курра, кир уйга! (*Холбека кириб кетади. Момо овозини майнин қилиб.*) Ким у қадамларининг саси келаётган?

Ч о н на м а (эшик ортидан). Мен, мен, қаллиқман!

М о м о . Кимга қаллиққа келдингиз?

Ч о н на м а . Сизга, сизга жоним!

М о м о . Вой ўлай!

Ч о н на м а . Кучугингиз йўқми?!

М о м о . Кучугимни темир қозиққа боғлаб қўйдим.

Ч о н на м а . Бўшалиб кетмайдими?

М о м о . Қўрқмай кираверинг.

Ч о н на м а (усти йиртилган ҳолда кириб келади).

Э, момо, сизни қаллиғим, деб ўйлабман.

М о м о . Девона болам, келинг. Мунча ҳаяллаб қолдингиз?

Ч о н на м а . Кучукларингиз кутиб олиб, қишлоқнинг у четига олиб бориб қўйди.

М о м о . Усти-бошингиз йиртиқ, “Қаллик ўйин”га шу аҳволда келадими?

Ч о н на м а . Кучукларингиз ечинтириб қўйди-да.

М о м о (кулиб). Тишлаб олмадими?

Ч о н на м а . Дардим ичимда, азобим гўримда, момо, бир ямоқлик олиб қолди.

М о м о . Яхшиям думбангиздан ола қолмабди.

Ч о н на м а . Бир баҳя қолди (қўйнидан рўмол чиқариб). Мана бу – шол рўмол, бу – тут ҳолва (белидан

белбогни ечиб узатади). Белбоғим кучук тишлаганда йиртилиби. Йиртиғидан түқилган ёнғоқни йўлга экиб келдим. Кўкариб чиқиб тугса, қоқиб ейсизлар.

М о м о. Ёнғоқ кўкариб чиққунича ўзим ҳам кўкариб чиқсан керак.

Ч о н н а м а. Нафасингизни иссиқ қилинг, момо!  
Хали бақувватсиз.

М о м о. Тирик юрсам бир тепа, ўлик бўлсам бир чукур, омонат жонга ишониб бўладими...

Ч о н н а м а. Одамларни баҳтли қилган одам ўлмайди,  
кўп яшайсиз!

М о м о. Э-э, баҳтли бўлсаларинг, дилим равшан бўлади, кайвони момом бор эди, деб эсласангизлар бўлди... Қани супага чиқинг, бўйингга қоқиндиқ бўлай.

Ч о н н а м а. Хўп, моможон (*супага чиқади*).

М о м о. Э, шошманг!

Ч о н н а м а. Нима бўлди?

М о м о. Бу томонга юринг! (*Чоннама юради.*)  
У томонга юринг! (*Оёқларига тикилади.*)

Ч о н н а м а. Бирор нарса ёпишиб қолибдими?

М о м о. Айланинг!

Ч о н н а м а. Нима, кўриқдан ўтказяпсизми?

М о м о. Сизни маймоқ, дейишган эди-ку!

Ч о н н а м а. Маймоқ? Ким айтди?

М о м о. Билмадим, Холбека бир дугонасидан эшлиби. Тўйни бузаман, деб туриби.

Ч о н н а м а. Туҳмат гапга ишонибдилар-да!

М о м о. Шошманг, шошманг, миямга бир фикр келди. Ёлғондакам чўлоқ бўлиб оласиз.

Ч о н н а м а. Кўзим кўкариб, етишган қаллиғимни айнитмоқчимисиз?

М о м о. Мен айниганларни тузатаман. Оқсоқланиб юринг.

Чоннама (*оқсаб юради*). Ўхшаяптими?

Момо. Унчаликмас (*ўзи юриб күрсатади*). Мана шундай, мана шундай қилиб юринг!

Чоннама. Кўлимдан келмайди.

Момо. Чин юракдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, дейдилар.

Чоннама. Ниятингиз нима?

Момо. Қаллифингизга сиртингиз, яъни ҳусни жамолингиз, қадди-қоматингиз керакми ёки ичингиз, ақл-идрокингиз, ҳалол-поклигингиз керакми? Шуни билиб оласиз!

Чоннама. Үндай бўлса майли, моможон.

Момо. Мен нима десам, шуни қиласиз. Тўғри юринг, деб айтмагунимча оқсокланиб юрасиз.

Чоннама. Моможон, ёшлигимда масхарабоз бўлишни ният қилган эдим.

Момо. Бу кун ниятингизга етасиз!

Чоннама. Қаламқош ёр учун ҳамма нарсага тайёрман!

Тоққа чиқдим энгашиб,  
Жайрон отга мингашиб.  
Жайрон отни сотайлик,  
Танга пулга ботайлик.  
Танга пулга қиз олиб,  
Ачомлашиб ётайлик.

Момо. Шоирликдан ҳам бир парча борми?!

Чоннама. Ёшлигимда шоир, учувчи, масхарабоз бўлишни орзу қилганман.

Момо. Бу кеча ҳамма ниятларингизга етасиз. Тўшак солинган, мен ҳозир қаллифингизни чақираман (*кета бошлайди*).

Чоннама. Момо!

Момо. Ҳа!

Чоннама. Дарров түшакками?..

Момо. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, дейдилар! Бир-бирларингизни си nab кўрасизлар.

Чоннама. Тўшакда-я...

Момо. Чучварани хом санабсиз. Тўшакка етгунча минг чиғириқдан ўтасиз ҳали.

Чоннама (*у ёқ-бу ёғини қашлаб*). Тўшакни кўриб, бошқача бўлиб кетяпман.

Момо. Нима бало, яғринингизга кўтири тошганми?

Чоннама. Йўғ-е! Ичимдан олов чиқиб, этларим жимирилашиб кетаяпти (*қашинади*).

Момо. Бугун ҳаммаёғингиздан тутун чиқиб кетади.

Чоннама. Қаллиғимни тезроқ чақиринг, бошқача бўлиб кетяпман!

Момо. Вой ўлай, ўлиб ўтирган экансиз-ку! (*Чиқиб кетади*)

Чоннама. Бошқача бўлиб кетяпман! Ўзга бир сехрли оламга тушиб қолгандайман! Баданимдан олов чиқиб, юзларим зорора нондек қизариб кетяпти. Аъзойи баданим оловга тушган темирдек қизиб кетяпти. Куш бўлиб учгим келяпти, булбулдай сайрагим келяпти (*сайрайди*), каккудек ку-кулагим келяпти (*кукулайди*). Асов отдек сакраб-сакраб тоғу тошларга чиқиб кетгим келяпти, Фарҳоддек Шириннинг ишқида тош йўниб, сув олиб келгим, Гўрўғлидек Юнуспарининг васли томон Фирқўқда учгим келяпти. Бу қандай ҳис-туйғу экан? “Қаллик ўйин” одамга шундай сехрли туйғу, ҳис-ҳаяжон бағишиласа, роҳат экан-ку, оҳ-оҳ-оҳ! Нега чиқмаяпти? Шоҳсанамдек солланиб чиқ, ошиқ Фаридбек кўшкингнинг тагида интизор этма. Машрабдек

ишиңгда девона қилма, чиқ! (*Холбекани момо итариб чиқарыб қўйғанини сезмайди.*)

Х о л б е к а (*ўз-ўзича*). Жонинг чиққур, маймоқ.

Ч о н н а м а. Ие, чиққанингизни сезмай қолибман! Ох, қадди-қоматни қаранг, қўллари гурзидай, оёқлари чинордай келади-я. Ойдек юзлари Хоразмнинг зоғора нонидай келади-я, қўзлари ним пиёладек, қошлари бургутнинг қанотидай, ўзим орзу қилган қиз. Насиб қилса, “Қаллиқ ўйин”дан кейин Рустамдек паҳлавон ўғиллар туғиб беради. Отингиз нима? (*Холбека индамайди.*) Тунов куни отангиз бозорга кучук етаклаб кетаётган экан. Отангиз кучукфуруушми?

Х о л б е к а (*жсаҳли чиқиб*). Отам кучукфуруушмас!

Ч о н н а м а. Пешонамдан айланай, соқов эмас экансиз. Отингиз нима?

Х о л б е к а. Холбека!

Ч о н н а м а. Юзингизда холингиз йўғу, холингиз қаерда?

Х о л б е к а (*энсаси қотиб*). Кўринмайдиган жойимда!

Ч о н н а м а. Ох, оловим чиқиб кетди, одамни уялтирган.

Х о л б е к а. Уятни билган одам шундай савол берадими?

Ч о н н а м а. Шошганимдан калавамнинг учини йўқотиб қўйдим.

Х о л б е к а. Хўш, шер йигит, гапиринг!

Ч о н н а м а. Савлатингизни кўриб, тилим калимага келмай қолди.

Х о л б е к а. Момомнинг айтишича, бир-биримизнинг ичимизни билиш учун синаб кўришишимиз керак экан.

Ч о н н а м а (*тўшакка қараб*). Синовни нимадан бошласак экан?

Х о л б е к а. “Қаллиқ ўйин”га келибсизми, чайнал-масдан бир нарса денг.

Ч о н на м а. Ашулла айтишга овозим йўқ, шеърни каштали қилиб ўқий олмайман, айтишувни ўхшатолмайман, нимадан бошласам экан?

Х о л б е к а. Мулла билганини ўқийди, дейишади.  
Билганингизни ўқинг.

Ч о н на м а. Ўлан айтишни биласизми?

Х о л б е к а. Бошланг қани!

Ч о н на м а. Ютқазсангиз, хафа бўлмайсиз.

Х о л б е к а. Кўрамиз!

Ч о н на м а. Жўхорига сув қуйсангиз поя бўлар,  
Ўнг қалпоғи бошингизга соя бўлар.  
Қиз болани бермаса суйганига,  
Суймаганнинг қўлида зое бўлар.

Х о л б е к а. Не қаттиқ дунёда, жийда қаттиқ,  
Меваси бошидан болдан totли.  
Ота минан энанинг меҳри қаттиқ,  
Тилаб олган қизини молга сотти.

Ч о н на м а. Энгашайлик бўйингдан, энгашайлик,  
Нари борма, бери кел, кенгашайлик.  
Гилосдайин лабларингдан бўса олиб,  
Тонг отгунча “Қаллик ўйин” ўйнашайлик.

Х о л б е к а. Уял-уял дегандা уялса-чи,  
Айттолмаган тишини тиёлса-чи.  
Агар ўлан айтганда ким айниса,  
Юзига занги куя суролса-чи.

Ч о н на м а. Боғдан қуён қочирдим ияги йўқ,  
Қизлар кўйлак кийибди жияги йўқ.  
Жияги йўқ еридан қўл юборсам,  
Кўшша анор билқиллар, суяги йўқ.

Х о л б е к а. Отинг ўчсин, оғажон, отинг ўчсин,  
Қора қайчи тилингнинг учин кессин.  
Яна қайтиб шундайин ўлан айтсанг,  
Ит ялоғда ош ичиб, кунинг ўтсин.

Ч о н на м а. Доим мени минганим жийрон қашқа,  
Томоғимдан ўтмайди чойдан бошқа.  
Тол чибиқдай буралиб, сен турганда,  
Күзгинамга кўринмас сендан бошқа.

М о м о (*югуриб киради*). Холбека, отанг келди, қоч!  
Х о л б е к а. Отам!? Вой шўрим! (*Кириб кетади.*)  
М о м о. Қочинг, айланай, шўримиз қуриди!  
Ч о н на м а. Қаерга қочай?!

М о м о. Мен билмадим! Қаерга бўлсаям қочинг!  
Отасининг жаҳли ёмон, ҳаммамизни болта билан чопиб  
ташлайди.

Ч о н на м а. Қаерга қочаман?!

М о м о. Очиқ мозорга!

Ч о н на м а. Очиқ мозор қаерда?

М о м о. Қайрағочнинг устида!

Ч о н на м а. Ҳа-я! (*Қайрагочнинг олдига югуриб бора-ди.*) Э-э-э, қайрағочнинг устида очиқ мозор нима қиласиди?

М о м о. Ёшлигингизда учувчи бўлмоқчи эдингиз-ку, қайрағочнинг устига учинг!

Ч о н на м а. Ҳа, пешонагинамдан айланай! (*Қай-рагочнинг устига чиқади.*)

М о м о. “Қаллик ўйин”ни чидаганга чиқарган, нафас  
олмай ўтилинг!

Ч о н на м а. Нафас олмасам ўлиб қоламан-ку!

М о м о. Ўлсангиз ҳам жим ўтилинг.

Ч о н на м а. Кўргилигим кўп экан-да!

М о м о. Овозингизни ўчилинг! (*Эшик томонга қараб.*)  
Келинг, айланай! (*Шивирлаб.*) Холбека! (*Чақиради.*)

Х о л б е к а (чиқиб). Ҳм, қани отам?!

М о м о. Секин, эркакча овозда гапириб тур!

Х о л б е к а. Нимага?

М о м о. Қаллиғингни яна бир синовдан ўтказамиз,  
айтганимни қил!

Х о л б е к а. Ҳа, найрангчи момом-а!

М о м о. Ярим кечада мумини йўқотган этикдўздай нима қилиб юрибсиз?

Х о л б е к а (*бўғилган эркакча овозда*). Ҳа, падарига лаънат, трактор бузилиб қолди. Э-э, сиз бизнинг уйимизда нима қилиб юрибсиз, момо?

М о м о. Бир йўқлаб келган эдим, сиз адирга буғдой ўргани кетибсиз, келин Шойииштон момони қўргани кетибди.

Х о л б е к а (*секин ўз овозида*). Қизилиштон буваникига денг!

М о м о. Миям курсин, Қизилиштон бувани қўргани кетибди, қизингиз ёлғиз экан, қўриқчилик қилиб ўтирибман.

Х о л б е к а (*бўғиқ эркакча овозда*). Яхшиям, сиздай ичкуяр момо бор. Барака топинг.

М о м о. Ҳа, қишлоқнинг йиртиғига ямоқ бўлиб юраман-да, айланай!

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Қайрағочнинг устида нимадир патирлагандай бўлди.

М о м о. Очил беданабоз беданам кўпайиб кетди, деб бедана ташлаб кетган эди.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Сайрайдими?

М о м о. Жуда сайроқи экан, шақиллайвериб қулоқмиямизни еб қўйди.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Сайрамаяпти-ку?

М о м о. Бечора сизнинг дўриллаган бўғиқ овозингизни эшитиб қўрқяпти.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Бир кўрай-чи.

М о м о. Хода билан қайрағочнинг учига осиб қўйганмиз, кўринмайди.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Сайрамаса, ҳозир учидан тушириб қўяман.

М о м о. Ие, ие, қайрағочга яқинлашманг, сиздан қўрқади.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Кўрқоқ бедана эканми?

М о м о. Йўқ, ҳозир сайрайди.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). “Эскини ямай-ямай эсинг кетар” дегандай эски трактор беришган, бузилгани бузилган, жонга тегди! Омбор томга кириб, “вал”ни қидириб кўрай (*гурсиллаб юриб кетган бўлади*).

М о м о. Жонингиздан умидингиз бўлса, сайранг! (*тичирлайди*)

Ч о н н а м а. Беданага ўхшаб сайролмайман.

М о м о. “Қаллиқ ўйин”ига келганингиздан кейин сайрайсиз!

Ч о н н а м а. Ҳа, пешонагинамдан айланай! (*Сайрайди.*)

М о м о. Ўхшатиб сайранг!

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Момо бу бедананинг эркагими ёки урғочисими?

М о м о. Билмасам, сайрашидан ажратса олмаяпман.

Ч о н н а м а (*эркакча овозда*). Урғочисига ўхшаяпти-ку!

М о м о. Жин урибдими, эркаги бўлса керак.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Эркаги бўлса шақиллатиб-шақиллатиб сайрайди.

М о м о (*тичирлаб*). Эркак беданага ўхшаб сайранг!

Ч о н н а м а. Пешонамдан айланай! (*Сайрайди.)*

Х о л б е к а. Товуши бошқа жойдан чиқяпти-ку?

М о м о. Қаеридан чиқсан, бошқа жойи бўлмаса?

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Бу бедананинг бошини узиб, ошга бостириш керак.

Ч о н н а м а. “Қаллиқ ўйин”га келиб, ошга сўйиладиган бўлдим (*қаттиқроқ сайрайди.*)

М о м о. Овози чиқяпти-ку жониворнинг, бугун сайраб турсин, “Қаллиқ ўйин”га ярамаса, эрта-перта сўйиб, ошга бостирамиз.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Тушунмадим, нимага ярамаса?

М о м о. Чиройли сайрамаса, деяпман. Қаттикроқ сайранг, кунингиз битмасин!

Ч о н н а м а. Бу кунимдан кўра куним битгани яхши эди. “Қаллиқ ўйин”га эмас, бедана овлашга келган эканман.

М о м о. Ётиб қоласизми, айланай?

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Йўқ, буғдойни ўғирлаб кетишади.

Ч о н н а м а. Худога шукр! (*Хурсанд сайрайди.*)

М о м о. Ишларингиз ҳам курсин, ғалла ўрими тугагунча итга ҳам, қушга ҳам тиним йўқ!

Х о л б е к а. Адиран қачон қайтасиз, отажон? (*Эркакча овозда.*) Ўрим тугасин, қизим. Онанг келгунча товуқлар донсиз, моллар емсиз, қўйлар сувсиз қолмасин! (*Ўзининг овозида.*) Хўп бўлади, отажон.

М о м о. Сиз хотиржам бўлинг, қизингизга эркак пашшаниям қўндирамайман.

Х о л б е к а (*эркакча овозда*). Қизимни сизга ишониб кетаяпман, омон бўлинглар! (*Гурсилаб юриб чиқиб кетади.*)

М о м о. Худога шукр-ей, юрагим лакиллаб қолди. “Ўтирувдим ғамсиз, ҳамсоямнинг эшаги келди қулоқсиз”, дегани шу бўлади (*супага ўтиради*). Ҳой учувчи бедана болам, томдан тушинг!

Ч о н н а м а. Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питпилдиқ! (*Сайрайди.*)

М о м о. Э, бўлди-ей, кўп сайраманг. Қайрағочга осилиб қолдингизми?

Ч о н н а м а (*тушади*). Қайрағочнинг шохи қалин экан. Жуволдиздай-жуволдиздай тиконлари ботиб кетди.

М о м о. У ёқ-бу ёғингизга кириб кетмадими?

Ч о н на м а. Сўраманг, кирмаган жойи қолмади.  
Воҳ-ух-вой. Энди қайтиб келмайдими отаси?

М о м о. Билмадим, айланай. Пешонангизда борини  
кўрасиз.

Ч о н на м а. “Қаллиқ ўйин”га келган оёғимдан  
айланай, кетаман.

М о м о. Қаерга кетасиз?

Ч о н на м а. “Қаллиқ ўйин” деса, хўш, дейдиган  
бўлдим. Аввалига итга талатдингиз, кейин бедана қилиб  
сайратдингиз, отаси яна келиб қолса, эшак қилиб ми-  
нишдан ҳам тоймайсиз, кетаман.

М о м о. Ўйинга чидамаганни кал дейдилар, охири-  
гача чиданг!

Ч о н на м а. Чидолмайман, кетаман!

М о м о. Уят ўлимдан қаттиқ, дейдилар. “Қаллиқ  
ўйин”га келиб, қочиб кетибди, деган тавқи лаънатни  
оласизми?

Ч о н на м а. Отаси келиб қолса, овозидан девдай  
одамга ўхшайди, шафтолидай эзib ташламасин.

М о м о. Ўлдириб қўйса, Холбеканинг остонасида  
бир девона ишқ йўлида шаҳид бўлибди, деган орни ола-  
сиз.

Ч о н на м а. Э-э, жоним ўзимга керак.

М о м о. Жонингизни ўйласангиз, Холбеканинг вас-  
лига етолмайсиз!

Ч о н на м а. Тўйдан кейин ҳам етавераман (*чиқиб  
кетади*).

М о м о. Шошманг, хой, менга қаранг, қочоқ қаллиқ  
гапимга қулоқ солинг!!!

П а р д а

## Иккинчи парда

Биринчи пардадаги саҳна. М о м о Холбекага тасмани тақиб, ясантириб чиқади.

М о м о. Мана энди ўн тўрт кунлик ойдеккина қиз бўлдинг.

Х о л б е к а. Олдин қизарган кундаймидим?

М о м о. Қишлоқ қизлари ўзларига қарамайди. Ўзига оро бериб юришса, шаҳарлик оқбилак ойимчалардан қолишмайди. Эшилиб-эшилиб, буралиб-буралиб, ноз билан, майда қадам ташлаб юр, бўйингга ўлай.

Х о л б е к а. Тақиб қўйган тасмангиз билан юролмаяпман, моможон.

М о м о. Ўрган, жоним болам!

Х о л б е к а (*бедана юриши қиласди*). Тасмангиз ҳозир тушиб қолади.

М о м о. Мен боғлаган тасма тушмайди. Мен боғлаган баҳт ечилемайди.

Х о л б е к а. Бу фасонимни кимга кўрсатаман? Куёвингиз чивин чаққан хўкиздай қочиб қолди-ку!

М о м о. “Қаллик ўйин”нинг жодуси кўнглига тушиб қолди. Айланиб-айланиб, қайтиб келади.

Х о л б е к а. Қайтиб келмаса, яхши бўлар эди!

М о м о. Ичингда жон-жон, деб турибсан-ку.

Х о л б е к а. Бекор айтибсиз!

М о м о. Мени алдолмайсан, кўзингдан ичингни билиб турибман.

Х о л б е к а. Афти қурсин ўша пакана тасқаранинг!

М о м о. Бемаза гапингни қўй, қизим! Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам ташқи чиройи оилага баҳтсизлик олиб келади. Хушрўй хотиннинг хуштори кўп бўлади, кўзга яқин эркакларнинг жазмани кўп бўлади. Ана қайтиб келяпти. Сен ақл-фаросатини синаб кўр, мен кетдим.

Х о л б е к а . Сиз ҳам ўтириңг.

М о м о . Қозилик қиласынми?

Х о л б е к а . Ҳакамлар ҳайъатининг сардори бўласиз!

М о м о . Мен тўйдан кейин, “Жой йигди”да ҳакам бўламан!

Х о л б е к а . Ўлманг-да, момо!

М о м о . Ўлмайман, болам! Сизларни баҳтли қилмагунимча ўлмайман (*чиқиб кетади*).

Х о л б е к а . Момо, кетманг!

Ч о н н а м а (*кириб*). Келди.

Х о л б е к а . Ким?

Ч о н н а м а . Ёр!

Х о л б е к а . Қачон келди?

Ч о н н а м а . Бугун, эрта саҳар!

Х о л б е к а . Қўрқиб.

Ч о н н а м а . Кимдан?

Х о л б е к а . Хўжадан!

Ч о н н а м а . Хўжаси ким?

Х о л б е к а . Ота, падар!

Ч о н н а м а . Икки ўпдим!

Х о л б е к а . Нимани?

Ч о н н а м а . Гунча каби лабларидан!

Х о л б е к а . Лабми?

Ч о н н а м а . Йўқ.

Х о л б е к а . Нима?

Ч о н н а м а . Ёқут!

Х о л б е к а . Нечук?

Ч о н н а м а . Худди шакар! (*Момонинг йўталгани эшиштилади*).

Х о л б е к а (*чўчиб*). Ҳозир айтган байтимиз кимдан?

Ч о н н а м а . Абу Абдуллоҳ Рудакийдан!

Х о л б е к а . Ақлни қайрашни давом эттирамизми?

Ч о н н а м а . Албатта!

Х о л б е к а . Душман неча хил бўлади?

Ч о н н а м а . Душман уч хил бўлади. Душман, дўстингнинг душмани, душманингнинг дўсти, деганлар Юсуфий.

Х о л б е к а . Айбсиз дўст қидирган киши яккаланиб қолаверади. Арзимас айби учун хафа бўлаверадиган кишининг дўстлари уни тарк этаверади. Дўстининг ўзидан ўзиб кетаётганини кўролмаган киши ғам остида юраверади. Бу ҳикматли сўзни ким айтган?

Ч о н н а м а . Юсуфийни жуда яхши кўтарар экансиз. Эркакларга ҳақорат кўзи билан эмас, эътибор кўзи билан ...

Х о л б е к а . Аёлларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан қарашиб керак, деганлар Юсуфий. Тўрт нарса эркакнинг белини синдиради.

Ч о н н а м а . Кўп душман, кўп қарз, кўп хотинлик, номуроса аёл.

Х о л б е к а . Отингизни ҳам сўрамабман-а?!

Ч о н н а м а . Чоннама.

Х о л б е к а . Нега бунаقا ажойиб исм қўйишган.

Ч о н н а м а . Тўғри гапни айтиб, чарсиллаб юрсин, деб қўйишгандир-да. Оловга тушган темирдек чатнаб, чарсиллаб, ноҳақликни, пасткашликни кўрсам, аямасдан одамларни юзига айтиб қўяман, одамлар безиллаб туришади. Кўнглимда қолгандан кўра бетида қолсин дейман-да.

Х о л б е к а . Тўғрисўз одам ҳеч қачон, ҳеч замонга сиғмаган.

Ч о н н а м а . Шунинг учун ҳам бу дунёга сиғмай яшаяпман-да!

Х о л б е к а . Ўзингизнинг қишлоғингиздан қиз то-пилмадими?

Ч о н н а м а . Топиларди-ю, уйланишга вақт бўлмаган.

**Х о л б е к а.** Ҳеч бир қизни севмаганмисиз?

**Ч о н на м а.** Суйиб-куюшнинг иложи бўлмаган. Онажоним эрта раҳматлик бўлиб кетганилар. Отам эртаю кеч дала ишлари билан овора, оиласизда каттаси – мен. Икки укам, уч синглимга мен “она”лик қилганман.

**Х о л б е к а.** Онасиз эзилиб ўсган экансиз-да?

**Ч о н на м а.** Ҳаёт ана шунаقا шафқатсиз экан.

**Х о л б е к а.** Узр, ярангизни тирнаб қўйдим.

**Ч о н на м а.** Беғубор болалигим ўсган ҳовлимиздаги теракка майна тухум қўйганини сезиб қолдим. Майналар қорин ғамида уясини тарк этганда, теракка тирмашиб чиқдим. Тухуми кўм-кўк бўлар экан. Майна боласи қачон тухумини ёриб чиқар экан, деб маймундек кунора теракка тирмашиб чиқардим. Бир куни битта майна боласи тухумини ёриб чиқди. Кўзлари юмуқ, оғзи сарик, чиначоқнинг учидай гўшт, ғимирлаб ётибди. Иккинчи куни иккинчиси, учинчи куни учинчиси, кейинги кун тўртинчиси тухумини ёриб чиқди. Қип-қизил тирик жишчалар бир-бирининг пинжига кириб, эркаланиб ётишларини кўриб, завқланардим, бирам севинардим. Кўшни болалар сезиб, ўлдириб кўйишишмасин, деб ҳеч кимга лом-мим демадим. Кунлар ўтиб, жажжи полапончалар “темирқанот” қушга айлана бошлади. Кечикиб тухумидан ёриб чиқсан майна боласи нимжонроқ, негадир ўзгалардан бошқачароқ бўлиб, бир четда ҳурпайиб туради. Бир куни теракка чиқиб, не кўз билан кўрайки, нимжон майна ўлиб ётарди. Уч майна тагида тўшак бўлиб ётарди (*томогига ёш тиқилиб, жисм бўлиб қолади*).

**Х о л б е к а.** Вой, бечорагина-ей!

**Ч о н на м а.** Нимжон майна боласига аза очиб, пана-панада, ҳеч кимга кўрсатмай йиғлаб-йиғлаб олардим.

Томоғимдан овқат ҳам ўтмай қўйди. Онам бечора уришиб-уришиб овқат едиардилар. Бир ота-она майнани тухумидан очиб чиққан майналар нега тўртинчи-сини ўлдириб қўйди? Тухумини очиб чиққанлари бир-бирларига меҳрибон эдилар-ку, деб ўз-ўзимга савол берардим. Каттаргандага ўртага нафс аралашиб, нимжонни ўлдириб қўйишдан ҳам тойишмади.

Х о л б е к а . Қанақа нафс?

Ч о н н а м а . Улғайганимда ҳам ўша нимжон майна эсимдан чиқмас эди. Ўйлаб кўрсам, ота-она майна олиб келган луқмани эрта тухумини ёриб чиққан майначалар кекирдакларини чўзишиб еб қўйишган. Нимжон майнага луқма етмаган, оқибатда уч майна боласи ўзлари билмаган ҳолда тўртинчисини нафс учун ўлдириб қўйишган.

Х о л б е к а . Нафс ўлсин-а!

Ч о н н а м а . Одамлар, ҳайвонлар, кушлар, курт-кумурсқалар орасига ҳам нафс аралашиб қолса, даҳшатли маҳлукқа айланиб қолишар экан. Ҳаётда камтар, самимий, оққўнгил бўлсанг, нимжон майнадек эзиб, ичагингни чиқариб қўйишар экан.

Х о л б е к а . Дунёга келдингизми, чидайсиз-да!

Ч о н н а м а . Чидаб-чидаб яшаяпман! Бир қориндан талашиб тушган укаларим, сингилларим орасига ҳам нафс аралашиб қолмасин, бир-бирига bemexр бўлмасин, деб онажонимнинг ўрнига она бўлиб, меҳр билан тарбияладим. Уч синглимни узатдик, икки укамни уйлантириб, энди менга навбат келди.

М о м о (*ҳовлиқиб кириб келади*). Келди-келди, ёв бостириб келди.

Ч о н н а м а . Ким келди?

М о м о . Холбеканинг отаси келди, қочинг!

Ч о н н а м а . Ростданми, момо?!

М о м о. Мен одам зотини алдамаганман. Холбека, уйга кир! (*Холбека кириб кетади.*)

Ч о н на м а. Мен қаерга кирай?

М о м о. Билмадим, миям айниб қолди. “Қаллик ўйин” ўйнатмай менгина ўлай, ана катакка киринг!

Ч о н на м а. Энди товуқларга қаллик бўламанми?

М о м о. Бугун ҳар нарса бўласиз, тезроқ киринг. Ҳозир отаси келиб қолади.

Ч о н на м а. Хўроз бўлган пешонамдан ўргилай (*тovуқларни қоқоғлатиб, товуқхонага кириб кетади.*)

М о м о. Келинг айланай, яна нимага қайтиб келдингиз?

Х о л б е к а. Отам қанилар?

М о м о (*секин*). Отангнинг товушига яна ўхшатиб тур!

Х о л б е к а. Э-э-э, қўйинг ҳийлангизни!

М о м о. Ҳм, дарров мусичадек топишиб олдингларми?

Х о л б е к а. Айниманг! (*Кириб кетади.*)

М о м о. Вой, шўрим, энди нима қиласман? (*Ёз қуядиган воронкани олиб, бўғилган эркак овозида.*) Момо, товуқлар қоқоғлаб, безовта бўляпти? (*Ўз овозида.*) Даканг хўрозингиз бор экан-ку, товуқларингизга ишки тушиб қолганми, ой чикқандан бери қичқириб, товуқларингизни қўймаяпти (*эркакча овозда*). Ҳозир ушлаб чиқиб, сўяман! (*Ўз овозида.*) Сўйиб нима қиласиз, фафлат босган одамларни уйғотиб турибди (*эркакча овозда*). Қариганми, охирги пайтларда кам қичқирадиган бўлиб қолган, сўйиш керак (*катакни олдига бориб*), жонингиздан умидингиз бўлса, қичқиринг!

Ч о н на м а. Ҳа, пешонамдан айланай, товуқларга қалликқа келганга ўхшайман (*қичқиради*).

М о м о. Қош қорайгандан бери тинмай қичқиряпти (*эркакча овозда*). Тинмай қичкираётган бўлса ҳам хў-

роздикка ярамайди, сўйиш керак! (*Товуқхонани олдига бориб ўз овозида*.) Қайнотангизнинг раҳмини келтирадиган қилиб, қаттиқроқ қичқиринг!

Чоннама. Қаллиққинага келмай ўлай (*қичқиради*).

МОМО. Ақлли хўroz тонг отганда уч марта қичқиради.

Чоннама. Пешонам ҳам беш қарич экан (уч марта қичқиради).

МОМО (*тичоқни қайраб*). Ҳозир ўзим ушлаб, сўяман!

Чоннама (*жон ҳолатда*). Қу-ку-қу...

МОМО. Шайтонга ҳай беринг, болам! Жонли нарсани жонсиз қилиб нима қиласиз? Мен учун шу хўрознинг бир қошиқ қонидан кечинг (*эркакча овозда*). Майли! Майли, сўзингиз ерда қолмасин (*ўз овозида*). Нимага қайтиб келдингиз, иним? (*Эркакча овозда*) Тракторимнинг ремени узилиб кетди, шуни олгани келгандим, қидириб кўрай (*кириб кетган бўлиб юради, товуқхона олдига бориб*). Суюнчи беринг, жонингизни зўрга омон сақлаб қолдим.

Чоннама. Бу кунимдан кўра сўйиб қўя қолса бўларди.

МОМО. Иштонингизнинг ременини топдингизми, иним? (*Эркакча овозда*) Иштонимнинг ремени эмас, тракторимнинг ремени (*ўз овозида*). Мен ремен тақмасам, одам билан тракторнинг ременини фарқига бораманми? (*Эркакча овозда*) Майли, мен кетдим (*ўз овозида*). Хайрхўш, уф, оёқ-қўлимда жон қолмади-я! Даканг хўroz, товуқхонадан чиқинг. Қассоб қайнотангиз кетди.

Чоннама (*товуқ патига беланиб чиқади*). Товуқхона тор экан, оғзим билан ерга қараб ётиб, оғзимга товуқ тезаклари кириб кетди (*туфлайди*).

МОМО. Патдан тикилган куёв сарполар муборак!

Чоннама. Эгасига қуллуқ!

М о м о. Бу аҳволингизни бутун умр эслаб юрасиз.

Ч о н на м а. Одамлар эшитса, шарманда бўламан.

М о м о. Қаллиқ ўйиннинг гашти шунақа бўлади.

Ч о н на м а. Маза қилдим, энди мен кетдим.

М о м о. Қизиқчига ўхшаб бу аҳволда қаерга борасиз?

Ч о н на м а. Ёшлигимда қизиқчи ҳам бўлмоқчи  
эдим, ниятимга етдим, кетдим!

М о м о. Шошган қиз эрга ёлчимайди, дейдилар!

Ч о н на м а. Мен қиз бола эмасман, эркакман, хайр!

М о м о. Қаллиқ ўйинида ютқаздим, деб бир був  
денг!

Ч о н на м а (*жсаҳл билан*). Був-був-був...

М о м о. Ҳа, аттанг-а, мен сизни мард, қўрқмас,  
довюрак йигит деб ўйлаган эдим!

Ч о н на м а. Қўрқоқ эмасман, тонг ҳам ёришиб  
қолди, кетай.

М о м о. Устингизга товуқ тезаги ёпишиб қопти.  
Холбека тозалаб берсин, кейин кетасиз. Холбека-ю...

Х о л б е к а. Лаббай, моможон!

М о м о. Чоннаманинг устини тозалаб бер!

Х о л б е к а (*кириб*). Вой, масхарабознинг ўзи  
бўбсиз-ку.

Ч о н на м а. Ҳаётнинг ўзи масхарабоз қилиб қўяр  
экан.

М о м о. Кийимларингизни ечиб беринг.

Ч о н на м а. Ечинтирасизларми?

М о м о. Холбека, отангнинг чопонини олиб чиқиб  
бер, кийимларини тозалагунингча кийиб турсин.

Х о л б е к а. Ҳозир (*кириб кетади*).

Ч о н на м а. Чўлоқ бўлиб юравераманми, момо?

М о м о. Мен айтмагунимча чўлоқланиб юраверасиз.

Х о л б е к а (*чиқади*). Мана, отамнинг чопони, кийиб  
олинг.

Ч о н на м а. Ҳозир кийиб чиқаман (*кириб кетади*).

Х о л б е к а. Бечоранинг туғилганига пушаймон едирибсиз-ку!

М о м о. Маймоқ, деб ноз қилаёттган эдинг, нима бало юракдан уриб қолдими?

Х о л б е к а. Ўзи келишган бўлмаса ҳам, ақли тўлишган кўринади.

Ч о н на м а (*узун қора чопон кийиб, белига белбог бойлаб чиқади*). Отангиз олтмиш киядиларми?

Х о л б е к а. Йўқ, олтмиш уч киядилар!

Ч о н на м а. Дев эмасмилар?

Х о л б е к а. Бир урса, Кўхи Қофни талқон қиласди.

Ч о н на м а. Қўлга тушсан, суюкларимни ун қилиб туйяр экан-да?

М о м о. Ечган кийимларингизни беринг.

Ч о н на м а (*хуши ёқиб*). Қандай бўлар экан...

М о м о. Бундан буёғи кўйлак-иштонингизни ювиб беради. Муқаннадай ўғил, Ойбарчиндай қиз туғиб беради.

Ч о н на м а. Одамни уялтируманг, момо!

М о м о. Уялиб-уялиб, инсоннинг тирик туйғулари ҳар балога бошлайди.

Х о л б е к а. Момом айний бошладилар, мен кетдим.

М о м о. Шошма, кийимларини менга бер, ўзим тозалаб қўяман.

Х о л б е к а. Ўзим тозалайман.

М о м о. Сен тўйдан кейин тозалайсан (*кийимларни олади*). Мусичадек иккаланг бироз қукулашиб туринглар.

Ч о н на м а. Қандай қилиб қукулашамиз.

М о м о. Тўшак солинган, кўнгилларинг-кўнгилларингга тушганга ўхшайди.

Ч о н на м а. Тўшакни эслатманг (*қашинади*).

М о м о. Тўшакка ўтириб, ўзбекнинг чўпчак, маталларини айтишинглар, деяпман! (*Чиқиб кетади*.)

Чоннама билан Холбек а түшакка чиқиб,  
тиз чўкиб ўтиришади.

Чоннама. Матал айтишни бошланг.

Холбека. Аввал сиз бошланг.

Чоннама. Уялмайсизми?

Холбека. Уятлисини айтманг-да.

Чоннама. Ўзи маъноли матал, озгина ақл ишлатган одам дарров топиб олади.

Холбека. Айтинг, қани ақлим калтами-узунми синаб оламиз.

Чоннама. Боришда қорни оч,

Кўшиқ айтар.

Келишда қорни тўқ,

Йифлаб қайтар.

Холбека. Ёшлигимда шунга ўхшаш кўп маталлар эшигтан эдим... Бўлди, эсимга тушди. Топдим. Бу – пақир.

Чоннама. Қойилман, тўғри топдингиз! Матал айтиш навбати – сизга.

Холбека. “Нозигингга қозигим”.

Чоннама. Тополмасам керак (*қотиб кулади*).

Холбека. Унда шаҳар беринг.

Чоннама. Шаҳар беришга кучим етмайди. Ўзим туғилиб ўсган тоғлар орасида жойлашган, оқ тошли, тоза ҳаволи, зилол суви шарқираб оқадиган оқ дарёси билан оқ қишлоғимни бердим.

Холбека. Жавоби сурма – чўп билан кўзга сурма қўйиши.

Чоннама. Чиройли матал экан.

Холбека. Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

Чоннама. Бемалол сўрайверинг.

Холбека. Инсоннинг камчилигини юзига солиш, унинг устидан кулиш – энг ёмон одат.

Ч о н на м а. Бўлди, тушундим, оёғингиз нега чўлоқ, деб сўрамоқчисиз (*тўшакдан тушади, ўзига-ўзи*). Чўлоқ эмасман деб айтсан, момога берган ваъдам нима бўлади?

Х о л б е к а. Нега жимсиз?

Ч о н на м а. Болалигимда теракка чиқиб-тушавериб, шу фалокатни орттириб олганман.

Х о л б е к а. Ўкинасизми?

Ч о н на м а. Йўқ, ўрганиб кетганман.

Х о л б е к а (*ўйчан*). Мен эса гавдам қўполлигидан ўкинаман. Одамлар ортимдан девдай қиз, эркаксифат қиз, беўхшов қариқиз, деб пана-панадан отган ўқларидан юрагим зирқирайди. Негадир одамлар бир-бирининг қалбига малҳам босиш ўрнига тирнашни, кўнгил кўтариш ўрнига юракни чил-чил синдиришни яхши кўришади. Худойим менга шундай гавда ато этган бўлса, айб мендами? Тўмарис, Барчиной момоларимиз ҳам бақувват бўлишган-ку! Одамларнинг ўзлари майдалашиб кетмаяптимикин? Янтоқнинг устига чиқиб аzon айтадиган замон келмадимикин? Худойимнинг бандалари бир хил яратилган, лекин одамлар ўзларини тоифага бўлиб олишади. Биринчи тоифага эртак, достон, афсоналарда қуйланадиган пари мисли қизлар, паҳлавон келбат келишган йигитлар. Баҳтли бўлишга факат уларнинг ҳакки бордек. Гўзал қизларга ҳasad қиляпти, деб ўйламанг. Ҳasad – бошсиз, тилсиз, шохсиз, қиёфасиз маҳлуққа ўхшайди. Ҳasad – инсоннинг қалбига ўргимчакдек ўрмалаб кириб, тўр кўяди. Қалбни куртдай кемириб, адо қиласди. Мен ҳasadдан ҳазар қиласман. Иккинчи тоифага ориқ-семиз, пакана, кўримсиз, хунук кишилар; учинчи тоифага кўр, чўлоқ, майиб, букри одамлар киради. Куюи тоифадаги одамлар умид билан дунёга келган, улар ҳам худойимнинг яратган беозор

бандалари. Уларнинг ҳам кўксида гупиллаб уриб турган юраги бор, тирик туйғулари, ҳиссиётлари, эҳтирослари бор. Уларнинг ҳам қалби кимгадир талпинади, кимнидир қўмсайди, эркалашни, эркаланишни истайди. Кўнгил қўйган кишиси билан баҳтли бўлишни истайди. Ёшим ўттиздан ошибди-ки, бирор киши севаман, деб ортимдан эргашмади. Сени севаман, деб мажнунтолнинг тагига учрашувга чақирмади. Сени севаман, азизам, деб қулоғимга шивирламади. Сени жонимдан ортиқ севаман, деб қалбини очадиган йигитни йиллар кутдим, кутдим (*момо кўнгли бузилиб йиглаб, эшишиб туради*), лекин бу улуғ сўзни ҳеч ким айтмади. Менинг ҳам севиб-севилишга ҳаққим бор эди-ку!

Чонна ма. Мен сизни жонимдан ортиқ...

Момо (*йиглаб*). Холбека, отанг келди!

Холбека. Энди нима қиласиз?

Момо. Қочинглар, бўйларингдан айланайлар! (*Кўз ёшини артади*.)

Чонна ма. Иштон-кўйлаксиз қаерга қочаман?

Момо. Қочишга ярамайдиган бўлиб қолган бўлсангиз, бирор жойга кириб беркининг!

Чонна ма. Қаерга беркинаман?

Момо. Ана, сабзи ўрага кириб беркининг!

Чонна ма. Ҳа, пешонамдан айланай-а! (*Ўрага кириб кетади*.)

Момо (*Холбекани четга тортиб шивирлайди*). Отангнинг пўстини билан телпагини кийиб чиқ!

Холбека (*пичирлаб*). Яна нима хунар кўрсатмоқчисиз?

Момо. Тезроқ айтганимни қил!

Холбека. Э-э, йўқ!

Момо. Бўйингдан ўргилай, бу ерда бир сир бор, кейин хурсанд бўласан, тез бўл!

Х о л б е к а. А, ҳозир! (*Кириб кетади.*)

М о м о. Вой иним-ей, бўзчининг мокисидай ҳеч тинмадингиз-тинмадингиз-да! Яна қаерингиз узилди?

Х о л б е к а (*эркакча кийиниб чиқади.*) Негадир дилим хира бўлиб, кўнглим ғаш бўлиб қайтиб келдим (ўз овозида тичирлаб). Энди нима қиламан?

М о м о (*тичирлаб*). Отангнинг заранг таёғини олиб, қаллифингни ўрадан қувиб чиқар, таёқ билан елкасига айлантириб сол!

Х о л б е к а (*таёқ олиб, эркакча овозда*). Сабзи ўрага бирор кириб кетгандай бўлди?

М о м о. Ўрада ҳеч ким йўқ, у ёққа борманг.

Х о л б е к а. Бир бориб кўрай-чи.

М о м о. Адашиб бошига уриб кўйма, боши керак бўлади!

Х о л б е к а. Ўрага беркиниб ётган номард ким?

М о м о. Билмадим, айланай.

Х о л б е к а. Мен сизга онаси бир мартаям ўпмаган қизимни ишониб кетсан... Чиқ ўрадан, кимсан?

Ч о н на м а. Чоннамаман! (*Ўрадан чиқиб, айланиб қочади.*)

М о м о. Ҳой иним, шайтонга ҳай беринг!

Х о л б е к а. Чўпоннинг оёғи етмаса, таёғи етади, дейдилар! Мендан қочиб қутулиб бўпсан, хўкиз! (*Таёқ билан уради.*)

Ч о н на м а. Ох, энажон, ўлдим! (*Ерга танна тушиб ётади.*)

М о м о. Молнинг тапписидай ерга ёпиштириб кўйдингиз-ку, бечорани.

Х о л б е к а. Тезак бўлса, ўчоққа солиб ёқасиз!

М о м о. Вой, ўлдириб қўйдингиз боламни! (*Чоннаманинг ёнига тиз чўқади.*)

Х о л б е к а. Йўғ-е, ўлмагандир, елкаси қимирляяпти (ағдариб қўксига қулоқ солади). Нафас оляпти.

Чоннама. Қайнотажон, мен ҳали тирикман (*туриб қочади*).

Холбека. Тұхта, энағарнинг боласи, тұхта! (*Кувади*.)

Чоннама. Тұхтамайман, яшашни хоҳлайман! (*Томоша залига тушиб қочади*).

Холбека. Тұхта, ушлаб олсам, бутингни айириб, деворга ёпаман!

Момо. Ҳай, ҳай күевнинг бир нимаси тушиб қопти.

Холбека (*ҳайрон*). Нимаси тушиб қопти?

Момо (*калишини құлига олиб күрсатади*). Йиртиқ калиши тушиб қопти!

Холбека (*Чоннамани елкасидан ушлаб олади*). Менинг қизимга қаллиққа келадиган күчкорчанинг оғзини уриб, синдираман!

Чоннама. Қайнотажон, қўйворинг, иккинчи қаллиққа келмайман.

Момо (*ҳаллослаб етиб келиб, орага тушади*). Вой-вой чопавериб, ичим куйиб кетди-я. Қўйворинг бирорнинг боласини.

Холбека. Жўпкарчилик қилганингиз учун ҳозир ҳаққингизни оласиз!

Момо. Айримчига бир мушт, дегандай, менга ҳам бир калтак тушиб қолмасайди.

Холбека. Ҳой бола, кўзларимга қара, каллангни бедананинг қалласидек суғуриб оламан.

Чоннама (*бошини эгиб*). Кўзингизга тик қаролмайман.

Холбека. Қизимни яхши кўрасанми?

Чоннама. Жонимдан ортиқ яхши кўраман.

Холбека. Қаерда кўргансан, серка?

Чоннама. Ҳеч қаерда.

Х о л б е к а. Ҳеч қаерда кўрмаган бўлсанг, қандай яхши кўрасан, така?!

Ч о н н а м а. Узун тунлар тушимда кўриб, яхши кўриб қолганман.

Х о л б е к а. Тушимда кўриб? Нима бало, Мажнун-мисан?

Ч о н н а м а. Гўрўғлиман!

Х о л б е к а. Ҳозир гўрга тиқиб қўяман!

Ч о н н а м а. Гўрўғли Юнус парини тушида кўриб, яхши кўргандай, қизингизни тушимда кўриб, яхши кўриб қолган бўлсам, нима қиласай?

Х о л б е к а. Яхши кўраман, деб алдасанг, бошингни сапчадай узиб оламан, қизимнинг олдига юр.

Ч о н н а м а. Алдасам, нина бўйи жардан йиқилиб ўлай (*оқсоқланмай юради*).

Х о л б е к а (*ҳайратланиб*). Шошма, сен ҳали маймоқ эдинг-ку?

Ч о н н а м а (*ёлғондан ажабланиб*). Вой, калтагингизнинг зарбидан тош қотган асаб томирларим тирилиб, оёғим тузалиб кетди.

Х о л б е к а. Тавба, чўлоқларни калтаклаб тузатадиган таёқ!

М о м о. Бу дунёда ҳар бало бўлиши мумкин.

Ч о н н а м а. Оёғим тузалганига ўзим ҳам ҳайронман, қайнота!

Х о л б е к а (*таёги билан дўқ қилиб*). Ҳали қайнота дема-ей! Калтакнинг учida дандаракдай ўйната-ман!

М о м о. Ёшлиқ қилиб бир “Қаллик ўйин”ига келса келибди-да, уриб ўпкасини тўкманг.

Х о л б е к а (*бўйнидан сиқиб кўтариади*). Жўжанинг бўйнидай бир сиқим бўйнинг бор экан, бир сиқсам жонинг чиқиб кетади, жўжаҳуроз!

М о м о. Ҳой иним, жони ўзига қолсин, тўрва-тўрва пушаймонлар еди.

Ч о н на м а. Э-э-э, индамаса одамни эзверасизми? (*Холбеканинг қўлидан силтаниб чиқади*) Қайнотажон (*тиз чўкади*), хоҳласангиз, дорга осинг, хоҳласангиз ўтда ёқинг, хоҳласангиз бошимни кесинг! Қизингизни севиб қолдим. Севаман! (*Бошини эгади*.)

Х о л б е к а. Ох, моможон. Мен ҳам энди чидолмайман! (*Бошидан телпагини олади*.) Бу кишимни ортиқ қийнолмайман (*Узун соchlари ёйилиб кетади*.)

М о м о. Эркакнинг деви бор, деб айтгандим-ку, қизим!

Ч о н на м а. Тушунмадим, қайнотам қизга айланиб қолдими?!

Х о л б е к а. Энди эркак бўлмайман! (*Уялиб, юргурганча чиқиб кетади*.)

Ч о н на м а (*хафа бўлиб*). Бироннинг кўзига суртган боласини қийнаб, бунча макр-хийланинг нима кераги бор эди.

М о м о. Бу макр-хийла эмас, аждодларимиздан қолган муқаддас одат – “Қаллик ўйин”!

Ч о н на м а. Тонг ҳам отди, кетсам бўладими?

М о м о. Устингизни алмаштириб чиқинг!

Ч о н на м а. Хўп (*кириб кетади*).

М о м о. Худога шукр, тонгда шабнамдек тиник муҳаббат туғилди. Икки ёрти юракни бир бутун қилдим. Чоннама билан Холбеканинг “Қаллик ўйин”и тилларда достон бўлиб қолади. (*Урчуқ, ип, пахтани қийиқчага солиб тугади. Тугунчани бошига қўйиб, кета бошлайди. Холбека билан Чоннама ясаниб чиқади. Иккаласи бирдан шу сўзни дейди*.)

Х о л б е к а. Чоннама. Йўл бўлсин, моможон?

М о м о. Кўшни қишлоққа баҳт улашгани, болаларим!

Томоша залига тушиб кетади.

П а р д а

---

\* \* \*

## ҚИРМИЗИ ОЛМА

### Икки пардали этнографик томоша\*

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Қурбон момо – 60 ёшда  
Абдураим бува – 65 ёшда  
Рӯшана – 17 ёшда  
Аббос – 19 ёшда  
Сайдабону – 30 ёшда  
Гӯзалой – 30 ёшда

### Биринчи парда

Олмазор. Боғнинг ўртасида бир туп қирмизи олма ғарқ пишиб, оқиб ўтаётган ариққа шохлари эгилиб тушган. Олма тагидаги супада қуроқлардан қилинган кашта ёзилган. Ўнг томондаги ертандир олдида сополдан ясалган, ҳар хил шаклдаги идишлар териб қўйилган. Қурбон момо супада ўтириб тонгда ният қиляпти.

Момо. Икки кундан буён уйимизнинг остонасини кимдир супуриб кетяпти. Эй Худо, осто намга қадами теккан элчининг дили, нияти пок бўлсин! (*Дуо қилиб кириб кетади.*)

Сайдабону (*кириб ҳиргойи қиласи*):

---

\* Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Кайковуснинг “Қобуснома”, М.Қодировнинг “Ўзбек халқ томоша санъати” асарларидан фойдаланилди.

Тонг саҳарда турайин,  
Яхши ният қилайин.  
Момоларим удумин  
Эслаб ёдга олайин.  
Бисмилло, деб бошладим,  
Қамишдан бел боғладим,  
Қобилгина ўғлимга  
Оқила қиз изладим.

Худойимга ёлвордим,  
Бокира қиз сўрадим,  
Орзу-ҳавас кўрай, деб  
Бўсағадан ҳатладим.  
Остонасин поклайнин,  
Кўнглига йўл топайин.  
Умидларим ушалиб,  
Муродимга етайин.

Остонани супура бошлайди.

**М о м о** (*секин келиб Саидабонуни маҳкам уйлайди*).  
Остонамни супуриб кетадиган “элчи”ни қўлга туширдим-ку!

**С а и д а б о н у** (*қўлидан чикмоқчи бўлади*). Кўйвординг, моможон!

**М о м о.** Урф-одатларимиз бўйича қўлга тушган “элчи”нинг юзига қора суркашган. Юзингизга озгина кора суртаман, чидаб турасиз, жоним отим! (*Қозоннинг тагидан қоракуя олади*.)

**С а и д а б о н у.** Одатларимиздан ўргилай. Суртинг, моможон! (*Сунургини четга қўйиб юзини тутади*.)

**М о м о.** Ўзингиз ҳам ойдеккина экансиз, яна ҳам ойдай қилиб қўяй! (*Қора суртади*.)

**С а и д а б о н у.** Остонангиздан ноумид қайтмасам бўлди.

**М о м о.** Иримимизни қилдик, энди юз-қўлингизни чайиб олинг! (*Офтобада сув тутади*.)

**С а и д а б о н у.** Моможон, одамни уялтирунг!  
Офтобани ерга қўйинг, ўзим юваман.

**М о м о.** “Меҳмон – атойи Худо” дейдилар, хижолат бўлмасдан қўлингизни тутинг! Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! (*Сув қуяди*).

Сайдабону. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!  
(Қўлини ювади.)

Момо (*сочиқ тутади*). Сиз супага чиқиб ўтиринг,  
мен ҳозир дастурхон, нон-чой олиб чиқай!

Сайдабону. Ҳеч нарсага овора бўлманг, моможон!

Момо. “Эрталабки муштдан ҳам қайтма” дейдилар  
(*кириб кетади*).

Сайдабону (*кўрпачанинг тагини кўтариб кўради*). Ушоқ-пушоқ тўкилгани йўқ! (*Гиламнинг тагини кўради*.) Тушиб қолган соч, чанг-панг ҳам йўқ (*ўчоқ бошини кўради*). Суприндилар уйилиб кетмаган (*ҳовлини айланаб кўради*). Ҳаммаёқ саранжом-саришта.  
Эл мақтаганича бор экан! (*Супага чиқиб ўтиради*).

Момо (*дастурхон, чой, нон олиб чиқади*). Ичингиз  
қизиб қолмадими, жоним отим?

Сайдабону. Йўғ-ей! Фариштали ҳовлингизда  
хузур қилиб ўтирибман.

Момо. Барака топинг, жоним отим! (*Дастурхонни  
ёзиб, чой қуймоқчи бўлади*).

Сайдабону. Чойнакни менга беринг, мен қуйиб  
узатай.

Момо. Сиз уйингизда чой қуйиб узатасиз, жоним  
отим (Чойни уч марта қайтаради). Биринчиси – лой,  
иккинчиси – мой, учинчиси – чой! “Олдини отангга  
берма” дейдилар (*чой қуйиб ўз олдига қўяди, бошқа  
тиёлага чой қуйиб узатади*). Чойдан ичинг!

Сайдабону. Табаррук қўлингиздан айланай,  
моможон!

Момо. Ўғил-қизларингиз чопқиллаб-чопқиллаб  
юришибдими?

Сайдабону. Шукр, моможон! Ўзингиз яхши-  
мисиз? Одамларга баҳт, таҳт, меҳр-оқибат улашиб чар-  
чамаяпсизми?

М о м о . Худога шукр, жоним отим!

С а и д а б о н у . Илоё, дунё тургунча туриңг! Сиз...

М о м о . Сўзимни кўнглингизга олманг-у...

С а и д а б о н у . Тушундим. “Мақтамасдан мақсадга ўт”, демоқчисиз.

М о м о (*кулиб*). Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзиди.

С а и д а б о н у . Неварангизнинг сулувлиги, ақл-фаросати, чеварлиги, тоза-покизалиги тилга тушиб, бизнинг узоқ қишлоққа ҳам етиб борган. Неварангизнинг қўлини ўғлимга сўраб қулчиликка келдим.

М о м о . “Кулчиликка?” Қайси қишлоқдансиз?

С а и д а б о н у . Ҳув, анави тоғлар ортидаги “Гулдара” қишлоғиданман.

М о м о . Ўғлингиз невара қизимни кўрганми?

С а и д а б о н у . Йўқ! Ҳусну жамолининг таърифини эшитиб ошиқ бўлиб қолган.

М о м о . “Мулкини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол!” дейдилар машойихлар. Невара қизимнинг ота-онаси шаҳарда насибасини териб ейиш учун овораи жаҳон бўлиб юришибди. Мени ёлғиз қолмасин, деб қизи бир ёшга тўлиши билан менга бериб кетишган. Неварамни қалб кўрим билан иситиб, меҳрим билан эркалаб, оёқларига кирган тиконни киприкларим билан олиб катта қилганман. Ўғлингиз невара қизимни кўрмаган бўлса, мабодо тақдир кўшган бўлса, “Сўнгти пушаймон – ўзингта душман” дейдилар. Пушаймон бўлиб юрмайсизларми?

С а и д а б о н у . Ўғлим фақат сизни неварангизга уйланаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб олган.

М о м о . Хўжайнингиз ва ўзингизнинг касб-корингизни билсам бўладими?

С а и д а б о н у . Хўжайним мактабда тарих ўқитувчиси, мен адабиётдан сабоқ бераман.

М о м о. Улуғ қасбнинг этагини тутган экансизлар.  
Ўғлингиз нима иш қиласидилар?

С а и д а б о н у. Ўғлим сиртдан олий ўқув юртида  
ўқийди. Тугатай деб қолди. Билим юртида фалсафадан  
дарс беради.

М о м о. Зотларингиз тозага ўхшайди, жоним отим!

С а и д а б о н у. Етти пуштимизнинг ҳаммаси илмли  
одамлар бўлишган.

М о м о. Етти пуштингизни биласизми, ўзи?

С а и д а б о н у (*шошиб*). Йўқ, ҳа! Отамнинг  
оталарининг исми – Абдулла, у кишининг оталарининг  
исми – Жўра, у кишининг оталарининг исми.. исми.. узр,  
моможон, билмас эканман!

М о м о. Э, аттанг, аттанг! (*Эшик тақиллайди*.)

С а и д а б о н у. Туф-туф-ей (*ёқасига туфлайди*).  
Юрагимни ёрди-ей!

М о м о. Эшик очиқ. Кираверинг, жоним отим.

Г ў з а л о й (*кириб*). Курбон кампирнинг “кошонаси”  
шуми? (*Кесатиб сўрайди*).

М о м о. Адашмадингиз, кираверинг!

Г ў з а л о й (*энг охирги фасонда кийинган, қўлида*  
уяли телефон, кўзига қора кўзойнак тақиб олган).  
С-с-сомилайкум!

М о м о. Сўзидан тортиб, ишигача чала-я! Қани,  
супага чиқинг.

Г ў з а л о й. Супада ўтиrolмайман, оёғим уюшиб  
қолади. Ялпайиб ўтирсам, уст-бошимнинг дазмоли ҳам  
синиб қолади. Бу уйда устул-пустул деган нарсалар  
борми, (*четга қараб*) қишлоқилар!

М о м о. Йўқ! (*Ховлига қараб*.) Ана кесилган тўнка!  
Ўтиринг! Ўзингиз ҳам ўша тўнқага ўхшайсизми  
дайман!

Г ў з а л о й. Одамни шахсиятига тегманг, кампиргина!

М о м о. Нима қилиб юрибсиз, жоним отим? Менинг ҳовлимда итингиз адашдими?

Г ў з а л о й. Итим билан келмадим. Итимнинг юнгларини укладка қилдириш учун “дамский салон”га ташлаб келдим. Ҳар дақиқа пул, вақт зик, мақсадга ўтсак.

С а и д а б о н у. “Культурний” одамлар олдин ўзларини таништирар эдилар.

Г ў з а л о й. Асли исмим Галичка! Ҳозирда Гўзалойман!

М о м о. Шамол қаёқдан эсса, ўша томонга қараб эгилаверар экансиз-да, жоним отим!

Г ў з а л о й. Ҳозир кўпчилик бир думалаб қизил, бир думалаб оқ, бир думалаб яшил бўлиб яшаяпти. Эгилмаса яшаб бўлмайди.

М о м о. Шўргинанг курсин-а! Асли насабингизни биласизми?

Г ў з а л о й. Отам – ўзбек, онам – татар, онамнинг онаси – ўрис, отамнинг онасининг онаси – армани.

М о м о. Бўлди, тушундим! Чатишмаларданман денг?

Г ў з а л о й. Сара дурагайларданман!

М о м о. Муддаога ўтинг, жоним отим!

Г ў з а л о й. Совчи, эскичасига қулчиликка келдим. Қизингизни лойдан ясаган ўйинчоқ-қўғирчоклари шаҳардаги кўргазмада “Гран При” олди. Қизингизнинг келажаги бор. Ўғлимга олиб бермоқчиман. Қизингиз ўйинчоқ-қўғирчоклар ясаб бераверади. Мен жарақ-жарақ пул қиласман. Бизнес қиласиз, кампиргина! Тез орада миллионер бўлиб кетамиз (*севиниб*).

М о м о. Асл башарангиз энди очиляпти. Қизимни кул қилиб олмоқчимисиз? Шунча кул бўлганимиз етар!

Г ў з а л о й. Қизингиз “искусства”сини бутун дунёга олиб чиқаман. Дунёга машҳур, баҳтли инсон қиласман.

Бу тўрт девор ичида умри ўтиб кетмасин дейман-да,  
кампиршо!

М о м о. Неварам шу тоғлар орасидаги қишлоқда  
ҳам баҳтини топиб яшайди. Ҳамқишлоқлариға, юртига  
нафи тегиб яшашнинг ўзи ҳам – катта баҳт!

Г ў з а л о й. Буларга бир нарсани тушунтириб  
бўлмайди (*четга қараб*). Баран-да, баран!

С а и д а б о н у (*эшишиб қолади*). Булар ҳеч нарсага  
тушунмайди, деб ўйламанг! Оғзингизга қараб гапиринг,  
ойимтилла!

Г ў з а л о й. Э-э-э, сен кимсан?!

С а и д а б о н у. О-одамман, муаллимман...

Г ў з а л о й. Менга қара, муаллим! Сайрамасдан  
жим ўтири! Топганингта мушук офтобга чиқмайди-ю,  
тилларинг бир қарич!

С а и д а б о н у. Бир тийин топсам ҳам пешона терим  
билан, ҳалол луқма топиб бола-чақамни боқаман. Сен-  
ларга ўхшаб бирининг дўпписини бошқасига кийди-  
риб, ҳаром пул топмайман!

Г ў з а л о й. “Сказка”нгни ўқувчиларингга ўқитасан.  
Ҳалол йўл билан бола-чақа боқиб бўладими?

С а и д а б о н у. Бир парчагина еримиз бор. Дарсдан  
кейин болаларим билан ишлаймиз. Худога шукр, ега-  
нимиз олдимизда, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ!

Г ў з а л о й. Малимларга гап топиб бўлармиди!  
(*Овозини баландлатади.*) Ўчир овозингни!

М о м о. Ҳой, ҳой, жоним отим. Менинг уйимда ҳеч  
ким овозини баланд қўйиб гапирмаган. Бир кун жанжал  
бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади.

Г ў з а л о й. Карочи, неварангизни ўғлимга берасизми?

М о м о. Етти пуштингизни биласизми?

Г ў з а л о й. Етти пушт! Нима у?!

**М о м о.** Сизга қандай тушунтиrsам. Бир йигит жудаям гўзал, нотаниш қизни севиб қолибди. У қизнинг ишқида ўтдай ёниб онасига дардини ёрибди. Онаизори отаси билан маслаҳатлашиб, қизнинг насл-насабини суриштирибди. Гўзал қизнинг ота-онаси рисоладаги инсонлар экану, лекин қизнинг онасининг онаси суюқ бўлган экан. Йигитнинг отаси қизнинг зоти тоза эмас экан, олиб бермаймиз, дебди. Йигит эса ўламан саттор, шу қизни оламан, деб туриб олибди. Ота-она норизо бўлса ҳам, ўғлининг кўнглига қараб, суйганини олиб беришибди. Йигит қирқ кун хотинини қошу кўзига қараб, чиллада ўтирибди. Ўғил савдо-гарлик билан шуғулланар экан. Чилладан сўнг ўғил ўзга шаҳарга жўнайдиган бўлибди. Бозордан тия сотиб олмоқчи бўлибди. Илгариги вақтларда ким бозорда мол сотса айбини, зотини айтиб сотар экан. Йигит харидор бўлган түяning эгаси: “Туям зотдор, бақувват, лекин бир айби бор, онасининг онаси кўлмак кўрса ётиб оладиган одати бор эди”, дебди.

**Г ў з а л о й. Кўлмак нима?**

**М о м о.** Йиғилиб қолган сув, жоним отим! Йигит тияни сотиб олиб, шойи-шаббаларни ортиб, карвонга қўшилиб йўлга тушибди. Карвон Сирдарёning саёз жойидан ўта бошлабди. Йигитнинг тияси дарёning ўртасига бориб ётиб олибди. Қанча уринмасин, тияси ўрнидан турмабди. Йигит алам қилганидан пичоини олиб түяning бўғзига пичноқ тортиб юборибди...

**Г ў з а л о й. Вой, ужас!**

**С а и д а б о н у. Эссиғина!**

**М о м о.** Йигитнинг кўнглида хотинига шубҳа уйғониб, яrim йўлдан уйига қайтибди. Оёқ учida секин уйга кириб қараса, хотини бир келишган йигит билан ўйнашиб ўтирган экан.

Г ў з а л о й. Кап-катта кишилар ёш болага ўхшаб ўйнаб ўтиришибдими?

М о м о. Бу чатишма пардали гапга ҳам тушун-майди-я! Ўйнаш тутган экан-да.

Г ў з а л о й. Ну, что!

С а и д а б о н у. Уятсизлар-ей!

М о м о. Йигит номусига чидай олмай, шартта пичоғини суғуриб, хотинини ҳам, йигитни ҳам түядек бўғизлаб ташлабди.

Г ў з а л о й. Вой, палач!

М о м о. Насл-насабга, зотига эътибор бермасликнинг оқибати ана шундай бўлади.

С а и д а б о н у. Бу ривоятми, моможон?

М о м о. Бўлган воқеа, жоним отим!

Г ў з а л о й. Қулоққа “лапша” осмасдан очиғини айтинг, қизингизни ўғлимга берасизми?

М о м о. Сизнинг юриш-туришингиздан, гап-сўзларингиздан ачиған қатиқнинг ҳиди келиб турибди. Мен айнигандарга қиз бермайман, жоним отим!

Г ў з а л о й. Менинг пулларимнинг куч-қудрати ҳамма нарсага етади. Мен барибир неварангизни ўғлимга хотин қилиб олиб бераман. Как осёл ишлатаман. “Айниганд”, деб ҳақорат қилганингиз учун қонун олдида жавоб ҳам берасиз (*жсаҳл билан чиқиб кетади*).

М о м о. Тутунинг чиқмай ҳар бало бўлгин-а. Таъбимни хира қилиб кетди-я!

С а и д а б о н у. Э-э, сиқилманг! Олдингиздан олиб, орқангизга ташланг!

М о м о. Бемаза гапни эшитсан, таъбим хира бўлиб уч-тўрт кун ўзимга келолмай юраман (*хафаланиб қолади*). Илмли бўлсангиз ҳам етти пуштингизни билмас экансиз. Кўнглингизга олманг, сизга ҳам невара қизимни беролмайман, жоним отим!

Сайдабону Моможон, бир қўшиқ куйлаб берай, юрагингиз юшаб рози бўлганингизни сезмай қоласиз.

Момо. Йўқ, жоним отим, тилимдан кофир қилманг!

Сайдабону Неварангизни бермасангиз ҳам эшитинг, моможон!

Момо. Ҳа, майли, айта қолинг!

Сайдабону. Бош устига! (*Қўшиқ куйлайди.*)

Ҳижрон азобин юкидан,  
Хипчиндек қайишиб яшайман.  
Нолаю афғони бўғзида,  
Бўйрадек майишиб яшайман.

Васлингни қўмсаган қалбимни,  
Қанотин қайириб яшайман.  
Соғинчдан сарғайган сабрни,  
Умиддан айириб яшайман.

Ҳар баҳор тирилган туйғунинг,  
Тилини суғуриб яшайман.  
Жисмимнинг асири руҳимни,  
Алдовга кўндириб яшайман.

Севгилим муҳаббат гулларин  
Дилимда сўлдириб яшайман.  
Ишқингда Машрабдек девона  
Шоирни ўлдириб яшайман.

Момо. Барака топинг. Юраккинамни сел қилиб юбордингиз. Ширинафасингиз бор экан, жоним отим.

Сайдабону (*хурсанд бўлиб*). Энди розимисиз, моможон?

Момо. Мени тўғри тушунинг. Мен барибир етти пуштини билмаганга невара кизимни беролмайман, жоним отим!

С а и д а б о н у (ҳафсаласи тир бўлиб). Балки ўйнаб берсам рози бўларсиз, моможон?!

М о м о. Овора бўласиз-да, жоним отим!

С а и д а б о н у. Текин-ку. Пул сўрамайман, моможон!

М о м о (кулиб). Майли, ўйнай қолинг!

С а и д а б о н у. Маза қилиб томоша қилинг. (“Доира” рақсига тушади, ҳансираб чарчаб қолади.) Розимисиз, моможон?

М о м о. Чиройли ўйинга тушар экансиз.

С а и д а б о н у. Розисиз-а, а-а-а?!

М о м о. Йўқ дедим-ку!

С а и д а б о н у. Лафзи ҳалол, бир сўзли одам экансиз. Қанийди сиздек имони бут, Оллоҳдан кўрқкан инсонлар кўп бўлса. Лекин, моможон, зотини, насл-насаб суриштириб, болаларимизнинг кўнглини синдириб қўймаймизми?!

М о м о. Мен ўйлаб топганим йўқ. Қадим-қадимдан шоҳлар шоҳлар билан, беклар беклар билан, хўжалар хўжалар билан, қорачалар қорачалар билан куда бўлишган. Насл-насаб тоза бўлган. Уруғ айнимасин, дейишган. Тоза уруғдан эса тоза насллар дунёга келган. “Асллик – наслдандир” дейилади Ҳадиси шарифда, жоним отим!

С а и д а б о н у. Зиёли одам бўлсак ҳам “майда нарсалар”, деб буларга бефарқ бўлган эканмиз-да, моможон?!

М о м о. Ҳаётда майда нарсаларнинг ўзи бўлмайди, жоним отим. Эътиборсизлигимиз, бефарқлигимиз туфайли, ҳаром-харишни фарқига бормай, “бисмилло” сиз болалар кўп туғиляпти. Қулоғига аzon айтилмаган болалар кўпайиб кетмоқда. Насл-насабининг тайини йўқлар кўпайиб, уруғ айниб боряпти.

С а и д а б о н у. Ўқиганимиз билан уқмаган эканмиз-да?! Сиздан ҳаётий сабоқ олишимиз керак экан, моможон!

М о м о. Сиз адабиёт, хўжайинингиз тарих муаллими экан. Ёш ниҳолларга уруғ-аймоқ, насл-насаб ҳақида илм беринглар, жоним отим!

С а и д а б о н у. Унақа фан йўқ-да, моможон.

М о м о. Ўзингиз янги фан ўйлаб топинг.

С а и д а б о н у. Тушундим. Сафарим қариди, бир дуо беринг. Кета қолай.

М о м о. Дилингизга озор берганим учун узр. Оғрин-майгина кетинг, жоним отим.

С а и д а б о н у. Нега оғринай, моможон!

М о м о. Илоҳи омин! Кўп берсин, кўл берсин, эсонлик-тутгалликни берсин. Тинчлик-омонликни берсин. Ҳар ким тилаган ниятига етсин, бирига минг берсин, давлати зиёда бўлсин. Оллоҳу акбар! Хуш кўрдик!

С а и д а б о н у. Яна кўришгунча омон бўлинг (*чиқиб кетади*).

Б у в а (*кириб келади*). Қурбоной момо!

М о м о. Лаббай, Абдураим бува!

Б у в а. Остонангизни ҳатласак бўладими?

М о м о. Бош устига, қош устига, кўз устига, жон устига!

Б у в а. Ташаккур, доно момо!

М о м о (*ўтиришиади*). Қадамларига ҳасанот!

Б у в а. Эшигингизга аёллар кириб чиқишаётки?

М о м о. “Қизнинг иси – гулнинг иси”! Неварагинам-нинг бўйи етиб, бўй таратиб қолди.

Б у в а. Бўйи етган қиз – учирма бўлган күш, дейдилар.

М о м о. Сиз ҳам қулчиликка келдингизми?

Б у в а. Дилингизни ранжитсан... (*уялиб ерга боқади*).

М о м о. Қулогим сизда!

Б у в а. Қалбларига озор берсан узр! (*Яна уялиб ерга қарайди*.)

М о м о. Айттар сўзни айтинг, айтмас сўздан қайтинг, тортинманг!

Б у в а. Мен қулчиликка эмас, сизга қул бўлгани келдим.

М о м о (*енги билан юзини тўсади*). Уялинг-ей!

Б у в а. Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ.

М о м о. Ҳм, гулнинг биттан ерида ҳам қадри йўқ.

Б у в а. Бебаҳра гулдан япроқ яхши.

М о м о. Бевафо дўстдан таёқ яхши.

Б у в а. Бевафонинг кўнгли бегона.

М о м о. Бевафога кўнгил қўйган девона!

Б у в а. “Ёлғиз қарғанинг уни чиқмас!”

М о м о. Ҳа. “Ёлғиз ғоз товуш бермас!”

Б у в а. “Ёлғиз ёғоч уй бўлмас!”

М о м о. “Ёлғиз уйда қозон қайнамас!”

Б у в а. “Ўтган умр – отилган ўқ!”

М о м о. “Умр – ариқдан оқсан сув!”

Б у в а. Умрим умр бўлди, соқолим қўмири бўлди.

М о м о. От айланиб қозифини топар!

Б у в а. Умиди йўқнинг иймони йўқ!

М о м о. Қариганда суюлмайлик!

Б у в а. Зорим бору зўрим йўқ!

М о м о. Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзиди.

Б у в а. Кечирасиз, Қурбон момо (*хўрсаниб, бошини ҳам қилиб чиқиб кетади*).

М о м о (*секин хиргойи қиласи*):

Сув оқару сув оқар,

Қуруқ сўз кимга ёқар.

Севганимга боқ десанг,

Уалиб ерга боқар.

Сув оқардан, сув оқмас,

Қуруқ сўз кулоққа ёқмас.

Сўлиб қолган гулим бор,  
Булбулим унга боқмас!

М о м о. Рўшана-ю...

Рўшана. Лаббай, моможон!

М о м о. Эчкиларингни соғдингми, жоним отим  
(кириб кетади).

Бир тишлам тишланган олмани қўлида ушлаб  
А б б о с кириб келади.

А б б о с. Ким бор? (*Ҳеч ким жавоб бермайди,*  
*овозини баландлатади.*) Бу боғнинг эгаси борми?

М о м о (шошиб чиқади). Қарилик қурсин, ёш бир  
жойга бориб қолганда қулоқ ҳам оғирлашиб қолар экан.  
Келинг, жоним отим.

А б б о с. Ассалому алайкум, нур юзли моможон!

М о м о (ҳазиллашиб). Ҳақ саломингиз бўлмаса,  
икки ямлаб бир ютар эдим.

А б б о с. Фариштага ўхшайсиз-ку!

М о м о. Сиздек ширин тил, хушрўй, хушқомат йи-  
гитни кўрмаган эканман, қаердан келиб қолдингиз?

А б б о с. Адир ортидаги Чамбил кишлоғидан-  
ман.

М о м о. Кимсиз? Кимлардан бўласиз, жоним отим?

А б б о с. Отим Аббос. Отамни исмлари Учқун,  
бобомни исмлари Болта.

М о м о. Бобонгизнинг оталарининг исмларини  
биласизми?

А б б о с. Хушвақт бобо.

М о м о. У кишининг оталарининг исми нима?

А б б о с. Исмоил бобо, у кишининг оталарининг  
оти – Бўз бобо, у кишининг оталарининг оти – Иброҳим  
бобо.

М о м о. Баракалла, жоним отим. Ҳозирги замонда етти пуштини биладиган одамлар камдан-кам топилади.

А б б о с. Бувам етти авлодингни, етти томирингни билиб, қулоғингга қуийб ол, деб кўп тайинлайдилар.

М о м о. Бобонгиз иймони бут зотлардан экан.

А б б о с. Бувамни қўрсангиз Хизрни қўргандай бўласиз.

М о м о. Умрингиздан барака топинг, жоним отим.

А б б о с. Ташаккур, моможон!

М о м о. Сўфи аzon айтмасдан... Хуш келибсиз?

А б б о с. Сизни тушундим, моможон! “Ҳар кишики куёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур”, дейишган. Саҳар туриб ҳовлимиздаги оқиб ўтаётган ариқ сувида чайниниб, артиниб, сув оқишини завқлананиб томоша қилиб ўтирган эдим. Сув юзида қирмизи, чиройли олма оқиб келаётганини кўриб қолдим. Қирмизи олмани гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб, тўлқинланиб оқаётган сувга қалқиб келиши мени жуда завқлантириди. У олмани тутиб олиб бир тишлидиму мазасини билиб, хушимга келдим. “Мен нима қилиб кўйдим, бу олманинг, албатта, эгаси бор. Ўзимники бўлмаган бир нарсани қандай қилиб, эгасининг изнисиз тишлидим”, деб ғафлатдан шу он уйғондим-да, сув оқиб келаётган томонга юрдим. Қўлимдаги олма сизнинг боғингиздаги сувга шохлари эгилиб турган қирмизи, холдор олмага ўхшар экан.

М о м о (*олмани қўлига олиб қарайди*). Бу қирмизи олма фақат бизнинг боғда битган, жоним отим!

А б б о с. Сиздан ҳалоллик тилай ёки ҳақини берай, деб сизни истаб келдим.

М о м о. Баракалла, жоним отим!

А б б о с. Сиздан розилик сўрайман, олманинг ҳақини бераман. Ёки бу ғафлатим сабабли сиздан рухсат олмай қилган хатоимни кечиришингизни сўрайман, олмани ҳалол этишингизни истайман.

М о м о. Ҳеч ҳалол этмайман!

А б б о с. Омонлик беринг, моможон!

М о м о. Йўқ!

А б б о с. Олманинг пулини бераман!

М о м о. Керак эмас!

А б б о с. Илтижо қиласман!

М о м о. Мендан изнисиз олмани тишилашга ҳаққингиз йўқ эди.

А б б о с. Фафлатда қолдим, кечиринг!

М о м о. Узрларингиз энди ўринсиз, жоним отим!

А б б о с. Бонингизнинг олмасидан бир тишиладим, холос, моможон! Ҳалол қилинг, ёлвориб сўрайман!

М о м о. Кўнгил қўйган гулингиз борми?

А б б о с. А? Йўқ!

М о м о (*кўнглига бир гап келиб*). Бир тишилам олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир шарти бор.

А б б о с. Сўзланг, моможон!

М о м о. Оғирлик қиласмикин?

А б б о с. Етса молим, етмаса жоним!

М о м о. Молингиз ҳам, жонингиз ҳам ўзингизга сийлов, жоним отим!

А б б о с. Қандай шарт экан?

М о м о. Бир умр пушаймон бўлиб юрманг, дўппини ўнг ёнга қўйиб, яхшилаб ўйлаб, рози бўлинг!

А б б о с. Ичимни қизитмасдан тезроқ айтинг, моможон!

М о м о. Эсингиз қирқ газ осмону фалакка учиб кетмасин!

А б б о с. Пешонамдагини кўраман-да!

М о м о. Менинг кулса оғзидан гул тўкиладиган, ийғласа кўзларидан дув-дув дур тўкиладиган...

А б б о с. Ох, ох (*хуши ёқиб, бошларини сарак-сарак қиласади*)!

М о м о. Ой деса оғзи қийшиқ, кун деса күзи шилпик, қулоғи остида сопқон отса ҳам эшитмайдиган, оғи оқсоқ қиз неварам бор. Ўша неварамни танмахрамликка олсангиз, бир тишлам олма ҳалол бўлди, деяверинг!

А б б о с. Ҳм! (*Жим қолади.*)

М о м о. Ҳа, жоним отим, нафасингиз ичингизга тушиб кетди?

А б б о с. Оҳ! (*Чуқур хўрсинади.*)

М о м о. Ўқ еган Бозиргон полвондек оҳ тортиб юбордингиз?

А б б о с. Ўҳ-ҳ-ҳ!

М о м о. Жон жойингиз куйиб кетдими, жоним отим?!

А б б о с. Йўқ!

М о м о. Изнисиз ейилган луқманинг юки оғир бўлади. Ўз замонасида буюк шуҳрат қозонган Вафо ҳазратлари ҳузурига бир куни сув сотувчи келиб, тиз чўкиб минг андиша билан дебди: “Ҳазрат, сизнинг фарзандингиз менинг мешларимни тешди. Бугун олтинчи мешни жуволдиз (бигиз) билан тешди. Факир одамман, нима қилишимни билмай қолдим.

– Хафа бўлма, болам! Мен чорасини топаман. Мана бу пулга меш сотиб ол. Мен бу хунук ишнинг сабабини билай, – деб мулоҳаза қилиб, ўйлаб ўйига етолмай, хотинини чакириб, бўлган воқеани сўзлаб берибди. – Сиз олиб келасиз, биз еймиз. Ҳаром нарса олиб келинса, сиз олиб келгансиз, барча гуноҳ, айб сиздадир! – дебди хотини.

– Мен ўйлаб хатоимни тополмадим. Яхшилаб ўйлаб кўр! Айб ё менда, ё сенда! – дебди Вафо ҳазратлари.

– Ҳазратим! Менинг эсимга тушди, – дебди ҳаяжонланиб хотини. – Мен ўғлимизга ҳомиладор эканимда

фалончи хонимнига мәҳмонга борган эдим. Ўшандада уларнинг уйида бир пўртаҳол кўрдим.

А б б о с. “Пўртаҳол”и нимаси?

М о м о. Ҳозиргилар “Апельсин”, дейишади.

Катта ёшдаги қария оналардан “агар ҳомиладор аёлнинг кўнгли бирор нарсани тусаса-ю, уни татиб кўрмаса, туғиладиган боласи бир нуқсон билан туғилади”, деган гапни эшитгандим. Мезбондан сўрашга тортиндим, айб ҳисобладим. Боламнинг бирор аъзосига путур етмасин деб қўрқиб, уй эгаси хонимдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида, ёқамдаги тўғноғични олиб хонтахта устидаги пуртаҳолни игна билан тешиб, сувидан озгина тотиндим, – дебди хотини.

– Офарин, хоним! Хатоинг маълум бўлди. Тезда бориб, ўша хонимдан узр сўра! – дебди Вафо ҳазратлари.

– Вой афандим, айб бўлмайдими, шу арзимас ишдан нима бўларди?

– Йўқ, хоним, ул хонимдан бориб ҳалоллик тила! Аллоҳнинг наздида бировнинг ҳақининг катта-кичиги бўлмайди. Ўшавоқеадансўнголти-еттийилўтгач, сенинг тўғноғичинг ўғлингни қўлида бигиз бўлди. У пўртаҳол эса сув сотувчининг меши бўлди”, деб уқтирибди ҳазрат.

А б б о с. Ибратли ҳикоят экан.

М о м о. Ота-боболаримиз бировнинг ҳаққини ейишдан қўрқсан. Иймонли зотлар бўлишган.

А б б о с. Уйланиш тўғрисида улуғларимиз нима дейишган, моможон?

М о м о. “Хотин талаб қилсанг, хотиннинг молини талаб қилмагин. Ниҳоятда хушрўй хотин олмагинки, уни маъшуқ тутарлар”, деганлар Кайковус ҳазратлари.

А б б о с. “Агар хотиннинг хушрўй, меҳрибон ва мақбул бўлса ҳам, ихтиёрингни буткул унга бермагил

ва унинг ҳукми остига кирмагил”, деб ҳам айтганлар ул киши.

М о м о. Миянгиз бут йигитга ўхшайсиз, жоним отим!

А б б о с. Мақтаманг, моможон!

М о м о. Менинг шартим мушкуллик килаётганга ўхшаяпти!

А б б о с. Йўқ-йўқ!

М о м о. Мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманг.

А б б о с. Менинг ота-онам луқмани ҳалоллаб ейишга ўргатишган, моможон! Сизнинг кўнглингизга ҳеч шубҳа келмасин. Неварангизга уйланаман.

М о м о. Баракалла, жоним отим!

А б б о с. Бўлғуси қайлиғимнинг ой жамолларини, гулруҳсорларини кўрсам бўладими?

М о м о (*шошиб қолади*). Кўрманг ҳам, куйманг ҳам! Уйингизга бориб, тўйни тезлаштиринг! Неварамнинг дийдорини чимилдикда кўрасиз.

А б б о с. У ҳам инсон, бозордаги эчки эмас-ку! Кўнглига бир кулок солиб кўрайлик, моможон!

М о м о. Гапингиз ҳам ўқдай-ку, жоним отим!

А б б о с. Иложи бўлса бир кўрай, моможон!

М о м о. Йигитнинг сўзи сингунча, шайтоннинг бўйни синсин, деганлар.

М о м о кириб кетади. Сибизғада куй янграйди. А б б о с ўйинчоқ-кўғирчоқларни, нақш солиб ўйилган мис идишларни, ҳар хил ранг-баранг матолардан қилинган куроқларни синчилаб кўради.

А б б о с (*ўз-ўзига*). Буларни ким ясаган экан, ким тиккан, ким нақш солган? Момонинг бир ўзи бу мўъжизаларни яратса олмаса керак? Бу ерда бир сир борга ўхшайди.

М о м о (*рўмолга ўралган, оқсок қизни олиб чиқади*).  
Оғизлари уймоқдай, лаблари қаймоқдай бир парирўйни  
олиб чиқдим, жоним отим!

А б б о с. Ташаккуримни изҳор этаман, моможон!

М о м о. Ўсма-сурмаларни қўйгунча бироз ҳаялла-  
дик, жоним отим!

Р ў ш а н а (*тутилиб гапиради*). М-м-моможон, м-м-  
мени яс-ясантириб кимнинг олдига бошлаб келдингиз?

М о м о. Сени бир хушсурат йигит чехрангни кўрмок  
учун интиқ экан, жоним қизим.

Р ў ш а н а. М-м-моможон, мени ка-калака қиляп-  
сизми?

М о м о. Кўп гапирма, қизим!

Р ў ш а н а. Т-т-тўрт м-м-мучаси соғ одам билан  
кў-кў-кўриштирманг дегандим-ку! (*Аразлаб кетмоқчи  
бўлади*.)

М о м о. Аразларидан айланай, жоним қизимнинг.

Р ў ш а н а. Ие, ие, ие... (*эркаланади*.)

М о м о. Эркаланишларидан, эрка қизимнинг!

Р ў ш а н а. Иҳ-иҳ-иҳ... (*нозланади*.)

М о м о. Нозларидан, нозли қизимнинг!

А б б о с (*ўз-ўзига*). Таманноси тошни ёради-ку!

М о м о. Мен сенга ёмонликни раво кўрмайман  
(*ушлайди*).

Р ў ш а н а. Кўйворинг, моможон! М-м-мендек бахти  
ямоқнинг дилини эзманг!

М о м о. Сўзимга кулоқ сол, жоним қизим! Бу хушрўй  
йигитнинг таъби латифга ўхшайди. Латиф йигитдан,  
латиф муомаладан латиф муҳаббат туғилади, дейдилар.  
Кўнгилларингга қўл солиб кўринглар, латиф муҳаббат  
туғилиб қолса, ажаб эмас!

Р ў ш а н а. Б-бири кам бўлиб туғилмай м-менгина ўлай!

А б б о с (*ўз-ўзига*). Бири кам бўлса қанийди!

М о м о. Жоним қизим, ўкинма! Умид билан дунёга келган ҳар бир одамнинг бахтли бўлишга ҳаққи бор.

Р ў ш а н а. М-м-менинг ҳаққим йўқ! (*Йиглайди.*) Ҳа, ҳаққим йўқ!

М о м о. Ор-номусдан, уят-андишадан, меҳр-муҳабатдан, вафо-садоқатдан бир дилкаш сухбат қуриб кўринглар.

Р ў ш а н а. М-м-мен ду-ду-дукман-ку! Қанақа сухбат қураман?

М о м о. Ҳеч нарса қилмайди. Инсоннинг суратига эмас, сийратига, зохирига эмас, ботинига қараб баҳо беринглар!

Р ў ш а н а. Мо-мо-моможон, ўзимга ўхшаган ўксик бағирли, кемтиқ тақдирли киши учраб қолар.

М о м о. “Ота-она фармонбардордур! Ота-онанг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдан ота-онангни озгина бўлса ҳам ранжитмагил”, дейишган!

Р ў ш а н а. Мо-мо-моможон, “Бекорчидан Худо безор”, дейдилар. Мени су-су-супага ўтқазиб қўйинг, қуроқларимни қурай (*Момо Рўшанани супага етаклаб бориб, ўтқазиб қўяди*).

А б б о с. Мана бу гўзал сопол ўйинчоқларни ким ясаган, моможон?

М о м о. Рўшанагинам ўз қўллари билан ясаб, қишлоғимизнинг жужуқларига тарқатган, дуо қилиб чалиб ўйнаб юришибди.

А б б о с. Нафис ўйинчоқ-кўғирчоқларни яратган қалб жудаям гўзал бўлса керак?

М о м о. Ҳеч иккиланманг, жоним отим!

А б б о с. Иккиланётганим йўқ, ҳайратдаман.

М о м о. Мана шу қуроқ кашталарни қизим кўнгил кўзлари билан кўриб тиккан. Илоё, дард кўрмасин!

Р ў ш а н а . Ма-ма-мақталган қиз күёвга ёлчи-майди, дейдилар, моможон.

М о м о . Мен ёлғон гапни эмас, ҳақ гапни айтяпман.  
А б б о с . Ҳайратдан тилим лол, моможон!

М о м о . Япроқларнинг шитирлашини, ёмғирларнинг шивирлашини, сувларнинг шилдирашини кўнгил қулоқлари билан эшитади.

А б б о с (*кулимсираб*). Кўнгилнинг ҳам қулоғи борми?

М о м о . Кўнгилнинг қулоғи бор, жоним отим!  
Кўнгил билан эшитсанг, Кўнгил билан кўрсанг, Кўнгил билан сезсанг, хато қилмайсан. Энг қийин йўл – тўғри йўл, дейдилар. Йўлингда адашмайсан. Улуғ уламою авлиёлар ана шундай хислатларга эга бўлганлар.

А б б о с . Донишмандларнинг донишманди экансиз-ку!

М о м о . До-до-доноларнинг доноси, моможоним!

М о м о . Кўйинглар-эй, қариганда вайсақи бўлиб қолибман. Сизлар дилдан сухбат қуриб ўтиринглар!  
Мен сизларга Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” китобида таърифланган қадимий туркий таомни пишириб келаман (*чиқиб кетади*).

## П а р д а

### Иккинчи парда

Биринчи пардадаги сахна. Аббос ўйинчоқ-қўғирчоқларни бирини олиб чалади. Сирли куй тарапади.

А б б о с . Қанақа лойдан қилгансиз бу қўғирчоқларни?  
Р ў ш а н а . О-о-оддий лойдан.

А б б о с . Тупроғини қаердан олгансиз?

Р ў ш а н а . Ч-ч-чамбил қишлоғининг ортидаги дарадан.

А б б о с. Ўзимизнинг даранинг тупроғидан ясалган ўйинчоқлар-қўғирчоқлардан шундай сехрли оҳанг тараладими?

Р ў ш а н а. О-о-она еримизнинг бир сиқим тупроғини олиб, кўзёшларим билан лойни қориштириб, тандирда тоблаб я-я-ясанман.

А б б о с. Тупроғимиз тупроқ эмас, мўъжиза!

Р ў ш а н а. М-м-мўъжиза ҳам гапми, жаннат! Афсонада!

А б б о с. Нега юзларингизни беркитиб олгансиз?

Р ў ш а н а. Ю-ю-юзимни кўрсангиз, хушингиздан кетиб йиқиласиз.

А б б о с. Ҳушим бошимдан учиб кетса ҳам, юзингизни бир кўрай!

Р ў ш а н а. У-у-уялтирган!

А б б о с. Киши қанчалик уялган сари у шу қадар эҳтиромга лойиқдир!

Р ў ш а н а. Д-д-дилда доғ кўтариб юргандан кўра, бетнинг қизаргани маъқул.

А б б о с. Уялинг-уялманг, юзингизни кўриш баҳтига мұяссар бўламан, деган умиддаман.

Р ў ш а н а. Но-но-номус – инсон қалбидаги жами эҳтиросларнинг энг кўрками, севгининг жонидир.

А б б о с. Ҳақиқий баркамол одам нодонларча эмас, дарвешларча севиб қолиши мумкин.

Р ў ш а н а. Му-му-муҳабbat ўлимдан кучлилигини биламиз, аммо у шишадек мўрт ҳамдир.

А б б о с. Ҳаётга муҳабbat уйғотмоқ учун озгина умиднинг ўзи кифоя. Икки-уч кундан сўнг эса умид йўқолиши мумкин, аммо ўргада муҳабbat пайдо бўлади.

Р ў ш а н а. У-у-умид – ноёб туйғу, умидсиз яшаб бўлмайди.

А б б о с. Орамизда муҳабbat туғилиб қолса, ажаб эмас.

Р ў ш а н а. Қ-қ-қайси рангларни яхши кўрасиз?

А б б о с. Оч-яшил, оч-кўк, оч-пушти рангларни яхши кўраман.

Р ў ш а н а. Қ-қ-қайси гулни яхши кўрасиз?

А б б о с. Чиннигулни.

Р ў ш а н а. У-у-у гулнинг ҳиди йўқ-ку!

А б б о с. Ҳиди бўлмаса ҳам чиройли гул.

Р ў ш а н а. С-с-сиз чиройни яхши кўрар экансиз-да?

А б б о с. Ҳиди кишини маст қилувчи настаринни ҳам яхши кўраман.

Р ў ш а н а. М-м-мен ҳам яхши кўраман.

А б б о с. Бир танбурнинг икки торига ўхшаб, дидимиз, кўнглимиз бир экан.

Р ў ш а н а. Қо-қо-қоронғуда топишяпмиз, денг?!

А б б о с. Йўғ-е! Офтобнинг иссиғида топишяпмиз-ку!

Р ў ш а н а. Ҳа-ҳа-ҳали бир-бирилизни топишимизга етти қовун пишиги бор.

А б б о с. Қовун пишгунча ҳандалаклар пишиб колар.

Р ў ш а н а. Ма-мазах қилиб, мени устимдан куляпсизми?

А б б о с. Кулган бўлсам, кўр бўлайин-а.

Р ў ш а н а. К-к-кўзим ожизлигига шама қиласизми? (*Жаҳл билан.*)

А б б о с. Оғзимдан чиқиб кетибди. Кечиринг!

Р ў ш а н а. М-м-мен сизнинг садақадай шафқатингизга зор эмасман (*ўрнидан туради*).

А б б о с. Ҳар доим қовун тушириб, тарс-тарс ёриб юраман.

Р ў ш а н а. С-с-сизнинг меҳру муҳаббатингизга муштоқ эмасман! Кўзимга кўринманг!

А б б о с. Ие, ие, тушунмадим, кўзингизга кўриняпманми?

Р ў ш а н а. Н-н-нимани тушунмайсиз? Сизнинг борлигингизни ҳис қилмай, олов нафасингизни сезмай бўладими! Тезда кетинг! (*Мис идишларини пайпаслаб тошиб олиб, даранглатиб отади.*)

А б б о с. Мен нима қилдим, олмангизни хом уздимми?

М о м о (*ўқдай учиб келади*). Ҳой, ҳой, нима бало, қиёмат қойим бўляяптими?

Р ў ш а н а. М-м-моможон, у кишига айтинг, ярамни тирнамасин!

М о м о. Нима бўлди, жоним отим?

Р ў ш а н а. М-м-мен сўқирман, ду-ду-дудуқман, оксоқман, карман, у кишига лойиқ эмасман, кетсин! (*Йиғлайди*.)

М о м о. Ундей дема-я, жоним қизим! (*Рўшанани бағрига босади*.) Мен сени қўзи очик кўрларга, кулоғи эшитадиган карларга, тили бор соқовларга алишмайман.

Р ў ш а н а. Мо-мо-моможоним! (*Йиғлайди*.)

М о м о. Замонанинг энг соғлари – касал, энг буролари – соқов бўлган пайтда сенга нима қипти. Сен ўтирган ўрнингни гулга тўлдириб ўтирибсан-ку!

А б б о с. Файласуф, файласуф, файласуф! (*Бошини чайқайди*.)

Р ў ш а н а. Тенг-те-тенги билан, тезак қопи билан, дейдилар. Ана у кишига айтинг, ўз тезакларини топсинлар.

А б б о с. Тенгим ҳам, тезагим ҳам сизсиз, ҳеч қаерга кетмайман!

М о м о. Чин кўнгилдан айтяпсизми?

А б б о с. Чин кўнгилдан!

М о м о. Сўнгти пушаймон, ўзингта душман, дейдилар!

А б б о с. Изнисиз еган бир тишлам олмани ҳалоллаб ейишим керак.

М о м о. Вой Худойим, шунчалик покиза бўласизми, жоним отим! Одамлар худодан кўркмай, ҳаром луқмани еб ётибди-ку.

А б б о с. Менинг одамлар билан нима ишим бор.  
Харом луқма бирор кун ҳалқумимни тешиб чиқади.

М о м о. Түғри айтасиз, жоним отим! Қиёмат кунида  
харом луқмалар ҳаром томирлардан, ҳаром қонлардан,  
ҳаром иликлардан тешиб чиқади.

Р ў ш а н а. М-м-менинг дилимни яралаган соддадил  
кишингиз кетсин!

А б б о с. Осмон узилиб ерга тушса ҳам кетмайман!

М о м о. Тавба, худди қайсар эркак эчкига ўхшайсиз-а!

А б б о с. Эркак эчки ҳам бўладими?

М о м о (*кулади*). Такани эркак эчки дейди-да, жоним  
отим!

А б б о с. Туппа-тузук одамни “така”га чиқариб  
кўйдингиз-а, момо.

М о м о. Ҳазиллашдим (*кулади*). Вой, ниманинг  
ҳиди келяпти? (*Ҳидлайди*.)

Р ў ш а н а. Ку-ку-куйган овқатнинг ҳиди-ку!

М о м о. Вой шўрим, капам куйиб кетди-ку (*югуриб  
чиқиб кетади*).

А б б о с. Оёғи куйган товуқдай югуриб кетди, момо-  
жонимиз.

Р ў ш а н а. С-с-сизнинг момонгиз эмас, меники!

А б б о с. Тақдир юлдузларимиз бир-бирига тўғри  
келиб қолса, момомиз бўлиб қолар?!?

Р ў ш а н а. С-с-сизга жабр бўлади-да.

А б б о с. Нима учун?

Р ў ш а н а. М-м-менга таёқ бўлишингизга тўғри  
келади.

А б б о с. Таёқ эмас, тоғ бўлайн-а!

Р ў ш а н а. X-x-хўш.

А б б о с. Ишонган боғ бўлайн-а!

Р ў ш а н а. С-с-са-сайраверинг-чи.

А б б о с. Боғингизда сайраган қуш бўлайн-а!

Р ў ш а н а. Й-й-йўғ-е!

А б б о с. Тунлари ёқимли туш бўлайин-а!

Р ў ш а н а. У-у-уялинг-ей.

А б б о с. Офтобда булутдек соянгиз бўлай.

Р ў ш а н а. Т-т-ташаккур!

А б б о с. Чанқасангиз, чашма сувлари бўлай.

Р ў ш а н а. О-о-офарин!

А б б о с. Ишқингизда Машрабдек девона бўлай!

Р ў ш а н а. Ш-ш-шоир эмасмисиз?

А б б о с. Ўзбекнинг ҳар учтасидан биттаси шоир,  
табиб, кўшиқчи!

Р ў ш а н а. Ш-ш-шеър ҳам ёзганмисиз?

А б б о с. Шоирликка даъвогар эмасмиз-ку, машқлар  
қилиб турамиз.

Р ў ш а н а. Э-э-эшитайлик.

А б б о с. Сизнинг сўзларингиз кўзимга сурмаи сулай-  
мондир.

Р ў ш а н а. Ж-ж-жон қулоғим билан эшитаман.

А б б о с. Ҳазил шеър (*томогини созлайди*):

Мухаббат боғдаги гул,

Асло демангиз хашак.

Авайлаб сақланг жоним,

Чайнаб кетмасин эшак.

Р ў ш а н а (*қотиб кулади*). У-у-уста Гулмат чан-  
гингида қолиб кетаркан-ку!

А б б о с. Кулгингиз булоқнинг шилдираб оқишидай  
тиник экан.

Р ў ш а н а. М-м-мақтовни ҳам ошириб юборманг.

А б б о с. Сабодек майин товушингизда юракларни  
сехрловчи дардчил оҳанг бор!

Р ў ш а н а. Н-но-зиктабъ киши экансиз!

А б б о с. Офтоб янглиғ юзингиздан нур ёғилиб турса керак! Биргина юзингизни күрсатинг!

Р ў ш а н а. Ю-ю-юзимни күрсангиз, ит қувган тозидек орқа-олдингизга қарамай қочасиз.

А б б о с. Диidorингизни биргина күрсам бўладими?

Р ў ш а н а. X-ҳ-ҳеч, ҳеч, ҳеч!

А б б о с.

Ҳой, укам, марғилонлик укам-ей, омон ёр,

Сенинг шаҳло кўзингдан-ей, омон ёр!

Ҳой, укам, тошкентлик укам-ей, омон ёр,

Сенинг чучук тилингдан-ей, омон ёр!

Ҳой, укам, самарқандлик укам-ей, омон ёр,

Сенинг қайрилма қошингдан-ей, омон ёр!

Ҳой, укам, андижонлик укам-ей, омон ёр,

Сенинг ширмон юзингдан-ей, омон ёр!

Ҳой, укам, шаҳри кешлик укам-ей, омон ёр,

Сенинг қора кўзингдан-ей, омон ёр!

Қўшиқ сўзларига мос ҳолда Аббос Рўшананинг қошу

кўзини, юзини кўрмоқчи бўлади.

Р ў ш а н а. М-м-мана – менинг гул юзим (*бадбашара юзини кўрсатади*).

А б б о с. Ох, арzonга тушган жоним-а! (*Хушидан кетиб йиқиласди*.)

Р ў ш а н а. А-а-айтдим-ку, гўзал юзимдан тараган нур кўзингизни кўр қилиб, хушингизни бошингиздан айиради, деб. (*Аббоснинг юзига шапатлайди, қулоқларидан тортади. У ўйинчоқ-қўёғирчоқни олиб чалади. Аббос ўзига келмайди. Мис баркашини олиб даранглатади*.)

**М о м о** (*чиқади*). Нима бало, жоним қизим, баркашни даранглатиб, тутилган ойдан дарак беряпсанми?

**Р ў ш а н а.** Б-б-боғимдаги узумларни чумчуқдан кўриқлаяпман.

**М о м о.** Оёқ остингда бечора битта қуш таппа тушиб жон берибди-ку, нима бало қилдинг?

**Р ў ш а н а.** О-о-ойдек юзимни кўрсатган эдим, Фарҳоддек маст бўлиб, хушидан кетиб йиқилди.

**М о м о.** Савилни адои тамом қилибсан-ку, жоним қизим! (*Сув олиб Аббоснинг юзига сепади.*)

**Р ў ш а н а.** Я-я-яхшиям юзимни етти қат парда ортидан кўрдилар.

**А б б о с.** Аҳ! (*Сесканиб ўзига келади.*) А-ажина! (*Момони кўриб эсанкирайди.*)

**М о м о.** Сизга нима бўлди, жоним отим!

**А б б о с.** Қочинг моможон, ажина! (*Ўрнидан туриб айланаб қочади.*)

**М о м о.** Шошманг, жоним отим! (*Орқасидан қувади.*)

**А б б о с.** Қо-қо-қочинглар! Кўзимга кўринманглар! Қоч-қоч алвости! (*Қўллари билан бошини беркитади.*)

**Р ў ш а н а.** Ш-ш-шайтонлаб қолдими?

**М о м о.** Бу ерда алвости ҳам, ажина ҳам йўқ!

**А б б о с.** А-а-ана алвости! (*Рўшанани кўрсатади.*)

**М о м о.** Ақлингизни йифиб олинг-ей, жоним отим! (*Ариқдан бир чеълак сув олиб сепади.*)

**А б б о с.** А-аҳ! Уҳ! Уҳ! (*Ўзига кела бошлайди.*)

**Р ў ш а н а.** Ҳо-ҳо-ҳозиргина ой юзли малак, деб турган эди, алвастига чиқариб қўйдилар.

**А б б о с.** Кў-кў-кўзимга ажина кўриниб, ўзимдан ке-ке-кетиб қолибман.

**М о м о.** Ажина тилингизни ҳам чалиб кетдими?

**А б б о с.** Ч-чалиш ҳам гапми, эсимни ҳам олиб кетди.

М о м о. Ўша сиз “алвости”, “ажина” деганингиз менинг неварам бўлади.

А б б о с. А-а-ах! (*Яна ҳушидан кетиб йиқилади.*)

М о м о. Ие, туринг-ей! (*Ўрнидан суюб турғазади.*)

А б б о с. Не-неварангиз жуда ҳам бадбашара экан-ку!

М о м о. Лукмани ҳалоллаб ейишнинг ўзи бўлмайди.

А б б о с (*ўрнидан зўрга туради*). М-м-мен кетдим!

М о м о. Қа-қа-қаерга? Менинг ҳам тилим ғўлдираб қолди-я.

А б б о с. А-а-айланиб келаман.

М о м о. Иккимизнинг ҳам тилимиз бир хил сайрайдиган бўлибди. Э-э-энди кетманг!

А б б о с. Омон бўлинглар!

Р ў ш а н а. Ш-ш-шошманг, озгина тилингизни қарғага чўқитиб, қу-қулоғингизни том битириб, кў-кў-кўзингизни ўйиб олсак, teng бўламиз.

А б б о с. Ие, ие! Т-т-т-тезроқ кетмасам, соғ жойим қолмайди-ёв!

М о м о. Шошманг, жоним отим! Озгина тамадди қилиб кетинг!

Р ў ш а н а. О-о-оғзингизни ширин қилиб кетинг! (*Кулади.*)

М о м о. Кўп маҳмадоналик қилмай жим ўтири (*ёғоч косада, ёғоч қошиқ солиб, овқат олиб келиб, уларнинг олдига қўяди.*)

А б б о с. Жу-жу-жудаям ши-ши-ширин овқат бўлибди. Қа-қа-қандай қилиб та-та...

М о м о. Бўлди, бўлди, тушундим! Сиз қийналмасдан жимгина овқатни ейверинг, мен таомни қандай қилиб тайёрлаганимни айтиб бераман.

А б б о с. Туркийнинг асли нима, моможон?

М о м о. Турк аслида ўғуз, қарлук, турк ва ҳоказо йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ (с.а.в.) ўғли

Ёфас, яъни Абу-т-Туркка бориб тақалади. Бу таом аждодларимиздан қолган. Гуруч қайнатилиб, сўнг совуқ сувга солинади, кейин суви тўкилиб, шакар солинади. Совуқлик ошганида ейилади.

А б б о с. Шу тобда юрагим тез-тез уриб, иссиқлигим ошибб кетяпти.

М о м о. Ана, тилингизнинг тутилиши ҳам қолди.

А б б о с. Мехмонни баҳт, деб хисобловчи эрлар ўтиб кетиб, меҳмоннинг шарпасини сезса, кириб қолмасин, деб чодирни бузиб қочадиган замонда мени меҳмон қилдингиз. Юзга кириб юринг, моможон!

М о м о. Ош бўлсин, жоним отим!

А б б о с. Сафаримиз қариди, энди бизга ижозат.

М о м о. Йўл бўлсин?

А б б о с. Кулбай вайронамга.

М о м о. Луқмангизни ҳалоллаб бўлдингизми?

А б б о с. Сиз айтгандай, неварангизни “чимилдик” да кўраман.

М о м о. Неварам сизнинг тўрт мучангиз соғлигини кўриб кўйди.

А б б о с. Кўриб кўйди?

М о м о. Э, миям ҳам айниб қолди. Сизнинг соғлигингизни эшитиб, сезиб қолди, мен унинг тенги эмасман, деб рози бўлмаяпти. Менинг айтганимни қилиб, соғлигингизни сездирмасдан кетганингизда эди. Куёвтўра оқсоқ ёки кўзи ожиз, сенинг тенгинг, деб узатиб юборар эдик. Энди ўзингиз кўнглига йўл топишга ҳаракат қилиб кўринг. Луқмангизни биратўла ҳалолланг, жоним отим!

А б б о с. Чойга солган шакардай эрита оламанмикан?

М о м о (кулиб). Уйда ўсган бузоқ ҳўкиз бўлолмас, дейдилар қадимгилар.

А б б о с. Мен ҳам хўқиз бўлоламанмикан, моможон?

М о м о (*қотиб кулади*). Хўқиз бўласиз. Астойдил ҳаракат қилсангиз бўласиз!

А б б о с. Неварангиз шохлаб кўркитмайдими?

М о м о. Ёмон гап эшитмай, ёмон нарсага назар солмай, покиза жойларда улғайганга ўхшайсиз. Арзимаган хунуクリкни кўриб, ажина, алвости, деб алаҳсираб, янги туғилган қўзичоқдай дикирлаб чопиб юрибсиз.

А б б о с. Тўғри топдингиз. Мен тоғ орасида, гўзал табиат қўйнида, кўнгли тўғри одамлар орасида катта бўлганман. Хунуクリкни кўрсам, юрагим кўтармай, ийқилиб тушаман.

М о м о. Ахлатда ўсган гулдан кўрқ, дейдилар. Тоза жойда ўсган гулнинг ҳиди хушбўй бўлади...

Р ў ш а н а (*чиқади*). М-о-моможон, қи-қи-қизил қўйлагимни кийиб олдим.

М о м о. Қадимда аёлларимиз танмаҳрамлари билан дилдан сухбат қургиси келса, қизил қўйлак кийиб чиқар эканлар. Илтимос қилмоқчи бўлсалар, яшил либос кияр эканлар.

Р ў ш а н а (*аразлаб*). М-м-моможон, уялтируманг.

М о м о. Биламан, атайлаб киймагансан. Лек қудратли Эгамнинг буюргани шу бўлган.

А б б о с. Қизил қўйлакда оловдек ловиллаб турибсиз. Ярашибди.

Р ў ш а н а. М-м-миннаторман!

М о м о. Мен сезиб турибман. Титраб турган япроқдек сирли шивирламоқчи бўлиб турибсизлар.

Р ў ш а н а. М-момо!

М о м о. Сизларга яқин ўтмишдан бир эртак айтиб берай.

Р ў ш а н а. Э-э-эртакларингизни жудаям яхши кўраман.

Момо. Бор экан-да, йўқ экан, кўркам қишлоқларнинг бирида Алпомишкелбат бир йигит бўлган экан. Ул йигитни севувчи қизлар соchlаридан кўп экан. Йигит ойдин оқшомларда юлдуздай бир қиз билан сирли сухбат куриб юрар экан. Кунларнинг бирида Афғон томонларда даҳшатли уруш бошланибди. Йигит қиз билан аҳду паймон қилиб урушга кетибди. Афғон ери, халқи, азизларимизнинг қабрлари ўт ичидаги экан. Йигит дўст-душманнинг фарқига бормай, буйруқни бажариб, урушда жанг қилаверибди.

Кунларнинг бирида йигит туйкусдан ажали портлатгичга дуч келибди. Осмонга қараса, қонга беланган қўл-оёқлари хасдай учиб юрган экан. Йигитнинг хуши бошидан учиб, қўл-оёқ кимларники экан, деб хаёлидан ўтказибди. Осмонда учиб юрган қўл-оёқлардан бири йигитнинг ёнига келиб тушибди. Йигит сесканиб танасига қарабди. Узилган қўл-оёқлар ўзиники эканлигини билиб, хушидан кетибди. Касалхонада кўзини очиб қараса, бир қўлидан бошқа оёқ-қўлларидан айрилиб қолган экан. Чала-ярим танали йигитни ўз юртига жўнатишибди. Ўз оёғи билан Афғонга кетган йигит яримжон бўлиб, юртига қайтибди. Ота-оналари қон-қақшаб фарзандини кутиб олибди. Фарзандига бирам куишибди, бирам куишибди. Отаси бадавлат киши экан, Гирмонга жўнатиб, ясама оёқ, ясама қўл ясатиб берибди. Аҳду паймон қилган қизи мажруҳ одамга тегиб, умримни хазон қиласманми, деб ўзгага турмушга чиқиб кетибди. Йигит эзилиб, бирам йиғлабди, бирам йиғлабди. Кўз ёшидан дарёлар пайдо бўлибди. Ўша юртларда ўлиб кетсан бўлмасмиди, деб йигит ҳаётдан кўнгли совиб, умидсизликка тушиб, кундан-кун озиб-тўзиб, хазондек сарғая бошлабди. Ота-онаси боласи уясидан ерга тушиб кетган қущдек саросимага тушиб қопти, қўшни қишлоқнинг энг гўзал қизи оҳу фифонларни сезиб, йигитни ҳаётга қайтариш

ниятида ота-онасининг норозилигига қарамай, ўзини ўша йигитта танмаҳрамликка бағишилабди. Гумбурлаган тўйтмоша бўлибди. Ойлар, кунлар ўтиб, бир ўғил, бир қиз кўришибди. Уларни тақдирлари эл оғзида афсона бўлибди.

А б б о с. Садоқатли аёл экан! (*Хўрсинади.*)

М о м о. Ҳозирги замонамизда ҳам вафоси, муҳаббати, садоқати афсонага айланадиган диёнатли аёлларимиз кўп!

Р ў ш а н а. С-с-саркарда Тўмарисдек, шоира Нодира-бегимдек, доно Бибихонимдек аёлларимиз ҳам бор!

М о м о. Фуссали достон айтиб руҳларингни тушириб юбордим. Аббосбек, болам!

А б б о с. Лаббай, моможон!

М о м о. Даф чалишни биласанми?

А б б о с. “Даф”ингиз нима?

М о м о. Э-э... Сизлар “чилдирма” дейсизлар уни.

А б б о с. Чалишни биламан.

М о м о. Жудаям яхши. Мен ҳозир (*косаларни кўтариб чиқиб кетади*).

А б б о с. Яна нима қилмоқчилар?

Р ў ш а н а. С-с-сизни ўйнатиб, синаб кўрмоқчилар.

А б б о с. Мен ўйнашни билмайман.

Р ў ш а н а. М-м-момом ноғорасига ўйнатадилар.

М о м о. Қалдирғочдек чуғурлашиб турибсизларми?

(*Доира, сибизга, эркакча кийим олиб чиқади.*)

А б б о с. Моможон, мен ўйинга тушишни билмайман.

М о м о. Эркакларга қилпиллаб ўйнаш ярамайди. Сиз даф чалиб, “Кичкинажон-кичкина” деб турасиз. Мен ўйнаб бераман.

А б б о с. Яшанг, моможон! (*Доирани олади.*)

М о м о. Қулоғим остимда қолиб кетган-да, эслаб юрарсизлар!

А б б о с. Одамнинг қулоғиям остида қоладими?

М о м о. Одам қарип мункиллаб қолганида, қулоғи остида қолибди, дейишади. Мен ҳам ҳилвираб, пишиб қолдим. Тұсатдан узилиб қолсам, ўргатадиган одамлар қолмайды.

Р ў ш а н а. С-с-сиз ўлмайсиз, моможон!

М о м о. Бу омонат дунёга ишониб бўлмайди. Нафас олиб чиқаргунимизча бормизми, йўқмизми, уни Худонинг ўзи билади (*эркакча кийим кия бошлайди*).

А б б о с. Эркакча кийимни кийиб нима қиласиз?

М о м о. “Кичкинажон”ни Юсуф қизиқ, Зайнобиддин қизиқ, Мухиддин қизиқ каби кўплаб эркак қизиқчиларимиз изжро этишган. Аёллардан биринчи бўлиб мен изжро этаётган бўлсам керак.

А б б о с. Балли, моможон!

М о м о. Худойим, ўзинг мадад бер! Қани, дафни даранглатиб чалинг! (*Ўртага чиқиб қаддини гоз тутуб, қўлларини ёзган ҳолда ўнг томонга қараб, бир-икки марта чироили айланади. Томошибинга қоши учиради, имо-ишора қиласи*.)

М о м о. Том бошида беда бор,

Майдасини элаб ол!

Кичкиналар бизда бор,

Яххисини танлаб ол!

Қадди-басти келишган момо паст бўйли кимсага айланади.

А б б о с. Сой ичида сандалча

Сойдан ўтолмай қолдим.

Кичкинага ишониб,

Йўлим тополмай қолдим.

М о м о қўлларини тирсакларидан бироз букиб, юмрон-қозиқ ёки бирор күшнинг оёкларига айлантиради. Лунжаларини ичкарига тортиб, лабларини чўччайтириб, кўзларини лўқ қилиб, аллақандай жонзотларнинг хатти-харакатини ифодалай бошлайди.

М о м о. Гулзор аро қалампир  
Қизарганга ўхшайди.  
Шу кичкина йигитлар,  
Мусофирга ўхшайди.

Ўйин жараёнида момо оёклари учида тиззалаб ўтириб, бошини елкасининг ичига тортиб, бир тутам бўлиб олади. Танаси олдинга эгилган, тирсаклари янада букилиб, танасига ёпишган, кувача қилинган. Бармоқлари серҳаракат бир ҳолатда у ён-бу ёнга сакрайди. Атрофдагиларга ташланади, чўқиб олмоқчи бўлади.

А б б о с. Шафтolinинг бўйи паст,  
Меваси кўплигидан.  
Кичкинадир товуқлар,  
Боласи кўплигидан.

Шундан кейин момо аста-секин ўзининг дастлабки ҳолатига қайта бошлайди. Тиззалари ва тирсаклари сал букилган ҳолга келади, танаси тикланади. Девор оша уларни кузатиб турган Абдураим бува завқланганидан сакраб тушиб, “Кичкинажон” ўйинига тушиб кетади.

Б у в а. Кичкинажон, кичкина,  
Айиқдан ҳам кичкина.  
(айиққа хос ҳаракатлар қиласди)

М о м о. Кичкинажон, кичкина,  
Бўридан ҳам кичкина.  
(бўрига хос ҳаракатлар қиласди)

Б у в а. Кичкинажон, кичкина,  
Тулкидан ҳам кичкина.  
(тулкига хос ҳаракатлар қиласди)

М о м о. Кичкинажон, кичкина,  
Эчкидан ҳам кичкина.  
(эчкига хос ҳаракатлар қиласди)

Б у в а. Кичкинажон, кичкина,  
Хўроздан ҳам кичкина.  
(*хўрзга хос ҳаракатлар қиласди*)

М о м о. Кичкинажон, кичкина,  
Беданадан кичкина.  
(*беданага хос ҳаракатлар қиласди*)

Улар мусобақа руҳида ҳайвонларга хос ҳаракатлар қиласди. Иккаласи рўбарў келади. Янги-янги ҳаракатлар, ҳолатлар, имо-ишоралар топишда бир-биридан қолишиналикка ҳаракат қилишади. Кўлларини бирон-бир қушнинг тумшуғи ёки оёқларига ўхшатиб, рақибини чўқиши, ҳамла қилиши, кўзларини ўйнатиши, сакраб-сакраб туриши, шоҳли ҳайвонлардай бир-бирини сузиши, бошига бош қўйиб айланиши, баъзан оёқларини ҳам ишлатиши, қуш ёки ҳайвоннинг товушига тақлид қилиб чинқириши, маъраши ёки ўлиши каби ҳаракатларни амалга оширади. Хуллас, томоша қизи-гандан-қизиди.

М о м о. Ух, юрагим оғзимга тиқилиб қолди-я! (*Ҳансираф ўтириб қолади.*)

А б б о с. Қойилман, моможон! Ўйинни ҳам қийиб қўяркансиз!

Б у в а. Минг бор узр, кечирасизлар! Берилиб кетибман (*чиқиб кетади*).

М о м о. Рўшана қизим, сибизғангни чал! Нафасимни ростлаб олай!

Р ў ш а н а. Қ-қ-қани сибизғам?

А б б о с. Мана олинг! (*Сибизғани тутади.*)

Р ў ш а н а. Э-э-эшитинг, моможон! (*Сибизғадан мунгли қуй таралади.*)

М о м о. Гоҳо тил билан тушунириб бўлмайдиган туйғуларни куй-оҳанг билан етказса бўлади. Қалблар қалбларга эниб, дил эшиклари очилади (*момо сездирмай секин чиқиб кетади*).

А б б о с. Сел бўлиб оқдим! (*Сибизганинг ноласини бошларини эгиб, чайқалиб эшиштади.*)

Р ў ш а н а. М-м-моможон, кўнглингиздан чиқдими?

А б б о с. Кишини гулобсиз ҳам маст қилиб қўйдингиз!

Р ў ш а н а. М-м-моможон, нега жимсиз?

А б б о с. Момомиз қалб эшикларини бир-бирига очсин, деб чиқиб кетдилар янглишмасам.

Р ў ш а н а. Қ-қ-кулок сўзни эшилса, кўнгил билади. Кўз севгилини кўрса, шавқ кўзғалади, дейдилар. Мен на сизнинг, на ернинг, на дунёнинг қандайлигини кўраман!

А б б о с. Ўксик қалбингизга малҳам бўламан, ўқинманг!

Р ў ш а н а. М-м-мен ўзимни тўдасидан айрилган майиб турнадай ҳис қиласман. Осмонда арғимчоқ солиб учаётган турналар каби сафига етиш учун интилиб, талпиниб яшайман. Л-л-лекин менинг қанотларим синган, учолмайман. О-о-одамлар гоҳо билиб-бilmай нишонга ўқ отган овчидек юрагимни жароҳатлаб кўйишади. Жароҳатларни тирнаб, туз ҳам сепиб қўйишади. М-м-менинг ҳам гулдан ҳам нозик, сувдан ҳам тиник қалбим бор. Гоҳо нодон бандалар лойқалатмоқчи бўлишади. Кўнглим гулзорин пайхон қилмоқчи бўлишади. Шунинг учун о-о-одамлардан безиб қолганман. Одамларни кўргим келмайди. Ҳовлимизда кўмилиб ўтириб олиб, кашталар тикаман, болаларга ўйинчоқ-кўғирчоқлар ясайман. М-м-мен ҳам умид билан дунёга келганман. Бахти яшашни орзу қиласман. Турналарни олис-олисларга олиб кетаётган сардор турналар бағрига отилгим келади-ю, қусурларимдан андиша қиласман.

А б б о с. Сиз орзу қилган, умид билан кутган ўша сардор турнангиз бўлай, азизим!

Р ў ш а н а. Т-т-тақдириңгизни мендек мажрух қиз билан боғлаб, бутун умр куйиб күл бўлиб яшашдан кўрқмайсизми?

А б б о с. Бир вақтлар бир одам оқила ва гўзал хонимга ошиқ бўлиб қолибди. У киши ҳам эсли-хушли одам эди. Маҳбубаси никоҳ кунлари касал бўлиб, юзларига чечак тошиб, хусну малоҳати йўқолади. Қиз уялиб, йигит билан турмуш қурмасликка аҳд қиласди. Аянчли вазиятдан куёв ҳам касал бўлиб қолади. Бир-икки кун ўтгандан сўнг, “кўзларим кўрмай қолди”, деб зорлана бошлайди. Қизнинг раҳми келиб, унга турмушга чиқишга рози бўлади. Улар баҳтиёр ҳаёт кечира бошлайдилар.

Орадан йиллар ўтиб, аёл вафот этади. Хотини вафот этганидан кўп ўтмай ғам чеккан вафодор эрнинг кўзлари кўра бошлайди. Қариндошлари бунда қандай ҳикмат борлигини сўрашади.

— Уйланмоқчи бўлган қайлиғим касаллиги туфайли мен билан яшашга кўнавермагач, хасталик асоратидан, сиқилиш туйғусидан қутқариш учун ўзимни кўрликка солган эдим, — дейди.

Р ў ш а н а. О-о-о! Бо-бо-боболаримиз қанчалар инсофли одамлар бўлишган-а!? М-м-мен сизга асло муносиб эмасман. М-м-мени ҳам ўзингизни ҳам қийнамасдан, келган йўлингиздан кетинг!

А б б о с. Уф-ф-ф!

Р ў ш а н а. Н-н-нега уф тортасиз?

А б б о с. Қалбингизга йўл тополмаяпман. Қанийди Худойим мени ҳам кўр, соқов қилиб қўйсайди (*хаёлига бир фикр келиб ўрнидан туради-да, қуроқ қаштани қидира бошлайди*).

Р ў ш а н а. Н-н-нималар қиляпсиз?

А б б о с. Қорачиғларимни ўйиб оламан, иккимиз тенг бўламиз!

Р ў ш а н а. С-с-савдойи бўлиб қолдингизми?

А б б о с. Сизнинг ишқингизда жинни бўлиб қолдим!

Р ў ш а н а. F-ғи-ғирт бемаъни одам экансиз-ку!

А б б о с. Шунаقا, bemaza қовуннинг уругиман!

Р ў ш а н а. Ҳҳ-хой Вой қанисиз? (*Аббосни пайпаслаб қидиради.*)

А б б о с. Мана топдим! (*Нинани қўлига олади.*)

Р ў ш а н а. И-и-илтимос, кўзингизни ўйманг! (*Аббос томонга шошиб юраман, деб йиқилиб тушади.*)

А б б о с. Сиз менинг қалбимни тушунишни истамаяпсиз.

Р ў ш а н а. Иккаламиз кўр бўлсак, ким менга ҳасса бўлади? (*Ўрнидан туриб пайпаслаб қидиради.*)

А б б о с. Иккимиз ҳам кўр таёқ бўламиз.

Р ў ш а н а. Кў-кў-кўр бўлмаймиз (*Аббоснинг қўлларини ушлайди.*)

А б б о с. Кўйворинг, азизим! Дардингизда кўр бўлайн-а! (*Аббос кўзига нина тиқиб бақиради.*) Ах, воҳ, аҳ! Ана энди teng бўлдик!

Р ў ш а н а. Ё қудратингдан! Худойим, менинг кўзларим кўряпти. Ё-ё-ёруғ оламни кўряпман!

А б б о с. Ҳеч нарсани кўрмаяпман! Бутун олам зимиston бўлиб қолди!

Р ў ш а н а (*йиғлаб*). М-м-мана мен қошларингизни, кўзларингизни, чеҳрангизни кўряпман.

А б б о с. Мўйловларимни ҳам кўряпсизми?

Р ў ш а н а. Кў-кў-кўряпман!

А б б о с. Қанақа экан?

Р ў ш а н а. Қоп-қора, майин экан. Эс-эссиғина! Менинг кўзларим очилганда, сиз ожиз бўлиб қолдингиз-а! Эй Худойим, нима гуноҳ қилган эдим? (*Йиғлайди.*)

А б б о с. Гуноҳингиз – менга турмушга чиқишга рози бўлмаганингиз! (*Қўлларини юзидан олади.*)

Р ў ш а н а . Х-хато қилдим, айборман! Соғ одамнинг кўзлари ожиз бўлишига сабабчи бўлдим. Мени кечириңг!?

А б б о с . Кечирдим! Худоям кечирди. Мен кўр эмасман (*кулиб қараб туради*).

Р ў ш а н а . Х-х-худога шукр-ей! Юрак-бағрим эзилиб, тамом бўлди-я!

А б б о с . Ҳазиллашдим, маликам!

Р ў ш а н а . Ҳ-ҳазилингиз курсин! Эсим чиқиб кетди-я!

А б б о с . Ҳазрати Али, мадад бер! (*Дарахтга тирмашиб чиқади*)

Р ў ш а н а . О-о-олма қоқиб бермоқчимисиз?

А б б о с . Йўқ, олманинг учига чиқиб ўзимни ташламоқчиман!

Р ў ш а н а . А-а-ақлдан оздингизми?

А б б о с . “Оқсоқ дарвеш” бўлмоқчиман!

Р ў ш а н а . Ш-ш-шайтоннинг сўзига кирманг! (*Дарахт тагига боради*.)

А б б о с . Дарахтнинг тагидан қочинг!

Р ў ш а н а . Қ-қ-қочмайман! Т-т-ташламайсиз!

А б б о с . Бир-икки, устингизга ташлайман, қочинг!

Р ў ш а н а . Д-д-дарахтнинг устидан ташлаб чўлоқ бўлсангиз, у дунё-ю бу дунё кечирмайман.

А б б о с . Кечирмасангиз, кечирманг! Бир-икки-уч...

Р ў ш а н а . Оқсоқ эмасман, кўр эмасман, дудук эмасман, кар ҳам эмасман.

А б б о с . Астағфирулло!

Р ў ш а н а . Мана! Мана! Мана! (*Жаҳл билан юриб кўрсатади*.) Кўшиқ айтиб, ўйинга тушишни ҳам била-ман (*ўйнайди*).

Осмонда ой ўйнайди,  
Ерда чойгум қайнайди.

Шу замоннинг қизлари,  
Олма отиб ўйнайди.

Ҳа-ҳа-чучук, бака-бак,  
Ҳа-ҳа-чучук, бака-бак.

Тоққа чиқдим тақиллаб,  
Тилла сирғам жарқиллаб.  
Мени қўрган йигитлар,  
Қолаверсин ҳиқиллаб.

Ҳа-ҳа-чучук, бака-бук  
Ҳа-ҳа-чучук, бака-бук.

А б б о с. Ё тавба, ё алҳазар!

Р ў ш а н а. Ана энди кўнглингиз жойига тушдими?

А б б о с. Ох, ақлу ҳушимдан жудо қилди бу!  
(Хушидан кетиб ишқилади.)

Р ў ш а н а. Моможон!

М о м о. Яна нима гап? (Чиқади.)

Р ў ш а н а. Содда йигит яна хушидан кетиб қолди.

М о м о. Яна нима бало қилдинг?

Р ў ш а н а. Жамолимни кўрсатган эдим.

А б б о с. Ухлаётган бўлсам керак, уйғотманг, момо!  
Нақадар лаззатдир ўлмоқ! Ўзи ўлдирдими, жон ато этсин. Ажина ниқобин йиртган фаришта.

М о м о. Алаҳляяпти.

Р ў ш а н а. Хуши ўзида бўлмаса ҳам, ижод қиляпти, шекилли.

М о м о. Жимиб қолди.

А б б о с. Ажина, фаришта, ғилай, гоҳ шаҳло  
Ўлган бўлсам керак, баданим совуқ.  
Ёки жинни бўлдим, билмайин асло  
Кўрганим товусми, ё патсиз товуқ!

М о м о. Худо ҳаққи, алаҳляяпти.

Р ў ш а н а. Кўрқиб кетяпман, моможон!

А б б о с. Ахир сизни севиб улгурмадим-ку,  
Кўнгил кўзим билан кўрган, гўзал қиз.  
Зарурмиди шартта, пардани очиш  
Сизга айттолмайин, кетдим-а, эссиш...

Р ў ш а н а. Моможон! Ҳушига келтиринг, ўлиб  
қолмасин!

М о м о. Ҳозир боплайман! (*Ариқдан бир чеълак сув олиб келиб Аббоснинг устидан қўйиб юборади.*)

А б б о с. Аҳ-ух! (*Ўрнидан сакраб туради.*)

М о м о. Бу ер катта холангизнинг уйими, узала тушиб ётиб оласиз, жоним отим?!

А б б о с. Ҳамма менинг ишонувчанлигимдан фойдаланиб, майна қилишади. Дарёга олиб бориб, сув ичирмасдан қайтариб олиб келишади. Чийилламасдан чидайман. Бу юзимга урса, бу юзимни тутиб бераман. Қарсиллатиб уришади, чидайман. Онаизорим “Болам, душман орттирма”, деб жаврайверадилар. Дилем вайрон бўлса ҳам, душман ортиб кетмасин, деб чидайман. Башарамга урса “Вой орқам”, дейман-у, орқамга қарасам, ҳеч ким йўқ, тоғдай-тоғдай орқам йўқлигига чидайман. Соддадилнинг дили йўқ, деб анжирдай эзиб, майсадек босиб, шабнам сингари тўкиб кетишаверади, чидайман. У ҳам одам, унда ҳам қалб бор, деб ўйлашмайди.

М о м о (*ўзини ҳеч нарсани билмаганга олиб*). Вой тавба, кўзинг очилдими?

Р ў ш а н а. Бу киши “Нина олиб кўзингни ўйиб оламан!” деб эдилар, кўркқанимдан кўзим ярқ этиб очилиб кетди!

М о м о. Ё Худойим, кароматингдан айланай!

Р ў ш а н а. Олманинг устидан ташлаб, майиб қиласман ўзимни, дегандилар, ҳаяжонланганимдан оёғим ҳам тузалиб кетди.

М о м о. Ё Худойим! (*Ёқасига туфлайди.*) Сир-  
синоатингдан ўргилай!

А б б о с. Кўйинг-ей, моможон! Одамнинг кўзига  
тик қараб, ёлғон гапириб ўтирибсиз-а?!

М о м о. Нега унақа дейсиз, жоним отим!

Р ў ш а н а. Ҳамма сирдан воқиф бўлдилар.

А б б о с. Омон бўлинглар! (*Кетмоқчи бўлади.*)

М о м о. Қари ўламан, деб, ёш кетаман, деб қўрқитар  
экан.

А б б о с. Қўрқитмаяпман.

М о м о. Шошманг, уйингизга буғдой тўлгур.  
Гапнинг “берди”сини эшигинг.

А б б о с. Сўзланг.

М о м о. Сизнинг сабрингизни синаб кўриш учун  
бу найрангларни ўйлаб топдим, жоним отим! Невара-  
мнинг кўзи ожиз, деганим – ҳаром нарсаларга бок-  
маганлигини, қулоғи оғирлиги – ҳаром сўзларни  
эшигмаганлигини, соқов тил – ҳаром сўзлар демаган-  
лигини, оёғи оқсоқлиги – ҳаром-ҳариш жойларга бор-  
маганлигини билдиради. Мен буларни мажозий маъ-  
нода айтдим. Қизимга сиздек иймони комил, Оллоҳдан  
кўрқкан куёв истаган эдим. Худойим ниятимга етказди.  
Сиз бир тишлам олманинг ҳалоллигини тилаганингизда  
сизнинг қалби пок, виждонли йигит эканлигингизни  
билган эдим.

А б б о с. Савобли найрангларингизга бош эгаман  
(*тиз чўкиб бош эгади*).

М о м о. Қадим Сўғднинг Муғ қалъаси ҳужжат-  
лари орасидан Ўттегин исмли йигит билан Дудғун-  
ча исмли аёл ўртасида тузилган никоҳ шартномаси  
топилган.

Р ў ш а н а. Никоҳ шартномаси ҳам биринчи туркий  
халқларда бўлган экан-да?

М о м о. Ҳамма ибратли ишлар бизда бўлган. Ўзгалар эса кўчириш билан овора, жоним отим! Никоҳ кечаси келинга қимматбаҳо тошлиар ўрнатилган тож кийдирилган экан. “Девону луғотит турк” китобида ёзилган.

А б б о с. Бизда ҳам ўшандай тож кийдириш расм бўлса яхши бўларди, моможон!

М о м о. Мен ўша тожнинг нусхасини ўйлаб, сенга кутилмаган совға қилиш учун ясаганман (*тожни олиб чиқади*).

Р ў ш а н а. Бунчалар жимжимадор қилиб ясабсиз?

М о м о. Сен, неварам, ҳозир Дудғунчасан! (*Тожни бошига кийдиради*.)

Р ў ш а н а. Майли.

М о м о. Сиз, ўғлим, Ўттегинсиз! Қадимги никоҳ шартномасини эслатиб, мажозий маънода никоҳ ўқийман! (*Улар момо олдига тиз чўкиб ўтиришади*.)

Никоҳ шартномаси асосида тузилган битимга биноан Дудғунчанинг ихтиёри билан қонунга мувоғиқ Ўттегин севимли ва ардоқли хотин сифатида қабул қилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, зеб-зийнат билан таъминламоғингиз ва хурмат-иззат қилмоғингиз лозим.

А б б о с. Албатта, моможон!

М о м о. Сиз, Дудғунча, Ўттегинни севимли ва ардоқли эр сифатида тутмоғингиз, унинг баҳтли турмуши ҳақида қайғурмоғингиз ва буйруқларини қонун каби тингламоғингиз даркор!

Р ў ш а н а. Тушундим, моможон!

М о м о. Ҳужжатда эру хотиндан бири иккинчиси-нинг розилигисиз никоҳ битимини бузмаслиги шарт. Бу сўзларимни қулоқларингизга қўрғошиндай қуйиб олинглар.

А б б о с. Куйиб олдик!

М о м о. Собит ҳазратлари ҳар бир луқмаларини ҳалол қилиб еганлари учун Имом Аъзам ҳазратлариdek фарзанд күрган эканлар. Худойим сизларга ҳам ўша улуг зотлар сингари фарзандлар ато этсин! Аллоху Акбар!

А б б о с. Айтганингиз келсин, момо!

М о м о. Дунёда қиладиган ишларим жудаям кўп!  
Ҳали яшайман, жоним отим! Батальондан қайтиб келмаган чолим учун ҳам, невара-чевара-эвараларимнинг баҳти учун ҳам, унутилиб бораётган урф-одатлар, куй-кўшиклар, ёр-ёру ўланлар, куй ва оҳангларни эслатиб туриш учун ҳам яшашим керак!

“Иймон инсонни инсонгина эмас,  
инсонни султон қиласи!”

М о м о А б б о с билан Р ў ш а н а ни “Ёр-ёр” билан  
кузатиб кўяди.

Аввалбошдан айтайлик:  
“Субҳоналлоҳ”, ёр-ёр.  
Бандаларига ўзидур  
Пушти паноҳ, ёр-ёр.

Тахтакўприк устидан  
Той боради, ёр-ёр.  
Дарвозани кенг очинг,  
Ой боради, ёр-ёр.

Тол хивичдай бўйлари  
Буралади, ёр-ёр.  
Садафдайин тишлари  
Дурдонадир, ёр-ёр.

Келин-куёв икковинг  
Кўша қаринг, ёр-ёр.

Этаклардан күкариб,  
Мева солинг, ёр-ёр.

Келинойим сўрсангиз,  
Ойпарчадур, ёр-ёр.  
Қаламдайин қошлари,  
Гулғунчадир, ёр-ёр.

Б у в а (*қўлида тишиланган олма билан кириб келади*).  
Курбоной момо!

М о м о. Лаббай, Абдураим бува!

Б у в а. Богингиздаги олма дарахтининг бизнинг  
ҳовлига эгилган шохидан бир дона қирмизи олма  
узилиб, ерга тушибди. Ердан олиб бехосдан тишлаб  
қўйибман, ҳаққини ҳалол қилиб беринг!

П а р д а

2002 йил.



---

\* \* \*

## ЭСКИ МУҲАББАТ

### Икки парда, олти кўринишили комедия

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Фазлиддин ака – 65 ёшда  
Маликабону – 55 ёшда  
Баҳодир ака – 65 ёшда  
Муроджон ака – 65 ёшда  
Одилжон – 35 ёшда  
Олимжон – 25 ёшда  
Ҳакима – 30 ёшда  
Ойдиной – 20 ёшда  
Райхоной – 55 ёшда

#### Биринчи парда

#### Биринчи кўриниш

Фазлиддин ака нинг хонаси. Расмлар билан безатилган хонада диван, иккита кресло, шкаф, стул қўйилган. Стулда класик шоирларнинг китоблари турибди. Фазлиддин ака узун мундштугига сигарет чекиб бўлиб, кулдонга босиб ўчиради. Ёлғизликдан сиқилиб, деворда осилиб турган дуторини олиб чалганича ҳиргойи қиласи.

Ишқ бобида куйдим, бошимда орим йўқ,  
Фам будур ҳам менда минг ғам бор, бир ғамхор йўқ.

Эй ажал, кўркитмагил жоним керакмасдир менга  
Сенга жон даркор бўлса, мен каби тайёр йўқ.

Харрагимга боски, санчилмиш танимга ўқларинг,  
Оҳ-воҳ айлаб сени тортиб олурға ёр йўқ.

Мен сенга ошиқ бўлиб, дил бердиму ор айлама,  
Тонг яланғоч, гоҳида бошим уза дастор йўқ.

Остонангда ётиб, бўлди ғариб умрим тамом,  
Итларингга ҳамдам ўлсам, деб менингдек зор йўқ.

Эй Навоий, ёрни кўйида бўлдим хор-зор,  
Юсуфи Канъон сотилмиш шаҳрида бозор йўқ.

Ховли эшигининг қўнгириги жиринглайди. Фазлидин ака дуторини кўйиб, ҳассасини олиб эшикни очади. Эшик тагида Фазлидин ака нинг қадрдонлари Баходир ака билан Муроджон акалар туришарди.

Фазлидин ака. Эй, жўралар, бормисизлар?  
Келинглар, келинглар! (*Кучоқ очиб кўришадилар.*)

Баходир ака. Саломатмисан, соғлигинг жойидами?

Муроджон ака. Омонмисиз, Фазлидин ака?!  
Фазлидин ака. Худога шукр.

Улар ўтиришиб дуо қилишади.

Фазлидин ака. Дардкашингдан айрилиб чўкиб қолибсан-ку?! Гузарга ҳам чиқмайсан, чойхонада ҳам кўринмайсан!

Фазлидин ака. Киши жуфтидан жудо бўлса, оғир бўлар экан. Қаноти синган қущдек бўлиб қолдим.

Муроджон ака. Раҳматли хотинингиз жудаям оқила аёл эди-да.

Фазлидин ака. Шунинг учун ҳам унотолмаяпман!

**Б а х о д и р а к а.** Жўра, энди бундай: ўлганнинг кетидан ўлиш йўқ. Ўзингни қўлга ол. Ҳаёт давом этади. Одамларга қўшил, чойхонага чик. Одамнинг тафтини одам олади. Сиқилаверсанг, эзилаверсанг ажалингдан беш кун олдин қулоғинг остингда қолади.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Болаларимнинг тўйларини кўрдим, ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Энди ўлсам ҳам армоним йўқ.

**Б а х о д и р а к а.** Унақа совуқ гапларингни қўй. Хотинингнинг йилини берганингга ҳам бир ойдан ошди. Энди уйланишнинг ҳаракатини қил.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Кўйсаларинг-чи, бир оёғим гўрда, бир оёғим ерда бўлиб қолди. Уйланаман, деб одамларга шарманда бўлайми?

**М у р о д ж о н а к а.** Баҳодир aka тўғри айтяптилар! Ўлиб қолсангиз одамлар кўмиб келишни билишади.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Бошимни қотирманглар, кўйинглар, уят бўлади.

**Б а х о д и р а к а.** Фарзандларинг уйлантириб қўяйлик, демаяптими?

**Ф а з л и д д и н а к а.** Йўқ, улар ўзлари билан ўзлари овора! Кеч тушиши билан ин-инларига кириб кетиша-ди.

**Б а х о д и р а к а.** “Танаси бошқа дард билмас”, дейдилар. Сенинг дардингни болаларинг тушунмайди. Сени биз тушунамиз, фарзандларинг тушунишни истамаса, ўзимиз аёл топиб, дўппидаккина ош қилиб, уйлантириб қўямиз.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Кўйсаларинг-чи! (*Кулади.*)

**Ф а з л и д д и н а к а.** “Уйланиш” сўзини эшишиб, Фазлиддин акамнинг юзларига ранг кириб қолди.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Одамни хижолат қилманглар. Менга ким ҳам тегарди?

Баҳодир ақа. Ҳозир дарахтни силкитсанг – бева, тул хотинлар ёғилади. Тенгинг топилиб қолар.

Фазлиддин ақа. Қўйинглар шу гапларни, бошқа гаплардан гаплашайлик.

Баҳодир ақа. Биз шу масалани ҳал қилгани келдик. Сенинг соғлигинг бизга керак. Фарзандларинг билан ҳам гаплашамиз. Ёлғизлик ёмон, ёлғиз уйда ёстиқни қучоқлаб ётганинг билан тананг исимайди. Танангни иситадиган танмаҳрам керак!

Фазлиддин ақа. Эл нима дейди?

Баҳодир ақа. Эл ҳам тушунади. Ўлим юзингга соя ташлаб қолибди. Уйлантириб қўймасак, сенек дилкаш, хушчақчақ дўстимиздан айрилиб қоламиз.

Фазлиддин ақа. Кўп гапириб, бошимни оғритманглар!

Баҳодир ақа. Дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб!

Фазлиддин ақа. Фарзандларим нима дейди?

Муроджон ақа. Дадажон, уйлантириб қўйайлик, деб олдингиздан ўтиши, фарзандларингизнинг ҳам қарзи, ҳам фарзи!

Баҳодир ақа. Фарзандларинг шу гапни айтмаган бўлса, қўявер. Муносиб бир аёл бор. Ўшанга уйлантириб қўямиз.

Фазлиддин ақа. Кимга совчиликка бормоқчи-сизлар?

Муроджон ақа. Маликабону қалай?

Фазлиддин ақа. Маликабону!

Баҳодир ақа. Ҳа, қайси бир куни чойхона олдидан ўтиб кетаётган экан, кўз қирим билан кузатган эдим. Дўмбоққина, лўмбиллаган аёл.

Муроджон ақа. Агар тегса маза қиласиз, Фазлиддин ақа! Кўрпа-ёстиқ керак эмас!

**Ф а з л и д д и н а к а.** У аёлга ёшлигимда ишқим тушиб қолган эди.

**Б а х о д и р а к а.** Ана, күнглингдагини топибмиз-да, жүражон!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Дардимни айттолмай уий атрофида айланаверардим, айланаверардим!..

**М у р о д ж о н а к а.** Нега юрагингизни очмагансиз?

**Ф а з л и д д и н а к а.** У мендан анча ёш, жуда оғатижон эди-да! Назарига илмаса керак, деб ўйлар эдим.

**Б а х о д и р а к а.** Ёшлигингда ҳам күнгилчан, бўш эдинг-да, ўзиям. Оғзингдагини олдириб юарардинг.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Ота-онамиздан мерос феъл-да бу. Буни ўзгартириб бўлармиди?!

**Б а х о д и р а к а.** Бўпти, масала ҳал. Биз Малика-бонуга совчиликка борамиз.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Шошманглар, томдан тараша тушгандай одамни довдиратиб кўйдинглар!

**М у р о д ж о н а к а.** Ота-буваларимиз етмиш-саксон ёшга кирганда ҳам уйланиб, етмишвой, саксонвой фарзандлар кўришган, Худо берса фарзандлик ҳам бўласиз.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Фарзандларимга маслаҳат солай, ахир.

**Б а х о д и р а к а.** Фарзандларинг билан ўзинг гаплашиб оларсан. Биз Маликафонуга шу бугуноқ совчиликка борамиз.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Тегишга рози бўлармикан, мендан анча ёш-ку?!

**М у р о д ж о н а к а.** Эри ҳалокатга учраб ўлганига ҳам ўн йилдан ошди. Ҳеч кимга тегмай юрибди. Балки сизни кутиб юргандир?

**М у р о д ж о н а к а.** Тегмайман деса, шарманда бўламан-да!

**Б а х о д и р а к а.** У ноз-фироқ қилса, бошқасини топамиз.

**М у р о д ж о н а к а.** Қўшни қишлоқдаги Раим бувага ўттиз ёшли қариқиз тегди. Маликабону сизга тегмаса кимга тегади?! Албатта, тегади.

**Б а х о д и р а к а.** Аёлнинг ёши бир ўттиз, эркакнинг ёши икки ўттиз, дейдилар. Эркак киши олтмиш ёшда қайта яшарар экан!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Вой садағанг кетайлар, бундай ширин гапларни қаердан топасизлар-а... (*кулади*).

**Б а х о д и р а к а.** Ўзинг йўқ, йўқ деб турганинг билан ичингда жон-жон, деб турибсан-ку, жўражон!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Бошимни ғовлатиб ташладинглар!

**Б а х о д и р а к а.** Қамишдан бел боғлаб, тайёргарлигинги кўриб тур. Уйлансанг, касалликлар ҳам чекиниб, умрингга умр қўшилади. Бу дунёга келдингми, яшаш керак, жўражон, яшаш керак! Сенинг ҳаётинг энди бизнинг қўлимизда. Унда биз ҳаракатимизни қиласайлик.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Ўтирсаларинг бўларди.

**Б а х о д и р а к а.** “Ўтирган – бўйра, юрган – дарё”, дейдилар. Борайлик энди!

**М у р о д ж о н а к а.** Фарзандларингизнинг олдидан ўтиш эсингиздан чиқмасин, Фазлиддин ака! Худо хоҳласа, биз ишни пишириб келамиз.

**У л а р чиқиб кетишади.**

**Ф а з л и д д и н а к а** (*ўз-ўзига*). Жўралар бир ғалвани бошлаган бўлмасин-да. Уйланмоқчиман, десам болаларим дадамизнинг мияси айниб, жинни бўлиб қолибдилар, деб ўйлашмасмикан?! (*Телефон жисиринглайди*.) Алло?! Ваалайкум ассалом, Ойдиной қизим.

Яхшимисан, невараларим яхшими? Худога шукр, соғман. Келавер, уйдаман (*гүшакни құяди*). Қизимни ҳам Худо етказди. Ўз оёғи билан келяпти. Келин келиб қолади. Одилжон ўғлим кечга яқин келади. Олимжонни чақыртиrsак, ҳамма жамулжам бўлади. Уйланаман, десам онамнинг гўри совимасдан уйланмоқчимисиз, деб қизим хафа бўлса-чи? Олимжонга дарёнинг у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам барибир. Келин нима деркин? Одилжоним мени тушунса керак. Бир таваккал қилиб кўрайчи! Эй Худо, ҳеч кимни жуфтидан айириб, мусичадек мунғайтириб қўйма! Саргардон қилма!

### Иккинчи қўриниш

М а л и к а б о н у нинг ҳовлиси. Нақшинкор айвонга столстуллар қўйилган. Қулоғига райхон тақиб олган Малика-бону айвон устунига осилган телефонда гаплашяпти...

М а л и к а б о н у . Ойсанам, Гулсанам, Гулсара, Гулчехра сенмисан?! Э-э, миям курсин, Гулбаданмисан? Биттангнинг отингни топгунча бутун уруғ-авлодимни санаб чиқишига тўғри келади-я! Яхшимисизлар? Нега хабар олмай қўйдиларинг? Сизларга она керакмас, ўлиб қолсам, билмай қоласизлар ҳам! Йифламайсизлар ҳам! Ёлғиз уйда сўппайиб, полизга қўйган қўриқчидаи ўтирибман. Йўқлаб туринглар, сизларни соғиниб кетдим (*гүшакни қўяди*). Ёлғизликдан тарс ёрилиб кетай дейман-а!

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглайди. Маликабону гўшакни қўйиб эшикка йўналади.

Б а ҳ о д и р а к а . Маликабону!

М а л и к а б о н у . Лаббай!

Б а ҳ о д и р а к а . Мен, Баҳодирман! Муроджон билан сени йўқлаб келувдик.

**М а л и к а б о н у** (*эшикни очади*). Вой мени сўраб келган қадамларингиздан айланай!

У л а р ичкарига киришади.

**Б а ҳ од и р а к а.** Маликабону, омонмисан?

**М а л и к а б о н у.** Шукр, юрибман тупроқдан ташқарида инқиллаб-синқиллаб! Қани, юқорига марҳамат (*шоша-пиша супага кўрпача тўшайди*).

**М у р о д ж о н а к а.** Шошилманг, бону, шошилманг!

**М а л и к а б о н у.** Нега энди шошилмай! Кўй сўйиб чорласам ҳам келмайдиган меҳмонлар келишибди!

**Б а ҳ од и р а к а.** Тинчликни, тансиҳатликни, хотиржамликни берсин Худойим. Шу уйда яхши-яхши тўйлар бўлсин! (*Юзларига фотиҳа тортишиади*.)

**М а л и к а б о н у.** Мен ҳозир чой қўйиб келай (*ўрнидан туради*).

**М у р о д ж о н а к а.** Биз шошиб турибмиз, тўйларда ичамиз.

**М а л и к а б о н у.** Қўлимдан бир пиёла чой ичмасдан кетмайсизлар (*тилдираб оишонага кириб кетади*).

**М у р о д ж о н а к а.** Жуда мавридида келганга ўхшаймиз. Севинчидан терисига сифмай кетяпти. Пилдирашини қаранг!

**М а л и к а б о н у** (*дастурхон олиб чиқади*). Ўзиям сиқилиб турган эдим, хуш келибсизлар (*чиқиб кетади*).

**Б а ҳ од и р а к а.** Худонинг ўзи йўл кўрсатяпти, савобли ишимиз осон кўчадиганга ўхшайди.

**М у р о д ж о н а к а.** Худо хоҳласа!

**М а л и к а б о н у** (*нон, патнисда қанд-қурс олиб чиқади*). Хуш келибсизлар!

**Б а ҳ од и р а к а.** Хушвақт бўлинг! Ҳеч нарсага овора бўлманг!

**М а л и к а б о н у. Вой, овораси бор эканми! (Яна ичкарига кириб кетади.)**

**М у р о д ж о н а к а. Аёли бор уй гүё жаннатга ўхшайди. Райхонларни экиб, яшнатиб қўйганини қарагин, саранжом-саришта аёлга ўхшайди.**

**Б а ҳ о д и р а к а. Жўрамизга тегишга рози бўлса, Фазлиддиннинг баҳти очилади.**

**М у р о д ж о н а к а. Қариганда ҳам бир-бирига суянчик бўлиб юришади-да?!**

**Б а ҳ о д и р а к а. Ишқилиб рози бўлсин-да!**

**М у р о д ж о н а к а. Рози қиласиз.**

**М а л и к а б о н у (чой дамлаб киради). Вой, нонни синдиринглар! Қанд-курслардан олинглар! (Ўтириб чой қайтара бошлайди).**

**Б а ҳ о д и р а к а. Маликабону, болаларинг ҳабар олиб туришибдими?**

**М а л и к а б о н у Онда-сонда. Қизлар, неваралар эсларига тушганда хабар олиб туришибди (чой узатади).**

**М у р о д ж о н а к а. “Ўлма, Гўрўғли ўлма, ўлгунча ўзингдан қолма!” дейдилар.**

**М а л и к а б о н у. Ҳақ гап экан. Неваралар думалаб-сумалаб катта бўлишяптими? Хотинингиз яхшими?**

**Б а ҳ о д и р а к а. “Бола боқасан вақтинча, невара боқасан ўлгунча!” дегандай хотиним невараларни боқиб ўтирибди.**

**М а л и к а б о н у. Икки қизим икки томонга турмушга чиқиб кетди. Худо ўғил ҳам бермади. Менга невара боқиш ҳам насиб қилмади.**

**Б а ҳ о д и р а к а. Куйинманг, Маликабону, Тангрини буюргани бўлади. Биз ожиз бандалармиз. Борига шукр қилинг!**

М а л и к а б о н у. Шукр, шукр! Худойим етказса, кўраверар эканмиз.

Б а х о д и р а к а. Жўрамизнинг раҳматли бўлганига ҳам анча бўлди-а?

М а л и к а б о н у. Ўн йилдан ошди.

Б а х о д и р а к а. Шундан бери ёлғизсиз-а?

М а л и к а б о н у. Пешонамизга ёзилгани шу экан!

М у р о д ж о н а к а. Ёлғиз яшашдан оғири бўлмаса керак?

М а л и к а б о н у. Асло сўраманг, ёлғизликнинг бағригинаси курсин-а! “Ёлғиз ғоз товуш бермас” деганлари тўғри экан.

М у р о д ж о н а к а. Тўғри айтасиз, бону. Ўзга бир хонадондаги бир ёлғиз ғознинг ҳам ахволи шу.

М а л и к а б о н у. Ким экан у ғоз?

Б а х о д и р а к а. Фазлиддин деган жўрамиз бор. Бир йил бўлди хотинининг раҳматли бўлганига! Жуда ёлғизланиб қолди, бояқиш!

М у р о д ж о н а к а. Шу жўрамизга танмаҳрам керак бўлиб қолди.

М а л и к а б о н у (*қувлик билан*). Мен нима қилишим керак экан?!

Б а х о д и р а к а. Бону, тушуниб тушунмасликка олманг!

М а л и к а б о н у. Ақлингизни еб қўйдингизми? Одамни уялтирунглар!

М у р о д ж о н а к а. Уят, уят деб уйда ёлғиз ўтирибсиз. Ким ҳолингиздан хабар олади? Бунақа уятнинг кимга кераги бор?! Икковингиз ҳам ана шундай ёлғиз яшаб юраверсаларингиз – ажалингиздан беш кун эмас, ўн кун олдин ўласизлар.

М а л и к а б о н у. Бу ширин дунёда кимнинг ўлгиси келади.

Баҳодир ақа. Фазлиддин жўрамиз – зўр йигит.  
Турмушга чиқишга рози бўлсангиз...

Малика боны. Кутилмаган гап билан ўйлантириб  
қўйдингиз!

Баҳодир ақа. Кўнгил нима дейди?

Малика боны. Кўнгил қолибдими?

Баҳодир ақа. Унақа демант, бону, тан қариса ҳам  
кўнгил қаримас экан. Ҳали ҳам кўчадан жонон кампир-  
лар ўтиб қолса, кўз тўймай термилиб қоламиз (*кулади*).

Малика боны. Қариб қуйилмаганлар-ей, кўзга  
тупроқ тўлса, сўнг кўнгил тинчир экан-да! Уч бирдай  
чол чойхонада ўтириб олиб, ўтган-кетганга гап отиб  
ўтирас экансизлар-да?!

Муроджон ақа. “Шилқим чоллар” номини  
бекорга олмадик.

Малика боны. Фазлиддин жўрангиз ёшлигида  
дардини айтмасдан ҳовлимиз атрофида айланаверарди,  
айланаверарди.

Баҳодир ақа. Камтар йигит бўлган-да!

Малика боны (*кулиб*). Ўта камтарлик ҳам яхши  
эмас...

Баҳодир ақа. Бечоранинг дарди ичида экан.

Малика боны. Қариганда эски дарди кўзғалиб  
қолибдими?

Муроджон ақа. Ёшлиқда берган кўнгил ёмон  
бўлади, дейишади. Жўрамизга рози бўла қолинг, энди.

Малика боны. Баъзи чоллар қариганда ёмон  
қарийди. Тағин эзма, асабий бўлиб қолган бўлса, “Оч  
қорним – тинч қулоғим”, эрга тегиб зарил келибдими?

Баҳодир ақа. Жўрамиз жуда яхши қариган,  
оғир, вазмин, асқиячи, хушчақчақ бўлиб.

Малика боны. Жўрангизни оғзингиздан бол  
томиб мақтадингиз-ей.

Муроджон ака. Макташга арзигандан кейин мақтаймизда. Бизлар унча-бунчанинг орасига тушмаймиз. Ўзини бир кўринг, дилдан сухбатлашинглар. Ёқса – тўй қиласиз, ёқмаса – катта кўча, дейсиз.

Маликабону. Сизнинг сазангиз ҳам ўлмасин. Ёлғизлик жонга тегди. Бир учрашсак, учрашибмизда!

Баҳодир ака. Мана бу ўғил болача гап бўлди!

Муроджон ака. Қаерда учрашув ташкил қиласиз?

Маликабону. Билмасам!

Муроджон ака. Алишер Навоий боғи бўладими?

Маликабону. Мен ўн саккиз яшар қизмидим, боғда учрашиб, кўл ушлашиб юрадиган.

Баҳодир ака. Чол-кампир невараларини учрашувга олиб чиқишибди, деб ўйлашади.

Маликабону. Йўқ, бўлмайди.

Муроджон ака. Шаҳидлар майдони қалай?

Баҳодир ака. Тузукроқ жойлардан айт!

Муроджон ака. Нима қилибди? Ўтганлар йўқланса, руҳи шод бўлади.

Маликабону. Яхшиси, уйимга кела қолсинлар.

Баҳодир ака. Қачон келсин?

Маликабону. Шомда кела қолсинлар! (Уялиб ичкарига кириб кетади.)

Муроджон ака. Айни муддао! Ҳозироқ бориб, олдингизга жўнатамиз!

Бола, бола, боғдан келинг,  
Ялангоёқ томдан келинг.  
Кўшнимизнинг ити ёмон,  
Хаёлламай шомда келинг!

Б а х о д и р а к а . Худонинг ўзи йўл очяптими?  
Ҳамма ишимиз хамирдан қил суғургандай ҳал бўляпти.  
Фазлиддин жўрамизни яшин тезлигида жўнатиш керак!

### Учинчи қўриниш

М а л и к а б о н у .  
Сув сепади. Райхонларни қўли билан силкитиб ҳидлайди. Бир  
шоҳчасини синдириб қулоғига тақади.

М а л и к а б о н у .

Йўл бўлсин-ей, йўл бўлсин-ей,  
(Ўсма баргларидан юлиб олади.)

Босган изларингиз гул бўлсин-ей.  
(Супага чиқади.)

Олманинг нозиклигидан  
Кўринадур бир донаси.

(Пиёла тўнтариб, ўсма сиқа бошлийди.)

Баргига шабнам тушибди,  
Вой, мен унинг девонаси.  
(Кошига ўсма қўйиб, бошини оғдиради.)

Гулмидим очилгани,  
Булбулмидим сайрагани.  
Ваъдалар шундаймиди,

(Ўсмасини ювади.)

Ўлмай туриб айрилгани...  
Гули сафсанни кўринг,  
Сувга қараб қайрилади.  
Бевафо ёрни кўринг  
Ўлмай туриб айрилади.

Эшикдан Ф а з л и д д и н а к а д уторини кўтариб  
кириб келади.

**М а л и к а б о н у.** Хуш келибсиз, босган изларингиз гул бўлсин!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Хушвақт бўлинг! Кўнглиңгизни кўтарай, деб дуторимни ҳам қўлтиқлаб келавердим.

**М а л и к а б о н у.** Яхши қилибсиз. Остонамизга қадам босмаганингизга ҳам анча бўлди.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Раҳматли эрингиз Отеллога ўхшаб ўта рашқчи эди-да! Уйингизга келиш у ёқда турсин, ўзингизга озор бермасин, деб қўчада салом беришга ҳам истиҳола қиласин.

**М а л и к а б о н у.** Эрим раҳматли кўкариб чиққанларига ҳам ўн йилдан ошди. Ҳолимни сўраб келмадингиз ҳам!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Гинангиз ўринли, бону! Кампиримнинг кўнглига бир гап келмасин, дедим-да.

**М а л и к а б о н у.** Андиша – кишининг зийнати.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Ёлғиз туя бақироқ бўлар экан!

**М а л и к а б о н у.** Ёлғиз бола ҳам йифлоқи бўлади!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Қариганда дардлашадиган суюнчиқ керак бўлар экан.

**М а л и к а б о н у.** Суюнчиқ бўладиган ёш-ёш бевалар бор-ку, нега менга оғиз солдирдингиз?

**Ф а з л и д д и н а к а.** Кўнглимнинг туб-тубида сизга бўлган эски муҳаббатим сақланиб қолган-да, бону!

**М а л и к а б о н у.** Умр поёнига етиб, қариганда одамларга кулгу бўлмаймизми?

**Ф а з л и д д и н а к а.** Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киради, дегандай, ёлғизлик жонимдан ўтганидан, андишани ҳам йиғиштириб, сизга оғиз солишга журъат қилдим. Ёлғиз итнинг ҳургани, ёлғиз кишининг юргани билинмас экан. Дардимни эшитадиган дардкаш, сирдош керак бўлиб қолди. Остонангиздан ноумид қайтармасиз, бону!

М а ли к а б о н у. Мен ҳам чолим ўлгандан бери жудаям қийналдим. Қинғирми-қийшиқми эринг бўлсин экан. Жуфтидан ҳеч кимни эрта айирмасин, ёлғиз яшаш азоб-азоб, лекин мен ҳозир анча кўнишиб қолганиман.

Ф а з ли д д и н а к а. Мен кўниколмаяпман, ёлғизлик жондан ўтди! Хўп десангиз, икки ёрти бир бутун бўлайлик!

М а ли к а б о н у. Болаларингиз нима дейди?

Ф а з ли д д и н а к а. Фарзандларим менинг хотиржам яшашимни хоҳлашса рози бўлишади.

М а ли к а б о н у. Уларнинг олдидан ўтдингизми?

Ф а з ли д д и н а к а. Сиз рози бўлсангиз, уларни кўндираман.

М а ли к а б о н у. Қариганда маломатга қолмайлик, деб қўрқаман-да.

Ф а з ли д д и н а к а. Сиз ёнимда бўлсангиз, ҳар қанча отилган маломат тошларига чидайман!

М а ли к а б о н у. Сиз барибир фарзандларингизнинг олдидан ўтинг, мен ҳам қизларим билан маслаҳатлашай. Шошма-шошарлик қилиб, қариганда бебурд бўлмайлик, тагин.

Ф а з ли д д и н а к а. Ақлингизга балли, бону!

М а ли к а б о н у. Мабодо, фарзандларимиз рози бўлишса, бу хонадонда мендан бошқа ҳеч ким яшамайди, шу ерда бирга яшасак-чи?

Ф а з ли д д и н а к а. Йўғ-ей, сизни ўз хонадонимга олиб кетаман!

М а ли к а б о н у. Ичкуёв бўлишдан ор қиласизми?

Ф а з ли д д и н а к а. Эр кишида орият бўлгани яхши!

М а ли к а б о н у. Ишқимда куйганингиз ёлғон экан-да?

Ф а з ли д д и н а к а. Рост, рост! Муҳаббатимга шубҳа қилманг!

**М а л и к а б о н у.** Лекин мен у хонадонга келин бўлиб бормайман!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Нега, бону?

**М а л и к а б о н у.** Мен “ўтгай она” бўлиб борсам, фарзандларингиз, келинларингизнинг жони ҳалак, фифони фалак бўлиб юрмасин.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Масаланинг бу томони ҳам бор, денг?

**М а л и к а б о н у.** Ўзга уйда ўтгай она бўлиш оғир!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Янги “дом” олиб чиқиб кетамиз.

**М а л и к а б о н у.** Суюқ фикр қиляпсиз.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Қуюқ фикрни сиздан эшитайлик, бўлмаса.

**М а л и к а б о н у.** Менга бўлган эски муҳаббатингиз сўнмаган бўлса, менинг шартимга рози бўласиз.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Ор-номус ўлимдан қаттиқ, ўйлаб кўриш керак!

**М а л и к а б о н у.** Муҳаббатингиз чин эмас экан, афсус!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Чин, чин, чин, Бону!

**М а л и к а б о н у.** Чин бўлса, нега иккиланиб қолдингиз? Ёшлигингида ҳам худди шундай эдингиз. Иккиланиб, ландавурлик қилиб, севгилингизни қўлдан чиқарган эдингиз!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Иккиланмаяпман!

**М а л и к а б о н у.** Лайлининг ишқида Мажнун девона бўлиб қолган, Зухронинг ўлганини эшитиб Тоҳир кўксига найза санчган. Сизга қойил қолмаяпман!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Маликабону!

**М а л и к а б о н у.** Ичкуёв бўлишдан ор қиляпсиз. Ошиқлигингида ишонмайман!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Сизнинг ойдек юзларингиз, шарқироқ сойдек кулгуларингиз, уялганда икки юзингизнинг қирмизи олмадек қизаришлари, майда қадамлар

билингиз юрагимнинг туб-тубига ўрнашиб қолган. Унуганим йўқ! Ошиқ бўлганим – рост!

Малика боны. Ошиққа икки дунё – бир қадам. Ошиқ маъшуқаси билан дийдор кўришмоқ учун ҳар қанча олис масофани босиб ўтаверади, дейишади. Сиз бўлсангиз...

Фазлидин ака. “Ошиққа таёқ ўтмас”, дейдилар. Қанча гина қилсангиз ҳам, маломат тошларини отсангиз ҳам майли. Ошиқ севгилиси васлига етишмоқ йўлида уни ҳар қанча урмасинлар, сўкмасинлар, барибир писанд қилмайди ва ўз мақсадидан қайтмайди.

Малика боны. “Ошиқлик – шармандалик” дейдилар. Ошиқ маъшуқасига етишмоқ учун ҳеч нарсадан тап тортмайди, дейишган машойихлар.

Фазлидин ака. “Маъшуқ қайда бўлса, ошиқ шунда бўлар”.

Малика боны. “Қичиган ердан кўл кетмас, суйган ёрдан кўз кетмас!”

Фазлидин ака. “Нигоҳ рухсорга тўймас, кўнгил дийдорга тўймас”.

Малика боны. “Ўрдак билан суқсурнинг сув кечишгани яхши. Ошиқ билан маъшуқнинг кўз бокишигани яхши”.

Фазлидин ака. “Ошиқ билан ўйнасанг, ошиғингга ўт тушар, маъшуқ билан ўйнасанг қошиғингга тут тушар”.

Малика боны. “Висол қанчалик яхши бўлса, ҳижрон шунчалик ёмон бўлади”.

Фазлидин ака. “Қақнус оловда синалса, севги ҳижронда синалади”.

Малика боны. Ошиқлик тўғрисида шунча доноларимизнинг сўзини билар экансиз, уларга ўзингиз амал қилмапсиз-да.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Одамлар носқовоқсиз юролмагандай мен ҳам дуторимсиз юролмайман. (*Фазлиддин ака дуторини олиб куйлади*):

Күнгилда дард кўп, айтурга бир маҳрам тополмасман,  
Кетарға бош олиб, чўллар аро ҳамдам тополмасман.  
Юрагим ғуссага тўлди, киши йўқ айтгали ҳолим,  
Нетай, дард айтгудек бир дардман тополмасман.  
Куларлар қаҳқаҳа айлаб нечук бегам кишилардур,  
Куларға бир замон хотири бегам тополмасман.  
Кеча-кундуз оқар ёшим кўзимдин жолалар янглиф,  
Яқому кўксум узра қатраи бенам тополмасман.  
Жароҳат бўлди бағрим тифи ҳасрат бирла мен найлай,  
Юриб, излаб табиблардан анга малҳам тополмасман  
Мусибатхонадир дунё, нечук одам юрур бегам  
тополмасман.

**М а ли к а б о н у.** Офарин, тасанно, сиз бир сеҳргар-  
сиз! Мен розиман!

### Иккинчи парда

#### Тўртинчи кўриниш

**Ф а з л и д д и н а к а** ҳовлисидағи бир туп хурмо дарахти мева солган. Хурмо дарахти тагига қўйилган стол-стулда Фазлиддин аканинг фарзандлари жамулжам.

**Ф а з л и д д и н а к а.** Болаларим! Жойлашиб ўтириб олинглар. Ҳис-ҳаяжонга, эҳтиросларга берилмасдан, менинг сўзларимни дикқат билан эшлитиб, қулогингизга қуиб олинглар.

**О д и л ж о н.** Ота, тинчликми?

**О л и м ж о н.** Нима гап экан?

Ойдин. Кулоғимиз сизда, отажон!

Фазлидин ака. Мен уйланишга қарор қилдим!

Одилжон. Ия!

Олимжон. Ах!

Ҳакима. Вой!

Ойдин. Тавба!

Фазлидин ака. Яна қайтариб айтишим мумкин,  
мен уйламоқчиман!

Одилжон. Кимга?

Олимжон. Бахти кулган аёл ким экан?

Ҳакима. Билсак бўладими?

Ойдин. Вой шўрим!

Фазлидин ака. Қўшни гузардаги Маликабонуга!

Одилжон. Шунақами?

Олимжон. Гап буёқда денг?

Ҳакима. Яхши-ку!

Ойдин. Нега?

Ҳакима. Бобомнинг кийимларини ювишдан кутуладиган бўлибман.

Фазлидин ака. Қариганда оғир юк бўлиб қолдим. Ҳеч кимга оғирлигим тушмаслиги учун шунга қарор қилдим.

Олимжон. Отамни “давно” уйлантириб қўйиш керак эди, ўзи!

Ойдин. Онамнинг гўри совимасдан-а, ўйлаб гапиряпсизми, ака?

Одилжон. Ўзингни бос, Ойдин, дадам уйланаман, деганлари билан эртага уйланмайдилар-ку. Бу масалани шошилмасдан обдон ўйлаб, пишитиб олиш керак!

Ойдин. Мен дадамнинг уйланишларига қаршиман!

Ҳакима. Сизнинг рўзғорингиз бошқа. Дадамнинг кир-чирини ювмайсиз, ош-овқатини қилмайсиз.

Ойдин. Янга, дадамнинг оғирлиги тушаётган бўлса, ўзим билан олиб кетаман.

Фазлидин ака. Қизиқ гапни айтасан-а, қизим. Бутун умрим ўтган уйни ташлаб сеникига бораманми? Үйланишимга рози бўлсанг, бўлди.

Ойдин. Асло!

Одилжон. Шу пайтгача ҳеч кимнинг калласига шу фикр келмабди. Ҳақиқатан ҳам дадамга танмаҳрам керак. Маликабонуни ҳалол, покиза аёл, деб эшитаман.

Ойдин. Ҳалол, покиза аёл нега эрсираб қолибди?

Фазлидин ака. Эрсирагани йўқ, мен ўзим бориб, кўнглимни очдим, у рози бўлди.

Олимжон. Иш ҳам осонгина пишибди-да (*кулади*).

Ойдин. Суишишмай ўлсин, суюқ кампир чолининг бошига етганига ҳам йиллар ўтди. Энди сизни бир бало қилиб қўймасин!

Одилжон. Ойдиной, синглим, оғирроқ бўл!

Олимжон. Фунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди, дейдилар. Онамни ўлганларини эшитиб, Маликабону кўча-кўйда кўзларини сузиб ўтиб кетган бўлсалар, отамиз ҳам қари буқадек шаталоқ отиб ипла-рини узиб орқаларидан юргургандирлар-да! (*қотиб кулади*.)

Фазлидин ака. (*столга муштлаб ўрнидан туради*). Олимжон болам, ўз отанг тўғрисида шундай гапларни гапиргани уялмадингми? Кўшни қишлоқдаги Салом бува ёлғиз ўзи, бир хужрада яшар экан. Келинлари ош-овқатидан хабардор бўлиб турар экан. Ўғил-қизлари ўз ишлари, ташвишлари билан овора бўлиб, оталарини тоҳ эсдан чиқариб қўйишар, отасининг дарду ҳолини сўрамас эканлар. Бир куни келини ўғлидан овқат бериб юборибди. Невараси овқат олиб борса, буваси оstonада узала тушиб ётган экан. Невараси қўрққанидан овқатни ташлаб, бир ахволда уйдан чиқибди. Ўғиллари келиб

хабар олишса, чол ўлиб бўлган экан. Бечора рози-ризолик ҳам айттолмай оламдан ўтибди. Мен ҳам ўша чолни ҳолига тушсам, ўшанда ҳам куласанми, Олимжон ўғлим!

Ойдин. Худо кўрсатмасин-ей!

Ҳакима. Менга шама қилмаяпсизми, бобожон?!

Фазлиддин ака. Келин, сиз менга яхши қарайсиз, илоё барака топинг, болаларингизнинг хузурини кўринг. Уч маҳал овқатим тайёр, уст-бошим озода, невараларим хабар олишиб туришади. Лекин ҳамдард йўқ, ҳамдард!

Олимжон. Бўпти, мен дадамнинг уйланишларига икки қўлимни ҳам кўтараман.

Фазлиддин ака. Бу масалани менсиз ҳал қилиб, жавобини айтарсизлар (*чиқиб кетади*).

Одилжон. Олимжон дадамнинг уйланишларига рози бўлди. Яна ким нима дейди?

Олимжон. Мен уйланишларига қаршиман!

Одилжон. Ҳозиргина кўл кўтараётган эдинг-ку!

Олимжон. Дадамнинг кўнгли учун айтдим-кўйдим-да!

Ойдин. Салом бува тўғрисида эшитиб юрагим эзилиб кетди.

Олимжон. Дадам шафтолидек ҳилвираб, пишиб қолган бўлсалар.

Одилжон. Нафасингни ел олсин!

Ойдин. Юзингиз йўғ-а, ака!

Ҳакима. Нега йўқ бўлар экан, акангизнинг юзлари икки эмас, ўн олти!

Олимжон. Сизларнинг гапларингизча, дадамни уйлантириб қўяйлик ҳам. Дадам касал бўлиб қолса, аёл бошимизга бало бўлади.

Одилжон. Дадам ҳали бақувватлар!

Олимжон. Сизнингча, дадам бақувват ҳам, дейлик. Кампир ҳомиладор бўлиб қолса, нима қиласиз?

Х а к и м а. Ўлинг-ей! (*Юзини тескари буради.*)

О й д и н. Ақлингизни еб қўйибсиз, aka!

О л и м ж о н. Ҳали мен ақлимни еганим йўқ. Ҳожи-майдон қишлоғидан олтмишга кирган кампир ўғил туғибди. Агар дадамиз ҳам ўғил кўрсалар, меросхўр бўлади. Ҳаммамизни уйдан ҳайдаб чиқаради.

Х а к и м а. Унақа бўлса уйлантириш керак эмас!

О й д и н. Янгамнинг кўнглидан чиқдингиз-да, aka!

Х а к и м а. Бир оғизгина гапирсам ҳам оғзимга урасиз-а!

О й д и н. Сиз аралашмай турсангиз-чи!

Х а к и м а. Мени итдек талаиверманг.

О й д и н. Одамни итга қўшманг, янга!

Х а к и м а. Янга билан қайинсинги қачон бир-бирини тушунар экан-а?!

О д и л ж о н. Кўп минғирламай, овозингни ўчириб тургин!

Х а к и м а. Олдин синглингизнинг овозини ўчиринг!

О й д и н. Мана, мен ўчирдим, янга!

О д и л ж о н. Сен ҳам ўчир!

Х а к и м а. Мен кетдим, олақарғага ўхшаб орала-рингда ўтираманми? (*Ўрнидан туради.*) Менсиз ҳал қиласверинглар!

О д и л ж о н. Аразламасдан ўтириш!

Х а к и м а. Мен лом-лим демайман, ҳаммасини Ойдиной гапирсин! (*Ўтиради.*)

О й д и н. Янгажон, илтимос, бўлди!

Х а к и м а. Жон-жон деб, жонимни оласиз!

О д и л ж о н. Ўчирасанми, йўқми?!

О л и м ж о н. Бизларам гапирайлик. Хабарингиз бор, aka, отам ҳовлининг ярмини менга бераман, деган. Катта ўғлимни уйлантириб, шу ҳовлига олиб келишни мўлжал қилиб юрибман. Дадам уйланадиган бўлса, ҳовлидан бенасиб бўлиб қоламан.

О д и л ж о н. Қассобга – мой қайғуси, әчкига – жон!

Х а к и м а. Нимага ҳовлининг ярмини сизга берар-канмиз?!

О л и м ж о н. Янга, сиз эркакларнинг ишига аралаш-май жим туриңг!

Х а к и м а. Аралашаман, ҳовлида сизнинг бир тийинлик ҳаққингиз йўқ!

О л и м ж о н. Ака, янгамнинг чакагини ўчирасизми, йўқми?

О д и л ж о н (*елкасини қисади*). Нима ҳам дейман!

Х а к и м а. Бизнинг ҳам икки ўғлимиз етишиб келяпти. Уларни уйлантирсак ҳовли ўзимизга ҳам торлик қиласди. Укангиз ҳовлига эгалик қиласди, сизнинг оғзингизни совуқ уриб кетган. Жим ўтираверинг. Кўнглингиз бўшлигидан фойдаланиб, ҳаммаси тепангизга чиқиб ўтиради (*ийғлаб, кетмоқчи бўлади*).

О д и л ж о н. Йўқол, кўзимга кўринма!

Х а к и м а. Йўқолмайман, ўтираман! (*Ўтиради.*)

О д и л ж о н. Эшакдай қайсарсан-а!

Х а к и м а. Энди эшакка ҳам чиқардингизми?

О д и л ж о н. Эй Худонинг бандаси! (*Столдаги идишдан туршак олиб.*) Мана бу туршакни оғзингга солиб, бирпас жим ўтир! Бу ерда ҳовли-жой масаласини эмас, дадамизни уйлантириш масаласини ҳал қиласдимиз!

О л и м ж о н. Ҳамма гап уйланиш масаласидан чиқиб келяпти. Дадамиз уйланиб фарзандли бўлсалар, у ҳовли-жой сизга ҳам, менга ҳам насиб қиласдиди. Энг кенжак меросхўрники бўлади. Кўзингизни каттароқ очинг!

О й д и н. Жуда унчаликка бормас. Қисқа ўйламанг!

О л и м ж о н. Сочи узун, ақли калта, сен қисқа ўйлајпсан. Мен узоқни кўзлаյпман, агар билсанг. Мен девор бўлса ҳам кўчани кўра оламан.

Ойдин. Узоқни кўра билганингиздан орқангизга тепишибди-да!

Олимжон. Нафсониятимга тегма!

Ойдин. Сизда ҳамият бор эканми, ака? Дадамнинг олдида уйлантирамиз, деб жилпанглаб турган эдингиз. Орқаларидан уйлантирмаймиз, деб оёқ тираб оляпсиз. Ҳаётда ҳам минг хил товланиб яшайсиз. Ўзингиздан бойроқ, юқори лавозимдаги одамларга тулкидай думингизни ликиллатиб, атрофида парвона бўласиз. Ўзингиздан паст лавозимдаги камтар одамларга шердай ташланасиз. Иложи бўлса, еб қўйишга ҳам тайёрсиз!

Олимжон. Тилингни тий, ҳозир бир нима қилиб қўяман сени!

Ойдин. Тўғри гап туққанингга ҳам ёқмайди. Аччиқ бўлса ҳам гапларимни охиригача эшигинг! Туманда энг яхши ишга ўтиб олиб, атрофингизга саводсиз, тўнкаларни йифиб, тажрибали одамларга кун бермадингиз. Ишдан қанча керакли одамларни бўшатиб юбордингиз. Сизга саводли одам керак эмас, аҳмоқ одамлар гап қайтармай ноғорангизга ўйнайверади, сиз туманимизни расвои жаҳон қилдингиз. Энди дадамизнинг ҳам ҳаётини расво қилмоқчисиз. Сизга дадамизнинг соғлиги, хотиржамлиги керак эмас. Мерос, ҳовли-жой керак. Ўтакетган худбинсиз, ака!

Олимжон. Агар синглим бўлмаганингда...

Ойдин. Нима қиласдингиз?

Олимжон. Тилингни суғуриб олардим!

Одилжон. Дадамизни уйлантирамизми, йўқми?!

Ойдин. Мен дадамнинг уйланишларига мингданминг розиман. Кўнглига ёққан аёлга уйлансинлар!

Олимжон. Сенинг розилигинг билан иш битмайди, нима дедингиз, янга?!

**Ҳ а к и м а** (*гўлдираб гапиради*). Акангиз оғзимга туршак солиб ғўлдиратиб қўйди-ку!

**О л и м ж о н.** Ўғил бола гапни ўзингиз айтинг, янга!

**Ҳ а к и м а** (*яна гўлдираб гапиради*). Гапиришга рухсат берасизми?

**О д и л ж о н.** Гапира қол!

**Ҳ а к и м а** (*туршакни оғзидан олади*). Агар дадамизнинг сирини очиб, достон қиляпти, демасаларинг, бир гапни айтмоқчиман.

**О д и л ж о н.** Айта қол!

**Ҳ а к и м а.** Дадамга билдирамаслик шарти билан айтаман!

**О л и м ж о н.** Аччиқ ичакдек чўзмасдан гапира қолинг! (*энсаси қотади*.)

**Ҳ а к и м а.** Энсангиз қотмасин, ука!

**О й д и н.** Ҳозир ичим тарс этиб ёрилиб кетади, гапира қолинг, янгажон!

**О д и л ж о н.** Бўл-ей, ҳаммани сил қилиб юбординг-ку!

**Ҳ а к и м а.** Ана у куни дадам боғимиздаги шафтолидан бир дона еб, корнилари оғриб қолибди. Оқ иштонларига... Менга беришга уялиб, ўзлари тоғорага солиб, ювиб ўтирибдилар.

**О л и м ж о н.** Шунақа денг! (*Қотиб кулади*.)

**О й д и н.** Гап ҳам таъсир қилмайди, бунинг юзи қотиб чарм бўлиб кетган.

**О д и л ж о н.** Кулма, ука! Ёшимиз ўтиб, биз ҳам дадамизнинг ёшига етсақ, нима бўламиз ҳали, Худо билади.

**Ҳ а к и м а.** Оғизларингиздан гуллаб қўймангизлар тағин!

**О л и м ж о н.** Гуллаб жинни бўлибмизми!

**Ҳ а к и м а.** Сиздан ҳар балони кутса бўлади. Сочингиз бекорга тўкилмаган, ука!

О л и м ж о н. Нега ҳаммаларинг менга ёпишиб олдиларинг ўзи (*жашл билан хурмо дараҳтини тепади*).

О д и л ж о н. Ука, амалдан кетиб аламзада бўлиб қолибсан. Авваллари хурмони тепсанг, дувиллаб хурмо тўкилар эди. Ишдан кетганингни сезганми, мева тугул япроғи ҳам тўкилмади-я (*кулади*).

О л и м ж о н. Кўрасизлар, мен ҳали қўп хурмоларни тўкаман! (*Хурмони яна тепади, хурмо тўкилмайди.*)

О д и л ж о н. Жазавага тушмасдан ўтири!

Ҳ а к и м а. Қиссадан-ҳисса шуки, дадамизни уйлантириш керак. Лекин туғмас аёлга уйлантириш керак!

О д и л ж о н. Унақасини қаердан топамиз?

О л и м ж о н. Танлов ўтказамиз!

О й д и н. Энди бир ками шу қолувди.

О д и л ж о н. Менимча ҳам дадамизни уйлантирсак яхши бўлади. Ўтган куни ярим тунда тўйдан қайтиб, уйдагиларни уйғотиб юбормай, деб оёқ учидга ҳовлига кирдим. Дадамизнинг хонасининг чироғи ёниқ, ҳайрон бўлиб, секин деразадан мўраласам...

Ҳ а к и м а (*ҳовлиқиб*). Нима бўпти?!

О д и л ж о н. Ўл бўпти, дард бўпти. Ҳовлиқмасдан гапни эшит. Секин мўраласам...

О й д и н. Ухлаб ётгандирлар-да?!

О д и л ж о н. Шошилманглар! Секин мўраласам...

О л и м ж о н. Овқат еб ўтиргандирлар-да?!

О д и л ж о н. Бердисини эшитинглар. Секин мўрала-сам...

О л и м ж о н. Сиз ҳам эзиг юбордингиз-да.

Ҳ а к и м а. Ҳа-я, лўндасини гапириб қўя қолинг!

О д и л ж о н. Уйимизни тўрида осилган, ойим билан тушган расмга қараб: “Нега мени бу фоний дунёда ёлғиз ташлаб кетдинг, сенсиз энди қандай яшайман. Сенсиз

менга тириклик йўқ! Мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кет. Бу дунёда қиласиган ишим қолмади”, деб йиғлаб ўтирибдилар. Ахволларини кўриб, юрагим ачишиб кетди.

Ҳакима. Ростданми, дадаси?

Одилжон. Сенга илгариам ёлғон гапирганмидим!

Ойдин. Ойижонимсиз дадажоним ичикиб қолибдилар.

Олимжон. Дадам ёш боламиди, ичикиб?

Ойдин. Ҳаммамиз йиғилиб, иккиланиб, тортишиб мажлис қилиб ўтирсак, дадажонимиздан ажралиб қоламиз!

Одилжон. Ҳаммамиз турмуш ташвишига ўралашиб, дадамизни ёлғизлатиб, унугиб қўйдик. Муштни бир жойга уриб, тезда дадамизни уйлантириб қўйиш керак!

Олимжон. “Эшаккаям хинами?” деган экан ақли расолар. Мен “категорический” қаршиман!

Одилжон. Сен тошюракнинг дадамизга заррачаям меҳринг йўғ-а!

Олимжон. Эртага ҳаммамиз ҳам қариймиз, бу дунёга устун бўлмаймиз!

Одилжон. Тўғри, ҳаммамиз ҳам ўтамиш. Лекин токи ҳаёт эканмиз, шу умри азизнинг завқидан, суруридан тўла баҳраманд бўлишимиз керак эмасми! Ойдиной!

Ойдин. Лаббай, ака!

Одилжон. Дадамни уйлантириш масаласида нима ёрдам берасан?

Ойдин. Қўлимдан келган ёрдамни бераман. Сарпосурук, деясизми, кийим-кечак бўладими, неки лозиманда керак бўлса, тайёрлаб беришга ваъда бераман!

Ҳакима. Тўйни ресторонда ўтказамизми ёки кафеда?!

Олимжон (*кесатиб*). Карнай-сурнай, ногора базм билан ресторанда ўтказиш керак.

Одилжон. Тўйни қаерда ўтказишни дадамнинг ўзидан сўраймиз. Олимжон!

Олимжон. Нима?!

Одилжон. Сен қандай ёрдам берасан?

Олимжон. Мен тўйни бузаман!

Ойдин. Жиннилик қилманг, ака!

Олимжон. Мен жинниман, жиннилик қилман!

Уй-жойдан маҳрум бўлиб қолишни истамайман. Ўлган онамнинг руҳини чирқиратиб, бу хонадонга ўгай она, деган балони яқин йўлатмайман! Мени ҳаммаларинг ёмон кўрасизлар, ёмонлигимни кўрсатиб кўяман! (*Хурмо дарахтини тетиб чиқиб кетади.*)

Ҳакима. Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайдилар-а!

Одилжон. Бунга от ҳам, эгар ҳам ҳайф! Отани ота ўрнида, акани ака ўрнида, сингилни сингил ўрнида кўрмайди.

Ойдин. Ака, бирор балони бошламаса гўрга эди?!

Одилжон. Эртага отамизнинг жўралари Баҳодир ака билан Муроджон акани чақириб маслаҳатлашамиз. Улар рози бўлишса, Маликабонунинг уйига совчиликка жўнатамиз.

Ойдин. Тўйни тезлаштириш керак, ака! Дадамизни уйлантириб умрларини узайтирсак, невара-эвараларининг тўйларини кўриб, дунёдан армонсиз ўтардилар.

Ҳакима. Момо келиннинг оёқлари остига ўзим пойандоз солиб, кутиб оламан.

Ой булутнинг остидан,

Ойдай келин келади.

Кун булутнинг остидан,

Кундай келин келади.

Келингиз-а келингиз,  
Келинсалом олингиз.  
Келинсалом олгач сўнг,  
Кўрманасин берингиз.

### Бешинчи қўриниш

М а л и к а б о н у айвонда белбоғ тикиб ўтирибди.

М а л и к а б о н у. Беқасам тўнлар кийиб,  
Бунча мени куйдирасан.  
Ҳар замонда бир қараб,  
Вой, беажал ўлдирасан.

Кўхи Қофдан келади  
Шаршаранинг овозаси.  
Бевафо бир ёр учун  
Бўлдим жаҳон овораси.

Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётганинг қани?  
Мен ёмондан айрилиб,  
Яхшини топганинг қани?

Оҳ ураман, оҳлар ураман,  
Оҳларим тутгай сени.  
Кўз ёшим дарё бўлиб,  
Балиқлари ютгай сени.

Эшик тақиллади.

М а л и к а б о н у. Ким экан?  
О л и м ж о н . Опажон, мен Олимжонман!  
М а л и к а б о н у. Ие, Олимжон, келинг! Қадамларига  
ҳасанот (эшикни очиб кутиб олади).

Олимжон. Опа, яхшимисиз? Соғ-саломат юрибсизми? Неваралар чопқиллаб юришибдими?

Малика боны. Худога шукр. Ўзингизнинг ҳам болаларингиз катта бўляптими?

Олимжон. Ҳаммаси яхши, тойчоқдай сакрашиб, ўйнаб юришибди.

Малика боны. Қани, супага чиқиб ўтиринг. Мен чой қўйиб келай.

Олимжон. Бир оғиз зарур гапим бор эди, кетаман.

Малика боны. Қулоғим сизда.

Олимжон. Нега отамни сўрамаяпсиз?

Малика боны (*хавотирланиб*). Бояқишига нима бўлди? Касал бўлиб қолдими?

Олимжон. Гижинглаган отдай юрибдилар, уйланмоқчилар!

Малика боны. Кимга уйланяптилар?

Олимжон. Талмовсираб, тарвуз ейдигандай қиласиз-а.

Малика боны. Менинг хабарим йўқ.

Олимжон. Хонзодага ўхшаб кўзингизни сузуб, қошингизни қоқиб, дадамни бошини айлантириб олиб, ўзингизни гўлликка соласиз-а!

Малика боны. Мени хафа қиляпсиз, ўғлим!

Олимжон. Мен сизнинг ўғлингиз эмасман! Энди ўғлингиз бўлиб қолдимми?

Малика боны. Нима бало, чап ёнингиз билан турдингизми?

Олимжон. Чап ён билан туришга мажбур қиляпсизлар!

Малика боны. Тушунтириб гапиринг.

Олимжон. Дадам сизга уйланмоқчи эканлар.

Малика боны. Мен нима қилиш им керак экан?

Олимжон. Ипини узиб бўшалиб кетган қари буқани уйингизга қўйманг.

Маликабону. Ўша қари буқанинг боласисиз. Ота-буқангизни занжир билан боғлаб қўйинг, айни менга ағдармасдан.

Олимжон. Опажон, сиздан илтимос, отамдан совчилар келса, тегмайман, деб қайтаринг!

Маликабону. Эй Худо, бошимга қандай ғалваларни солиб қўйдинг?!

Олимжон. Отамга тегиб ёлчимайсиз, отамнинг бод касали бор!

Маликабону. Ўғил бўлиб, даволатмасдан нима қилиб юрибсиз?

Олимжон. Даволатдик, фойдаси бўлмади.

Маликабону. Яна нима касали бор?

Олимжон. Бели оғрийди, боши оғрийди, ошқозони касал.

Маликабону. Ё тавба, отасининг айбини яширмасдан, сирини очадиган ўғилни биринчи қўришим.

Олимжон. Буйраги ҳам шамоллаган.

Маликабону. Соғ жойлари ҳам бордир?

Олимжон. Ҳамма жойи касал!

Маликабону. Пешонагинам қурсин-а!

Олимжон. Дадамга тегиб барака топмайсиз, деяпман-ку!

Маликабону. Сиз мабодо жосус-мосус эмасмисиз?

Олимжон. Нега унақа деяпсиз?

Маликабону. Майдагап, гап ташувчи, ғийбатчи Соттига ўхшаш шпионлар аёллардан чиқар эди. Эркаклардан аёлмижоз шпион чиқишини биринчи қўришим.

Олимжон. Тилингизга эрк берманг, кампир!

Маликабону. Эрк берсам нима қиласр эдинг?

Олимжон. Замон кўтарса ўзим билар эдим.

**М а ли к а б о н у.** Ичингда гап қолиб кетмасин, гапир!

**О л и м ж о н.** Бир оёғингиз ерда, бир оёғингиз гўрда бўлиб қолибди-ю. Сизга ким қўйибди, эрга тегиши.

**М а ли к а б о н у.** Ҳали ҳаётдан умидим катта, болам. “Ноумид – шайтон”, дейдилар.

**О л и м ж о н.** Ўзингиз ҳам шайтондан тарқалган бўлсангиз керак!

**М а ли к а б о н у.** Шайтон ҳам сенинг олдингда ип эшолмаса керак. Отамнинг уери касал, бу ери касал деб жар солиб юрган сенми шайтон, менми?!

**О л и м ж о н.** Бор гапни айтдим.

**М а ли к а б о н у.** Ноқобил фарзанд экансан! Қобил фарзанд ота сирларини очмасдан, айбини яширади. Отага ёмонлик тилаган бола – бола эмас! Отангизнинг бод касали бўлса, қишда сандалга ўрик ўтидан қилинган чўғ солиб бераман, тузалиб кетади. Ошқозонлари касал бўлса, зубтурум ўтидан чой дамлаб бераман, ошқозонларида муаммо қолмайди. Бел, буйраклари шамоллаб қолган бўлса, тужунидан камар қилиб бераман. Тақиб юрсалар, отдай бўлиб кетади.

**О л и м ж о н.** Қоронғуда топишибизлар-да!

**М а ли к а б о н у.** Худо хоҳласа, отангизнинг табиби ҳам, ҳабиби ҳам ўзим бўламан!

**О л и м ж о н.** Жуда ҳам эрсираб қолган экансиз-да?!

**М а ли к а б о н у** (*ўчоқбошига бориб косовни олади*). Башарангизни кўрмай, эшикни ташқарисидан ёпинг! (*Косов билан қувлайди*.)

**О л и м ж о н.** Қари товуқ! (*Эшикдан қочиб чиқиб кетади*.)

**М а ли к а б о н у.** Бунаقا нодонларни ер ютмаганига ҳайронман (*бир оздан сўнг эшик яна тақиллайди*).

Ўша сурбет бўлса керак! (Секин эшикни очади. Фазлидин ака кириб келади.) Мана сенга сурбет, мана сенга номард, шпион! (Косов билан савалайди.)

Фазлидин ака. Ҳой, ҳой, Маликабону, менман! Нима қиляпсиз?

Малика боны. Менга совчи қўймасдан олдин ўғилларингиз билан маслаҳатлашмайсизми? (Косовни ўчоқ бошига ташлайди.)

Фазлидин ака. Нега бундай дейсиз?

Малика боны. Ҳозиргина бир ўғлингиз келиб, таъбимни хира қилиб кетди.

Фазлидин ака. Менинг иккита ўғлим бор! Қайси бири экан?

Малика боны. Тепакал, қирғийбурун, тулкининг эркагига ўхшаб шумрайган ўғлингиз борми?

Фазлидин ака. Бор, Олимжон! Кўнглим сезган эди-я!

Малика боны. Шундай ўғлим бўлса, бўғиб ўлдириб қўяр эдим!

Фазлидин ака. Хафа бўлманг, бону, тухумларнинг ҳам баъзилари палағда бўлади-ку!

Малика боны. Оч қорним, тинч қулогим, сизга тегмайман!

Фазлидин ака. Ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ер экан-да?

Малика боны. Шундай фарзанд ўстирган сизда айб, менинг бошимни қотирманг, тегмайман!

Фазлидин ака. Катта ўғлим, қизларим мени тушуниб, тўй тараддуудида юришибди.

Қилиб тўй, сўнг бирга бўлармиз доим,  
Сени кўп кўрмасин менга Худойим.

**М а л и к а б о н у.** Тепакал ўғлингиздан қўрқаман!  
Хонзода Жамилага заҳар бериб ўлдиргандай, менга  
ҳам заҳар бериб, ўлдириб қўяди. Тегмайман! (*Xўрлиги  
келади.*)

**Ф а з л и д д и н а к а.** Гузарда бир йигин бор экан,  
шунга чақиришувди. Сиздан бир хабар олиб, тўй кунини  
белгилаб кетай, деб кирган эдим. Начора, зоримиз бор,  
зўримиз йўқ. Кетар жафосига битта куйлаб бериб, кўнг-  
лингизни шод этиб кетай, бону!

На қилдим санга ман ёrim жамолингдан жудо қилдинг,  
Бошимда гарди ғам нечун чароғи осиё қилдинг.

Ҳамиша куйдириб шами фироқинг бирла жонимни,  
Мени парвонаи хокистарини зери по қилдинг.

Жудолик айлар экансан, аё Лайливаши Ширин,  
На деб аввал ўзингта мен ғарибни ошно қилдинг.

Нигоро, бори ғам бирла фақири нотавон айлаб,  
“Алиф”дек қоматимни “лом-алиф” янглиғ дуто қилдинг.

Фироқинг осмонидин солиб бир барқи оламсўз,  
Вужудим хирманин ўртаб адо қилдинг, адо қилдинг!

Ўшал рўзе: “Билурмусан” деб айладинг эй ёrim,  
“Бале” дедим, сени суйдим, балоға мубтало қилдинг!

**М а л и к а б о н у.** Тошюракларни ҳам ширин  
нафасингиз билан мумдек эритиб юборасиз-а, Фазлид-  
дин aka!

**Ф а з л и д д и н а к а.** Кўнгилда дард зардоб бўлиб  
кетган-да!

**М а л и к а б о н у.** Сизни ранжитган киши күкармайды!

**Ф а з ли д д и н а к а.** Мен ҳеч кимга ёмонлик соғинмайман, бону!

**М а л и к а б о н у.** Биламан! Сиз эзгулик учун, яхшилик учун яратилган фариштадек инсонсиз!

**Ф а з ли д д и н а к а.** “Фаришта” деб аёлларни айтишади-ку?!

**М а л и к а б о н у.** Сиз эркакларнинг фариштасисиз! Сиздек инсонларни қўз гавҳаридек асраб-авайлаш керак!

**Ф а з ли д д и н а к а.** Яшанг, бону! Менинг кўнглимни тушунганингиз учун ташаккур!

**М а л и к а б о н у.** “Сендан ўзгани десам, қон ютай лахта-лахта”, деган экан Зухро.

### **Олтинчи кўриниш**

Фазлиддин аканинг ҳовлисида тўй  
тайёргарлиги кўриляпти.

**Б а ҳ од и р а к а.** Қозонни топ!

**М у р о д ж о н а к а.** Ўчоқни қази!

**Б а ҳ од и р а к а.** Қўчқорни сўй!

**М у р о д ж о н а к а.** Тез-тез, чаққон-чаққон қимиранглар! Ҳали-замон момо-келинни олиб келишади (*тўйда хизмат қилувчилар, зир югуриб хизмат қилишияпти*).

**Б а ҳ од и р а к а.** Фазлиддин жўрамизнинг ҳам бағри тўлиб қоладиган бўлди!

**М у р о д ж о н а к а.** Маликабону билан ҳасратлашиб, дарди ёзиладиган бўлди!

**О й д и н.** Отамни чимилдиққа киргизамизми?

**Б а ҳ од и р а к а.** Ота-бувамиздан қолган урфодатнинг ҳаммасини қиласиз.

**О й д и н.** Куёвжўра ким бўлади?

Муроджон ака. Отангнинг қиёматли дўстлари ўзимиз. Куёвжўра ҳам ўзимиз бўламиз-да.

Баҳодир ака. Қариганда куёвжўра қанақа бўлишини кўрсатиб қўяйлик!

Ойдин. Қарип қуйилмаганлар-ей! (*Кетади.*)

Ҳакима. Пойандозни момо-келин оёғи остига ёзсан, тортадиган одам топилармикан?

Муроджон ака. Ҳаммасини ўзимиз боплаймиз! Хавотир олма, қизим!

Ҳакима. Ёшларникини талашиб-тортишиб ёшлар олишарди. Пойандозни ким тортар экан, деб хавотирда эдим. Кўнглим жойига тушди (*кетади*).

Баҳодир ака. Одилжон!

Одилжон (*чиқиб*). Лаббай, бува!

Баҳодир ака. Куёв бўлмиш кўринмайди?

Одилжон. Уйда уялиб чиқмай ўтирибдилар.

Баҳодир ака. Чакир, уятни йиғиштириб турсин!

Одилжон. Мен чақираманми! Куёвни куёвжўралар олиб чиқсин-да!

Пўлат ака. Ўзимиз қўлтиғига кириб олиб чиқамиз!

Баҳодир ака. Олимжон!

Олимжон. (*пешонаси тиришиб чиқади*). Нима дейсиз?

Баҳодир ака. Пешонангни тириштирмасдан, қовоғингни очиб юр! Нима қиляпсан?

Олимжон. Самовар қайнатяпман!

Баҳодир ака. Ана энди ишингни топибсан. Қараб тур, таги ўчиб қолмасин!

Олимжон. Хўб (*чиқиб кетади*).

Шу пайт доирани гумбурлатиб уриб, ўрта ёш а ёлла р  
Малика бо нун и ёр-ёр билан келин қилиб олиб келишади.  
Баҳодир ака, Муроджон ака Фазлиддин акани ўртага олиб

кутиб олишади. Одилжон, Ҳакима, Олимжон, Ойдин ҳам келинга пешвоз чиқишиади.

Р а й ҳ о н о п а . Ҳай, ҳай ўлан, жон ўлан,  
Ўланчи қиз, ёр-ёр.  
Ўланчи қиз кўунмайди,  
Ёлғончи қиз, ёр-ёр.

Ола қопга суюнган-о,

Онангмиди, ёр-ёр.

Йигламасдан кулди-ё,

Ўгаймиди, ёр-ёр.

Ўгай бўлса майли-ё,

Жон кутади, ёр-ёр.

Орқангдан истаб бориб,

Хузур қиласи, ёр-ёр.

Аравангнинг ғилдираги

Ёриқ экан, ёр-ёр.

Куёв поччам берган кўй

Ориқ экан, ёр-ёр.

Терисини олиб беринг,

Пўстин қилсин, ёр-ёр.

Ичагини эшиб беринг,

Салла қилсин, ёр-ёр.

Почасини олиб беринг,

Чориқ қилсин, ёр-ёр.

Ҳ а к и м а келиннинг оёғи остига пойандоз солади. Аёллар қий-чув билан тортишади. Икки аёл М а л и к а б о н у ни бошлаб чимилдиққа киргизади. Ф а з л и д д и н а к а н и жўралари чимилдиққа бошлаб киради. Келин-куёвни чимилдиқда ёлғиз колдириб, улар чиқиб кетишади.

Б а ҳ о д и р а к а . Бардам бўл, жўражон!

М у р о д ж о н а к а . Бахтли бўлинглар, жўра! (Кулиб чиқиб кетишади.)

**Х а к и м а** (*чой олиб киради*). Иссиққина чойдан ичиб ўтириңглар!

**М а л и к а б о н у** (*чойни олдига олиб, уч марта қайтаради*). Чойдан ичинг! (*Үрнидан құзғалаади*.)

**Ф а з ли д д и н а к а.** Ўрнингиздан турмангиз!

**М а л и к а б о н у.** Туролмайман! Оёғимнинг томири тортишиб қолди.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Уқалаб қүяйми?

**М а л и к а б о н у.** Овора бўлманг!

**Ф а з ли д д и н а к а.** Овораси бор эканми, бону! (*Үрнидан туриб, белини ушлайди*.) Вой, вой, вой!

**М а л и к а б о н у.** Ҳа, нима бўлди?

**Ф а з ли д д и н а к а.** Белим, белим оғриб қолди!

**М а л и к а б о н у.** Уқалаб қўяман!

**Ф а з ли д д и н а к а.** Кўйинг, ўзи ўтиб кетади!

**М а л и к а б о н у.** Қўлларимнинг шифобахш кучи бор (*уқалайди*). Ҳозир ўтиб кетади.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Вой, вой, маза-ей! Роҳат қиляпман!

**М а л и к а б о н у.** Қўлим енгил, белингизнинг жонини киритади.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Вой-ей, қўлингиз дард кўрмасин! (*Секин-секин бели қўтарила бошлайди*.)

**М а л и к а б о н у.** Қаддингиз қўтариляпти, эгилмайдиган бўлиб қолади!

**Ф а з ли д д и н а к а.** Айтганингиз келсин! Қўлингиз бирам майин экан. Шифобахш қўлларингиздан айланай, бону!

**М а л и к а б о н у.** Ҳали Фарҳоддек забардаст бўлиб кетасиз!

**Ф а з ли д д и н а к а.** Фарҳод деганингизга болалигим эсимга тушиб кетди, бону. 1943 йили Усмон ака Юсуповнинг саъй-ҳаракати билан Муқимий театри

қурилиб ишга туширилди. Янгийўлдаги мусиқали театр Муқимий театрига кўчиб келди. Отам раҳматли театрга мусиқа раҳбари бўлиб тайинландилар. “Фарҳод ва Ширин”, “Тоҳир ва Зухро” спектакллари қўйилди. Одамлар урушнинг оғирлигига қарамай, нон емасалар ҳам театрга оқиб келарди. Мен ўшанда 8-9 ёшларда эдим. Болалигим театрда ўтгани учун спектаклларни ёд билар эдим. Фарҳод ролини Абдуллажон Охунов, Абдуғафур Абдураҳимов, Маҳмуджон Ғофуровлар ижро этишарди. Улар ўйнаган Фарҳод бир-бирига сира ўхшамас, такрорланмас, куйма образлар эди, бону. Айниқса, Фарҳод билан Хисрав саҳнаси шундай ажо-йиб ўйналардикি, томошабин ўрнидан туриб кетар, ҳаяжонланиб, завқланиб кўришарди.

Абдуғафур Абдураҳимов бундай ижро этарди: (*унинг овозига ўхшатиб ижро этади*.) О сор сен, гар чопар сен, сен билурсен. Маҳмуджон Ғофуров эса мана бундай ижро этарди: (*Ғофуровнинг овозига ўхшатиб ижро этади*). О сор сен, гар чопар сен, сен билурсен.

М а л и к а б о н у (*қарсак чалиб*). Тасанно, қойил, илоё омон бўлинг!

Ф а з л и д д и н а к а (*илҳомланиб*). Абдуллажон Охунов Тоҳир бўлиб, Қоработирга шундай дерди:

Ит қопар, жаллод чопар,  
Солгай илонлар заҳрини,  
Кўрсатар албатта золим  
Зулми бирла қаҳрини.  
Мен кетурман, сен қолурсен,  
Томчи қоним, алвидо.  
Мен кетурман, сен қолурсен  
Зухрохоним, алвидо.

**М а ли ка б о н у** (*кулиб*). Ўхшатишларни ҳам қотирап экансиз.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Сиз илҳом беряпсиз-да, бону!

**М а ли ка б о н у.** Ўтганларни эслаб, руҳини шод қиляпсиз!

**Ф а з ли д д и н а к а.** У азизларнинг руҳлари шод бўлсин!

**М а ли ка б о н у.** Менинг ҳам хотираларимни жонлантириб юбордингиз. Эсингиздами, тўгаракка қатнашиб юрган кезларимизда, “Тоҳир ва Зухро”ни репитиция қилганларимиз? Сиз Тоҳирни, мен эса Зухрони ўйнар эдим.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Афсуски, қанча репитиция қилган спектаклларимиз ўйналмай қолган эди.

**М а ли ка б о н у.** Афсус чекманг, бугун ўша спектаклни ўйнаб, ниҳоясига етказиб қўямиз.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Балли, бону!

**М а ли ка б о н у** (*куйлайди*):

Отмагай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса,  
Булбули шайдоларинг гулшанда нолон бўлмаса.

**Ф а з ли д д и н а к а** (*куйлайди*).

Қайдин ишқ ўтига даво айласун парвоналар.

**М а ли ка б о н у.**

Парпираб бағрин ёкувчи шами жонон бўлмаса.

**Ф а з ли д д и н а к а.** Кўнгил хуш бўлур яллаларинг тинглаганимда.

**М а ли ка б о н у.** Булбул қуёши тун моҳитобоним эрур (*Фазлиддин аканинг елкасини силайди*).

Фазлидин ақа. Вой-вой, жоним кириб  
қолди.

Малика бону. Ана шунақа, жонингизни киритиб  
кўяман!

Фазлидин ақа. Чимилдиқни туширинг,  
ичкарига кирайлик!

Малика бону. Ичкарида нима қиласиз?!

Парда

2002 йил.



---



## **АНДИШАЛИ КЕЛИНЧАК**

### **Икки пардали комедия**

**ҚАТНАШУВЧИЛАР:**

Оқойим – қайнона, 50 ёшда  
Олмахон – келин, 18 ёшда  
Арслонбек – қайнота, 55 ёшда  
Қоплонбек – ўғил, 22 ёшда  
Муниса – қўшни аёл, 35 ёшда  
Хушмакчақ аёл – қўшни аёл, 35 ёшда  
Тўйчиносо – қўшни қиз, 30 ёшда  
Муминтоя – қўшни эркак, 30 ёшда

### **Биринчи парда**

Ўзбекона, кенг, ораста ҳовлининг бир томонида тандир, ўчок. Бир томонида сут куйиб, устига бостириб қўядиган сават, сув тўлдириб қўйилган чelаклар. Уйнинг айвонига қатик солиб қўйилган сувқовоқлар осилган. Тонг ёришмасдан уйдан навниҳол келинчак шошиб чиқади.

Олмахон. Худога шукр, хўрор қичқирмасдан турдим. Ухлаб қолишимга зиғирдаккина қолибди (*хўрор қичқиради, келинчак чelакдаги сувни олиб, ҳовлига сепиб, супура бошлайди. Шу пайт боши айланаб ўтириб қолади*). Вой ўлай, менга нима бўлди? (*Кўнгли айниб эгилади*.) Ёмон нарса емаган эдим-ку, нима бўляпти (*бир оз ўтириб, туриб кетади*). Ҳовлини супурмасам балога қоламан! (*Ҳовлини супуриб бўлади. Челакка сув*)

*түлдириб құяди.) Сигиримни соғиб олай! (Оғилхонага кириб кетади.)*

**А р с л о н б е к.** Бисмилло! (*Шошиб уйдан чиқиб келади.*)

**О л м а х о н** (*огилхонадан чиқиб келади. Идишга сут солиб, саватнинг тагига бостириб құяди*). Бугун сутни кам берибди. Гап эшитмасам гүрга эди.

**А р с л о н б е к** (*кириб*). Бунча вақтли туриб олдингиз, дамингизни олсангиз бўлмайдими?

**О л м а х о н.** Тонг отди-ку! (*Югуриб бориб офтобани олади.*)

**А р с л о н б е к.** Ўзим, овора бўлманг, келин!

**О л м а х о н.** Овораси бор эканми (*сув құяди*).

**А р с л о н б е к.** Барака топинг, ували-жували бўлинг. Этагингиздан кўкаринг, бола-чақангизнинг ҳузурини кўринг.

**О л м а х о н.** Айтганингиз келсин (*сочиқ узатади*).

**А р с л о н б е к.** Ўғлим билан қўша қаринг (*уйга кириб кетади*).

**О л м а х о н.** Чой қўяй! (*Кириб кетади.*)

**О қ о й и м.** Вой-вой, мазам қочди! (*Инқиллаб бир-бир босиб уйдан чиқади*.)

**О л м а х о н.** Қайнонам, ойим турибдилар (*шошиб офтоба билан сочиқни олиб, тайёр туради*).

**О қ о й и м.** Вой-вой-вой, мазам бўлмаяпти! Кўз тегдими, суқ кирдими?! (*Ховлини айланиб чиқади. Супурилган жойларга синчилаб қарайди*.)

**О л м а х о н.** Ассалому алайкум!

**О қ о й и м.** Салом берманг, юзимни ҳали ювганим йўқ!

**О л м а х о н.** Кечирасиз!

**О қ о й и м.** Вой-вой, мазам йўқ! (*Юз-қўлини ювади*.)

**О л м а х о н.** Ассалому алайкум (*сочиқ тутади*).

Оқойим. Ваалайкум ассалом! Бунча серсаломсиз?  
(Артиниб сочиқни қайтаради.)

Олмахон. Кечирасиз!

Оқойим. Сигирни соғдингизми?

Олмахон. Соғдим!

Оқойим. Молларга ўт ташладингизми?

Олмахон. Ташладим!

Оқойим. Қўйларга емиш бердингизми?

Олмахон. Бердим!

Оқойим. Товуқларга дон...

Олмахон. Ташладим!

Оқойим. Сўзимни тугатмасимдан оғзимга урманг!

Олмахон. Кечирасиз...

Оқойим. Бир хамир қориб ташланг!

Олмахон. Аввал чой ичмайсизларми?

Оқойим. Айтганимни бажаринг!

Олмахон. Хўп бўлади.

Оқойим. Вой-вой-вой, мазам бўлмаяпти!

Арслонбек. Сенинг йил-ўн икки ой мазанг бўлмайди. Соғ кунинг ҳам борми?

Оқойим. Э-э-э, жонимга тегманг! (*Ичкарига кириб кетади.*)

Арслонбек. Пешонам беш қарич-да!

Олмахон. Ойижоним соппа-соғлар-ку, адажон?!?

(У ҳам хонасига кириб кетади.)

Арслонбек. Бу баҳона қилади, бу маккор, айёр!

Оқойим. Келиннинг олдида менинг обрўйимни ерга урманг!

Арслонбек. Келин олдида сен ҳам ҳадеб мазам йўқ, деб инқиллайверма!

Оқойим. Мазам йўқ бўлса, нима қилай?! (*Нозланади.*)

Арслонбек. Мазам йўқ, мазам йўқ, деяверсанг,  
бошинг касалдан чиқмайди. Соғман, десанг – соғ бўлиб,  
чақмоқдай бўлиб юрасан, хотин!

Оқоийм. Э-э-э, бошимни оғритманг! Тошингизни  
теринг! Мазам йўқ!!!

Арслонбек. Ўз билганингдан қолмайсан! (*Чиқиб  
кетади.*)

Оқоийм. Келин, судралмасдан чаққон-чаққон  
қимиранг!

Олмахон. Ҳозир, ойижон! (*Супра олиб чиқиб,  
ёяди. Үнни олиб чиқиб, элакка солиб элайди.*)

Оқоийм (*қўлини белига қўйиб, келинининг иш  
қилишини кузатиб туради*). Элакни шапиллатиб шапил-  
латиб эланг!

Олмахон. Хўп бўлади, ойижон! (*Үнни элаб бўлиб,  
катта товоққа сув қуяди.*)

Оқоийм. Үнни тўқмасдан, исроф қилмасдан  
солинг!

Олмахон. Тушундим! (*Эҳтиёткорлик билан үнни  
ҳовучига олиб, товоққа солиб аралаштиради.*)

Оқоийм. Яхшилаб аралаштиринг!

Олмахон. Хўп (*келин үнни аралаштириб,  
муштлай бошлайди*).

Оқоийм. Нон еганмисиз? Қарсиллатиб-қарсил-  
латиб муштланг!

Арслонбек (*чиқиб*). Раис бувага ўхшаб, қўлингни  
белингга қўйиб, ақл ўргатмасдан ўз ҳолига қўйиб бер!

Оқоийм. Келинингизнинг ёнини олиб ёмон  
ўргатманг!

Арслонбек. Ўзи мустақил иш килиб ўргансин-  
да!

Оқоийм. Келинимиз ҳали хом, қозонга солиб,  
қовуриб-қовуриб пиширишим керак!

А р с л о н б е к. Келининг ҳали ёш, мундай қийин-қистовга олаверма!

О қ о й и м. Менга қаранг, аёлларнинг ишига аралашманг!

А р с л о н б е к. Оббо, бир оғиз бурнидан баланд гапириб бўлмайди! (*Чиқиб кетади.*)

О қ о й и м. Вой мазам йўқ, лоҳасман! Нима бўляпти? Тунов қуни тўйда аёллар савлатимга ҳasad билан тикилиб-тикилиб қарашувди, кўз текканми?

О л м а х о н. Исириқ тутатиб юборайми, ойижон?!

О қ о й и м. Ҳа, хамирингизни муштлаб бўлиб, тутатиб киринг!

О л м а х о н. Хўп бўлади.

О қ о й и м. Имилламасдан ишларни тез-тез, чаққон қилинг! Иш қилганингизни кўзимиз илмай қолсин! Вой, мазам йўқ (*кириб кетади.*)

О л м а х о н. Хамир ҳам тез аралашмас экан! (*Терлаб-пишиб хамирни қарсилатиб муштлайди.*)

Қ о п л о н б е к. Ухлагани ҳам кўймайсизлар-а!  
(*Маза қилиб керишади.*)

О л м а х о н. Узр (*секин муштлайди.*)

Қ о п л о н б е к. Маза қилиб ухлаб ётган эдим.

О л м а х о н. Кечирасиз.

Қ о п л о н б е к. Ҳечқиси йўқ, бир гал гуноҳингиздан ўтаман! Оҳ-оҳ-оҳ-оҳ, қандайин соз (*тойчоқдек сакраб, ўйноқлаб чиқиб кетади.*)

О л м а х о н. Тезроқ бўлмасам, ҳозир гап эшишиб қоламан (*хамирни муштлаб бўлиб, супрага ўраб қўяди.*)

Қ о п л о н б е к. Оҳ-оҳ-оҳ, қандай роҳат! (*Кириб келади.*)

О л м а х о н. Вой ўлай, ҳозир (*югуриб бориб сочиқни олиб, елкасига ташлаб, офтобада куёвнинг қўлига сув қуяди.*)

Қ о п л о н б е к. Асалим!

Олмахон. Секин!  
Қоплонбек. Ялаб түймадим!  
Олмахон. Уят!  
Қоплонбек. Новвотим!  
Олмахон. Ойим эшитиб қоладилар!  
Қоплонбек. Лаблари гулғунчам!  
Олмахон. Қўйсангиз-чи!  
Қоплонбек. Хушбўй атрингдан мастман!  
Олмахон. Ҳушиңгизни йўқотиб қўйманг!  
Қоплонбек. Кўзлари юлдузим!  
Олмахон. Қошлари қундузим!  
Қоплонбек. Икки юзи нақш олма!  
Олмахон. Қизартирманг!  
Қоплонбек. Чайнаб-чайнаб еб қўйгим келар!  
Олмахон. Айниманг!  
Қоплонбек. Лабларингга лабимни босиб...  
Олмахон. Андишасиз!  
Қоплонбек. Қониб-қониб гулоб ичгим келар!  
Олмахон. Ҳозир эшитадиганимизни эшитамиз.  
Илтимос, уят сўзларни айтманг! (*Атрофга қарайди.*)  
Қоплонбек. Навниҳолим!  
Олмахон. Қайрағочим!  
Қоплонбек. Мажнунтолим!  
Олмахон. Синмас терагим!  
Қоплонбек. Хипча белим!  
Олмахон. Заранг таёғим!  
Қоплонбек. Вафоли севгилим!  
Олмахон. Лафзи ҳалолим!  
Қоплонбек. Садоқатли гулим!  
Олмахон. Ориятли бегим!  
Қоплонбек. Мехри булоғим! (*Иккаласи бир-бирига маҳлиё бўлиб, тикилиб, офтобадаги сув тамом бўлганини сезишмайди.*)

Оқойим (чиқиб). Офтобанинг суви тамом бўлди!

Олмажон. Вой, ўлай! (Уялиб кириб кетади.)

Оқойим. Эҳа, булар кечаси етмагандай куппакундузи ҳам кўз сузишиб, бир-бири билан олма-анор бўлиб юришибди. Вой тавба, вой, мазам йўқ.

Арслонбек (чиқиб). Ёш-да, ёш! Халақит берма, хотин!

Оқойим. Сиз нуқул менга ақл ўргатасиз!

Арслонбек. Ўзингда фаросат бўлмагандан кейин ўргатаман-да!

Оқойим. Э-э, бас қилинг, мазам йўқ!

Арслонбек. Э-э-э, касал! (Чиқиб кетади.)

Оқойим. Келин исириқ бўлиб кетдингизми?!

Олмажон. Боряпман, ойижон! (Шошиб исириқ тутатиб чиқади.)

Оқойим (исириққа ўзини тутуб).

Ҳазорисвон, дейдилар,  
Балогардон, дейдилар,  
Назар-нафсни ҳайдаб,  
Дардга дармон дейдилар!

Олмажон. Дардингизни олсин!

Оқойим. Бўлди, бўлди, кўп тутатманг! Нафасим бўғилиб кетди.

Коплонбек. Қорним пиёзнинг пўстидек бўлиб кетди-ку! Чой ичамизми, йўқми?

Олмажон. Чой дамлаб қўйганман, ҳозир олиб чиқаман! (Кириб кетади.)

Оқойим. Совиб қолмаганми?

Олмажон. Йўқ, бостириб қўйганман (югуриб-елиб, дастурхон солади, нон, қанд-қурслардан олиб чиқади).

Оқойим. Чаққон-чаққон қимиirlанг!

Арслонбек. Сен ҳам ёрдам берсанг бўлмайдими?!

Оқойи м. Менинг мазам йүқлигини биласиз-ку.

Арслонбек. Баҳона қилма!

Оқойи м. Баҳона қилаётганим йүқ. Келиним бўлгандан кейин хизмат қиласиди-да! Келинни нимага олдим?!

Арслонбекк. Келин дегани чўри эмас-ку!

Оқойи м. Чўри, чўри, чўри!

Арслонбек. Ўчир, эшитиб қолса дили оғрийди.

Қоплонбек. Вой, ҳозир очимдан йиқилиб қоламан!

Арслонбек. Ойингнинг мазаси йўқ экан, сен ёрдамлаш!

Қоплонбек. Тинч қўймайсиз-а, ада! (*Чиқиб кетади.*)

Арслонбек. Келинга ёрдамлаш, янги хонадон, бизнинг тош-тарозимизни билмайди!

Оқойи м. Ўзи калласини ишлатиб, ўргансин! Ёнида ён таёқ бўлиб ўтирамайман!

Арслонбек. Э-э-э, билганингни қил!

Қоплонбек. Ширчойимиз тайёр бўлибди! (*Икки қўлида чинни косада ширчой олиб чиқади. Келин орқасидан олиб келади.*)

Олмажон (*секин*). Ош бўлсин, олинглар!

Арслонбек (*ишиб кўриб*). Бай-бай, роса мазали бўлибди (*мақтаб ичади*).

Оқойи м. Куруқчойни кўп солибсиз!

Қоплонбек. Менга овқат бўлса бўлди. Кўпам мазасининг фарқига бормайман!

Олмажон (*чой қуийб, қўл учидаги қайнотасига узатади*). Чой ичинг!

Арслонбек. Раҳмат, қизим.

Олмажон. Ойижон, чой ичинг! (*Узатади.*)

Оқойи м. Ходадай ғўддаймай, эгилиб узатинг!

Олмажон. Кечирасиз (*эгилиб, таъзим билан узатади*).

А р с л о н б е к. Нега ширчойингизни ичмадингиз?

О л м а х о н. Ичяпман (*секин уялиб ичади*).

О қ о й и м. Чимхўр, нон емас экансиз-ку!

Қ о п л о н б е к. Нон емаса яхши-ку, ойи. Оиламиз бюджетига фойда (*кулади*).

А р с л о н б е к. Келинни уялтириб, ейиш-ичишига тикилиб турманглар!

О қ о й и м. Нонни катта-катта тишлаб, ишниям катта-катта қилинг!

О л м а х о н. Хўп.

О қ о й и м. Тузи паст бўлибди, тузни олиб беринг!  
(*Келин тузни олиб беради*.)

О л м а х о н. Мана.

О қ о й и м. Мурчни олиб беринг!

О л м а х о н. Марҳамат.

О қ о й и м. Шакарни узатиб юборинг!

А р с л о н б е к. Тавба, чўзилишга ҳам эринади-я!

О қ о й и м. Сиз аралашманг, мен келинимни тарбия-  
лаяпман.

Қ о п л о н б е к. Тарбиясиз эканми?!

О қ о й и м. Сен ҳам аралашма, гап ташлама!

Қ о п л о н б е к. Гап бўлиши ҳам мумкин эмас,  
тушундим.

О қ о й и м. Нимаики узатсангиз, бундан кейин  
таъзим қилиб узатинг, тушундингизми?!

О л м а х о н. Тушундим.

А р с л о н б е к. Ҳеч нарса емабсиз-а.

О л м а х о н. Тўйдим! (*Бўши косаларни олиб чиқиб ке-  
тади*.)

А р с л о н б е к. Егани ҳам қўймайсан-у!

О қ о й и м. Гапимиз бир жойдан чиқсин, келинни  
айнитманг! (*Келин кириб келади*.)

А р с л о н б е к. Қани, дастурхонга дуо қилайлик!

Оқойи м. Илоҳи омин, “Таомнинг ҳаққи – балонинг дафъи”, кўп берсин, мўл берсин, кетмас давлат берсин. Невара кўриш насиб қилсин! Омин, Оллоҳу акбар!  
(Келин дастурхонни йигиштира бошлиайди.)

Қоплонбек. Мен ухлайман, ҳовлида пашша учгани билинмасин!

Оқойи м. Ухла, болам, ухла! Қулоғингдан кун кўриниб қолибди.

Қоплонбек. Юлдузлар ҳам кўриниб қолмасин!  
(Кириб кетади.)

Арслонбек. Келин бечорани намунча туртклийверасан?

Оқойи м. Сиз аралашманг!

Арслонбек. Бу ҳам бироннинг кўзига суртган боласи.

Оқойи м. Келин бўлиб тушганига тўққиз ой бўлибди, туғиш у ёқда турсин, ҳали бўйида бўлгани йўқ!

Арслонбек. Етти ойу йигирма бир кун бўлди. Кўп шошилма, нодон!

Оқойи м. Зотини суриштирдим, битта аммаси туғмас экан. Бу келин ўшангага тортган, барибир туғмайди. Сиз мени тушунмаяпсиз. Тўй-тўйчиқларга борсам, аёллар “Келинингизни тушганига бир йил бўлди, ой-куни яқинлашдими? Қачон бешик тўйига борамиз?” деган пи-чингларидан бошимни кўтариб юролмайдиган бўлиб қолдим. Бўлмайди, ажратиб юбориб, бошқасини обераман!

Арслонбек. Тавба, ажратиб юбориш осон экан-да?!

Оқойи м. Турткилайверсам, жонига тегиб ўзи қочиб кетади.

Арслонбек. Одамлар тўққиз ой эмас, тўққиз ийлаб кутади, бунча бесабрсан?!

Оқойи м. Мазам йўқ! Кўзим тириклигига невара кўрсам дейман. Мениям тушунсангиз-чи!

А р с л о н б е к. Ёмонга ўлим йўқ, ҳали-бери ўлмайсан!

О қ о й и м. Омонат умрга ишониб бўладими, бугун – бор, эртага – йўқ.

А р с л о н б е к. Яхши ният қил, сабрнинг таги сариқ олтин.

О қ о й и м. Шунча сабр қилдим, бошқа чидолмайман!

А р с л о н б е к. Бўлди қил, беақл!

О қ о й и м. Ҳамма ақлни йиғиштириб сизга берган!

А р с л о н б е к. Мен маҳаллага чиқиб келай. Маҳалла раиси “Маслаҳатли иш бор”, девди.

О қ о й и м. Дам олиш кунлари ҳам маҳалладан бери келмайсиз, шу билан кечкурун келсангиз керак?!

А р с л о н б е к. Сенга ўхшаб мазам йўқ, деб чўзилиб, инқиллаб ётайми? Одамларга фойдам тегса, оғирини енгил қилсам яхши-ку?!

О қ о й и м. Боринг! Вой, мазам йўқ (*кириб кетади*).

А р с л о н б е к (*эшик олдига борганда эшик тақиллайди. Келин югуриб чиқади*). Мен ўзим очаман, келин. Ким? (*Эшикни очади*.) Келинг (*келин ичкарига кириб кетади*).

М ў м и н т о й (*кириб*). Ассалому алайкум!

А р с л о н б е к. Ваалайкум ассалом, келинг, келинг.

М ў м и н т о й. Арқон борми?

А р с л о н б е к (*тушунмай*). Қанақа арқон?

М ў м и н т о й. Николай давридан қолган, узилмайдиган, чилвирдан тўқилган арқон борми?

А р с л о н б е к. Чилвирдан тўқилган арқон? Ҳўқиз боғламоқчимисиз?

М ў м и н т о й. Йўқ!

А р с л о н б е к. Бозорга қўй етаклаб бормоқчимисиз?

М ў м и н т о й. Айтотмайман, айтотмайман, арқон бўлса бериб туринг, илтимос!

А р с л о н б е к. Хўп, ҳозир (*кириб кетади*).

М ў м и н т о й. Мени ҳеч ким тушунмайди (*йиғ-  
ламсираб*).

А р с л о н б е к. Мана, топдим.

М ў м и н т о й. Раҳмат (*қўлини чўзади*).

А р с л о н б е к. Ғалатироқ бўлиб турибсиз, биродари  
азиз?! (*Арқонни бермайди*.)

М ў м и н т о й. Э-э-э, сўраманг.

А р с л о н б е к. Ҳар қалай, нима қилишингизни  
айтинг, кейин арқонни бераман.

М ў м и н т о й. Тўғрисини айтайми?

А р с л о н б е к. Ҳақ гап тошни ёради, дейдилар. Ҳақ  
гапни айтинг, биродари азиз (*арқонни узатади*).

М ў м и н т о й (*арқонни олиб*). Ўзимни осмоқчиман!

А р с л о н б е к. Ҳазиллашманг (*кулади*).

М ў м и н т о й. Жонимдан тўйиб кетдим. Ҳазил-  
лашаётганим йўқ.

А р с л о н б е к. Эркакмисиз, беринг арқонни!

М ў м и н т о й. Бу хотин ақлдан оздириб, жинни  
қилиб қўяй деяпти.

А р с л о н б е к. Аёлларга ўхшаб йиғлоқи бўлманг,  
арқонни беринг! Бошим балога қолмасин! (*Олишиб  
арқонни тортиб олади. Уйдагилар югуриб чиқади*.)

М ў м и н т о й. Ана, сиз ҳам ўзингизни ўйлаб  
бошингизга ғалва орттиришни истамаяпсиз!

А р с л о н б е к. Эркак кишининг жонимдан тўйиб  
кетдим, ўзимни осаман, деб юриши уят!

М ў м и н т о й. Ортиқ яшолмайман (*уйдагиларга*).  
Уйга киринглар, томошабин бўлмасдан!

А р с л о н б е к. Нима сабабдан ўзингизни осмоқ-  
чисиз?

М ў м и н т о й (*йиғламсираб*). Уйимнинг эшигидан  
бошимни суқишим билан юрагим зирқираиди.

Арслонбек. Сабаби борми?

Мүминто. Хотин жонивор дийдиёсини бошлайди.

Арслонбек. Нима дейди?

Мүминто. Дейдиё-дейди, картошка тугабди, дейди. Ишхонада қарз сўрамаган одамим қолмади. Ҳамма ойликкача бир-биридан қарз сўрайди. Бой бермайди. Камбағалда эса пул йўқ!

Арслонбек. Тўғри (*кулади*).

Мүминто. Кулманг! Ялиниб-ёлвориб биттасидан қарзга пул олиб автобусга чиқиб, чиптафуруушдан қочиб, бозорга тушиб, арzon картошка олай, деб бозорни тўқиз марта айланиб данакдай-данакдай картошка олиб борсам... борсам ...

Арслонбек. Ҳа!!!

Мүминто. Дейдиё-дейди, гуруч тугабди, дейди. На ётганда ҳаловат бор, на турганда, на юрганда, эртаси яна қарз сўраб бозорга тушсан, гуручнинг нархи осмонда. Тозасидан ололмадим. Оқушоқдан уч килогина олиб, ушоқни хир чойи қилиб, уйга келиб оқушоқдан мастава қилиб ичсан...

Арслонбек (*кулиб*). Яна нима бўлди? Ишдан бўш пайтда уйда ялпайиб ётмасдан, движения қилинг, биродари азиз!

Мүминто. Худди сизга ўхшаб хотиним ҳам: “Ялпайиб, уйда ётмасдан пул топинг, болаларни дунёга келтириб қўйдингизми, боқинг, мен билмайман”, деб қолувди. Алам қилиб хотин жониворнинг қулоқ-чаккасига тортиб юборибман. Ерга ағдарилиб тушди. Хотин шўрлик чаккасидан ўт чиқиб, қарғаб-қарғаб қолди.

Арслонбек. Ёмоннинг кучи япалоқقا етган экан. Бекор қилибсиз.

М ў м и н т о й. Бўтадек бўзлаб-ўксиниб йиғлаб қолди.

А р с л о н б е к. Аттанг, аттанг!

М ў м и н т о й. Ўзимнинг ҳам раҳмим келди, хотин жониворга. Дийдиёлардан чарчаб, алам қилиб дунё кўзимга кўринмай, ошпичоқни олиб, ўзимга урдим.

А р с л о н б е к. Астағфируллоҳ!

М ў м и н т о й. Пичноқ ўтмас экан, ўлмадим. Оғилхонага кириб ўзимни осган эдим, арқон чириган экан, узилиб кетди, ўлмадим. Ўзимга бензин қуиб, ёқворай, десам бензин олишга пулим етмади. Керосин топиб, ҳаммомнинг эшик-тешигини ёпиб, у дунёга пок бўлиб борай деб яхшилаб ювиниб, кўзларимни чирт юмиб, керосинни тепамдан қуиб, азои-баданим титраб, қўлларим қалтираб гутуртни олиб ўзимга ўт қўйдим.

А р с л о н б е к. Алҳазар!

М ў м и н т о й. Ловиллаб, гуриллаб, чирсиллаб ёнишимни кутдим. Уф, керосинга сув қўшилган экан ёнмадим. Одамлар керосинсизам ёниб ётибди. Мен бўлсам ёнмадим.

А р с л о н б е к. Яхши бўлибди.

М ў м и н т о й. Чилвир арқонингизни беринг, ўзимни ўзим осиб ўлдираман!

А р с л о н б е к. Унақа куфр сўзларни айтманг. Ўлмай яхши қилибсиз!

М ў м и н т о й. Нима қилай, айтинг!

А р с л о н б е к. Эр кишининг ҳаётдан нолиб дийдиё қилиб юриши уят, уят, яна бир бор уят, биродари азиз! Ҳаракатда баракат, дейдилар. Маҳалладан ёрдам пули ажратамиз. Бўш пайтларингизда ишлаш учун иш топиб бераман.

О қ о й и м (чиқиб). Вой-бўй, ҳали ҳам кетмадингизми?

А р с л о н б е к. Кетяпмиз, бир масалани ҳал қилиб олдик. Бўпти, тинч ўтиринглар!

О қ о й и м. Яхши бориб келинг (*улар чиқиб кетишади*). Келин!

О л м а х о н. Лаббай (*югуриб чиқади*).

О қ о й и м. Нима қиляпсиз, эрингизнинг ёнига кириб олиб, чўзилиб ётибсизми?

О л м а х о н. Йўғ-ей, бичиши-тикиш қилаётгандим.

О қ о й и м. Машинангизни айвонга олиб чиқинг, тоза ҳавода ўтириб тикасиз, билмаган жойингизни ўргатаман.

О л м а х о н. Хўп бўлади (*келин уйга кириб машинасини, тикадиган нарсаларини олиб чиқади*).

Х у ш ча қ ча қ а ё л (*эшикни очиб, қотиб-қотиб кулиб кириб келади*). Вой ўлмасам!

О қ о й и м (хушламай). Ҳа, қўшни, нима бўлди? Бирор жойим йиртилибдими, бунча куласиз?

О л м а х о н. Ассалому алайкум! (*Оғзига туршак солиб чиқади*.)

Х у ш ча қ ча қ а ё л. Ваалайкум ассалом! (*Яна кулади*.)

О қ о й и м. Тавба, жинни бўлиб қолмадингизми?

Х у ш ча қ ча қ а ё л. Анави қўшнимизнинг қизи эрсиз туғиб қўйибди (*кулади*).

О қ о й и м. Эрсиз туққан бўлса, ачиниш ўрнига куласизми? Тавба, денг, сизнинг ҳам қизингиз бор!

Х у ш ча қ ча қ а ё л. Э-э-э, менинг қизимни у бети йўқларга қўшманг. Бирорлар қийналса, азоб тортса, бошига кулфат тушса, айб мендами?! (*Кулади*.)

О қ о й и м. Келин, сиз уйга киринг, бу гапларни эшитмаганингиз маъқул (*келин ичкарига кириб кетади*).

Х у ш ча қ ча қ а ё л. Ота-онаси кўча-кўйда мажнунтолдай бошини эгиб юрибди. Ўл-а, юзи қоралар,

қиз бокқунча сигир бокмайсанми, сут-қатиқ ичиб маза қилардиларинг! (*Кулади.*)

О қ о й и м. Кулманг-ей!

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Кулавериб оғзим йиртиқ калишдек бўлиб қолди, қаранг! (*Оғзини қийшайтириб кўрсатади.*)

О қ о й и м. Тавба (*кулимсирайди*).

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Кўзи “кыйик” бўлса ҳам бирам ақлли, бирам кўхликкина қариқиз қўшнимиз бору...

О қ о й и м. Анави ўрисча гапирадиган қизми?

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Ҳа, ўлманг, ўшанинг кулбасига эркак зоти кириб чиққанини кўрган бўлсан, кўзим ўйилсин (*кулади*). Тавба, деб ёқамни ушлаб айтай, кўшнижон, не кўз билан кўрайки, қорни қаппайиб қолибди.

О қ о й и м. Йўғ-ей?!

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Сизга – ёлғон, Худога – чин, тунов куни панага тортиб ҳамдардлик билдириб, гўё юрагимни пичоқ тилгандек ачиниб сўрадим.

О қ о й и м. Ўрисчани билмайсиз-ку, қандай қилиб сўрадингиз?

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Амалладим. Қорнини кўрсатиб, “От кого” дедим. “Иди к чёрту” деди, қийик кўзинг тешилгур. “Кто отец”, деб қорнига туртиб сўрадим. “Какой, твой дела”, деб бурилиб кетмоқчи бўлди. Била-гидан шартта ушлаб, “Ким қорнингни шардай шишириб кўйди”, дедим. “Отпусти, твар”, деди. “Отасини айтмагунингча, отпускат қилмайман”, дедим. “Отпусти нас”, деди. “Сама нас”, дедим.

О қ о й и м. “Сама нас” дегани нима?

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Билмадим... Илоё, касофатинг ўзингга уриб, тифи парронга учрагур, деб қарғадим. Менинг кўзимда ҳам, тилимда ҳам, кўринмайдиган жойларимда ҳам холим бор. Ҳар қалай, кўзим тегдими,

қарғишим урдими ёки ўзининг гуноҳи ўзига урдими, билмадим. Дард тутар маҳал ўзи туғолмай тифи парронга учрабди. Боласини қорнидан ёриб олишибди (*кулади*).

Оқоийи м. Ғалати аёлсиз-да, кулманг-ей!

Хушчакчақаёл. Ҳозир мени кўрса, Азроилни кўргандай қочади! (*Кулади*.)

Оқоийи м. Алҳазар, алҳазар, алҳазар!

Хушчакчақаёл. Ҳеч кимни назарига илмай, Мерседес машина миниб юрадиган муюлишдаги қўшнимиз бор-ку?!

Оқоийи м. Ҳм, гапираверинг!

Хушчакчақаёл. Улар кўчадан ўтиб қолишса, эрини ҳезалак, хотинини қисир, деб пана-панадан пи-силлатиб, жон жойига ўқ отар эдим (*кулади*). Баъзида Худойимнинг ишларига ҳам қойил қолмайман-да! Қисир деганларим, кетма-кет патиллатиб туғаверди. Мен ўзим битта қиз туғиб, қисир бўлиб қолдим (*аламли кулади*). Қўшниларимнинг бир-бирлари билан кирди-чиқдисини, олди-бердисини, ҳатто гаплашиб туришларини ҳам кўрлайман. Қўшниларим мени кўрса, “ужас” кўргандай қочишади. Фақат сиз мени тушунасиз.

Оқоийи м. Биз бардошли, кўпни кўрган аёлмиз-да!

Хушчакчақаёл. Яшанг! Кўй оғзидан чўп олмайдиган, юмшоққина қўшнимиз бор-ку!

Оқоийи м. Хўш!

Хушчакчақаёл. Бир куни хотини айғир отдек менга ташланиб, teng келаман, дейди. Қандай ўчилишни режалаштириб яшин тезлигида режа туздим.

Оқоийи м. Нима қилдингиз? Қанақа режа?

Хушчакчақаёл. Бир кун ўша юмшоққина қўшним, бозорлик қилиб келганда уйида хотини йўқ эди. Бозорлигини остонасига қўйиб, қўшниларидан калит сўрагани кетди, мен фурсатдан фойдаланиб,

“кўринмас одам”дек ҳаракат қилиб, бозорликларини олиб, ахлат яшикка ташлаб юбордим (*кулади*).

О қ о й и м. Увол қилибсиз-а!

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Ажаб қилибман, ўчимни олганимдан ичимдаги чаёнларим роҳатланиб, ўша куни мазза қилиб ухладим. Эрталаб турсам, эшик тақиллади. Очиб қарасам, ўша юмшоққина қўшним бир уриб, кўзимни кўкартириб қўйди, кўлгинанг сингур! Судга бериб қаматиб юбордим. Айғирнинг хотини турмага тугунча ташиб юрибди (*кулади*).

О қ о й и м. Бекор қилибсиз, қўшни, одам-одамга ғанимат, беш кунлик дунёда одамнинг дилини оғритмаслик керак.

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Мен одамларга қитмилик қилмасам туролмайман. Ичимдаги ҳасад чаёнлари ухлатмайди.

О қ о й и м. Уч-тўрт кун кўринмай қолдингиз?

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Шаҳардаги синглимникига бориб келдим.

О қ о й и м. Маҳалла сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолувди.

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Ана шунаقا, бир кун бўлмасам, ўрним билиниб, маҳалла ҳувиллаб қолади. Ҳар кимнинг ўз ўрни бўлиши керак.

О қ о й и м. Худонинг ўзи инсоф берсин!

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Айтгандек, қўшни, қизимнинг кўйлаги битдими? Касалхонадан чиқишига янги кўйлак тикириб қўяй, дедим-да.

О қ о й и м. Ҳа, айтгандек, қизингиз тузалиб қолдими?

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Қаёқда дейсиз, кейинги вақтда бошим касалхонадан чиқмай қолди. Дўхтирлар қанча текширмасин, касалини аниқлай олмаяпти. Ҳайронман, Худога хуш келмайдиган нима иш қилган эканман?!

Оқои м. Бир гапни сизга оғир ботса ҳам айтаман. Одамларни ғийбат қилишни йиғишириңг. Ота-онанинг гуноҳи болага уради, деган гап бор. Буни қайтар дунё, дейдилар, бирорга қилган яхшилигингиз ҳам, ёмонлигингиз ҳам ўзингизга қайтади.

Хуш чақчақ аёл. Келинингиз оғзига нима солиб олган? Ҳалидан бери сигирдай кавш қайтаради.

Оқои м. Билмадим... (*келинуга қарайди, келини кўйлакни олиб келади*).

Хуш чақчақ аёл. Мана, келинпошша, пулини олинг!

Олмажон. Ойижонимга беринг.

Оқои м. Вой, мен бирор марта пулингизни олиб юрувдимми, ўзингизга буюрсин, келин.

Хуш чақчақ аёл. Майли, мен кетдим. Янгилари бўлса, яна чиқарман (*кулиб чиқиб кетади*).

Оқои м. Қанча берибди?

Олмажон. Уч минг сўм!

Оқои м. Вой, ростми? Пулни менга беринг. Сиз йўқотиб қўясиз (*кириб кетади*).

## Иккинчи парда

Биринчи пардадаги саҳна. Келин пишган нонларни тандирдан уза бошлайди. Нонларни узиб саватга солади. Қайнона деразадан келинини кузатиб туради. Иккита нонни алоҳида олиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб, бошидан рўмолини олиб, унга нонларни ўраб, қўлтиғига қистиради.

Оқои м (*югуриб чиқиб*). Ҳм, бу нима қилиқ?

Олмажон. Нима қилдим? (*қўрқиб қалтирайди*).

Оқои м (*айёрлик билан*). Ўғлим, сизни бирам ақлли, бирам ширин тил, бирам зўр ўйнайди, деб мақтайди.

О л м а х о н . Ойижон, уялтирманг!

О қ о й и м . Айниңса ўйин тушганида Рүшана Султонова қўлига сув қуёлмайди, деб мақтайди.

О л м а х о н . Ўғлингиз хамирдай ошириб юборибдилар.

О қ о й и м (*қатъий оҳангда*). Жоним, келинг, ўйнанг!

О л м а х о н . Ҳозир нонни уйга қўйиб чиқай, ойижон.

О қ о й и м . Ўйнанг, деяпман! (*Буйруқ беради.*)

О л м а х о н . Мусиқасиз қандай ўйнайман?

О қ о й и м . Менинг мусиқамга ўйнайсиз, ўзим лапар айтиб тураман!

Келинжоним нон ёпади,

Пишган нони йўқолади.

Вой дод-ей, оҳ во-ей, алам-ей!

О л м а х о н (*қўлтигини қисиб, иложссиз ўйнайди*).

Сони бор-у саноғи йўқ,

Нони бор-у қаймоғи йўқ.

Вой дод-ей, оҳ во-ей, алам-ей!

О қ о й и м . Келинжоним писиб ўйнар,

Қўлтигини қисиб ўйнар.

Вой дод-ей, оҳ во-ей, алам-ей!

О л м а х о н . Қисмаганга қўймайдилар,

Менинг ҳолим билмайдилар.

Вой дод-ей, оҳ во-ей, алам-ей!

О қ о й и м . Қанотингиз очиб ўйнанг,

Бекитганни сочиб ўйнанг,

Вой дод-ей, оҳ во-ей, алам-ей!

Келинчак қўлини қўтарганда қўлтиғидаги  
нон тушиб кетади.

О қ о й и м . Вой, увол бўлади-я! (*Нонни олиб қўзига суртади.*) Нонни бекитиб қўйганим йўқ-ку. Ҳамманинг

олдида истаган пайтда хоҳлаганингизча есангиз бўлмайдими?

Олмаҳон. Кечирасиз, ойижон, сизнинг, адажонимнинг олдида хўриллатиб чой ичишга, чапиллатиб овқат ейишга андиша қиласман. Нонни уйимга олиб кириб қўйиб, кўнглим тусаган пайтда емоқчи эдим (*ийеглаб кириб кетади*).

Арслонбек (кириб). Овозинг қаттиқ чиқяпти, хотин. Яна нима бўлди?!

Оқоийм. Келинингзининг қўли эгри экан!

Арслонбек. Йўғ-ей! Ваҳима қилмасдан гапир, нима бўлди?!

Оқоийм. Нон ўғирлаб, ўз хонасига олиб кириб кетаётганда қўлга туширдим.

Арслонбек Қойилман, жуда катта жиной ишни очибсан (*кулади*).

Оқоийм. Кулманг! Жон дадаси, ўғрилигини баҳона қилиб, жавобини бериб юборайлик!

Арслонбек. Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан. Агар яна шу гапни такрорлайдиган бўлсанг, мендан кўрадиганингни кўрасан.

Оқоийм. Эркатор ўғлингиз “Ўламан саттор, шу қизни олиб бермасанглар – Мажнундай бош олиб чиқиб кетаман”, деб оёғини тираб олди. Сиз бўлсангиз, раъийга қарадингиз.

Арслонбек. Раъийга қарши борсак, эрта бир кун биздан гина қилиб юрарди. Армон қилиб юрарди, хотин!

Оқоийм. Мен қўшнимизнинг оёқ-қўли чаққонгина, қош-қўзлари попукдай, бўй-басти келишган қизини олиб бермоқчи эдим. Қизингизни ўзим келин қиласман, деб онасига ваъда қилиб ҳам қўйган эдим. Ота-бала менинг гапимни бир тийинга олмадинглар. Ана оқибати, келинимиз ўғри чиқди.

А р с л о н б е к. Майда гапларга ўралашиб, ўзинг ҳам майдалашиб кетибсан.

О қ о й и м. Ҳовлини тоза супурмайди, сигирни чала соғади, нон ёпганда куйдириб қўяди, пала-партиш ишларидан ҳечам кўнглим тўлмаяпти-да.

А р с л о н б е к. Келин – ёш ниҳолдек гап, бошқа хонадондан ҳовлимизга кўчириб ўтқаздик. Яхши гап билан томирига сув қўйсанг, тагини юмшатсанг, униб-ўсади. Туп кўйиб, палак ёзади. Тилингдан заҳар томиб турса, нима кутиш мумкин? Адойи тамом бўлади-да.

О қ о й и м. Ўргатдим, тарбияладим, бўлмаяпти. Гапни гапир уққангга, жонни жонга сукканга, дейдилар.

А р с л о н б е к. Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқади, дейдилар. Маҳаллада яхши гап билан қанчадан-қанча оиласларни асраб қоляпман. Арзимаган сабаб билан келинни ҳайдаб юборсак, маҳаллада нима деган одам бўламиз?!

О қ о й и м. Сиз ўз обрўйингизни ўйлаяпсиз.

А р с л о н б е к. Ўзимнинг эмас, оиласиз шаънини, ўғлимизнинг тақдирини ўйлаяпман. Уларнинг ҳали омон бўлган инини бузиб қўймайлик, деяпман!

О қ о й и м. Бирам доносиз-ей...

А р с л о н б е к. Оиласда эркак устун бўлиши керак. Эркак устун бўлмаса, оила аталмиш қўрғон қулаб тушади.

О қ о й и м. Бошимни қотириб, нега қайтиб келдингиз?!

А р с л о н б е к. Столимда ёрдам пулига муҳтоҷ оиласларнинг рўйхати қолиб кетибди (*кириб кетади*).

О қ о й и м (*ўзига*). Менинг гапимни доим номаъкулга чиқаради.

А р с л о н б е к (*қайтиб чиқади*). Майда гапни қўпайтирма. Шу пайтгача оиласда менинг гапим қонун

бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади (чиқиб кетади).

О қ о й и м. Қонунингизни бузаман! Уф, мени ҳеч ким тушунмайди. Невара кўргим келяпти, ахир!

Т ў й ч и н и с о (кириб). Опа, опажон уйдамисиз?!

О қ о й и м. Келинг, Тўйчинисо, келинг!

Т ў й ч и н и с о. Тўйларга боришни яхши кўришимни билиб, Сунбула отимни Тўйчинисо қўйиб олдингизми?!

О қ о й и м. Тўйга бориш яхши, азадан худо асрасин!

Т ў й ч и н и с о. Шунинг учун одамларнинг яхши кунига янги кўйлак тикириб байрамга боргандай боришни яхши кўраман. Юртимизда фақат тўй бўлсин, сўйганлари думбалари катта кўй бўлсин. Келинингиз кўчкордек ўғил туғиб бериб, сизнинг хонадонингизда ҳам тўй бўлсин! Ноз-неъматлардан бўкиб-бўкиб ейиш насиб этсин! Омин! (*Юзига фотиҳа тортади.*)

О қ о й и м. Айтганингиз келсин!

Т ў й ч и н и с о. Менинг ниятим холис, айтганим келади.

О қ о й и м. Хуш келибсиз!

Т ў й ч и н и с о. Гапни чўзмасдан лўндасини айтсан, жоним садаға, энг яқин қариндошим, яъни ўтгай аммажонимнинг катта қизининг қудасининг кичкина синглисининг овсини бешик тўй қилаётган экан.

О қ о й и м (кулади). Яқин қариндош экан!

Т ў й ч и н и с о. Ҳа, келинингиз атласдан гулини гулига, тарогини тарогига тўғрилаб, бир кўйлак тикиб берсин, тўйда кўрган қиз-жувонлар куйиб ўлсин!

О қ о й и м. Тўйга таклиф килишдими ёки ...

Т ў й ч и н и с о. Тўйники тўполон, дейдилар. Эсидан чиқиб қолгандирман, деб, айтса-айтмаса тутун чиққан жойга боравераман. Баъзи одамларга ўхшаб гиначи, bemexр эмасман-да, оқибатлиман-да, садағангиз кетай!

Оқойи м. Ҳа, ҳозир кўпчиликда меҳр-оқибат қолмади. Бир-биридан баланд, томдан тушмайди. Иложи бўлса, бир-бирини эзиб-янчид ўтишса.

Тўйчинос. Шунинг учун мен баҳоли қудрат савоб бўлар, деб меҳр-оқибат, яхшилик уруғини экиб юрибман!

Оқойи м. Уларнинг уруғини қаердан оляпсиз?!

Тўйчинос. Кўҳи Қофдан олиб келаман, у уруғларни топиш қийин, садағангиз кетай (*кулади*). Анави куни бир узоқ энг яқин қариндошимникига тўйга бордим. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Анқо деган қуш тухумининг қовурилганидан, дейсизми, нима дессангиз бор.

Оқойи м. Қанақа бўлар экан?!

Тўйчинос. Вой бирам мазали, бирам маза, таъми оғзимда қолди. Ҳали ҳам эсласам, оғзимдан мазаси келади. Мазаси... мазаси ниманинг мазасига ўхшайди-я, эслолмаяпман.

Оқойи м. Қўяверинг, эслаб қийналиб ўтиранг! Кейин нима бўлди?

Тўйчинос. Ҳофизу қўшиқчилар кетма-кет келишяпти. Қимматбаҳо товарга навбатга тургандай туришибди. Бир маҳал даврага бир-бир босиб, қўшиқчиларнинг пири кириб келди. Бошига марғилон дўпписини қийшайтириб кийиб олган, юзларидан нур ёғилиб турган, қўшиқчиларнинг ҳаммаси маршалини кўриб қолган аскарлардай сакраб ўрнидан турган, қўшиқчиларнинг баъзилари тугун-тақасини кўтариб, тўйдан чиқиб кетган, бир тўй бўлди, зўр тўй бўлди. Ҳофиз бир айтишда 2 соат қўшиқ куйлади.

Оқойи м. Фонограмма бўлдими ё жонли ижро?..

Тўйчинос. Жонли! Шер aka фақат жонли ижро этиб, одамларни жонини киритади. “Гулбадан”ни айтиб,

гулбадан қиз-жувонларнинг юрагини эритиб юборди. Мен ҳам ўйнадим, бирам ўйнадим. Юрагимнинг ғуборлари чиқиб кетди (*ўйнаб қўрсатади*). Гулбадан, гул ҳам ўзинг, ноз ҳам ўзинг, деб юраккинамни сув қилиб эритиб юборди. Пул деганингиз тутдай ёғилди. Тўйхонадаги пулларни супуриб-сидириб, ҳаммасини олиб кетди. Юзлари ойдаккина, қош-кўзлари попуккина, ёноғидаги холлари ўзига ярашган Илҳомжон даврага тушиши билан файз кириб кетди. Ўзи кичкинагина бўлса ҳам нағмалари ўзига бирам ярашади бу асал боланинг. Қўлларини силкитиб-силкитиб ўйнашлари, ширин-ширин жилмайишлари, қошларини сирли чимиришлари одамни тамом қилди. Жонингизга жон бўлайин, жонларга дармоним отам, деб тўйхонадаги отахонларнинг елкасига бошини кўйиб, етим қўзидек бўзлашлари, Онажонинг рози қил, онажонинг рози қил, деб онахонларнинг кўксига бошини кўйиб, тавалло қилишларини айтмайсизми.

О қ о й и м. Ҳозир ёшларга насиҳат қилса, сиркаси сув кўтармайди. Ёшлар қариларга ақл ўргатяпти. Замоннинг озгани, отдан эшак ўзгани шу бўлади.

Т ў й ч и н и с о. Бир маҳал ҳамманг ўйнайсан, ўйнайсан, ўйнамаганингга кўймайман, деб Шаҳзод даврага кириб келди. Савлатидан тоғни урса талқон қиладиган йигитга ўхшайди-ю, овози 14 ёшли қизларникидай бирам майнин. Ҳайратдан ёқамни ушладим. Яқинидан биринчи кўришим, икки юзи қип-қизил (*иккаласи қотиб кулади*). Дастурхондаги ноз-неъматлардан бўкиб еб, ўйнаб-ўйнаб, қариндошимизнида маза қилиб келдим.

О қ о й и м. Жонингиз соғ бўлсин!

Т ў й ч и н и с о. Майли, мен борай (*чиқиб кетади*).

О қ о й и м. Чиқиб туринг! (*Ўз-ўзига*) Тушунмадим?!

Түйчинисо. Вой эсим курсин, гап сотиб атласни бериш эсимдан чиқибди. Эртагача тикиб берсин, садағанғиз кетай! (*Атласни узатади, кейин чиқиб кетади.*)

Оқойим. Бу дунёда ҳар хил одам бор-да (*әшик тақиіллайди*). Оббо, бу хотиннинг яна нимаси эсдан чиқди. Ким? Эшик очиқ, кираверинг!

Муниса. Ассалому алайкум!

Оқойим. Ваалайкум ассалом. Келинг, келинг, айланай!

Муниса. Келинингиз чеварлигини эшитиб, мана буни тикиб берсин, деб келган эдим (*йиртиқ шимни күрсатади*).

Оқойим. Яна ичиб келдими?!

Муниса. Ҳм, ичиб маст бўлиб, кўчада йиқилиб, шимни йиртиб келибдилар. Пешонасига битган битта шими бор эди. Кўчага чиқолмай ўтирибдилар.

Оқойим. Қош-қовоқларингиз кўкариб кетибди?

Муниса. Кўллари омон бўлсин, бироз туртиб юбордилар.

Оқойим. Бироз туртгани шу бўлса, ургани қандай бўлар экан?!

Муниса. Э-э-э, сўраманг, уйнинг гапини кўчага олиб чиқиш аёл кишига уят!

Оқойим. Адойи тамом бўлибсиз-ку?!

Муниса (*йиғлаб*). Ортиқ чидолмайман, оиласминг сирини яшириб, ортиқ чидолмайман. Бир ёрилсам, ёрилай!

Оқойим. Ёрилинг, енгил тортасиз.

Муниса (*йиғлаб ҳиргойи қиласди*):

Ох, урарман, ох урарман, оҳларим туттай сени,  
Кўз ёшим дарё бўлиб, балиқлари юттай сени.

Кўхи Қофдан келади шаршаранинг овозаси,  
Бевафо бир ёр учун бўлдим жаҳон овораси.

Оқойи м. Овозингизга жоним садқа, Замира Суюнованинг ипакдек, майин овозига ўхшайди-я!

Муниса. Оҳ менинг қилдай-қилдай қирқ жоним-а! Оҳ десам, димоғимдан аччиқ тутун, воҳ десам, ичимдан олов чиқиб, оламни куйдиради. Ҳа, мени суйганларга, ортимдан чопганларга киё боқмадим. Қиё боқиб, ўзим топиб текканим... Алпомишдек қадди-бастига боқиб, истараси иссиқ юzlари ҳушимни олиб, “бекам, бекам” деган ширин сўзларига учиб, бағрига япроқдек тўкилдим. Шоирамиз Ҳалима опам айтганларидек, ўзим ўчоққа ўтин солиб, косов бўлиб, оловини пуфлаб ёқиб пиширган ошимни ўзим маза қилиб еб ётибман.

Оқойи м. Мазали бўлибдими?

Муниса. Сўраманг, бегим гулобдан нўш этиб, хурмачаларидан ошиб кетган куни ҳар хил маҳлукотлар қиёфасига кириб келадилар. Бир куни эшикни очсан, маймун қиёфасида кириб келдилар. Уйга отилиб кириб, гоҳ столнинг устига, гоҳ столнинг устига, гоҳ диваннинг устига мана бундай, мана бундай сакраб (*маймундек сакраб, қилиқларини кўрсатади*) нағма кўрсатдилар.

Оқойи м. Ўзингиз ҳам қотириб ўхшатдингиз-да, маймуннинг ўзи бўлдингиз.

Муниса. Отасининг маймунсимон ўйинларини кўриб болаларим қурбақадай бақрайиб қолишади. Икки ўғлим билан маймунсимон, одамсимон мавжудотни зўрға ушлаб каравотга боғлаб ухлатдик. Эрталаб калласи жойига келиб, кеча андаккина ичиб келиб, сизга озор берганга ўхшайдурман, узр, бекам, дейдилар қошқовоғимга қараб. Ичмасалар, дуппа-дуруст одам, мулла минган эшакдай мулоим бўлиб қоладилар.

Оқойи м. Хунари ичидә бўлар экан-да, бу мулоим эрингизнинг?!

Муниса. Ароқхўр дадаларингни кечиринглар, деб қизларини “фариштам”, ўғилларини “паҳлавоним” деб бағриларига босиб эркалайдилар. Қилган ишларидан пушаймон бўлиб, ҳафта-ўн кун уйдан чиқмай ўтирадилар.

Оқойи м. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман, дейдилар.

Муниса. Фалокат босиб, мен бехабар қолибман. Бир куни уйдан арқонни узиб чиқиб кетибдилар. Алламаҳал эшик қўнғироғи жириングлайди. Эшикни очсан, қизил қонга беланганд эримни иккита ёш йигит қўлтиғидан ушлаб турибди. Афти-ангорини кўриб, кўркқанимдан оёғимнинг учидан кирган қалтироқ иягимдан шақиллаб чиқиб кетди.

Такси пули беринг, опа. Биз олиб келмасак Эски шаҳарда музлаб қолар эдилар, дейишди улар.

Нима қиласай, эримни пул бериб олиб қолдим. Эрталабгача кўнгли ағдарилиб, ўзларини бураб-бураб сўкиб, энди иссан, ҳар бало бўлай, деб қасам ичиб чиқдилар. Мен шўрлик, бегим ҳар гал ўкириб қайт қилганларида ичак-чавоғи ағдарилиб, ичаклари чаппа бўлиб қоладими, деб қўрқаман. Гоҳо иссалар, устибоши йиртиқ масхарабозларга ўхшаб кириб келадилар. Хурмача қилиқлар қилиб, ҳаммамизни кулдирадилар. Болаларимиз билан кулавериб, ичакларимиз буралиб қолади.

Оқойи м. Қанақа қилиқлар қиладилар?!

Муниса. Кўринг! (Костюмни кияди, шляпани бошга шлади, тандирдан қоракуя олиб мўйлов қилади. Чарли Чаплин бўлиб олади. Чарли Чаплин қилиқларини қилиб кўрсатади. Келинчак деразадан томоша қилиб туради.)

Оқойи м. Қойил, баракалла, сизда ҳам талант бор экан-ку!

Муниса. Баъзан Раж Капур бўладилар (*тандирни олдидан таёқни олиб “Дайди” фильмидан “Авараму” қўшиги янграйди*).

Оқойи м. Вой, барака топинг, маза қилдим (*қарсак чалади*).

Муниса. Масхарабозлик томошаси тугагандан сўнг ётоқхонамизга кириб ётадилар. Мен ёnlарига ётмоқчи бўлсам, тулинг бекам, деворни суринг, дейдилар.

Оқойи м. Вой, шунаقا дейдими?!

Муниса. Ҳа, ишонмаяпсизми?

Оқойи м. Тушунмадим, деворни қандай сурасиз?

Муниса (*деворни итариб кўрсатади*). Мана бундай қилиб сурман!

Оқойи м. Вой тавба, бунақасига биринчи дуч келишим!

Муниса. Эримнинг муборак оғизларидан чиқкан буйруқни бажариб, эрталабгача девор суриб чиқаман. Оёқ-қўлларимда дармон қолмай ўтироқчи бўлсам: “Тулинг ўрнингиздан, деворни суринг, бекам!” дейдилар.

Оқойи м. У гўрсўхтангиз кўзини очиб ухлайдими?!

Муниса. Бир кўзлари юмуқ, бир кўзлари очик ухлайдилар.

Оқойи м. Шўргинангиз курсин-а!

Муниса. Суряпман-ку, бегим, дейман. Қаттикроқ суринг, бекам, дейдилар. Қаттикроқ сурсам, том ағдарилиб, бошимизга тушмайдими, бегим, дейман.

Босса-боссин, айтганимни қилинг, дейди.

Айтганингиз мен учун қонун, бегим, деб эрталабгача девор суриб чиқаман.

Оқоыйи м. Шундай эр билан яшагандан күра,  
махлук билан яшасанғыз бўлмайдими?

Муниса. Нима қиласай, ёмонимдан орттирган учта  
фарзандим бор. Уларни тирик етим қилишдан қўрқаман.  
Эридан ажралибди, деган гап-сўздан андиша қиласман.  
Эрсиз хотин, деган тавқи лаънатдан ор қиласман.

Оқоыйи м. Ақлингизга балли!

Муниса. Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган  
ҳам хотин, дейдилар. Бир куни қаро ер эмас, эр бўлиб  
қолар, деб чидаб-чидаб яшаяпман.

Оқоыйи м. Сабр-қаноатингизга балли!

Муниса. Мана шунаقا эрлар бор. Сиз бўлсанғиз  
топармон-тутармон эрингизни қадрига етмайсиз. Нуқул  
“мазам йўқ, мазам йўқ” деб эрингизни ҳам қон қилиб  
юборасиз (*туради*). Келинингиз шу шимни тикиб бер-  
син (*шимни узатади*).

Оқоыйи м. Ҳозир тиктириб чиқариб юбораман.

Муниса. Арзимаса ҳам атаганимни олиб чиққан  
эдим (*пул узатади*).

Оқоыйи м. Одамни уялтирманг, арзимаган ишга  
келиним пул олмайди. Керак эмас.

Муниса. Айтмоқчи, қўшни, анови тили билан  
юрадиган ғийбатчи бор-у, ўша сизнинг келинингизни  
очофат, ебтўймас экан, деб бутун маҳаллага гап тар-  
қатяпти (*чиқиб кетади*).

Оқоыйи м (*бақириб*). Шарманда бўлдим, шарманда!  
(*Тиззасига шатиллатиб бақиради. Ўйқусираф ўғли чиқади.*)

Қоплонбек (*кўзларини уқалаб*). Нима бўлди, ойи?

Оқоыйи м. Дард бўлди, бало бўлди.

Қоплонбек. Секинроқ гапиринг, ойижон.  
Овозингизни қўшни маҳалладагилар эшитишяпти.

Оқоыйи м. Менинг овозимдан ор қиляпсанми?!

Қоплонбек. Ҳар қалай, уят бўлади, ойи!

Оқойим. Ор қилсанг, уят бўлса, хотинингнинг хурмача қилиқларини йифиштириб ол!

Коплонбек. Нима қилибди? Очикроқ гапиринг, ойижон!

Оқойим. Ўзидан сўра.

Коплонбек. Нима қилдингиз?!

Оқойим. Сизлаб бошингга чиқариб олма, сенлаб гапир! Эр киши хотинини сизламайди.

Коплонбек. Нима қил... қилдинг?

Олмажон. Ҳеч нарса қилмадим.

Оқойим. Яна нима қилишингиз керак-а?! Фийбатчи аёл олдида шарманда қилдингиз-ку! Дастанхонни бошида ҳеч нарса емайсиз.

Коплонбек. Уялади-да, ойи.

Оқойим. Хотинингнинг тарафини олма!

Коплонбек. Хўп, хўп.

Оқойим. Эрталабдан-кечгача оғзингиз тинмаса. Нима, мен нон бермаяпманми, ош бермаяпманми? Қилиқларингизга чида борувдим. Бегоналарнинг олдида ҳам уялмасдан кавшаниб юрибсиз. Улар қайноаси нон бермас экан, дейишади. Овқат бермасдан уйга қамаб қўяр экан, дейишади. Отим ёмонга чиқди, шарманда бўлдим, шарманда!

Коплонбек. Ойижон, бўлди, уйга киринг, бақирманг!

Олмажон. Кечиринг, ойижон, кечиринг.

Оқойим. Буни кечириб бўлмайди, энди нима қиласман?! Маҳаллада “энг намунали оила” деган номга эга бўлган эдик. Келиннинг қадами “хосиятли” бўлиб, шарманда бўлдик! Кетинг! (Уйга кириб кетади).

Коплонбек. Нима еингиз келса, уйга кириб, ҳеч кимга кўрсатмасдан есангиз бўлмайдими?!

Олмажон. Тонг саҳардан тураман, ҳайҳотдек ҳовлини сув сепиб супураман, сигир соғаман, кўй-

эчкиларга емиш бераман, кир юваман, қош қорайгунча куртдай ғимир-ғимир, қимир-қимир қилиб, тинка-мадорим қуриб, чала ўлган илондек чўзилиб қоламан. Сиз бўлсангиз, узун тунлар уйқу бермай муҳаббат дарсидан сабоқ берасиз (*ийгламсираб*).

Қ о п л о н б е к. Ёшлиқда муҳаббат китоблари ўқилади-да!

О л м а х о н. Яна тонгда тураман, яна ўша-ўша “Эски ҳаммом, эски тос”. Даствурхон атрофида, ойим билан адамнинг олдиларида чалип-чулп қилиб ўтиришга андиша қиласман! Кўнглим озган пайтида уларга сездирмай ма-йизми, туршакми оғзимга солиб шимиб юраман.

Қ о п л о н б е к. Кўрдингизми?! Андиша қилмасдан, катта-катта енг. Уялмасдан, кўнглингиз тусаган нарсани айтинг, олиб келиб бераман.

О л м а х о н. Хўп! (*Кўнгли айниб, ҳовлини чётига қараб югуриб кетади.*)

Қ о п л о н б е к (*орқасидан боради*). Нима бўлди, жоним?!

О л м а х о н. Билмадим, эрталабдан кўнглим айнийди. Ҳеч нарса егим келмаяпти.

О қ о й и м (*чиқиб*). Ҳм, эру хотин икковинг ҳовлининг у четига бориб олиб, менинг гўримга ғишт қалаяпсизларми?!

Қ о п л о н б е к. Қўйсангиз-чи, ойи.

О қ о й и м. Хотинчангиз менинг устимдан арз қиляптиларми?!

Қ о п л о н б е к. Йўқ...

О қ о й и м. Вой, ҳали хотинчангизнинг тиллари чиқиб қоптими?!

Қ о п л о н б е к. Энди, гапиради-да, ойижон!

О қ о й и м. Вой, менга тили бир қарич келин керак эмас. Қани, тугун-терсагингизни кўтаринг, уйингизга марш!

Қ о п л о н б е к. “Марш”, деганингиз нимаси?

О қ о й и м. “Үйингизга жүннанг”, деганим!

Қ о п л о н б е к. Бир оғиз гапга уйига жүннатиб юборасизми, ойижон?!

О қ о й и м. Бир оғиздан кейин икки оғиз бўлади, кейин уч оғиз бўлади, кейин бошимизга чиқиб олади. Ярани газак олдирмасдан давосини қилиш керак.

О л м а х о н. Жонларингта теккан бўлсам, кетаман!  
(*Уйга кириб кетади.*)

Қ о п л о н б е к. Бунчалар қаҳри қаттиқ бўлманг, ойижон! Илтимос!

О қ о й и м. Кетаверсин, сенга онаси ўпмаган қиз олиб бераман!

Олмаҳон (*чиқиб*). Ниятингиз шу экан-да, ойижон?!

О қ о й и м. Ниятим билан ишинг бўлмасин! Бор, бор туёғингни шиқиллат!

Қ о п л о н б е к. Менинг қўйворадиган хотиним йўқ!

О қ о й и м. Бу нодон онасининг олдида ҳам “Яхши кўраман”, дейишдан ҳам тоймайди.

Қ о п л о н б е к. Нега уяламан?! Арзимаган гап учун уйдан ҳайдаб юбориш – уят!

О қ о й и м. Менинг тилимни қичитма, келиннинг олдида сабабини айттолмаяпман!

Қ о п л о н б е к. Айтинг!

О қ о й и м. Айтсам, хафа бўлмайсизларми?!

О л м а х о н. Айтинг, ойижон! Мен ҳам гуноҳимни билиб кетай, айтинг, ойижон!

О қ о й и м. Туғмас келиннинг менга кераги йўқ!

Қ о п л о н б е к. Нима?!

О л м а х о н. Ана энди тушундим. Тўғрисини айтганингиз учун раҳмат!

Қ о п л о н б е к. Шошманг, кетманг!

О л м а х о н. Туғмас аёлнинг сизга нима кераги бор?!

Қ о п л о н б е к. Кетманг, азизам, мен сизсиз яшай олмайман!

О л м а х о н. Яшайсиз! Сизсиз яшай олмайман, деб күнишиб яшайверасиз.

О қ о й и м. Мана шунақа нозу карашмалари билан ўғлимни жодулаб олган-да, жодугар!

О л м а х о н. Жодугарсиз яшанглар, мен барибир кетаман!

Қ о п л о н б е к. Сиз менинг моҳим эдингиз.

О л м а х о н. Моҳсиз қолдингиз.

Қ о п л о н б е к. Юлдузим эдингиз.

О л м а х о н. Юлдузингиз сўнди.

Қ о п л о н б е к. Баҳорим эдингиз.

О л м а х о н. Хазонга айландим.

Қ о п л о н б е к. Гулзорим эдингиз.

О л м а х о н. Пайҳон қилишди (*кетмоқчи бўлади*).

Қ о п л о н б е к (*тиз чўқади*). Кетманг!

О қ о й и м. Хотин ширин эканми, энди она керакмас, хотин керакда-а?!

Қ о п л о н б е к. Ойижон, бир оғиз менинг гапимни эшитинг.

О қ о й и м. Вой-дод, мусулмонлар, келинимнинг келганига бир йил бўлмасдан ўғлимни йўлдан урди, бурнидан ип ўтказиб олди. Онасини ёмон кўрсатиб қўйди.

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л (*эшикдан кириб*). Кўйлак сал узунроқ бўлиб қолибди. Этагини қисқартириб беринг (*келин ҳушидан кетади*). Вой ўлай, сизга нима бўлди, келинпошша?!

О қ о й и м (*келинининг олдига боради*). Вой ўлай, сизга нима бўлди?

О л м а х о н. Билмадим, кўнглим айниб турибди.

О қ о й и м. Бемаза нарса еганмидингиз?

О л м а х о н. Ҳеч нарса еганим йўқ, ойижон!

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Нима егингиз келяпти, айланай?!

О л м а х о н. Кўнглим фақат шўр нарсалар тусяяпти...

Х у ш ч а қ ч а қ а ё л. Вой қўшни, келинингизнинг бўйида бўлганга ўхшайди! (*Чиқиб кетади.*)

О қ о й и м. Бўлди, бўлди, тушундим. Ўғлим!

Қ о п л о н б е к. Ҳа, ойижон!

О қ о й и м. Уйдан пул олиб чиқиб, бозорга чоп!

Қ о п л о н б е к. Хўп!

О қ о й и м. Вой, миягинам қурсин, ақли йўқ товукмияман, сизнинг аҳволингизни билмасдан койиб ётибман, вой нодон,вой бефаросат-ей!

Қ о п л о н б е к (*чиқиб*). Кимни уришяпсиз, ойижон?!

О қ о й и м. Ўзимни, каллам қурсин!

А р с л о н б е к. Нима бўлди?

О қ о й и м. Келинимнинг бўйида бўлиб қолибди.

Қ о п л о н б е к (*тушунмай*). Тушунтириб гапиринг!

О қ о й и м. Келинимиз ҳомиладор бўлиб қолибди.

Қ о п л о н б е к (*шошиб*). Кимдан?

А р с л о н б е к. Саволингни қара, кимдан бўларди сендан. Бозорга югур! Қаймоқ, асал, новвот олиб кел! Шўр нарсаларнинг хил-хилидан олиб кел. Ота бўласан!

Қ о п л о н б е к. Ота, ота, ота! (*Қийқириб сакраб чиқиб кетади.*)

О қ о й и м. Келинжон, сиз уйга кириб дамингизни олиб туринг! (*Эшик тақиллайди.*) Ким у? Эшик очик, кираверинг!

Т ў й ч и н и с о (*тузлама бодринг кўтариб чиқади*). Келинингизнинг бўйида бўлиб қолибди, деб эшитиб тузлама бодринг олиб чиқдим.

О қ о й и м (*ажабланиб*). Келинимнинг бўйида бўлганини қаердан эшита қолдингиз?!

Түйчинос. Энди яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам тез тарқалади. Тешик қулоқ эшитади-да. Келинингизга беринг, тағин ўзингиз еб кўйманг! (*Узатади.*)

Оқоим. Мен шўр бодринг ейдиган ёшдан ўтдим қўшни, раҳмат! (*Олади.*)

Түйчинос. Бугунги кунда ҳар бало бўлиши мумкин! (*Кулиб чиқиб кетади.*)

Оқоим. Келинжон, кўнглингиз бодринг тусаган бўлса олинг!

Олмажон (*уялиб*). Ойижон, уялиб кетяпман, керак эмас.

Оқоим. Оқибатли қўшниларим бор-да, уйингизга киргизиб кўйинг, берганнинг бетига қараманг.

Олмажон. Раҳмат (*кириб кетади. Эшик тақиллайди.*)

Оқоим. Уйимиз хосиятли уй-да, эшигимизни бир кунда ўн киши тақиллатиб келишмаса, кўнглим тинчимайди! Бемалол кираверинг!

Муниса (*кириб*). Уйимда тўрттacha қалампирили қурутим бор эди, шуни келинингизга илиниб олиб чиқдим.

Оқоим. Кўпдан-кўп раҳмат!

Муниса. Безовта қилганим учун узр (*чиқиб кетади*).

Оқоим. Ўғлим бозордан келгунича тузламалар ҳам келиб қолди. Курутни олинг (*эшик тақиллайди*). Вой, бугун уйимиз карвонсарой бўлиб кетди. Ким? Киринг!

Хушчакчак аёл (*овқат кўтариб киради*). Тансиқ таом қилган эдим. Шамол ҳидини сиз томонга олиб кетди. Неварангизнинг кўзи кўк бўлиб қолмасин, деб олиб чиқкан эдим. Келинингизга беринг, еб олсин! (*Таомни узатади.*)

Оқоји м. Раҳмат, омон бўлинг!

Хушчақчақ аёл. Майли, бизникига ҳам чиқинг  
(чиқиб кетади.)

Оқоји м. Одамнинг юзи иссиқ-да, бир тузламоқчи  
бўлдим-у, шайтонга ҳай бердим. Келинжон, мана еб  
олинг!

Олмажон. Раҳмат (*қуртни олиб чўнтағига солади*).  
Сигирни соғиб келай. (*Шу пайт эшикдан қайнота  
кириб келади*.)

Оқоји м. Йўқ, йўқ, сигирни ўзим соғаман!

Олмажон. Молларга сув берай! (*Сув тўла чеълакни  
кўтармоқчи бўлади*.)

Оқоји м. Э-э-э, кўтарманг, оғирлик қилади. Ўзим  
бераман.

Олмажон. Ҳовлини супуриб қўяй, ойижон.  
(*Супургини олади*.)

Оқоји м. Супургини менга беринг, ўзим супураман!  
(*Келинини қўлидан супургини олади*.)

Арслон бек (*кулиб*). Кун қаёқдан чиқди, онаси?

Оқоји м (*кулиб*). Бугун шимолдан чиқди. Эртани  
билмадим!

Арслон бек. Тинчликми?

Оқоји м. Ақлу заковатингиздан айланай. Сабр-  
тоқатингиздан ўргилай. Алпомишкелбатимдан айланай.  
Қошу кўзларингизга гиргиттон бўлай. Ўзимнинг Арслон-  
бегимга тасаддуқ бўлай!

Арслон бек (*хуши ёқиб*). Менга атаб шеър тўқияп-  
санми?!

Оқоји м. Дарёдан оқиб келади,  
Шода-шода марварид.  
Рўпарамда ўтиради,  
Қоши қаро, барно йигит,  
Қоши қаро, барно йигит!

А р с л о н б е к. Ёпирай!

О қ о й и м. Қоши қаро, барно йигит,

Харгиз ололмайсан мени.

Кокилим қимматбаҳо,

Ташлаб кетолмайсан мени,

Ташлаб кетолмайсан мени!

А р с л о н б е к. Тавба, ҳофиза бўлиб кет-ей?!

О қ о й и м. Силкиниб турган кийикдек,

Бўйларингдан ўргилай.

Янги чиққан майсадек,

Киприкларингдан ўргилай.

Оппоқ-оппоқ марвариддек

Тишларингдан айланай.

А р с л о н б е к. Мазанг йўқ эди-ку?!

О қ о й и м. Тузалиб қолдим.

А р с л о н б е к. Сабабини билсак бўладими?!

О қ о й и м. Сабабини кулоғингизга айтаман! (*Келин уйга кириб кетади.*)

А р с л о н б е к. Инқиллаб-синқиллаб юрардинг, бугун байталдек дингиллаб кетибсан!

О қ о й и м. Бундан буён ҳар куни байталдай бўлиб юраман. Сиз отдек бўлсангиз бўлди!

А р с л о н б е к. Күёш қаёқдан чиқиби? Нималар бўляпти?!

О қ о й и м. Неварангиз!

А р с л о н б е к. Қанақа невара?!

О қ о й и м. Худо хоҳласа, бобо бўласиз, дадаси!

А р с л о н б е к. Ким бобо бўлади, қанақасига, қачон?!

О қ о й и м (*челакни олади*). Оғилхонага юринг! Мен сигир соғаман, сиз бузоқни ушлаб турасиз. Ўша ерда ҳаммасини тушунтириб бераман (*улар оғилхонага кириб кетишади*).

Қоплонбек. Ойижон, мен келдим! Айтганларингизни ҳаммасини олиб келдим.

Олмакон (*югурн чиқади*). Қўлингиздагини беринг! (*Олмоқчи бўлади*.)

Қоплонбек. Ўзим олиб бораман! (*Айвонга нарсаларни қўяди*.)

Олмакон. Чарчамадингизми?!

Қоплонбек. Йўқ, севинганимдан теримга сифмай учиббориб, учиб келдим! (*Атрофга аланглайди*.)

Олмакон. Нима қидиряпсиз?!

Қоплонбек. Адам билан ойим қанилар?!

Олмакон. Оғилхонага кириб кетишиди.

Қоплонбек (*хотинини олдига тиз чўкиб, қорнига қулоқ солади*). Қулоқ солай.

Олмакон. Вой, нима қиляпсиз?! Кўриб қолишади! (*Ўзини тортади*.)

Қоплонбек. Кўрса кўришаверсин!

Олмакон. Кишининг андишаси бўлиши керак-да, барибир.

Парда

2005 йил.



# СИЗСИЗ ЎТМАС КУНЛАРИМ

Икки пардали психологик драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

И б р о х и м – ота  
А н с о р а – она  
У м а р – катта ўғил  
К и б о р а – катта келин  
А з и з а – ўртанча қиз  
Ў т к и р – ўртанча куёв  
И с м о и л – кенжә ўғил  
И р о д а – кенжә келин  
Ф а р и д а – кундош

## МУҚАДДИМА

И р о д а болалар ўйнайдиган майдончада хаёл суріб юрибди. И с м о и л хафалигини сездирмасликка ҳаракат қилиб кириб келади.

И р о д а. Нима дейиши? ?

И с м о и л. Иродахон, дунёда энг гүзал нарса нима?

И р о д а (ўйланиб). Одам, чунки у Тангрининг мукаммал маҳсулидир. Врачлар нима дейиши?

И с м о и л. Энг тез нарса нима?

И р о д а. Вақт, ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради. Айтаколинг.

И с м о и л. Ҳамма учун энг умумий нарса нима?

И р о д а. Умид, чунки у ҳеч вақоси йўқларда ҳам мавжуд.

И с м о и л. Энг осон нарса-чи?

И р о д а. Ўзгаларга маслаҳат бериш. Чалғитманг, врачлар нима дейишиди?

И с м о и л. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

И р о д а. Тушундим (*бошини эгади*).

И с м о и л. Сизни бугун хоҳлаган жойингизга олиб бораман. Театр, кино, ресторон...

И р о д а. Ҳеч қаёққа бормаймиз. Уйга борамиз. Дадам билан ойим кутиб қолишиди.

Иккаласи кайфиятсиз, бошини эгиб чиқиб кетади.

### *Мусиқа*

#### **Биринчи парда**

#### **Биринчи кўриниш**

И б р о ҳ и м ота намоз ўқиб бўлиб, жойнамозни кўтариб чиқади. Ансора опа овқат кўтариб ошхонадан чиқади.

А н с о р а. Ассалому алайкум, отаси.

И б р о ҳ и м. Ваалакум ассалом (*стулга ўтиради*).

А н с о р а. Овқатингизни ичиб олинг.

И б р о ҳ и м. Исмоилжон билан келин ҳаяллаб қолишиди.

А н с о р а. Ишдан кейин дўхтирга борамиз, дейишиганди.

И б р о ҳ и м. Янами?

А н с о р а. Зўр дўхтири топишибди. Илойим, ўзларидан кўпайишсин.

И б р о ҳ и м. Умидсизликка тушманг!

А н с о р а. И smoилжонимнинг фарзандлари ҳовлида қушчалардек чуғурлашиб юрганини кўриб ўлсам, армоним қолмайди.

И б р о х и м. «Сабрлилик – Худонинг ояти, сабрсизлик – шайтонни сифати», дейдилар. Сабр қилсангиз – болаларини ҳам кўрасиз, «Шовқин қилманглар», «Асабимга тегманглар», деб безор ҳам бўласиз.

А н с о р а. Ўригидан мағзи ширилари менинг туни билан бешигини тебратиб чиқсан, елкамда опичлаб катта қилсан. Ҳой Муроджон, томдан тушинг! Ҳой Умидахон, ҳовлини тозалаб супуринг. Темур тўполнончи, дараҳт шохини синдирманг (*кулишади*).

И с м о и л билан И р о д а кайфиятсиз кириб келади.

И р о д а. Ассалому алайкум (*кириб кетади*).

И с м о и л. Ассалому алайкум.

И б р о х и м. Ўтилинг, ўғлим!

И с м о и л. Кийимларимни алмаштириб чиқай (*ичкарига кирмоқчи бўлади*).

И б р о х и м. Дўхтирлар нима дейишди?

И с м о и л. Иродага туғиши мумкин эмас экан. Юраги хаста экан (*стулга ўтиради, Ирова ҳам эшишиб қолади*).

И б р о х и м. Оббо...

А н с о р а. Энди шу кўргулик ҳам бормиди?

И б р о х и м. Ўғлим, отангизнинг гапини ерда қолдирмассиз, деган умиддаман.

И с м о и л. Эштайлик-чи, отажон.

И б р о х и м. Оғир бўлса ҳам шу гапни айтишга мажбурман, хотинингиз билан ажрашасиз! (*Ирова ўзи ни ичкарига олади*.)

И с м о и л. Ўлганнинг устига чиқиб тепмоқчимисиз, отажон!

А н с о р а. Келинни күрсатмаган шифокоримиз қолмади. Олиб бормаган фолбину табибларимиз қолмади. Азиз авлиёларнинг қабрларини ҳам зиёрат қилиб, тавоғ қилишдан ҳам армон қолмади. Илму амалларнинг ҳаммасини қилдик. Чироқ ёқдим, товуқ сўйиб, очириқ қилдим. Бибисешанба ўтказдим, фойдаси бўлмади.

И б р о ҳ и м. Ўлим икки қошнинг ўртасида, дейдилар. Бугун бор одам эртага йўқ, ҳар куни ўлимни ўйламаган одам мусулмон эмас. Вакти-соати етиб биз оламдан ўтсақ, тақдирингиз нима бўлади?

А н с о р а. Сизни ялаб-юлқаб катта қилганмиз, сизга ёмонликни раво кўрмаймиз. Узоқни ўйлаяпмиз.

И с м о и л. Чуқурроқ ўйламаяпсизлар, яна бир мулоҳаза қилайлик.

И б р о ҳ и м. Умр шамолдек ўтиб кетади. Сўнг пушаймон қиласлик учун бир қарорга келиш керак. Ажрашасиз, ўғлим!

И с м о и л. Келинингизнинг дилини вайрон қилиб, баҳтли бўлоламанми?

А н с о р а. Қош-қовоқларингизга қарашдан ҳам армонимиз қолмади. Бизни тушунинг!

И с м о и л. Мен келинингизсиз яшай олмайман.

И б р о ҳ и м. Одамдек мослашувчан, кўникувчан зот йўқ дунёда, кўнишиб кетасиз.

И с м о и л. Мен кўника олмайман!

И б р о ҳ и м. Сўзимни ерда қолдирманг!

И с м о и л. Узр отажон, бошқа чорам йўқ!

И б р о ҳ и м. Ажрашишни истамасангиз яна ўйланинг!

И с м о и л. Нималар деяпсиз, отажон!

И б р о ҳ и м. Намозжумага чиққанимда масжид имоми билан маслаҳатлашдим.

А н с о р а. Нима дедилар!?

И б р о х и м. Аёл бепушт бўлса ёки касалманд бўлса, хотин устига яна уйланмоқ мумкин экан. Нима кўп, қари қизлар кўп, бирорғасини ўғлингизга олиб бериб баҳтини очсангиз савоб бўлади, деб йўл кўрсатдилар.

И с м о и л. Имом хатибнинг мияси айниб қолибди! Қайси замонда, қайси мамлакатда яшаётганликларингизни биласизларми?

И б р о х и м. Биламан, болам, бошқа иложимиз йўқ, имом яширинча никоҳ ўқиб кўяман, дедилар.

И с м о и л. Чала муллаларнинг ташвиқига учманг! Хурофот авж олган қандайдир юртда эмас, ривожланган дунёвий мамлакатда яшаяпмиз. Бизнинг қонунларимиз кўшхотинликни қатъий ман қиласади.

И б р о х и м. Хотининг рози бўлса, хуфиёна никоҳ ўқитиб ҳеч кимга сездирмаймиз.

А н с о р а. Отангиз ҳақ гапни айтяптилар!

И с м о и л. Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса бирорга, дейдилар. Отам устингизга хотин олсалар рози бўлармидингиз?

А н с о р а. Бепушт бўлсам, рози бўлардим...

И с м о и л. Бу нозик масала, кўра-била туриб, қонунни бузган бўламиз. Унинг ҳам ўзига яраша жавобгарлиги бор, ота.

И б р о х и м. Сизни фарзандли қилиш учун жавобгарликка ҳам розиман. Шариат йўл берган экан, уйланасиз.

И с м о и л. Масжид имом хатиби сизга қаттиқ таъсир ўтказибди. Эски алмисоқдан қолган урф-одатларга ёпишиб олмайлик! Саводсиз имомнинг қотиб қолган фикрларига учмайлик! Таъсирига берилмайлик, отажон!

И б р о х и м. Гапимга кўнмасангиз «ўғлим», демайман.

И с м о и л. Мен ҳам айтганингиздай иш тутмайман!

И б р о ҳ и м. Айтганимни қилмасангиз дуоибад қиласман!

А н с о р а. Ҳой, дадаси, оғзингиздан чиқкан гапга тавба денг, шайтоннинг сўзига кирманг! (*Чиқиб кетади.*)

И с м о и л. Нима учун? Имомнинг таъсирига шу даражада берилдингизми?

И б р о ҳ и м. Имомга тил теккизманг, ўзим шу фикрдаман, ўзим шу қарорга келдим!

И с м о и л. Илтимос, менинг ҳаётимга аралашманлар!

А н с о р а. Сизга ҳаёт берган – биз, шуни унутманг! (*Овқат олиб киради.*)

И с м о и л. Менга ҳаёт берганингиз учун, улғайтириб тарбия берганингиз учун, минг ташаккур, қуллук. Мен энди ёш бола эмасман!

И б р о ҳ и м. Ҳе бола, ҳаддингизда тулинг, юз ёшга кирганингизда ҳам биз учун ёш боласиз!

И с м о и л. Ёш бола эмасман! Ўзимга яраша фикрим, дунёқарашим бор. Ўз ҳаётим, тақдирим учун ўзим қарор чиқаришга ҳаққим бор! Мен севикли хотиним билан ажрашмайман.

А н с о р а. Кўп асабийлашманг, овқатингизни еб олинг!

И с м о и л. Овқат ҳам заҳар бўлди!

А н с о р а. Ўзингизни босиб олинг, болажоним!

И с м о и л. «Жоним», «жоним», деб жонимни оляп-сизлар.

А н с о р а. Ўғлимдан шунақа гап эшитаман, деб ўйламагандим. «Болажоним, деб жонимни оляпсизлар» эмиш! Она боласига жон берса берадики, жонини олмайди. У Худо эмас, банда. Бир боласини йўқотса, минг жони адойи

тамом бўлади. Боласини бир лаҳза кўрмаса соғинчдан бўлганича бўлади. Ўғлим, гапингиздан гўёки мен душманлик қилаётган бўлиб чиқаман. Бўпти, мен энди аралашмайман. Мен ёмон онаман!

И с м о и л. Сизни ким ёмон, деяпти!

А н с о р а. Гапингиз тагидаги нимкосадан сезиб турибман! Мен ноқобил онаман, бугундан бошлаб она деманг!

И б р о ҳ и м. Унақа деманг, онаси!

А н с о р а. Нима дей, нима дей?! «Уруғ-авлодининг тайини йўқ, болалар уйида катта бўлган экан. Шу қизни олиб бермайлик», деб Худонинг зорини қилдим. Ҳеч ким гапимга кирмади, мана энди ҳаммамиз боши берк кўчага кириб ўтирибмиз (*ийеглаб чиқиб кетади.*)

И б р о ҳ и м. Бир етимнинг бошини силасак савоб бўлар, деган эдик-да!

И с м о и л (*тўлиб*). Илтимос, мени қийнаманглар. Шундоғам юрагим адо бўлган! Кўчада болаларини етаклаб юрган эр-хотинларни кўрсам ҳавасдан юрагим титрайди. Болажонларнинг шўх кулгиларини эшитсам, ичимда бир нима чирсиллаб узилади.

Дадажон, деб отасининг елкасига осилган болани кўрсам, кўзларимдан ёш қуиилиб келади. Менга ҳам осон тутманглар, келинингизни жонимдан ортиқ сўйганим учун азобларга чидаб «дод» демай яшаб келяпман. Сўйган хотиним билан ажрашишга мажбур қилманглар, мени тушунинглар, илтимос!

И б р о ҳ и м. Сиз ҳам бизни тушунинг, сабрнинг ҳам чегараси бор! Ажрашишни истамасангиз хотинингиз устига уйланасиз!

И с м о и л. Уйлансам келинингиз кундошлиқ азобини кўтаролмай ўлиб қолмайдими?!

И б р о ҳ и м. Ўлмайди.

И с м о и л. Айтганимга кўнмасанглар...

И б р о ҳ и м. Кўнмаймиз ҳам, айтганингизга бир марта рози бўлиб, тавбамизга таяндиқ. Энди бизнинг айтганимиз бўлади (*чиқиб кетади*).

И р о д а (*чой кўтариб келади*). Чойингиз совиб қолмадими?

И с м о и л (*чуқур хўрсиниб*). Йўқ! Кўзларингиз қизариб кетибди?

И р о д а. Тутундан шундай бўлди.

И с м о и л. Ота-онамнинг аччиқ гапларининг тутуними?

И р о д а. Ундей деманг! Сиздек олижаноб инсон билан учраштирган Худойимга беадад шукур!

И с м о и л. Икки ўт орасида қолиш азоб экан!

И р о д а. Сиқилманг, мен кетаман!

И с м о и л. Қаерга кетасиз?

И р о д а. Бошим оққан томонга кетаман!

И с м о и л. Унақа деманг!

И р о д а. Ота-онангиз ҳақлар, жавобимни беринг!

И с м о и л. Асло, бу сўзни тилингизга олманг!

И р о д а. Сиз билан ўтган умримдан розиман. Фақат хаёл қилиш мумкин бўлган умр эди бу... Бефарзанд бўлсак ҳам ота-онангиз раъйимга қарашди, бир оғиз ортиқча сўз демадилар. Бундай тотув, иноқ оиласи тополмасам керак. Мени деб оиласага дарз кетишини истамайман. Мен айборман, кетишимга рухсат беринг!

И с м о и л. Аллоҳим одамларни шундай кенг дунёда ҳам ўз жуфтини учраштириб қўяр экан. Сиз билан, ярим жоним сиз билан бутун. Сиз кетиб ярмидан ҳам ному нишон қолмагай, деб кўрқаман. Дунёни дарбадар кезсам ҳам сиздек покиза, вафодор аёлни тополмайман!

И р о д а. Менга бўлган ишончингиз учун раҳмат.  
Бошга тушганни кўз кўрар, дейдилар. Энди нима бўлса,  
пешонамизда борини кўрамиз!

И с м о и л. Менинг феълимни беш қўлдек била-  
сиз-ку, бир нарсага қарор қилсан, ҳеч ким фикримни  
ўзгартира олмайди.

И р о д а. Ота-онангиз хоҳишларига қарши бориб,  
рўшнолик кўрмаймиз! Мени ҳам тушунинг! Илтимос,  
жавобимни беринг! (*Йиглайди*).

И с м о и л. Йигламанг, жоним! (*Хотинини бағрига  
босади*). Кўз-ёшларингизни кўрсан чидолмайман!

И р о д а. Чорасизман, айборман, ҳеч кими йўқ но-  
тавонман! (*Ўксиб йиглайди*.) Эй Худо, қайси гуноҳларим  
учун тирноққа зор қилдинг?! Нима учун бу азоб-уку-  
батларни бошимга соляспан?!

И с м о и л. Киши ҳаққига хиёнат қилмадим, ҳаром  
луқма емадим, бироннинг дилини оғритмадим, ўғрилик  
қилмадим. Яратганинг менга не маломати бор экан?

И р о д а. Етти йил умид билан: «Худойим фарзанд  
берар», деб кутдик. Не қилай, бермади. Худойим ҳам  
бир бокқанга, бир қилиғи ёққанга фарзанд берар экан.  
Демак, нимамиздир Аллоҳга ёқмаган, ажрашишимиз  
керак. Сиз соғлом йигитсиз, бошқага уйлансангиз ҳам-  
масини унутиб, бахтли бўлиб кетасиз. Уч талоқ қўйинг.  
Ҳеч қаерга даъво қилиб бормайман, дардим ичимда  
яшайвераман!

И с м о и л. Икки дунё бир бўлиб, қиёмат қойим  
бўлса ҳам бундай сўзни айтмайман.

И р о д а. Талогимни бермайсизми?

И с м о и л. Йўқ!

И р о д а. Қарорингиз қатъийми?

И с м о и л. Тентаксиз!!!

И р о д а. Мени жонингиздан ортиқ яхши кўрасизми?

И с м о и л. Яхши кўраман!

И р о д а. Унақада менинг шартимга рози бўлсангиз,  
шу уйда қоламан!

И с м о и л. Айтинг! Нима, қанақа шарт?!

И р о д а. Шартингизни бажараман, деб сўз беринг!

И с м о и л (ўйланиб). Сўз бераман! (*Отанинг ўтмол товуши эшиштилади. Иккаласи чиқиб кетади.*)

А н с о р а билан И б р о ҳ и м чиқиб келишади.

И б р о ҳ и м. Қаерга кетишидии?

А н с о р а. Бокқа чиқиб кетишиди, ораларидан қил ўтмайди!

И б р о ҳ и м (кулиб). Сиз оламушук бўлмоқчи эдин-  
гиз!

А н с о р а. Сиз эса қора мушук!

И б р о ҳ и м. Мен ҳали фикримдан қайтганим йўқ.  
Исмоил келин билан ажрашишни истамаса, хотин уст-  
тига хотин олишга рози бўлмаса ҳам ўғлимни фар-  
зандли қилмасдан қўймайман!

А н с о р а. Қандай қилиб фарзандли қиласиз?

И б р о ҳ и м. Худога шукр, серфарзанд ўғлимиз,  
қизимиз бор. Телефон қилдим ҳозир етиб келишади.

Ў т к и р билан А з и з а кириб келади.

А з и з а. Ассалому алайкум, отажоним яхшимисиз?

И б р о ҳ и м. Яратганга беадад шукур, яхшиман.  
Ўзинг тузукмисан?

А з и з а. Бахтимга омон бўлинглар, яхшиман, она-  
жоним соғмисиз?

А н с о р а. Шукур, шукур!

Ў т к и р. Саломатмисиз, дадажон?

И б р о х и м. Отдайман, гурсиллатиб ер тепиб юрибман.

А з и з а. Тинчликми, отажон? Тезда етиб келинглар, деганингизга шошиб қолдик, нима бўлди?

К и б о р а билан У м а р кириб сўрашади.

У м а р. Ассалому алайкум, яхшимисизлар! (*Отаси билан кўришади.*) Бир жойга борайлик, десам келинингиз бир соат пардоз қиласи (онасини қучади).

К и б о р а. Ҳамма нарсага мен балогардон, қочинг, ойим билан мен ҳам сўрашай.

У м а р. Тинчликми, ота?

И б р о х и м. Азиза қизим, боғдан Исмоилжон билан келинни чақир.

А з и з а. Хўп. Келин (*бог томон боради*).

И р о д а. Лаббай (*чиқиб кўришади*).

И с м о и л. Ўхў, ҳамма жамулжам, битта биз кам эканмиз-ку!

И б р о х и м. Хўш, муддаога ўтсак. «Савалаб ёқкан ёмғир ёндан ўтар, севалаб ёқкан ёмғир жондан ўтар» дегандай, Исмоилжон билан Иродахоннинг бефарзандлиги ҳаммамизни мушкул аҳволга солиб қўйди (*жисмлик*).

И с м о и л. Отажон, болалар уйидан бола олиб қўя қолайлик.

И р о д а. Мен ҳам розиман, отажон!

У м а р. Ана, масала осонгина ҳал бўлди!

К и б о р а. Худога шукур-ей, нима бўлди экан, деб эсим чиқиб кетди. Шунга шунча ваҳима қиляп-сизларми?

И б р о х и м. Биринчидан: «Етим кўзи асрасанг – оғзи бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг – оғзи бурнинг

қон бўлар» деганлариdek, оғзимиз қон бўлишини истамайман.

И с м о и л. Қон қилмайдиганидан сарабал оламиз, отажон!

А н с о р а. Бетга айтганинг захри йўқ, дейдилар. Болалар уйида катта бўлган кизни келин қилиб тавбамизга таяниб ўтирибмиз.

И б р о х и м. Иккинчидан: саййидлар авлодиданмиз. Наслимизни бузмайлик, уруғимизни айнитмайлик! Яхши одамлар етимхонага боласини ташлаб кетмайдилар. Учинчидан: Исмоилжон хотиним билан ажрашмайман, устига хотин олмайман, деб асов отдек оёғини тираб олди.

А н с о р а. Исмоилжон кўз очиб кўрган хотинини кўзи қиймаяпти.

И б р о х и м. Шунинг учун бирор мардинг Исмоилжонга фарзандларингдан бирини берсанглар (*оғир суннат*).

А н с о р а. Куёвжон, қизим, Худо сизларга тўртга фарзанд берган. Биттасини берсанглар.

К и б о р а. Жуда тўғри, оқилона фикр.

У м а р. Маъқул гап!

И р о д а. Опажон, йўқ деманг!

И с м о и л. Илтимос!

А н с о р а. Битта болангни укангдан аяйсанми, қизим?!

А з и з а. Бунга қандай рози бўлайин (*йиғлайди*).

А н с о р а. Чақалоғингни берсанг. Эсини танимаган, қийналмайсан.

А з и з а. Йўқ, йўқ, чақалоғимни беролмайман, боқол масдан касал қилиб кўйсанглар нима қиласман?

А н с о р а. Менга ишонмайсанми, қизим, ўзим боқаман!

И р о д а. Кўз қорачиғидай асрайман, опажон!

И б р о х и м. Сиз нима дейсиз, куёв?

Ў т к и р. Кутулмаган гапдан шошиб қолдим. Нима дейишни ҳам билмай лолман.

А з и з а. Тилингизни ари чақиб олгандай ғулдирамасдан, кесиб-кесиб гапириңг, дадаси!

Ў т к и р. Мен боламнинг бирортасини беролмайман!

И с м о и л. Йўқ деманг! (*Кўзида ёш қалқийди...*)

А н с о р а. Наҳотки, И smoилжоннинг тақдирига раҳмингиз келмаса?

Ў т к и р. И smoилга Худонинг раҳми келсин! Қизингиз бўталогини йўқотган туюдай бўзлаб қолишини, ичикиб касал бўлиб қолишини истамайман.

И р о д а. Илтимос опажон, айланай сиздан, йўқ деманг (*йиглайди*.)

К и б о р а. Берақолинг, Азизахон!

А з и з а. Келиннинг кўз ёшини кўриб чидолмаяпман! Битта боламни беришим мумкин, лекин чақолоғимни эмас! (*Йиглайди*)

Ў т к и р. Ўйлаб гапирайпсизми, хоним!

И б р о х и м. Қизим, кейин пушаймон қилмаслик учун эр-хотин обдон ўйлаб, қудалар билан маслаҳатлашиб кўринглар. Улар норози бўлишса, раъига қарши борманг.

Ў т к и р. Ота-онам рози бўлса ҳам мен қатъий қарши бўламан!

А н с о р а. Куёвжон, бунчалар қаҳри қаттиқ бўлманг.

Ў т к и р. Ўз пушти камаримдан бўлган боламни ўзганинг эшигига сарғайтириб қўймайман! Мунчоқдек фарзандимни бегонага термилтириб қўйиш... Йўқ, раҳмат! Бирортаси отамникигами ёки бирон ёқса кетса, ўрни билиниб, ҳувиллаб қолади. У бўшлиқни ҳеч ким тўлдира олмайди.

А з и з а. Укам шўрлик фарзандсиз бир умр қон йиғлаб ўтсинми?

Ў т к и р. Қон йиғлаб ўтишни истамасалар, ажрашсин! Бошқага уйлансан, ким қарши чиқяпти? (Ирода йиғлаб чиқиб кетади.)

У м а р. Ўзингизни босиб олинг, күёв.

К и б о р а. Тилингизга эрк берманг!

А з и з а. Исмоил – менинг бир қориндан талашиб тушган жигарим. Ҳар биримизда ота-онамизнинг қони оқяпти. Укамнинг кўз ёшини оқизиб томоша қилиб туролмайман. Жигарлар бир-биридан меҳр-муҳаббатини, фарзандини дариф тутса, йиқилса суюмасак, ёмон кунда елқадош бўлмасак – ҳиссиз, туйғусиз маҳлуклардан нима фарқимиз қолади. Укам менинг битта боламга зор бўлдими, берганим бўлсин! Укажоним армонсиз яшashi учун чидайман.

Ў т к и р. Дадажон, ойижон оиласам учун жавобгар шахс менман. Қарорни мен бераман, боламни бермайман. Мендан хафа бўлманлар! (Кета туриб қайтади.) Хоним, кўнгилчанглик қилиб сўзимни икки қилиб юрманг! (Чиқиб кетади.)

У м а р. Отажон, онажон, гап бўлиши мумкин эмас! Мен битта ўғлимни бераман, укамдан фарзандимни айманми?

И с м о и л. Раҳмат, акажон! Мингдан-минг раҳмат!

И б р о ҳ и м. Келин, сиз ҳам розимисиз?

К и б о р а. Асло рози эмасман!

У м а р. Гапни чувалаштирма, мен рози бўлдим-ку!

А н с о р а. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди. Сиз ҳам рози бўлақолинг, келинжон!

У м а р. Укам бефарзанд бўлиб қанча надоматларга чидаб юрипти. Битта фарзандимизни аясак, Худога ҳам хуш келмаса керак.

К и б о р а. Овсиним болаларимнинг бирортасиниям эркалатмаган, меҳр билан ўпмаган.

А н с о р а. Келинжон, овсинингиз сиз ўйлаганчалик қаҳри қаттиқ эмас.

К и б о р а. Мени ёлғончига чиқаряпсизми? Тунов куни кичик ўғлимнинг кўзи кўкариб борди.

А н с о р а. Келин ургани йўқ, ўзи йиқилиб тушди.

И с м о и л. Ўзи қоқилиб тушди. Мен ҳам кўрдим. Келинингиз болаларни яхши кўради.

К и б о р а. Менга янгам урди, деб борди.

А н с о р а. Қўйинг, болангизни бермаслик учун баҳона ахтарманг!

К и б о р а. Ҳақиқатни айтаяпман!

У м а р. Ҳей, ҳақиқатинг билан сани... ўчир овозингни, мен ўғлимни бераман, дедимми – тамом.

К и б о р а. Вой Ҳотамтой, вой бойвачча-ей, вой..

А н с о р а. Келин!

К и б о р а. Ойижон, мени тушунинг, келинингиз менга ўхшаб бели оғриб туғсин, кейин боланинг қадрига етади. Мен ҳар бир боламни тўккиз ой юрагимнинг остида кўтариб юриб, тўлғоқ азобларини тортиб, ўлим билан олишиб туққанман. Болаларимнинг ҳар бири учун бир ўлиб, бир тирилганман. Бемор бўлганда тунни тонгга улаб, кечалари мижжа қоқмай чиққанман. Туғмаган аёл она меҳрини бера олмайди.

У м а р. Бас қил, дедим!

К и б о р а. Бас қилмайман, сиз ҳам пулнинг кетидан кувавериб болаларингизга меҳрингиз йўқ! Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, пулпараст бўлиб кетгансиз!

У м а р. Э, ўчир овозингни (*тарсаки туширади*).

А з и з а. Акажон, янгамни урманг!

И б р о ҳ и м. Ғазабга қул бўлманг, Умархон.

А н с о р а. Келинни урма, нодон.

У м а р. Пулнинг кетидан қувиб юрсам, фақат ўз нафсим учун қувганим йўқ. Бола-чақам, деб кечани кеча, кундузни кундуз демай, югуриб-елиб юрибман.

Бир бурда нонга зориқманлар, ўзгаларга қарам бўлманлар, деб юрибман. Ҳозирги замонда пулинг бўлмаса одам ўрнида кўришмайди. Пулинг бўлса соянгга салом беришади.

К и б о р а. Ўргилдим ўша пулларингиздан.

У м а р. Сиз баланд охурдан ем еб, пулга зориқмай ўсгансиз-да, еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда. Шунинг учун пулнинг қадрига етмайсиз. Топармон-тутармон эри бор, ҳеч нарсага зориқтирмайди. Оғзига келган гапни тошдек отадилар.

К и б о р а. Мени одам ўрнида кўрмайдилар. Мен ҳам инсонман, менда ҳам ғурур бор, нафсоният бор. Ўнта ўғилга етадиган мол-давлатинг бўлсаю, бир болангни бирорвга берсанг одамлар нима дейди.

У м а р. Исмоилхон бирорв эмас, укам!

К и б о р а. Агар болаларимнинг биттасини укангизга берсангиз, ажрашамиз!

У м а р. Э-э, ажрашамиз, деб мени қўрқитолмайсан! Бўпти, эртага ариза ёзгани борамиз.

А н с о р а. Ҳай, тавба денглар-а, тавба денглар.

К и б о р а. Бўпти! (Жаҳл билан чиқиб кетади.)

У м а р. Мени кечиринглар, чегарадан чиқиб кетдим.

А з и з а (йиғлаб отасининг елкасига бошини қўяди.) Отажон, энди нима қиласмиш!

И б р о х и м. Эринг нима деса хўп дегин, қизим. Биз сабаб бўлиб ораларингизга совуқчилик тушиб қолмасин!

А з и з а. Куёвингиздан хафа бўлманг, ўзлари яхши одам, жаҳли чиқиб, кескинроқ гапириб юбордилар (йиғлайди.)

И с м о и л. Менинг фарзандсизлигим ҳаммани қақшатяпти.

И б р о х и м. Ёғ еганда – ёт яхши, қон ютганда – қариндош, деганлари шу бўлади.

А з и з а. Отажон, бола асраб олиш худога ҳам хуш келади, асраб олақолайлик.

У м а р. Отажон, бола асрасак икки дунё савобини топасиз.

И с м о и л. Бола асраб ола қолайлик, илтимос отажон!

И б р о ҳ и м. Бас!!! Мен сўзимни айтдим. Насл-насабимни бузмоқчи эмасман! Мендан кейин билганингларни қиласизлар. Мен тирик эканман, айтганим бўлади! Исломилжон!

И с м о и л. Лаббай!

У м а р (*саҳна олдига чиқиб*). Уйланасиз!

## Парда

### Иккинчи парда

#### Иккинчи кўриниш

Болалар боғчаси. Болаларнинг чуғурлаши эшитилади. «Бас қилинглар, тўполон қилманглар, жим бўлинглар. Яхши дам олинглар, ширин тушлар кўринглар», деган овоз саҳна ортидан эшитилади. Болаларнинг чуғурлаши секин тинади.

И р о д а билан Ф а р и д а чиқиб келади.

Ф а р и д а. Уф, бир амаллаб ухлатдик.

И р о д а. Бу ёшда болаларнинг қуввати кўп бўлади, қаерга сарфлашни билмай бир-бири билан олишади, сак-рашади, қувлашади. Ерга урсанг, кўкка сапчийди. Ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уради. Завқи ичига сифмаган, ўт-олов пайлари.

Ф а р и д а. Рангингиз оқариб кетибди. Нима бўлди?! (*Томирини ушлаб*.) Юрак уришингиз ҳам безовта, яна сиқиляпсизми? Дардингизни айтинг – енгиллашасиз.

И р о д а. Айтганман-ку, яна дардимни достон қилайми?!

Ф а р и д а. Ҳамма ҳавас қиласидиган оиласиз, данғиллама ҳовли-жойингиз, меҳрибон қайнона-қай-

нотангиз бўлса, еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда, ҳеч кимдан кам эмассиз.

И р о д а . Камман, кемтикман, нотавонман! (*Йиғлайди*.)

Ф а р и д а . Мана, мен сиқилсам арзийди. На эрим, на ўз уйим, на бир баҳтим бор. Тиббиёт коллежида ўқиганимдан бери шу боғчада ишлайман. Талабалик йилларимда ёш эдим, шўх эдим, гўзал эдим. Ортимдан соядек эргашганларни менсимадим, қарамадим. Севги изҳор қилганларнинг устидан кулдим. Бирини ўпок, бирини сўпок дедим. Умрим ўтиб кеттанини ҳам билмай қолибман! Бой хонадондан совчилар келишини кутдим. Кўнгил қўйганларга қиё боқмадим. Камбағалларни назаримга илмадим. Оқибат, танлай-танлай тозилар ҳам қарамай қўйди. Ўттизни уриб қўйдим. Мен тенги қизлар бола-чақали бўлиб кетишиди. Мен тенги йигитларнинг ҳаммаси уйланиб бўлишиди. Бошимни қирқ тошга урсам ҳам эр йўқ, опажон! Хотини қазо қилган эркаклар, кампири ўлиб қолган чоллар совчи қўйишяпти, опажон. Энди нима қиласман?! Пешанамга эр ёзилган бўлса, тенгим чиқиб қолса тегарман, бўлмаса бу дунёдан хур қиз бўлиб ток ўтарман (*йиғлайди*).

И р о д а . Менинг эримга тегинг!

Ф а р и д а (*чўчиб тушади*). Жинни-пинни бўлиб қолмадингизми, опа?! Шу гапни бир айтдингиз, иккинчи эшитмайин.

И р о д а . Ҳозирча ақлдан озганим йўқ!

Ф а р и д а . Тавба қилдим, ғалати аёл экансиз, ўз севикли эрини ўзгага раво кўрадиган аёлни биринчи кўришим.

И р о д а . Жиддий айтяпман! Бепуштлик сабаб бизнинг уйимизда тинчлик йўқ! Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор, деганлари рост экан. Боласиз уйимиз эрим билан мени ютиб юборяпти. Қайнотам-қайнонам эримга

ажрашгин, деяптилар, у киши хоҳламаяптилар! Устимга уйланишни айтдилар, унамадилар. Ялиндим, ёлвордим.

**Ф а р и д а. Тавба!**

И р о д а. Сиз билан ўн йилдан буён бирга ишлаймиз, «сиз» оғзимиз «сен»га бормади. Бир-бирилизни қарашмиздан тушунамиз. Йиғласак – қўшилиб йиғлаймиз, хурсандчиликларга шерикмиз. Оғир дамларда бир-бирилизга таскин берамиз, ярамизга малҳам бўламиз. Ҳамдард, ҳамфикрмиз. Бир ота-онанинг фарзандидек бўлиб кетдик. Қўли гул ҳамширасиз.

**Ф а р и д а. Мақтаманг-ей, опажон!**

И р о д а. Тўғри гапни айтяпман. Худо берган қобилияtingиз бор! Сиздек кўнглида кири йўқ, ақлли, бир гапириб ўн куладиган қиз билан бирга ишлаганимдан хурсандман!

Менинг эrim жудаям ақлли, фаросатли, чумолига ҳам озор бермайдиган беозор киши. Агар эrimга тегишга рози бўлсангиз, опа-сингилдай яшаймиз.

**Ф а р и д а. Сизнинг эрингизга тегиб, кейин юзингизга қандай қарайман?!**

И р о д а. Сиз кўнмасангиз эrim мен кўрмаган, билмаган аёлга уйланишга мажбур бўлади. «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма» дегандай, синашта бўлмаган аёл билан бир уйда қандай яшайман? Сиз билан биз бир-бирилизни беш бармоқдек биламиз. Менга раҳмингиз келса, рози бўлинг!

**Ф а р и д а (кулиб). Зайнаб Кумушбибига заҳар бергандек, сизга заҳар берсам нима бўлади?!**

И р о д а. Сиз заҳар берсангиз ҳам розиман! Фақат Исмоил акамнинг бошини ҳам, кўзларини нам қилмасангиз бўлди.

**Ф а р и д а. Шунчалар яхши кўрасизми?!**

И р о д а. Сўз билан таърифлашга ожизман. Қани шоира бўлсам ишқимиз ҳақида ғазаллар, достонлар, эртаклар тўқиган бўлардим.

Ф а р и д а. Жону дилингиз билан яхши кўрадиган инсонингизни бегона аёлга қандай раво кўряпсиз?!

И р о д а. Ахир бепуштман!

Ф а р и д а. Бепуштликнинг иложи бор-ку.

И р о д а. Юрагим ҳам кўтармайди.

Ф а р и д а. Опажон, ўзингиз ҳам етимхонада катта бўлгансиз, битта қора кўзни асраб олсангиз бўлмайдими?

И р о д а. Қайнотам – бир сўзли одам, кўнмаяптилар. Сиз рози бўла қолинг. Боғчада ҳам, уйда ҳам, кундузи ҳам, ҳар куни бирга бўлиб, кундош бўламиз. Кундош бўлишнинг нимаси ёмон? Бир-бирига энг яқин кишилар, энг азиз кишилар ҳар куни бирга бўлишни хоҳлайди-ку!

Ф а р и д а. Ҳозир жинни бўлиб қоламан, ғалати аҳволга солиб қўйдингиз.

И р о д а. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман! Имкониятни кўлдан бой берманг.

Ф а р и д а. Уйдагилар билан маслаҳатлашай.

И р о д а. Онангиз ҳам сизни тезроқ турмушга берсам, елкамдан тоғимни ағдарсам, деб оғзингизни пойлаб, кимга тегишга рози бўлишингизни ўйлаб, тиқ этса, совчилар келдими, деб эшикни пойлаб юрган бўлсалар керак.

Ф а р и д а. Тўғри айтасиз, онамни ҳам қийнаб қўйдим. Қариб қолганлар, отанг бўлганида мажбуrlаб бўлса ҳам узатиб юборар эди, мен сени кўнглингга қарадим, турмушга чиққанингни кўриб ўлсам армоним йўқ, дейдилар.

И р о д а. Ҳар бир ота-она қизини уйим-жойим, оиласам дейдиган, топармон-тутармон, келишган йигит

топиб узатсам, дейди. Ўғлига оёқ-кўли чаққонгина, фаросатли келин топиб, уйлантирсам, дейди.

Ф а р и д а . Мен эрингизни билмасам, сизчалик севолмасам, қандай яшайман?!

И р о д а . Эримни кўргансиз, келишган, кўркам йигит, севиб қолишингизга имоним комил! Йўқ деманг! Ўтиниб сўрайман!

Ф а р и д а . . . Онамдан розилик сўрай.

И р о д а (*кўнгли тўлиб*). Мен шўрлиқда на ота бор, на она. Менга бир нарса бўлса куядиган ҳеч кимим йўқ! Ака-укам, қариндош-уругим йўқ, шум етимман! Ёлғизлигим етмагандай Худойим фарзанддан ҳам қисиб қўйди. Менга суюнчиқ бўласиз, сиздан умидим катта, йўқ деманг, ялинаман, ёлвораман! (*Тиз чўкади.*) Менинг эримга турмушга чиқинг! Илтимос, мен етишмаган баҳтга сиз еting! Энг яқин одамим сиз бўлинг! Сизга баҳтимни топширидим (*Фарида ҳам йиғлаб тиз чўкади. Иродани елкаларидан ушлаб, бошини кўтаради.*).

### Учинчи кўриниш

Сахна қоронғилашиб, ғира-шира ёришади.

И с м о и л билан И р о д а сухбатлашиб ўтиришибди.

И с м о и л . Тушунмадим?!

И р о д а . Менинг устимга уйланасиз!

И с м о и л . Ўйлаб гапиряпсизми?

И р о д а . Шартимни бажармасангиз, ҳайдамасангиз ҳам, талоқ айтмасангиз ҳам бош олиб кетаман!

И с м о и л . Ҳа, жон жойимдан ушладингиз-а! (*Бошини эгади.*) Кундошлик азобини кўтара оласизми?

И р о д а . Сиз билан бир ҳовлида яшаб, бўй-бастингизни, қошу кўзингизни, нур ёғилиб турган юзларингизни кўриб турсам, бас, кўтара оламан!

И с м о и л. Кўра-била туриб ўзингизни ўтга ташлаяпсиз!

И р о д а. Майли, ёниб, кул бўлай! Сизни қалин қора қошларингизни кўрсам таскин оламан. Қора кўзларингизга қараб қувват оламан. Ҳар куни кўриб турсам, юрагимга сув сепгандай бўламан!

И с м о и л. Садоқатли хотинимни кундош азобини тортиб, туни билан кўз ёшларини кўл қилишини истамайман!

И р о д а. Сўз бердингиз,\* мени ҳақиқатан ҳам севсангиз – чидайсиз. Фақат бир илтимосим бор.

И с м о и л. Хўш?!

И р о д а. Анча вақтдан буён бир қизни кўз остимга олиб юрибман кўнмаяпти, барибир кўндираман! Мен топган қизга уйланасиз!

И с м о и л. Нечун?!

И р о д а. Чунки кундошим билан бир уйда мен яшайман. Шунинг учун менга маъкул бўлган, мен билан муроса қиладиган, сизни мендан қизғанмайдиган, rashk қилмайдиган аёлни ўзим топаман!

И с м о и л. Кундошли бўлар экансиз-да?!

И р о д а. Сиз учун чидайман!

И с м о и л. “Кундош”нинг маъноси нима экан?

И р о д а. Билмадим, маъносига ҳеч эътибор бермаган эканман. Ҳозир хаёлимга келиб қолди, юртдош, синфдош, курсдош дегандай, ҳар куни бир уйда, бир эрга икки аёлнинг қаноат қилиб кўрган куни бўлса керак-да!

И с м о и л. Ажойиб гапларни топасиз-а?! (*Кулади.*)

И р о д а. Мойдек ёқиб тушдими?!

И с м о и л. Севикли хотиним ўз ихтиёри билан бир қизни қўйнимга солиб қўяди-ю ёқмайдими?! (*Кулади.*)

И р о д а. Агар менга боқмай қўйсангиз, мўйло-  
вингизни битталаб юлиб оламан!

И с м о и л. Ҳали йўқ кундошдан рашк қиляпсизми?!  
Шамоллар сочимни силаса, қошимга ғуборлар қўнса,  
кўзимга чанг кирса қизғанадиган аёл ўзга аёлдан рашк  
қилмасдан яшай олармикан?! Эсингиз борида эта-  
гингизни ёпинг, жоним?!

И р о д а. Айтилган сўз – отилган ўқ! Уйланасиз!

И с м о и л. Ўзга аёлга уйланишим учун сиз билан  
қонуний ажрашишимиз керак.

И р о д а. Менга шаръий никоҳнинг ўзи етади. Керак  
бўлса қонуний ажрашамиз.

Саҳна қоронғилашади.

### Тўртинчи кўриниш

И б р о х и м, А н с о р а, У м а р, А з и з а, Ў т к и р,  
И с м о и л, И р о д а, Ф а р и д а ҳаммаси гуллар, катта  
юмшоқ қўғирчоқ, совға-саломлар билан кириб келишади.

И б р о х и м. Худога шукр, яна бир тоғни елкамдан  
ағдардим. Тўй кўнгилдагидек ўтди. Ҳеч ким хафа бўлиб  
кетмади.

А н с о р а. Жудаям файзли ўтди. Қудаларимиз, улар  
томондан келган меҳмонлар ҳам хурсанд бўлиб кетди.  
Яхши кутиб олдик.

К и б о р а (*қўлидаги гулларни узатади*). Фаридахон,  
мана бу чиройли гулдасталарни сўлиб қолмасдан, хо-  
нангизга олиб бориб, сувга солиб қўйинг.

Ф а р и д а. Хўп, опажон.

А з и з а. Мана бу катта қўғирчоқни ҳам олинг.

Ф а р и д а. Опажон, болаларингизга олиб боринг.

А з и з а. Йўқ-йўқ, бу сизга аталган совғалар. Юринг  
хонангизга қўйиб чиқамиз (*кириб кетишиади*).

Ў т к и р. Қоғоз кутидаги нарсаларни қаерга қўяй.

И б р о ҳ и м. Омборхонага қўйиб келинг, куёв.

Ў т к и р. Хўп бўлади, совға-саломларга ҳам тўлиб кетди уй (кетади).

К и б о р а. Эстрадамизнинг ёрқин, мегаюлдузлари, қуёшларини ҳам симга қўниб турган қалдирғочлардай тизиб ташладингиз, дадаси.

Ў т к и р қайтиб киради.

У м а р. Энди, пул берсанг, хурмат қилиб Ҳиротдан бўлса ҳам югуриб келишади.

К и б о р а. Ўзиям, қистир-қистир қилиб пулни сочиб ташладингиз.

Ў т к и р. Биз ҳам аямадик, чўнтағимда борини қистириб юборибман.

И с м о и л. Раҳмат. Яхшиликларингизни яхши кунларда, тўйларда қайтараман.

У м а р. Топғанларим жигарларимнинг яхши кунларига, тўйларига ярамаса, бу савил пулларни нима қиласман. Ака-ука ўртасида ҳисоб-китоб бўлмаслиги керак.

И б р о ҳ и м. Ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар. Харажатларингни ёзиб қўй, коса кўзага текканда керак бўлади.

А з и з а (кириб). Фаридахоннинг хонасини гуллар билан безаб жаннатдай қилиб чиқдим. Хонани гулларнинг ҳиди тутиб кетди.

И б р о ҳ и м. Иродахон, Фаридахон!

И р о д а. Лаббай, отажон!

Ф а р и д а. Лаббай, отажон.

И б р о ҳ и м. Кундошлиқ ҳаётини ўз ихтиёрларинг билан танладинглар. Ҳеч ким сизларни мажбур қилмади. Энди бир-бирларингни ранжитмасдан, муросаю мадора

қилиб яшайсизлар. Келинжонлар! Сизлардан илтимосим – уйнинг гапи кўчага чиқмасин.

И р о д а. Хўп бўлади, отажон!

Ф а р и д а. Хўп бўлади, отажон!

А н с о р а. Ахил-иноқ бўлиб яшанглар. Ўғлимизни ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманглар.

И р о д а. Хўп бўлади, онажон (*беҳол бўлиб йиқила бошлайди*).

А н с о р а. Вой, ушланглар йиқилмасин.

И с м о и л (*Ирода йиқилмасдан ушлаб қолади*). Иродахон, нима бўлди? Ҳушдан кетди, сув олиб келинглар.

Ф а р и д а сувга югуриб кетади.

К и б о р а. Бир фалокат бўлишини кўнглим сезган эди-я.

Ф а р и д а. Мана сув, Исломоил ака.

И с м о и л (*сувни олиб сепади*). Иродахон, кўзингизни очинг, азизам (*бошини тиззасига олади*).

Ў т к и р. Ҳозиргина тўйда югуриб юрган эди, нима бўлди экан?

У м а р. Бир оз толикқандир-да, ҳеч нарса қилмайди.

А н с о р а. Болаларимнинг орасида чақиртикан бўулмай менгина ўлай. Ўғлимнинг бошига кундошлиқ балосини солмай менгина ўлай. Келинжон, кўзингизни очинг, мени кўрқитманг.

К и б о р а. Айтдим-а, Иродахоннинг юраги кўтаролмайди, деб. Дам олишга жўнатиб, кейин тўй қилиш керак эди. Бирор жонзот қулоқ солмади.

У м а р. Э-э-э, бўлди. Вахима қилма!

А з и з а. Вой шўрим, ойи, дада, энди нима қиласмиш?

И б р о х и м. Бечорага қундошлик оғирлик қилган, ҳаммаси ўтиб кетади.

И с м о и л. Ирода, кўзингизни очинг (*силкилайди*).

И р о д а (*секин кўзини очади*). Бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Хавотир олманглар, ҳаммаси ўтиб кетди.

К и б о р а (*Азизани секин четга тортиб*). Нархини оширияпти.

А з и з а. Йўғ-е.

К и б о р а. Айёрлик қиляпти.

А з и з а. Кўйсангиз-чи, янга, уялмайсизми?

К и б о р а. Вой тавба.

А з и з а. Отажон бизнинг сафаримиз қариди, рухсат беринг. Кенжам йифлаб қолгандир.

У м а р. Ҳамма чарчади, уйга борайлик. Отажон, дуо қилинг.

И б р о х и м. Қилган меҳнатларингта рози бўлинглар. Сизларга мингдан-минг раҳмат. Илоҳо омин, ҳамма муродига етсин. Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

К и б о р а. Исмоилжон, қўш хотинингизни икки кўлтифингизда етаклаб меҳмонга боринг.

И с м о и л. «Келинчақирди» қилсангиз, борамиз.

К и б о р а. Эртага олиб боринг, кутиб олмаган – номард. Бизни чўчитолмайсиз.

У м а р. Хайр, омон бўлинглар. Кетдик (*чиқиб кетишади*).

Ў т к и р. Исмоилжон, Худо белингизга қувват берсин.

А з и з а. Бўлди, юрақолинг.

Ў т к и р билан А з и з а чиқиб кетади.

А н с о р а. Юринг, жойингизни солиб бераман.

И б р о х и м. Болаларим, сизлар ҳам бориб ётинглар.

И б р о х и м билан А н с о р а чиқиб кетади. И с м о и л,  
И р о д а, Ф а р и д а учаласи қолади.

Ф а р и д а. Ётасизми, жойингизни түшаб берайми?  
И р о д а. Түшаб күйганиман!

И с м о и л. Зийраксиз-да, катта раҳмат!

(Ноқулај жимлик. Мусиқа).

Ф а р и д а. Оқ либосим ярашибдими?

И с м о и л. Дунёнинг энг гўзал келини бўлибсиз.

И р о д а. Сизлар кириб ётинглар! Мен тоза ҳавода озгина нафас олай.

Ф а р и д а. Бўғилиб кетяпсизми?

И р о д а. Йўғ-ей, нега унақа дейсиз!

Ф а р и д а. Нафас ололмаяпсизми, демоқчи эдим, узр!

И р о д а. Нафас олмасам ўлиб қоламан-ку!

Ф а р и д а. Сизга ўлим тилайдиган бўлсам, тилгинам кесилсин!

И с м о и л. Сизга нима бўлди? Асабийлашманг, Иродахон!

И р о д а. Кечирасизлар! Менга нима бўлаётганини ўзим ҳам билмаяпман! (Ёқасини ечади.)

Ф а р и д а . Чуқур-чуқур нафас олинг!

И р о д а. Нега илмоқли гап қиласиз?

Ф а р и д а. Вой, тўғри маънода айтяпман, мазангиз йўқми?

И р о д а. Соппа-соғман, касал эмасман!

Ф а р и д а. Рангингиз оқариб кетибди?!

И р о д а. Рангим? Ўзи шунақа, оқ!

И с м о и л. Чуқур-чуқур нафас олинг! Азизам!

Ф а р и д а. Опамни хонасига олиб боринг!

И р о д а. Йўқ, йўқ, мен ўзим ётаман. Биринчи кеча Фаридахонни ёлғиз қолдирманг!

**Ф а р и д а.** Учаламиз ҳам бирга ётаверайлик.

**И с м о и л (кулиб).** Бирга ётамиз, ўртада мен, иккалангиз икки ёнимда сокчидек пойлаб ётасизлар. Менга биروف күл теккизишига йўл қўймайсизлар-а?!

**И р о д а.** Илтимос, мени ўз ҳолимга қўйинглар. Бироз шамоллаб ўзимга келай.

**И с м о и л.** Фарида, сиз бориб устингизни алмаштириб туринг! Мен ҳозир бораман!

**Ф а р и д а.** Хўп бўлади. Опажон, яхши дам олинг! Ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, тортинымай чақираверинг!

**И р о д а.** Нега ёмон ҳис қилар эканман, яхшиман, Худога шукр!

**Ф а р и д а.** Ҳалигидай хушингиздан кетиб қолманг, демоқчиман-да!

**И р о д а.** Худо асрасин, қўрқманг! Энди хушимдан кетмасам керак!

**Ф а р и д а.** Нега? Мен қўрқаман?!

**И с м о и л.** Уф, бошланди кундошларнинг даҳана-ки жанги. Ўзаро келишиб олинглар, мен кўчага чиқиб шамоллаб келаман! (*Кетади.*)

**И р о д а.** Исмоил акамни қочириб юборманг, этагидан маҳкам ушланг!

**Ф а р и д а.** Бу гапингиз иккимизга ҳам тегишли. Опажон, шу пайтдан гапимиз қовушмаяпти. Эсим борида этагимни ёпиб кетайми?

**И р о д а.** Мени кечиринг, асабларим бир оз чарчабди.

**Ф а р и д а.** Дори берайми?

**И р о д а.** Уф, берган дорингиз таъсир қилмайди. Сиз ҳам бориб ётинг!

**Ф а р и д а.** Опажон, қўрқяпман, бирга ётайлик!

**И р о д а (кулиб).** Йўқ, бирга ётолмаймиз.

**Ф а р и д а. Нега?**

И р о д а. Энди кутиб яшаймиз. Тунни кутиб, эрни кутиб яшаймиз. Иккимизга ҳам оғир, лек чида б яшаймиз. Эр бермоқ – жон бермоқ, деганларини энди хис қиляпман. Жон бериб яшаймиз!

**Ф а р и д а (қўрқиб).** Жон бериб?! Мени кўрқитманг! Унақа бўлса эрингизга тегмас эдим.

И р о д а. Қўрқманг, ҳали эр хуш ёқиб, афсус чекмайсиз. Боринг, синглим, эрингиз оғушига отилинг!

**Ф а р и д а.** Эрингизни тортиб олганимга хафа эмасмисиз?!

И р о д а. Хафа бўлсан, эримни сизга ўз ихтиёrim билан бермас эдим. Исмоил акам кутиб қолди.

**Ф а р и д а.** Сиз нима қиласиз?!

И р о д а. Мен бугун ёстиқ қучиб ётаман!

**Ф а р и д а.** Ҳазилингиз ҳам бор бўлсин!

И р о д а. Энди пешанамизга кундошлиқ қисмати ёзилди. Навбатма-навбат Худодан сабр тилаб, ёстиқ қучиб ётамиш!

**Ф а р и д а.** Хайрли тун, бардош ёр бўлсин! (*Кириб кетади.*)

И р о д а. Ичимда чўғсиз ғалати олов ёняпти! Тушунолмаяпман, жисму жоним қуйиб кетяпти. Тутунидан димиқиб кетяпман, нафас ололмаяпман! Эй Худо, ўзинг сабр бер, шарманда қилма! Рашқдан қуйиб кетмай, аламимдан ўлиб қолмай, эй Худо!

**И с м о и л (секин келади).** Нималар деб шивирляяпсиз?!

И р о д а (чўчиб). Худойимдан сизга баҳт, ўзимга сабр сўраяпман.

**И с м о и л.** Менинг дарёдек бағри кенг азизам!

И р о д а. Дунёнинг энг гўзал келинининг олдига нега кирмадингиз?!

И с м о и л (кулиб). Кўнглингизга олдингизми?

И р о д а. Йўқ!

И с м о и л. Рашқ қиляпсизми?!

И р о д а. Сизни жонимдан ортиқ суйсам, рашқ қиламан-да?!

И с м о и л. Ўзимнинг кўз очиб кўрган вафодор хотиним, сизни ҳеч кимга алишмайман! (*Кучади.*)

И р о д а. Раҳмат, қўйворинг! Фаридахон кўрса хафа бўлади. Олдига боринг, биринчи кечада ёлғиз қўйманг!

И с м о и л. Мазангиз йўқ, бу кеча сизга қараб чиқаман!

И р о д а. Мен яхшиман, хавотир олманг. Боринг, кундошимнинг орзу-умидларини поймол қилманг!

И с м о и л. Сизнинг дилингиз вайрон бўлса, майлими?!

И р о д а. Мен қўндим, ўз хоҳишм билан рози бўлдим.

И с м о и л. Ўзингиз зўрға турибсиз-ку, ўзгаларнинг баҳтини ўйлайсиз. Кучни қаердан топяпсиз, азизам?!

И р о д а. Ўз нафсимизни, ўз баҳтимизни ўйласак, нодонлардан фарқимиз қолмайди (*оинадан Фарида-нинг сояси кўринади*).

И с м о и л. Осмон узилиб ерга тушса ҳам, бу кеча сизнинг ёнингизда бўламан! Безовта, беҳолсиз азизам!

И р о д а. Оинадан Фаридахоннинг сояси кўриняпти. Биз томонга қарайапти, шекилли.

И с м о и л. У – орамиздаги соя! Сизнинг юзингиздан тараалган нурдан ғойиб бўлади.

И р о д а. Унақа деманг, умид билан бир ёстиққа бош кўйди. Интизор қилманг!

И с м о и л. Соялардан эҳтиёт бўлиш керак!

И р о д а. Фаридахоннинг қадами хосиятли бўлади.  
У соя эмас, жаннат қуши, омад қуши!

И с м о и л. Иродангизга қойилман, азизам!

И р о д а. Фаридахоннинг дилини ранжитманг, дил оғриғи ёмон!

И с м о и л. Сизнинг дилингиз оғриса майлими?!

И р о д а. Мен бахтиёрман!

И с м о и л. Менинг Кумушим! (*Бағриға босади.*)

И р о д а. Кўйворинг, кўриб қолишади!

И с м о и л. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейдилар!  
Никоҳимдаги хотинимни қучсам нима бўлиди??

И р о д а. Ана, Зайнабой келяпти, кўйворинг! (*Пинжидан чиқади.*)

Ф а р и д а. Мен чиқиб тоза ҳавони бузмадимми?!

Уйда зерикдим.

И р о д а. Сиз пайдо бўлсангиз, мушк анбарнинг ифори келади.

Ф а р и д а. Бу ифор фақат жаннатдан келади.

И р о д а. Сиз хонадонимизга келдингиз-у, ўша муаттар ифор эса бошлади.

Ф а р и д а. Кесатик эмасми, опажон?!

И р о д а. Худо шоҳид, дил сўзим!

Ф а р и д а. Юрагингизнинг тиниқлиги мусаффо осмонга ўхшайди (*осмонга қараб*).

И р о д а (у ҳам осмонга қарайди). Бахтдан чақнаган кўзларингиз порлоқ юлдузларга ўхшайди.

И с м о и л. Мен, мен нимага ўхшайман?!

Ф а р и д а (кулиб). Сиз ... сиз ... Хафа бўлмайсизми?!

И р о д а. Шошмай туриңг! (*Фаридага.*) Сиз кимга ўхшатдингиз?

Ф а р и д а. Сиз ... сиз ... Сиз олдин айтинг, опажон!

И р о д а. Ўзингиз олдин айтинг!

И с м о и л. Иродахон сиз каттасиз, сиз айтинг!

И р о д а. Аросатда қолиб, дайдиган Отабекка ўхшайсиз! (*Кулади.*)

Ф а р и д а. Мени хаёлимда ҳам Отабекка ўхшаган эдингиз! (*Учаласи қотиб кулишади. Иброҳим отанинг йўтали эшитилади.*)

И р о д а. Отамизнинг йўтали маъносини билиб олинг, Фаридахон! Ҳозир бир марта йўталдилар. Кеч бўлди, тинч ётиб ухланглар, деганлари (*пичирлашиб гаплашадилар*).

Ф а р и д а. Икки марта йўталсалар, нима қиламан?!

И р о д а. Лаббай отажон, хизматлар борми, деб югуриб борасиз!

Ф а р и д а. Уч марта йўталсалар-чи?

И р о д а. Уч марта йўталсалар, сиздан хафа бўлганларининг белгиси, тушундингизми?

Ф а р и д а. Тушундим!

И р о д а. Отамизни уч марта йўталишга мажбур қилманг, жаҳллари ёмон!

Ф а р и д а. Хўп бўлади!

И с м о и л. Фаридахонни қўрқитманг!

Ф а р и д а. Отамизнинг жаҳллари чиқмасин, яхши дам олинглар! Кетдик.

И с м о и л. Мен ҳозир бораман!

Ф а р и д а. Кутаман! (*Кетади.*)

И с м о и л. Ўзингиз мажбур қилдингиз, мени кечиринг.

И р о д а. Тақдир ҳукмига бўйсунмай иложим йўқ! Борақолинг, эримни оҳанрабодек тортиб оляпти, деб хафа бўлмасинлар.

И с м о и л. Оёғим тортмаяпти.

**И р о д а.** Мени яхши кўрганингиз учун ҳам уйланишга рози бўлдингиз! Сўзингизда туринг, боринг азизим!

**И с м о и л.** Менсиз яхши ётиб туринг, азизам!

**И р о д а.** Ҳар куни, ҳар лаҳза нафас олганимда ҳам ёнимдасиз. Сизсиз ўтмас кунларим, лекин айро яшашга мажбурмиз. Сизнинг борлигингизни хис қилиб яшасам бўлди. Севикли кишисининг соғ-омонлиги – маҳбуба учун туганмас баҳт! Менга ачинманг!

**И с м о и л.** Сиз мисоли жаннатдан тушган фариштасиз.

**И б р о х и м** отанинг йўтали эшитилади. **И с м о и л** уйга кирмасдан, кўчага чиқиб кетади. **И р о д а** сезмай колади.

**И р о д а.** Мени ёлғизлик гирдобига ташлаб кетди! Тўфонлар тўлқинига ғарқ қилиб кетди. Гирдблар қаърига отиб, кириб кетди! (*Йиглайди.*) Қандай чидайман?! Қандай яшайман! Эр бериш – жон бериш, дегани рост экан! Гапириш осон экан, ҳис қилиш, бошидан ўтказиш азоб экан. Жон бериш азобига қандай чидаб яшайман?! Эй Худойим, сабр бер, бардош бер, куч бер, айланай Худойим! Ақлдан озиб, девона бўлиб қолмай! Ҳозир соchlаримни ёйиб, уларнинг устига кириб борайми?! Исломил ака «алвасти» деб соchlаримдан судраб кўчага улоқтириб ташласа, нима қиласман?! Ўзимни осайми, сувга отайми, ўзимни ёқайми? Бемаъни ўй-хаёлларим, миямни тарк эт! Даҳшатли фикрлар кет! Аламли туйғулар, оғрикли хислар, мени жинни қилма, кет, кет! (*Бошини чанглаб, ўтириб қолади. Пичирлаб шеър ўқий бошлайди.*)

Кет, севгилим, юрагимга тинчлик бер,

Кет, сенинг-чун кучоқ очган қора ер.

Кет, жонимни қийнагувчи жоду – ҳур,  
Кет, күнглимини алдагувчи ёлғон нур.

Ерга кўксини босиб ётади. И smoил кириб Иродани  
елкасидан кўтариб, бағрига олади.

И с м о и л. Ирода...  
И р о д а. Исмоил ака,  
И с м о и л. Киролмадим, кирмадим!

Ирода маъюс жилмайиб, жони узилади.

И с м о и л. Ирода! Ирода-а-а-а! (*Хайқириқдан*  
*қалблар ларзага келади.*)

П а р д а



---



## КҮНГИЛ

### Икки пардали комедия

#### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Тоҳир  
Зухра  
Лайло  
Мурод  
Мұхаббат

#### Биринчи парда

Замонавий мебеллар билан жиҳозланган хона.  
Юзига ҳеч қандай пардоз-андоз қилмаган, рўмоли бир  
тomonга қийшайиб кетган, кенг кўйлак кийиб олган Зухра  
уйкусираф эрини кузатяпти.

Тоҳир. Эшикни ёпиб олинглар!  
Зухра. Сўфи аzon айтмасдан кетяпсизми?  
Тоҳир. Кўряпсан, ишга кетяпман!  
Зухра. Тушликка келасизми?  
Тоҳир. Йўқ, келмайман.  
Зухра (эснаб). Ҳамма нарсангизни олдингизми?  
Тоҳир. Кўзойнакни олдим, дастрўмолимни олдим,  
қўл телефонимни олдим (*нарсаларини бирма-бир олиб  
қарайди*).  
Зухра. Трамвай ҳайдовчилиги ҳам курсин, тонг  
саҳарлаб ишга кетасиз.

Т о х и р. Ҳеч уйқуга тўймайсан-да!

З у ҳ р а. Уйқуга ҳам тўйиб бўларканми? Трамвай-нинг калитини олдингизми?

Т о х и р. Энг кераги шу, эсдан чиқмадими? (Чўнта-гини қарайди.) Ҳа, олибман!

З у ҳ р а. Бўпти, борақолинг!

Т о х и р (хотинига тикилиб қарайди). Яна бирор нарсани эсдан чиқариб кўймадимми?

З у ҳ р а. Нега менга тикиласиз?

Т о х и р. Ҳеч ўзингни ойнага солиб қарадингми яқин атрофда?

З у ҳ р а. Ойнага қарасам-қарамасам сизга нима?

Т о х и р. Янги келиннинг олдида у ёқ-бу ёғингга қараб, тузукроқ кийиниб юргин, хотин!

З у ҳ р а. Афтимга нима қилибди?

Т о х и р. Қош қирқ йилдан бери ўсма, кўз ўттиз йилдан бери сурма кўрмадим, деб турибди.

З у ҳ р а. Э-э-э, бўлади. Энди мени бирор келин қиласмиди?

Т о х и р. Кийган кўйлагингни қара.

З у ҳ р а. Нима қипти?

Т о х и р. Полизга қўйган қўриқчига ўхшайсан!

З у ҳ р а. Вой, унақа деманг!

Т о х и р. Сочингнинг оқини бўяб, аёлларга ўхшаб юргин!

З у ҳ р а. Кўйсангиз-чи, ўз эримга ҳам пардоз қила-манми?

Т о х и р. Эринг учун эмас, ўзинг учун қил, хотин!

З у ҳ р а. Эрталабдан асабимни бузмасдан бора қолинг!

Т о х и р. Бўлди, энди бир ҳафта қовоқ-тумшук қилиб юрасан.

З у ҳ р а. Менинг бўлганим шу, бошқача бўлолмайман! Энди ўзимни ўзгартиrolмайман. Ёқмаётган бўл-

сам ўзига қарайдиган, пардоз-андозни канда қилмайдиган ёшроғини топиб уйланинг, мен розиман!

Т о х и р. Сенга гапириб бўлмайди, билганингни қил! (*Чиқиб кетади.*)

З у х р а. Тавба. Нима бўлди бу эрга? Ош-овқатини вақтида қилсам, уйини озода тутсам, болаларини тарбияласам, нима етишмайди яна?!

М у р о д (чиқиб). Ассалому алайкум, ойижон!

З у х р а. Ваалайкум ассалом. Яхши ётиб турдингми?

М у р о д. Яхши, раҳмат. Дадамни кузатдингизми?

З у х р а. Ха, инжиқ дадангни кузатдим.

Л а й л о (эрининг костюмини, папкасини олиб чиқади). Ассалому алайкум, ойижон. Яхши дам олдингизми?

З у х р а. Раҳмат, қизим. Ўзингиз яхшимисиз?

Л а й л о. Яхши (эрининг костюмини кийгазади, галстугини тўғрилайди, дастрўмолига атир сепиб беради).

З у х р а. Яхши бориб кел, ўғлим! (*Келинининг ҳаракатларини зимдан кузатиб туради.*)

Л а й л о (эрининг туфлисининг чангини артиб, оёгини олдига тўғрилаб қўяди). Яхши бориб келинг, ишингизнинг баракасини берсин!

М у р о д. Хайр, ойижон! (*Хотинига шивирлаб.*) Хайр гўзалим! Ишхонадан мукофот пулини олиб, дарров келаман! (*Чиқиб кетади.*)

З у х р а. Эр кузатишни сиздан ўрганишим керак экан!

Л а й л о. Ойим дадамларни ҳар доим шундай кузатадилар (*чанг тозалагич билан жиҳозлар чангини тозалай бошлайди*).

З у х р а. Балли, тарбия берган ота-онангизга раҳмат. Яшант, қизим!

Л а й л о. Хижолат қилманг, ойи!

З у х р а. Қайнона билан келиннинг тупроғини бир жойдан олади, деганлари рост экан. Худди ўзимга ўхшайсиз, Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Уйларни озода тутасиз. Кирни тоза ювасиз, қилган овқатларингиз ширин бўлади.

Л а й л о. Мактаманг, ойижон.

З у х р а. Мақташга арзийдиган келин бўлганингиздан кейин мақтайман-да. Одоб-ахлоқни ўргатган отаонангизга раҳмат!

Л а й л о. Раҳмат, ойижон.

З у х р а (*телефон гўшагини олади*). Алло, кудажон, яхшимисиз? Қизингизга яхши тарбия берганингиз учун сизга раҳмат айтмоқчидим.

Л а й л о. Одамни уялтируманг, ойижон (*хурсанд бўлиб кетади*).

З у х р а. Қош-қовоғимга қараб туради. Учиб юриб хизматимни қиласи. Иш қилганини қўз илғамай қолади. Тоза-озода, “ойижон”, “ойижон”, деб тилларидан бол томиб туради.

Л а й л о. Қўйинг, ойижон! (*Сочларини силкитиб қўяди*).

З у х р а. Пешаңам беш қарич экан, келиндан ёлчидим. Қизингиз кўнглимдагидек чиқди. Раҳмат, сизга, кудажон. Хўп бўлади. Сизга салом айтдилар.

Л а й л о. Саломат бўлсинлар!

З у х р а. Қадамларингиздан айланай, уйимга фаришта мисоли кириб келдингиз.

Л а й л о (*қайнонасини қучади*). Мен келмасимдан олдин ҳам бу хонадоннинг сиздек фаришта аёли бор эди.

З у х р а. Шу уйда униб-ўсиб, палак ёзинг!

Л а й л о. Айтганингиз келсин, фаришталар омин, десин!

З у х р а (*келинини қучиб, соchlарини силайди*). Дарёдек тўлғаниб турган соchlарингиздан айланай, денгиздай мавжланиб турган соchlарингиздан ўргилай.

Л а й л о. Қўйинг-ей, ойижон (қучогидан чиқади).

З у х р а. Айланай сунбул соchlарингиздан!

Л а й л о. Үхшатишни ҳам боплайсиз-а, ойижон!

З у х р а. Келинимнинг ўзи бир қиз, сочи бир қиз!

Л а й л о. Сизга ёққанимдан хурсандман.

З у х р а. Ёр қора соchlари чулғанаρ белида, деган кўшиқ бор эди. Соchlарингизни тўлқинлантириб юришингиз ўғлимга жуда ёқса керак.

Л а й л о. Сизга-чи, ойижон?

З у х р а. Менга ҳам ёқади, лекин...

Л а й л о (жиддийлашади). Нимага “лекин”, ойижон?

З у х р а. Кўнглингизга келмасин-у лекин...

Л а й л о. Айта қолинг, ойижон!

З у х р а. Кўнгил нозик бўлади. Дилингизга озор бериб қўйсам, узр.

Л а й л о. Эшитаман, ойижон.

З у х р а. Йўқ, айтмайман! Хафа бўлиб қоласиз. Кўнгил қурғур шишадек нозик, дарз кетса, қайта тўғрилаб бўлмайди.

Л а й л о. Одамни нокулай ахволга солмай айта қолинг!

З у х р а. Йўқ, йўқ, келинжон айтмай қўя қолай. Фаросатли келинсиз, ўзингиз тушуниб оларсиз.

Л а й л о (хафа бўлгандек). Майли, ўзингиз биласиз.

З у х р а. Тилим қурсин, соддалигим қурсин-а! Сизни мақтаб-мақтаб қовун тушириб қўйдим.

Л а й л о. Бетга айтганнинг заҳри йўқ, дейдилар. Айтсангиз хафа бўлмасдим.

З у х р а. Тўғри айтасиз, орқадан гапириб гапничувалаштириб юргандан кўра, бетга айтган яхши.

Л а й л о. Айта қолинг, ойижон урганингиз – ун оши, сўкканингиз – сўқ оши.

З у х р а. Вой, сизни сўкиб жинни қўйнинг гўштини ебманми?

Ла й л о. Мақол эсимга тушиб қолғанди, айтдим.

З у ҳ р а. Ақлли келинимдан, Сизга баъзи бир гапларим бор эди.

Ла й л о. Күлоғим сизда, ойижон.

З у ҳ р а. Бебисмилло овқат құлманг, макрух бўлади. Хўжа Аҳрор Валий бобомиз бегона жойларга борганда овқат емас эканлар.

Ла й л о. Нега, ойижон?

З у ҳ р а. Бебисмилло қилинган таом бўлиши мумкин, деб... Бебисмилло қилинган таомдан есалар, кўнгиллари бехузур бўлиб, касал бўлиб қолар эканлар.

Ла й л о. Тушундим.

З у ҳ р а. Хўжа Аҳрор Валий бобомиз дунёга келишдан олдин оналари ҳомиладор пайтида қўшниникига меҳмонга чиқиб овқат еб қўйиб, касал бўлиб қолибдилар.

Ла й л о. Нима учун?

З у ҳ р а. Қўшниникида нопок луқма еб қўйган эканлар. Уч кун рўза тутиб, ҳалқумини поклаб олган эканлар. Бисмилло билан иш бошлашда, покликда ҳикмат катта, қизим!

Ла й л о. Тушундим, ойижон!

З у ҳ р а. Ўзимнинг зийрак келинимдан айланай. Яна овқат қилаётган пайтда бошингизга рўмол ўраб олинг. Чиройли соchlарингизнинг бир толаси овқатга тушса, овқат билан ичга кетса, ичакларни кесиб кетади. Қайнотангизнинг овқатидан чиқиб қолса, уялиб қоласиз.

Ла й л о. Тўғри айтасиз, ойижон.

З у ҳ р а. Соч – аёлни ҳусну латофати. Кўча-кўйда, ўғлимнинг олдида сочингизни қандай фасонда қилиб юрсангиз ҳам майли, ихтиёрингиз. Лекин қайнотангизни олдига рўмол ўраб чиқинг. Келиним фаросатли экан, деб хурсанд бўлади.

Л а й л о. Хўп ойижон, тушундим.

З у ҳ р а. Айланай сиздан, келинжон. Насиҳатларим-дан хафа бўлманг.

Л а й л о. Нега хафа бўлай, сиз мени тўғри йўлга бошлаяпсиз-ку!

З у ҳ р а. Айланай сиздан.

Л а й л о. Сиздан бир илтимосим бор, ойижон.

З у ҳ р а. Бемалол, жоним билан, келинжон.

Л а й л о. Кўнглингизга олманг-у .... Йўқ айтмай қўя қолайин.

З у ҳ р а. Гапнинг учини чиқардингизми, айтинг ке-линжон.

Л а й л о. Хафа бўласиз-да.

З у ҳ р а. Хафа бўлган номард, айтинг!

Л а й л о. Хўш, ҳалиги...

З у ҳ р а. Одамнинг елкаси ўзига кўринмайди. Ким-дир камчиликларини айтиб турмаса, босар-тусарини билмай, эсанкираб қолади.

Л а й л о. Биласиз, гўзаллик салонида ишлайман, ўғлингиз билан ўша жойда топишганмиз.

З у ҳ р а. Уйда ўтириб, зерикиб қолдингизми?

Л а й л о. Йўқ.

З у ҳ р а. Кичик чиллангиз чиқсин, ўғлимга айтаман, ишга чиқишингизга рухсат беради.

Л а й л о. Гап унда эмас.

З у ҳ р а. Бўлмаса, юрагимни сикмасдан айта қолинг (*бетоқат бўлади*).

Л а й л о. Ана хафа бўла бошладингиз, айтмайман.

З у ҳ р а. Кўнглимни кенг қилиб эшитаман. Чўзмас-дан айтинг.

Л а й л о. Сизнинг ҳам чиройли соchlарингиз бор.

З у ҳ р а. Кўйсангиз-чи, унақа эмас.

Л а й л о. Келишган қадди-қоматингиз бор.

З у х р а. Йўғ-ей (*қоматига қараб*).

Л а й л о. Узун кўйлакларда, ўзингизга оро бермай юрасиз.

З у х р а. Қайнотангиз билан келишиб олганмисиз. Элликни қоралаб қолган бўлсам, ўзимга қараганимда нима бўларди.

Л а й л о. Юзингизга, қош-кўзингизга озгина оро бериб, ўзингизга қарасангиз дунёдаги энг гўзал қайнона бўласиз.

З у х р а. Менинг юриш-туришимдан ор қиляпсизми, келинжон?

Л а й л о. Ана хафа бўлмайман, деб хафа бўляпсиз. Шунинг учун айтмайман, деган эдим-да.

З у х р а. Мени гўзалларнинг гўзали қилиб қўймоқчимисиз?

Л а й л о. Ҳа, ойижон. Йўқ деманг. Мен аёлларнинг пардозчиси бўлсам, сизни мисоли маликага айлантириб қўяй. Дадам сизни кўриб оғизлари ланг очилиб қолсин!

З у х р а. Онангни отангта бепардоз кўрсатма, деган-ларидаид дадангизга фасон қилиб кўрсатмоқчимисиз?

Л а й л о. Ўзимнинг тушунган ойижонимдан айланай. Юринг озгина оро бериб кўрай, ёқмаса, ихтиёрингиз...

Улар ичкарига кириб кетишади. Қайтиб чиқишганда Зухра бутунлай бошқа қиёфада намоён бўлади.

З у х р а. Гўзал бўлиш ҳам қийин экан-ку?

Л а й л о. Ана бўлди. Сочларингизни чиройли қилиб турмаклаб қўйсам яна ҳам очилиб кетасиз.

З у х р а (*кўзини очиб қарайди*). Вой, юзим ўликнинг бетига ўхшаб оппоқ бўлиб қолибди-ку.

Л а й л о. Хафа қиляпсиз, ойижон.

З у х р а. Йўқ. Ҳеч пардоз қилмагандим. Ўзимдан-үзим уялиб кетяпман (*юзини қўллари билан тўсади*).

Л а й л о. Ярашди, ишонмасангиз томошибинлардан сўранг.

З у х р а (*томушибинларга қараб*). Ярашдими? Ҳа, алдаманг, башараси билан қатиқقا йиқилган аёлга ўхшаб қолдим. Уялиб кетяпман (*эшик тақиллайди*).

Л а й л о. Кимdir келди, шекилли?

З у х р а. Шошманг, эшикни очманг. Бу ахволимни кўрган одам кўркиб кетмасин (*ишишиб кириб кетади*).

Л а й л о. Ойижон ҳеч ўзларига эътибор бермайдилар-да. Нима қилиб кўндирам, қандай қилиб фикрларини ўзгартирам экан? (*эшик томон кетади*).

М у р о д (*кириб*). Қалайсиз, азизам?

Л а й л о. Ҳаммаси зўр!

М у р о д. Кайфиятлар аъломи?

Л а й л о . Аъло!

М у р о д. Ойим қанилар?

Л а й л о. Уйдалар!

М у р о д. Чўқишимайгина ўтирибсизларми?

Л а й л о. Чўқишишга баҳона топилмаяпти.

М у р о д. Илоё, бир умр баҳона топилмасин!

Л а й л о. Яхши келдингизми?

М у р о д. Шахар айландим. Совғалар харид қилдим.  
Мана бу сизга, жоним.

Л а й л о. Нима экан?

М у р о д. Сиз яхши кўрган атир!

Л а й л о. Вой, раҳмат (*эрининг бўйнидан қучади*).  
Французскими?

М у р о д. Ўзимизники (*эркалайди*).

З у х р а (*чиқиб*). Кўз тегмасин, ҳар доим шундай бир-бирларингиз билан иноқ, меҳрибон бўлиб юринглар.

Л а й л о. Ойижон, мана бу атирни ўғлингиз сизга олиб келиби.

З у ҳ р а. Мен атир сепармидим. Ўзингизга буюрсин, келинжон. Ўғлим эшикдан кетиб, тешикдан қайтиб келибсан?

М у р о д. Сизни соғиндим.

З у ҳ р а. Меними, келинимими?

М у р о д. Иккалангизни ҳам.

З у ҳ р а. Тинчликми, ишдан вақтли қайтибсан?

М у р о д. Ишхонадан кеча телефон қилиб, мукофот пулини олиб кетинг, деганди. Мукофот пулини олиб шаҳар айланиб, сизларга совға олдим. Сизга ҳам зўр нарса олиб келдим.

Л а й л о. Нима экан?

М у р о д. Топинг-чи?

Л а й л о. Ойижонимга ҳам атир олиб келгансиз.

М у р о д. Йўқ, атир эмас.

Л а й л о. Мен топдим. Рўмолми?

М у р о д. Йўқ тополмадинглар.

З у ҳ р а. Кўйлак олиб келгандирсан-да, ўғлим.

М у р о д (*қотиб кулади*). Тўғри топдингиз. Ойим билан менинг кўнглим бир. Кўнглимдагини топади.

З у ҳ р а. Қаерга борса, сафаргами, дам олишгами, менга албатта кўйлак олиб келасан, феълингни била-ман-ку!

М у р о д (*оийисини қучиб*). Менинг сезгир ойижонимдан. Бу кўйлакни ҳар галгидек бировга совға қилмайсиз.

Л а й л о. Совғани совға қилиб бўладими?

М у р о д. Кўнгиллари бўш-да. Опам, аммам сўрасалар бериб юбораверадилар.

З у ҳ р а. Уларга ёкиб, беринг деб турса, йўқ деёл-майман-да, ўғлим.

М у р о д. Ўғлим менга атаб олиб келган, берол-  
майман, деёлмайсизми? Бу гал бирортасига берсангиз  
қаттиқ хафа бўламан. Мана, олинг!

З у х р а. Раҳмат, ўғлим. Топган-тутганингга, касби-  
корингга Худойим барака берсин.

Л а й л о. Қани қўрайлик-чи, ойижон.

З у х р а. (ёйиб кўрсатади). Мана, баҳосини беринг-  
чи.

Л а й л о. Вой, бунчалар чиройли, ойижон!

З у х р а. Сизга ёққан бўлса, олақолинг, келин.

М у р о д. Ойимнинг сахийликлари тута бошлади.

Л а й л о. Йўқ, ўзингизга буюрсин. Яхши кунларда,  
тўйларда кийиб юринг.

З у х р а. Раҳмат.

Л а й л о. Кийиб чиқинг, бир қўрайлик, ойижон.

М у р о д. Кийиб чиқинг, ярашганини қўрамиз.

З у х р а. Қизил гуллари бор экан-да.

М у р о д. Сизбоп, танлаб-танлаб олдим.

З у х р а. Қизил гулли кўйлак кийиб қиз бўлармидим.  
Онангни қариганида қиз қиласанми?

М у р о д. Онамга ёқмади.

Л а й л о. Қизил гуллари кам-ку, ойижон. Сизнинг  
ёшингизга мос. Уйга кириб кийиб чиқинг. Ўғлингиз  
хурсанд бўладилар.

З у х р а. Кейин киярман.

М у р о д. Ойимга ёқмади. Қачон қарасанг оддийгина  
чит кийиб юрасиз. Кимсан фалончини ойисисиз. Одам-  
ни уялтирмай олиб келган кўйлакларимни кийиб юринг.  
Уйда ҳам, кўчада ҳам оддий чит кўйлак, арzon матодан  
қилинган кўйлакларни кийиб юрасиз. Одамни уял-  
тирманг, ойижон.

З у х р а. Ўзимизнинг пахтадан қилинган матолар ҳа-  
вони яхши ўтказади. Иссиқ кунда салқингина бўлиб юра-  
ман. Юрагим сиқилмайди, яхши нафас оламан. Ўғлим-а,

ялтири-юлтири матоларни жиним сўймайди. Шунинг учун ўзимизнинг пахтадан қилинган чит кўйлакларни яхши кўраман.

М у р о д. Одамлар нима дейди? Онасиға тузукроқ кўйлак ҳам олиб бермабди, демайдими?

Л а й л о. Тўғри, ойижон.

З у х р а. Бор бўлса кўролмайдиган, йўқ бўлса беролмайдиган баъзи бир bemаза одамларни қўй.

Л а й л о. Анави куни меҳмонга келган дўстим ҳам устингиздаги кўйлагингизга қараб, онангга тузукроқ кўйлак олиб берсанг бўлмайдими, деб кесатди ойижон.

З у х р а. Устимдагига нима қилибди тоза бўлса, бинойидек ярашиб турибди.

М у р о д. Сизга бир нарсани уқтириб бўлмайди. Билганингиздан қолмайсиз. Ҳавас қилиб сизга олиб кела-ман, сиз бошқаларга совға қилиб юборасиз (*хафа бўлиб*).

З у х р а. Хафа бўлма, бунисини ўзим кияман. Ҳеч кимга совға қилмайман.

Л а й л о. Бир кийиб чиқинг, ярашибдими, кўрамиз.

З у х р а. Ярапади, худо хоҳласа тўйларга кияман.

М у р о д. Тўйларда эмас уйда ҳам, кўчада ҳам, ҳамма жойда, ҳар куни кийинг. Аяманг, эскирса янги-сини олиб бераман, ойижон!

З у х р а. Хўп, кияман. Бориб дамингни ол, кейин кийиб кўрсатаман.

М у р о д. Бўпти, мен дам олиб турганимда шу кўйлакда кўрай, хўпми, ойижон?! (*Кириб кетади*.)

З у х р а. Ўзимнинг меҳрибон болажонимдан. Шу ўғлим бошқача-да, юриш-туришим, кийинишимга ҳам эътиборли.

Л а й л о. Тўғри қиласидилар, ойижон. Ўғлингизнинг даврида ясаниб юринг.

З у х р а. Йўқ, кейин киярман. Хафа бўлмасин, деб хотиржам қилдим-да.

Л а й л о. Бир кийиб кўринг, ойижон! (Эшик тақиллайди. Келин очмоқчи бўлади).

З у х р а. Шошманг, ўзим очаман. Ким бўлди экан? (Эшикни очади.)

М у ҳ а б б а т. (ийиглаб киради.) Ойижон, адойи тамом бўлдим.

З у х р а. Нима бўлди? Бунинг кўз ёши доим тайёр.

М у ҳ а б б а т. Мен дардимни айтиб келсам, кесатасиз, киноя қиласиз.

Л а й л о. Ассалому алайкум. Келинг, опажон.

М у ҳ а б б а т. Ваалайкум ассалом. Келинжон, сизга мазза. Ичмайдиган, чекмайдиган укажонимга тегиб олгансиз.

З у х р а. Ҳай, ҳай пашибадан фил ясаб, келинимни қўрқитма!

М у ҳ а б б а т. Мен фил ясаётганим йўқ, бор гапни айтяпман.

З у х р а. Яна ичиб келдиларми?

М у ҳ а б б а т. Ароқичмай, заҳарни ичгур... ичиб келди.

З у х р а. Секинроқ гапир, уйда уканг дам оляпти.

М у ҳ а б б а т. Нима қипти?

З у х р а. Келин, сиз боринг, уйингизга киринг. Қизим билан алоҳида гаплашиб олай.

М у ҳ а б б а т. Йўқ, эшитсинлар, менинг эрим қанақалигини билсинлар.

З у х р а. Дардингни ҳаммага достон қилма, қизим. Оилавий сирингни очаверма.

М у ҳ а б б а т. Очаман, ютавериб-ютавериб бўғзимга келди, ойижон.

З у х р а. Эркак киши ичади, хотин тилига эрк берса, бир-икки мушт туширади.

Мұхаббат. Сиз ҳам күёвингизнинг ёнини оляпсизми?

Зұхра. Күёвим яхши. Ўзинг ёмон.

Мұхаббат. Ўз қизингизни ёмон деяпсизми?

Зұхра. Тилинг бир қарич. Эр мардум ичиб келганида яхши гапириш ўрнига Али деса, Вали деб турасан. Хотин киши бир поғона пастда турса, асакаси кетмайды. Эрни эр қиладиган – хотин.

Мұхаббат. У эр бўлмайди, қаро ер бўлади.

Зұхра. Қаро ер бўлади деб қарғайверсанг, нима бўларди, қаро ер бўлади-да! Ниятингни яхши қил, қизим.

Мұхаббат. Нима қилай, ҳар куни ичиб келяпти.

Зұхра. Тилингни ширин қил, яхши гап билан илон инидан чиқар, дейдилар.

Мұхаббат. Яхши гапирдим, ёмон ҳам гапирдим, ялиндим, ёлвордим – фойдаси бўлмаяпти.

Зұхра. Ақл билан иш тут. Ақлингни ишлат, ичмайдиган қилиш – сенинг қўлингда. Битта эплаб эр қилолмайдиган аёл – аёлми? Аёл кишининг ҳунари қирқ эшакка юқ бўлади, дейишади. Ҳунарларингни ишлат. Одам қил!

Мұхаббат (*Келинининг қўлидаги атирга кўзи тушиб*). Менда ҳам кўнгил бор, ойи. Байрамларда атири, гулми, бир боғ пиёз бўлса ҳам майлийди, совға қилмаган.

Лайл о. Хафа бўлманг, опажон. Мана бу атирга сизга бўлақолсин.

Мұхаббат (*кулиб*). Вой, раҳмат! (*Хидлаб*.) Бунча хушбўй экан. Ким олиб берди?

Лайл о. Укангиз ҳозиргина олиб келди.

Мұхаббат. Қаранг, ойи, укамнинг ақллилигини, кўнгил олишни билади. Менинг эрим кўнгил олишнинг кўчасидан ўтмаган (*ийеглайди*).

З у х р а. Бу баҳор ҳавосига ўхшайди. Бир күёш чиқади, бир ёмғир ёғади.

Л а й л о. Ола қолинг, опажон.

М у ҳ а б б а т. Йўқ, укам сизга совға қилган. Совғани олмайман. Менда ҳам фаросат бор (*беради*).

Л а й л о. Чин кўнгилдан беряпман, опажон.

М у ҳ а б б а т. Ўзингизга буюрсин укажонимнинг совғаси. Ойи эгнимдаги кийимимга қаранг. Олганимга бир ой бўлди. Бир хил кўйлакни бир ойдан бери кийиб юрибман. Кўшнилардан уялиб кетяпман.

З у х р а. Тавба, эгнингдаги энг қимматбаҳо кийим бўлса, бир ойда эски бўлиб қоладими?

М у ҳ а б б а т. Ойи, нималар деяпсиз, одамлар хар куни янги кўйлак кийишади.

З у х р а. Лайлакка қасд қилиб, чумчукнинг оёғи иирилган экан. Кўрпангга қараб оёқ узат, қизим.

М у ҳ а б б а т. Энди одамлар лайлак, мен чумчук бўлиб қолдимми?

З у х р а. Худога шукр, куёвим топармон-тутармон, ҳеч нарсага зориқтирмайди. Ношукр бўлма.

М у ҳ а б б а т. Э-э-э ойи, куёвингизнинг ёнини ола-верманг.

З у х р а. Ичса ҳам бировга зарари тегмайди. Жанжал нимадан чиқди?

М у ҳ а б б а т. Янги кўйлак чиқсан экан. Шундан олиб беринг, дедим. Шкаф тўла кийим, бунча латта-путтага ўчсан, деб уришиб бердилар.

З у х р а. Биламан, айб ўзингда! Ичганини баҳона килиб, куёв бечорани айблайверасан.

М у ҳ а б б а т. Дугонамнинг туғилган кунига янги кўйлак кийиб бориб, аёлларнинг кўзини куйдирмоқчи эдим-да.

З у ҳ р а. Буни қаранг-а?

М у ҳ а б б а т. Барибир кўйлак олишим керак. Дадам қарз бериб турсалар қайтарар эдим.

З у ҳ р а. Шунинг учун ваҳима қилиб, йиғлаб келдингми? Мақсадингни тушундим. Кўйлак олиб беринг, деб қулоқ-миясини еганинг учун куёвим ичиб келган.

М у ҳ а б б а т (*кулиб*). Менинг кўнглимдагини кўз қарашимдан тушуниб оласиз-а, ойи!

З у ҳ р а. Уканг менга кўйлак олиб келган экан. Ёқса, ола қол ўшани.

М у ҳ а б б а т (*олиб кўради*). Вой-вўй, чиройлилигини. Худди шунақасидан олмоқчи эдим. Укамнинг диди чаккимас.

Л а й л о. Ойи, ўғлингиз хафа бўлмайдиларми?

М у ҳ а б б а т. Келин, укамнинг олиб келганига қизғанчилик қилманг, қизғанчиқ бўлсангиз – қиз туғасиз.

Л а й л о. Қизғанганим йўқ. Ойижоннинг ўзлари кийсин, деб илтимос қилган эдилар-да.

М у ҳ а б б а т. Укам билан ўзим гаплашаман, сиз хўжайнлик қилманг.

Л а й л о. Хўп, узр.

М у ҳ а б б а т. Қизил гуллари бор экан, ойимга кетмайди. Менда жуда яхши материал бор. Шуни кенггина қилиб кўйлак-лозим қилиб тикиб бераман.

З у ҳ р а. Мен ҳам шундай деб турган эдим.

М у ҳ а б б а т. Раҳмат, ойижон (*оийисини қучади*). Ўзимнинг меҳрибон, ақлли ойижоним. Бу кўйлакни ки-йиб ҳаммани куйдираман! Бўпти ойижон, мен кетдим! (*Хурсанд бўлиб кета бошлиайди*.)

М у р о д. Шошманг, опажон!

М у ҳ а б б а т. Вой укажоним, яхшимисан? Ишларинг яхшими? Чарчамаяпсанми? Чикмайсан ҳам, биттаю битта опам бор, деб сўрамайсан ҳам.

М у р о д. Яхшимисиз? Сўраб турибмиз-ку!

З у х р а. Кўлга тушган тулкидай жилпанглашини қаранг.

М у х а б б а т. Поччанг ҳар куни ичиб келиб, хафа қиласди. Ёнимни олиб бир-икки мушт туширмайсан ҳам.

М у р о д. Эр-хотин ўртасига томи кетган тушади.

М у х а б б а т. Ичиб келиб урса ҳам майлимни?

М у р о д. Поччамни биламан, сизни уриш у ёқда турсин, чертмайди ҳам.

М у х а б б а т. Ойим ҳам, дадам ҳам, сен ҳам поччангнинг ёнини оласизлар. Ичларингдан чиққан мен душман (*ийеглайди*).

З у х р а. Куёвим – тилла йигит, лўлилик қилма!

М у х а б б а т. Бўпти, мен ёмон, кетдим. Сизларга опа, қиз керак эмас экан. Энди келмайман. Елкамнинг чукури кўрсин (*ийеглаб кетмоқчи бўлади*).

З у х р а. Ҳой, ҳой, унақа дема. Кирадиган эшигингни қаттиқ ёпма!

М у х а б б а т. Энди келмайман, кетдим! Хайр.

М у р о д. Ойимга олиб келган қўйлакни ташлаб кетинг!

М у х а б б а т. Кўрдингми?

М у р о д. Опажон, ўзингизни ўйламанг! Ойим ҳам фарзандларининг орқасидан чиройли қўйлаклар кийиб юрсинглар.

М у х а б б а т. Ўзлари рози бўлиб бердилар. Бачкана, менга ярашмайди, дедилар.

М у р о д. Ярашади. Қайтиб беринг, онамга ният қилиб олиб келганман.

М у х а б б а т. Хотинингта атири, ойимга қўйлак олибсан. Биттаю битта опам бор, деб шафтоликоқи ҳам олиб келмабсан-да, ука! Тилимни қичитасан. Менда ҳам кўнгил бор, ука!

М у р о д. Узр, хаёлимдан қўтарилибди. Эртага худди шу кўйлакдан сизга ҳам олиб келаман, опажон!

М у х а б б а т. Керакмас! Уйда поччанг хўрлайди, ўз уйимда сизлар хўрлайсизлар (*йиғлаб юборади*).

З у х р а. Олиб кета қолсин, ўғлим!

М у р о д. Йиғламанг, опажон, ола қолинг. Садқаи қўз ёшларингиз кетсин, олинг!

М у х а б б а т. Керак эмас. Ҳеч нарса керак эмас. Мен ҳам ҳеч кимга керак эмасман (*йиғлаб чиқиб кетади*).

З у х р а. Қизим тушмагур, одамнинг дилини хира қилиб кетди.

М у р о д. Олинг, дедим-ку!

З у х р а. Майли, лўли аразласа тўрвасига зиён, дейди. Аразчининг оши ширин, эртасига аччиғидан тушса, тиржайиб кириб келади.

Л а й л о. Нима овқат қилай, ойижон?

З у х р а. Ўғлимдан сўранг.

М у р о д. Нима овқат бўлса ҳам, ўзингиз қилиб беринг. Қўлингиз жуда ҳам ширин-да, ойижон! Дунёнинг не бир бурчагига бориб энг зўр таомини есам ҳам мазза қилмайман. Сиз пиширган овқат – барибир бошқача-да.

З у х р а. Келиним ҳам ширин овқат қилади.

М у р о д. Ўзингиз пишириб беринг, ойижон!

Л а й л о. Мен турганда ойижон қиласиларми?

З у х р а. Ҳамма овқатни меҳр билан, дикқат билан қилинса, таом ширин бўлади. Ҳардамхаёллик билан қилинса, кўзлангандай бўлиб чиқмайди. Меҳрда гап кўп.

М у р о д. Сиз қила қолинг!

Л а й л о (*хафа бўлиб*). Ўзингиз қиласизми?

З у х р а. Боринг, овқатни бошлайверинг. Мен келинимнинг қўлидан овқат егим келяпти.

Ла й л о. Раҳмат (*хурсанд бўлиб чиқиб кетади*).

М у р о д (*пешанасини тиришитириб*). Қилган овқа-тида маза-матра йўқ-ку, мақтайдерасиз!

З у ҳ р а. Ёмонни яхши десанг, яхшига айланади. Бемазани мазали десанг, ширинга айланади. Келин янги келган, оиласизнинг тош-тарозисини билмайди.

Ла й л о (*чиқиб*). Қанча гўшт солай, ойижон?

З у ҳ р а. Хоҳлаганингизча солинг, қизим. Кўпроқ солинг, ширин бўлади.

Ла й л о. Хўп бўлади! (*Чиқиб кетади.*)

З у ҳ р а. Мазали овқат қилмайсан, кирни тоза ювмайсан, уйни чала супурасан, деб илиб-қоқаверсак, ўтирса ўпоқ, турса сўпок, деб дакки бераверсак, ёш келин нима қиласини билмай довдираб қолади. Ҳар бир ишни қилишдан безиллаб қолади.

М у р о д. Сизга гап йўқ, ойижон.

З у ҳ р а. Келин ғўр, ёш, уни аста-секин силаб-сийпаб ўргатиш керак. Дарров қозонга солиб қовуриб қўймасдан... Ақлни худойим нимага берган.

М у р о д. Ақлингизга қойилман.

З у ҳ р а. Кўп китоб ўқишида ҳикмат катта.

М у р о д. Бекорга кўп китоб ўқимайсиз-да!

З у ҳ р а. Китоб ўқисанг ғийбатдан йироқ бўласан, тафаккуринг кенгаяди. Бағринг кенг бўлади, кўнглинг кенг бўлади. Ёшинг ўтган сари таъбинг ҳам нозиклашиб, иззатталаб бўлиб қолар экансан. Кўнглинг ярим бўла бошлар экан. Битта гап камлик, иккита гап кўпллик қиласи, бир яримта гапнинг ўзи йўқ. Қарилик нишонасими бу.

М у р о д. Ҳали ёшсиз-ку, ойижон?!

З у ҳ р а. Ўғил уйлантириб, келинли бўлдим. Худо хоҳласа ҳадемай набиралик ҳам бўламан, буви бўламан, ёшлигим қолибдими, ўғлим!?

**Л а й л о (чиқиб).** Ойижон, картошкани қанча со-  
лай?

З у х р а. Ўзингиз билганингизча. Олов билан эмас,  
мехр билан овқат пиширинг, ширин бўлади. Ширин,  
мазали овқат қилишингизга имоним комил!

**Л а й л о.** Раҳмат, ойижон! (*Кириб кетади.*)

З у х р а. Фарғоналик Марҳабо деган шоира қайно-  
наларнинг кўнглидагини зап топиб ёзибди-да!

**М у р о д.** Бундай шоирани эшитмаган эканман!

З у х р а. Марҳабохон бизга ўхшаб янги келин  
туширганларга атаб ёзган шеърини қайта-қайта ўқиб  
тўймайман, маза қиласман.

**М у р о д.** Бизга ҳам ўқиб беринг, биз ҳам маза қи-  
лайлик, ойижон!

З у х р а. Ўхшатиб айттолмасам кулмайсан.

**М у р о д.** Йўғ-ей, нега энди?!

З у х р а. Кўлгинг келса ҳам чидаб турасан.

**М у р о д.** Келишдик, ойижон. Бошланг. Келинин-  
гизни чақирайми?

З у х р а (*овозини созлаб*). Чакирақол.

**М у р о д.** Лайлло!

**Л а й л о.** Лаббай! (*Чиқиб келади.*)

З у х р а. Тўй қилиб келинчак туширдим,  
Ўзимга ўзим иш оширдим.

Мен энди . . . энди тушундим.

Бироннинг боласи уйимда.

Бақирманг, дадаси, секин-ей,

Овозингиз бирам текин-ей.

Уйимнинг қатига бекинай?

Бироннинг боласи уйимда.

Ҳаммага қиласман илтифот,

Тилимга бўламан эҳтиёт.

Кўчага чиқмасин “ахборот”,

Биронинг боласи уйимда.  
Келинчак бир келар, яйрасин,  
Аллоҳим илтифот айласин.  
Қозоним гўшт билан қайнасин,  
Биронинг боласи уйимда.  
Сипороқ кийингин,вой, қизим,  
Ибрат бўл келинга, ҳой қизим.  
Онангни тушунгин, ой қизим,  
Биронинг боласи уйимда.  
Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,  
Бахтингнинг йўлини тўсмасин.  
Совчига ёмонлаб қўймасин,  
Биронинг боласи уйимда.  
Чимрилмасин деб қошлари,  
Авайлаб шу келинпошшани.  
“Сиз-сиз”лаб ҳайдайман пашшани,  
Биронинг боласи уйимда.  
Койишар эркалаб, куласан,  
Келин “майли” деб турасан.  
Бошингга тушганда биласан,  
Биронинг боласи уйимда.  
Нонини куйдирса, майлига,  
Идишни синдирса, майлига.  
“Адвокат”ман ўша Лайлига,  
Биронинг боласи уйимда.  
Майли, мен қайнона қайнамай,  
Келин ҳам тек юрсин айнамай.  
Бу ҳам бир кўргулик айланай,  
Биронинг боласи уйимда.  
Мехр-ла кўнгиллар боғланар,  
Қаҳр-ла юраклар лойланар.  
Бир кун ўз боламга айланар,  
Биронинг боласи уйимда.

М у р о д (қарсак чалиб). Мен сизни тушундим, ойижон.

Л а й л о. Яшанг, ойижон. Овқатимга қарай. (Чиқиб кетади.)

М у р о д. Келинингизни мунча авайлайсиз, десам, гап бу ёқда экан-да?!

Л а й л о. Бу ҳам бироннинг кўзига суртган боласи. Мен сени қандай катта қилган бўлсан, уни ҳам отонаси шундай гард юқтирумай ўстирган.

М у р о д. Менга барибир. Сирингизни олдириб, бошингизга чиқариб қўйманг.

З у ҳ р а. Оладиган қандай сирим бор эди. Эгриликни билмасам, нопок иш қилмасам. Ҳалол яшадим. Бироннинг бурнини ноҳақ қонатмадим, ўғлим. Бирондан қўрқадиган жойим йўқ.

Л а й л о (чиқиб). Овқат тайёр бўлиб қолди. Нима қиласай?

З у ҳ р а. Нима овқат қилдингиз?

Л а й л о. Картошка билан гўшт қовурдим.

З у ҳ р а. Яхши. Оловни пасайтириб қўйинг, дадангиз келганида сузасиз.

Л а й л о. Совиб қолмайдими?

З у ҳ р а. Овқат совиса ҳам кўнгил совимасин.

Л а й л о. Хўп, ойижон (кетади).

М у р о д. Дадамсиз томоғингиздан овқат ўтмайди-я, ойижон?!

З у ҳ р а. Тўғри, дадангиз томоғимдан овқат ўтмайди. Дадангни қош-қовоғига қараб овқат емасам, егандай бўлмайман!

Л а й л о. Оловни пасайтириб қўйдим.

З у ҳ р а. Барака топинг.

М у р о д. Менсиз келинингизнинг томоғидан овқат ўтармикан?

З у х р а . Гап томоқдан овқат ўтишида эмас, ҳурматда, күнгилда, ўғлим. Овқат емай, дадангни кутиб ўтирсам, ич-иҷидан хурсанд бўлади. Хурсандлигини кўзидан се-заман.

М у р о д . Кеч қолсалар ухламасдан кутиб ўти-расиз.

З у х р а . Эркак кишининг пири бўлади. Гоҳо овқат-ланмай, ухламай ўтирганимни кўриб уришадилар, дўқ қиласдилар. Сизсиз уйқум келмади, десам қайфиятлари кўтарилиб кетади.

М у р о д . Эрни қандай ҳурмат қилишни ойимдан ўрганинг, азизам.

Л а й л о . Хўп бўлади. Дадам билан севишиб турмуш қурганимисиз, ойижон?!

З у х р а . Севишмаганмиз.

Л а й л о . Севгисиз қандай яшаб келяпсизлар?

З у х р а . Аллоҳ учраштириди, қовуштириди. Турмуш аравасини бирга тортиб келяпмиз.

Л а й л о . Қандай топишгансизлар?

З у х р а . Э-э-э, бунинг тарихи узун (чуқур хўрси-нади). Ёргинамнинг дардини айтсан адo бўлмайди.

Л а й л о . Айта қолинг, ойижон. Қизиқиб кетяпман.

З у х р а . Мени ота-онам ихтиёrimсиз қоп-қора бир одамга унаштириб қўйишган эди аввал. Унга сира ҳам кўнглим қурғур илимасди. Бир куни бизникига от минган бир йигит тўйга айтгани келди. У жуда ҳам келишган йигит эди. Бир қўришда юрагим жиз этди. Қошлари қоп-қора, туташ, кўзлари катта-катта, оппоқ, ўқтам йигит эди. Онамдан кимлигини сўрадим. Узок қариндошимиз тўйга айтгани келибди, деди. Онам у келган йигитга қийиқча олиб бориб бер, дедилар. Мен қийиқчани олиб бориб бердим. Кўзим кўзига тушди. Кўзларидан ўт чақнаб турар эди. Кўзларida чақнаган

үт юрагимга тушди. Шу ўт билан юрагим ёнаверди, ёнаверди. Ота-онамга унаштирилган йигитнинг тўйини қайтарасизлар, тегсам ўша узоқ қариндошимизга тегман, деб туриб олдим. Отам мени яхши кўрар эдилар, раъйимга қараб тўйни қайтардилар. Тақдиримиз қўшилган экан, яшаб келяпмиз.

Ла й л о. Сизни севаман, сизсиз ўлиб қоламан, деб қоп-қоп ваъдалар бермаганмидилар?

З у х р а. Йўқ, бир марта ҳам севаман, яхши кўраман демаганлар.

М у р о д. Сиз-чи, ойижон?!

З у х р а. Йўқ, буни айтиш қиз бола учун жуда оғир, ўғлим.

М у р о д. Тўйни қайтаришга журъат қилибсизу, «яхши кўраман» дейишга куч топа олмадингизми?

З у х р а. Мени суд қиляпсизларми?

М у р о д. Мухаббат ҳақида сўзлаш кизик-да, ойижон. Севги ҳақида, ёшлик ҳақида гапирса, одам яшарди.

З у х р а. Даданг ҳаяллаб қолди?

М у р о д. Ҳозир келиб қоладилар.

З у х р а. Тинчликмикан?

Ла й л о. Овқатни нима килай?

З у х р а. Озгина сув солиб, димлаб қўйинг, тагига олиб кетмасин!

Ла й л о. Хўп, ойижон.

З у х р а. Қоринларинг очиб кетган бўлса, иккалангиз овқатдан сузиб, уйларингга кириб еяверинглар. Мен кутиб ўтираман.

Ла й л о. Йўғ-ей, дадажонни биз ҳам кутамиз (*кириб кетади*).

М у р о д. Келинингиз ҳам сиздан ўрганяпти.

З у х р а. Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради. Қүш уясида күрганини қиласи, дейдилар. Ўзинг ибрат бўлмасанг, ким сенга ишонади.

Л а й л о (*шошиб чиқади*). Сув қуйиб бостиридим.

З у х р а. Тинчликми, бирор қувлагандай югуриб чиқасиз?

Л а й л о. Ойижонимнинг суҳбатларига қизиқиб қолдим.

З у х р а. Ҳали кўп қизиқ суҳбатлар олдинда.

Л а й л о. Ойижон, адам билан ораларингизда ҳеч гап қочганми?

З у х р а. Аслида жанжалсиз оила бўлмайди. Лекин эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши, сингари гаплар эди улар.

М у р о д. Дадам сизни урганми? (*Лайло қараб қўяди*.)

З у х р а. Урганам, тепган ҳам.

Л а й л о. Вой ўлай.

Л а й л о. Ёш келин пайтимда ҳовлида юрган қўзичноқ сакраб-сакраб уйга кириб келди. Ичкарига киргач, гиламни хўллаб қўйди. Жаҳлим чиқиб, қўзини бир тепдим. Қўзичноқнинг оёғи кўтарилиб, ағаниб тушди. Дадангиз кўриб турган экан. Мени келиб бир тепди. Қандай бўлар экан, деб қўзини кўтариб чиқиб кетди.

М у р о д (*қотиб кулади*). Боплабдилар-ку.

Л а й л о. Адам ҳам раҳмсиз эканлар-ку.

З у х р а. Дадангнинг тепгани сенга ёқиб тушдими?

М у р о д (*ўзини тутолмай кулади*). Оёғи осмондан келиб йиқилган бўлиб қолган қўзичноқни кўз олдимга келтириб кулгим келяпти.

З у х р а. Қирилиб кетгур кариндошим, ота-онам сенга тепсин, деб берган эмас, деб роса нолиб йифланман! Аёл мардум иложсиз бўлганидан кейин ала-мини кўз ёшидан олади.

М у р о д. Келинингиз нолиса, дарров кавушини түғрилаб құйман.

З у х р а. Унақа бемаңни гапларни қўй, оғзингдан шамол учирсин.

М у р о д. Ҳазиллашдим, ойижон.

З у х р а. Унақа қўпол, тутуриксиз ҳазил қилма, келин хафа бўлади.

М у р о д. Бўпти.

З у х р а. Кўнгилни оғритиш Каъбатиллони бузгандек гап, ўғлим. Арзимаган гапдан кўнгил қолади. Кўнгил қолмасин.

М у р о д. Хўп, ойижон. Қорин ҳам сурнай чалиб кетди.

З у х р а. Айтдим-ку, келин билан бирга овқатлана-веринглар, деб.

Л а й л о. Мен дадамни кутаман.

М у р о д. Кўпдан айрилиб бегона бўлгандан, кўп билан қўшилиб девона бўл, дейдилар. Кўпчилик нима деса – шу.

З у х р а. Қовурдоқ тагига олиб кетмасин, дейман-да!

М у р о д. Тагига олса ошпазнинг ўзига едирамиз.

З у х р а. Нега келинга хурматсизлик қиласан?

М у р о д. Ҳар ким ўзи пиширган ошни ўзи ейди, дейдилар-ку.

З у х р а. Ҳар бир гапингни ўйлаб гапир, ўғлим.

М у р о д. Майли, бир оғиз ҳам гапириб бўлмайди.

З у х р а. Демак, қорнинг очибди, чидолмасдан жаҳл қиляпсан. Келин, овқатдан сузиб еяверинглар.

М у р о д. Чидайман, емайман.

З у х р а. Ошқозонни қийнаб қўйманглар.

М у р о д. Мен кўча айланиб келаман. Дадам билан учрашиб қолсам, бирга келарман.

З у х р а. Узокқа кетма.

М у р о д. Чақирсанглар эшитадиган жойда бўламан (чиқиб кетади).

Л а й л о. Сизга ҳавасим келяпти.

З у ҳ р а. Ҳавас қилиш яхши, ҳавас муродга етка-  
зади.

Л а й л о. Сизга ўхшагим келяпти, ойижон! Бирам  
мехрибонсиз.

З у ҳ р а. Бу дунёга ҳаммамиз бир марта келамиз.  
Қисқа умрда бир-биrimизга озор бермай, асраб-авайлаб  
яшаш қандай яхши. Сиз қизим салатларингизни қила-  
веринг, кўнглим сезяпти, ҳозир дадангиз ҳам кириб ке-  
ладилар.

Л а й л о. Салат қилиб, дастурхонга олиб чиқаман  
(кириб кетади).

З у ҳ р а. Бунча хаялладилар. Илоё тинчлик бўлсин-  
да. Телефон ҳам қилиб қўймадилар (эшик тақиллайди).  
Хайрият, келдилар (эшикни очади).

Т о ҳ и р (гулдаста билан кириб келади). Яхши ўти-  
рибсизларми?

З у ҳ р а. Худога шукр, яхши. Ўзингиз яхши келдин-  
гизми?

Т о ҳ и р. Гулдастани олмайсизми?

З у ҳ р а (ҳайратланиб). Менгами?

Т о ҳ и р. Сизга бўлмай кимга? Олинг!

З у ҳ р а (хурсанд бўлиб). Раҳмат! Қаёқдан кун  
чиқди?

Т о ҳ и р. Боғини суриштирмасдан олаверсангиз-чи.

З у ҳ р а. Вой раҳмат, раҳмат (шошиб қолади).

Т о ҳ и р. Жуда чарчадим, ювиниб чиқай (кириб кетади).

З у ҳ р а. Вой, тавба! (Гулдастани ушлаб қотиб  
қолади.) Бунча чиройли гулдаста! Менга ёқадиган  
рангни танлабдилар. Мен севган гулларни олиб ке-  
либдилар. Нархи ҳам жуда қиммат бўлса керак  
(хурсанд бўлиб айланади, гулларни бағрига босади).  
Хушбўй ҳидларидан бошим айланиб, маст бўлиб қо-

лай деяпман. Муаттар хиди уйимизни тутиб кетди. Ох қанчалар гүзал гулдаста, воҳ бунчалар кўркам гулдаста. Бир марта ҳам сизни яхши кўраман, деб айтмаганига мени севмас экан деб юрар эдим. Ҳа, қандай яхши кўришларини исботладилар. Менинг марҳаматли сultonим, кўнгилни топа оладиган бегим, ҳар нарсага қодир шаҳзодам. Бугун ўзлари ҳам бошқача бўлиб кетибди. Кўзларимга ўт бўлиб кўринди. Ўша илк марта кўрганимдай туташ қошли, қора кўзли, келишган ўқтам йигит ҳеч ҳам қаримаганлар! Бу гүзал гулдастани қаерга қўйсам экан (*уйни айланиб жой қидиради*). Бу ерга қўйсаммикан, мана бу ерга, йўқ. Мана бу ерга қўяман, қараганимда кўзим тушиб турадиган жойга қўяман. Йўқ, бу ер яхшироқ. Йўқ, бу ерга қўяман. Ойнанинг олдига қўяман – йигирмата гул қирқта бўлиб кўринади. Келин, келинжон!

Ла й л о (*чиқади*). Лаббай.

З у ҳ р а. Мана бу чиройли гулларни қаранг.

Ла й л о. Ким олиб келди?

З у ҳ р а. Дадангиз совға қилдилар. Яхши кўрмайди, деб хафа бўлиб юрган эдим, унақа эмасга ўхшайди.

Ла й л о. Дадажонимнинг дидлари ҳам баланд экан. Чиройли гулларни танлабдилар.

З у ҳ р а. Тезда гулдан олиб чиқинг.

Ла й л о. Хўп бўлади (*кириб кетади*).

З у ҳ р а. О, атир гуллар, воҳ, атиргуллар. Мен учун аталган бир боғ атиргуллар.

Ла й л о. Мана, ойижон.

З у ҳ р а. Ювдингизми?

Ла й л о. Чангини ювиб, тоза қилиб артдим.

З у ҳ р а. Менга беринг (*гулдастани гулданга солади*). Қаерга қўйсам экан, келин?

Ла й л о. Столнинг ўртасига қўйинг, ойижон. Овқат маҳали хушбўй ҳид таратиб туради.

З у х р а. Тўғри айтасиз. Севинганимдан ақлдан озяпман, шекилли.

Ла й л о. Овқат сузаверайми, ойижон?

З у х р а. Шошманг! (*Ойна олдига бориб, ўзини солади.*) Тавба шу ҳам қошми? Шу ҳам кўзми, шу ҳам қоматми? Елка билан бел бир бўлиб кетган. Гавда эмас, бочканинг ўзи-ку! Шундай тасқара аёлни хотин қилиб юрган дадангиззага балли. Мен дадангизнинг ўрнида бўлганимда хотин қилмасдан, ҳайдаб юборар эдим. Бу ойнадаги алвастими, ажинами?

Ла й л о (*кулиб*). Ўзингизга қаранг, ўзига қараган аёлларни эрлари яхши кўради. Ташиб кетмайди. Атрофика парвона бўлади. Пардоз қилишни ўзига эп кўрмайдиган ойижоним!

З у х р а. Тўғри айтасиз! Маҳалламиздаги бир нечта аёлларни эри ташлаб кетди. Эрим биттаси билан юриб кетди, эрим иккинчи хотинга уйланиб кетди, деб кўзёш қилиб юришибди. Ўзларига қарамай, айбни ўзларидан кидирмай, мендай афти-башарасига, юриш-туришига, кийинишига қарамай, ўзлари айборлигини билмаган менга ўхшаган сўқир эканда. Яхшиям мени эрим ташлаб кетмабди. Инсофи бор экан. Тасқаралигимни қаранг, қош эшакнинг айилидек терилмаган.

Ла й л о. Гапни топиб гапирасиз-да, ойижон! (*Котиб кулади.*)

З у х р а. Башара ойбаркашдек, лабларда ранг йўқ, қош-кўзлар ўсма, сурма қўйилмаганидан хафа, тавба, ўзимга шунчалар безътибор бўламанми?! Соч ҳам аммамнинг пўстагидай бўлиб рўмолнинг тагида қолиб кетибди.

Л а й л о. Сочингизни чиройли қилиб турмакласа, сиздан ўтадигани бўлмайди, ойижон.

З у х р а. Эрталаб сизнинг гапингизга кирсам бўлар экан. Кўнглингиз сезган экан, адангиз ҳам ўзингта қараб юр, деган эдилар.

Л а й л о. Хоҳласангиз, ҳозир ҳам гўзал қилиб кўяман. Анча вақтдан бери бўёқлар ишлатмай, қўлим қичиб турибди.

З у х р а. Хоҳлайман, жуда хоҳлайман. Нима учун гулдаста совға қилдилар? Тушунмадим! Ҳа, эсимга тушди. Турмуш курганимизга 27 йил бўлди. Вой, эсим курсин, эсгинам курсин. Адангизни қовурдоқ қилиб кутиб ўтирибмиз-а. Дастурхонни яхшилаб тузаш керак. Шарбат, қўзиқорин мурабболарини очинг, вино, шампанлардан олиб чиқинг. Бугун бир байрам қилайлик. Ўғлим олиб келган кўйлакни ҳам кияман.

Л а й л о. Нимадан бошлаймиз, ойижон?

З у х р а. Эркаклар кутса кутар, ишни пардоз қилишдан бошлаймиз.

Л а й л о. Ойижон, тезроқ юринг!

З у х р а. Вой, эссиэгина, эрталаб ўзимга қарасам бўлар экан. Ўзимга қараб юрсам бўлмасмиди? Онангни отангга бепардоз кўрсатма, деб машойихлар бекорга айтишмаган экан. Гулдастанинг чиройлилигини қаранг-а, о, гулдаста, гўзал гулдаста, менинг юрагимни ўйнатиб, ҳис-туйғуларимни тўзитиб юбординг, гулдастам. Бегим ҳадя қилган гулдастам.

## П а р д а

## Иккинчи парда

Биринчи пардадаги жиҳозлар, стол-стул кўйилган, стол устида гулдаста, дастурхон ясатилган. Ўзига оро берган, соchlарини чиройли қилиб турмаклаб олган Зухра эрининг бошида парвона бўляпти. Иккаласи сўзсиз бир-бирига қараб туришади.

Тоҳири. Чимилдиқда кўришган кунимиздагидек юрагим ўйнаб, ҳаяжонланиб кетяпман.

Зуҳра. Мен ҳам. Юрагим гупиллаб уриб, қинидан чиқиб кетай деяпти.

Тоҳири. Нега?

Зуҳра. Билмадим.

Тоҳири. Илк учрашган кунимиз шу ҳолга тушган эдим.

Зуҳра. Мен ҳам.

Тоҳири. Бугун бошқача бўлиб кетибсизми?

Зуҳра. Сиз учун пардоз килдим.

Тоҳири. Шундай чиройли хотин менинг хотинимми, деб кўзларимга ишонмаяпман.

Зуҳра. Махрамингизман, тортинаасдан кўнглингизда нима бўлса айтаверинг, бегим!

Тоҳири. Вой-ей, эскича сўзлар бунчалар жозибали.

Зуҳра. Бунинг сабабчиси сизсиз. Менга гулдаста совға қилдингиз. Сизнинг эътиборингиз туфайли мен гулдек очилиб кетдим. Эрлар хотинига доим шундай илтифотли бўлсалар, хотинлар ҳам доим гулдай очилиб, сочилиб юришади.

Тоҳири. Хумор кўзларинг жодулаб, ақли-хушимдан айириб, жонимни оляпти, жоним.

Зуҳра. Сизнинг оғзингиздан ҳам ширин, гўзал сўзлар чиқадиган кун бор экан-а?! Хар куни овқат тайёрми, қорним оч, тўйдим, ухлайман, эртага эртарок

ишга боришим керак, деган сўзлардан бошқаси чикмас эди. Бугун тилингиздан болдек сўзлар чиқаёттанига ҳайронман!

Т о х и р. Бу ширин сўзларнинг сабабчиси сизсиз. Гўзал хуснингиз, қора қошлинигиз, сиздан тара-лаётган мушк анбар, ифорлар. Авваллари полизга қўйилган қўриқчилик кийиниб кутиб олардингиз. Бундай ҳолатда ширин сўзлар ҳам қайларгайдир чекинарди. Бугун эса бутунлай соҳибжамол бўлиб кетибсиз. Ўзим ҳам ҳайронман, бундай жилвадор сўзлар қаердан келяпти. Шу сўзлар менинг ичимдан чиқяптими?

З у ҳ р а. Ҳар куни шундай гўзал, соҳибжамол бўлиб юраман.

Т о х и р. Мен ҳам ҳеч ким айтмаган гўзал сўзларни топиб гапириб, сизни хурсанд қилишга ҳаракат қила-ман, маликам!

З у ҳ р а. Ўзимнинг тилларидан бол томиб турадиган шахзодам!

Т о х и р. Осмонда яркираб турган Зухро юлду-зим.

З у ҳ р а. Порлоқ қуёшим!

Т о х и р. Вафоли ёrim. Қоронғу тунларимни ёғдулари билан ёритиб, жилва қилган етти кунлик ойим.

З у ҳ р а. Нега етти кунлик, ўн тўрт кунлик эмас?

Т о х и р. Ўн етти ёшингизда ўн тўрт кунлик ойдек эдингиз, ҳозир эса етти кунлик ойдексиз.

З у ҳ р а. Демак, қарибман-да?!

Т о х и р. Дилингиз озорланмасин, жоним! Мен учун ўша-ўшасиз.

Т о х и р. Истараси иссиқ, чапани мардим.

Т о х и р. Ошиб кетмаяптими?

З у ҳ р а. Менинг назаримда ҳам ошгандай бўлди.

Т о х и р. Энди нима қиласиз?

З у х р а. Бундай сеҳрли кечада нима қиласиз?

Т о х и р. Ишқ ўйинини ўйнаймиз!

З у х р а. Гапингиз курсин, айниятпиз!

Т о х и р. Нозланиб одам ҳиссиётларини қўзгаб, айнишга мажбур қиляпиз.

З у х р а. Алдаманг, умримда нозланмаганман!

Т о х и р. Ана энди маликаликдан яна асл ҳолингизга қайтяпиз. Ўша полизга қўйиладиган қўриқчи хаёлимга келяпти. Сиз билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди. Шўхлик қилсам хафа бўлиб қоласиз, ўзимнинг хотиним деб гоҳо тегажоқлик қилсам, сизга ёш қизмидим, дейсиз. Сизга қандай муомала қилишни ҳам билмай қоламан. Ҳазилни тушунмайсиз. Хушчакчақ яшашни истайман. Тунд қиёфангизни кўрганимда ҳафсалам пир бўлиб кетади. Бу дунёдан норозидек бўлиб, қовоғингизни солиб юрганингизни кўриб, кайфиятим тушиб кетади. Совуққина муомала билан совуққина яшаб келяпмиз. Уйга келганингда хотинингнинг кўзларидан ўт чакнаб, ёниб турса, ширин муомала билан адажониси, деб ҳозиргидек парвона бўлиб турса, ҳазилларингни тушунса, ҳаёт ўзгача кўрина бошларкан. Хотин киши ҳаётидан мамнун бўлиб, ўзидан нур таратиб турса, ширин кечган умринг ўтгани ҳам билинмайди.

З у х р а. Айбни хотинларга қўймасдан, эркак киши ҳам сал эътиборли бўлиши керак, хотинининг кўнглига қараши керак. Хотин киши бамисоли сирли ҳазина. Ҳазина қулфини оча билган эркак яхши яшайди. Қарсикки қўлдан чиқади.

Т о х и р. Аёл киши минг ақлли бўлсин, минг гўзал бўлсин, мағрур бўлсин эркак кишидан бир поғона пастда туриши керак. Битта гапдан қолиши керак.

Сендан қаерим кам, деб қайсаңык қылса, ҳаётда у ют-казади, жоним!

Зұхра. Тушундим, жаҳлингиз чиқмасин!

Төхір. Гапнинг бисмиллосидан, күз қарашидан, қош-қовоғидан сўзсиз тушуниб оладиган аёл энг зийрак, ақлли ва доно ҳисобланади.

Зұхра. Мен бир умр сизнинг дидингиздаги хотин бўлишга ҳаракат қилиб яшадим.

Төхір. Қани энди ҳар куни шундай ҳолатда бўлсангиз.

Зұхра. Салатлардан олинг! (*Эрининг тарелкасига салатдан солади*). Таомдан олинг. Мазали бўлибдими? (*Майда қадам ташлаб, эрини атрофида гирдикапалак бўлади*.)

Төхір. Жуда мазали, бай-бай! Ўз қўлларингиз билан пиширдингизми?

Зұхра. Йўқ, келин пиширди. Салатларни мен тайёрладим.

Төхір. Келиннинг ҳам қўли ширин.

Зұхра. Оёқ-қўллари ҳам чаққонгина.

Төхір. Сизни ким қўғирчоқдек қилиб қўйди?

Зұхра. Келиннингиз пардозлаб, оро берди.

Төхір. Келин келиб ўзгариш қилибдими? Қойилман.

Зұхра. Гўзаллик салонида ишлаганлари учун мени ҳам бутунлай бошқа бирорга айлантириб қўйди.

Төхір. Ажойиб дилтортар кеча, бундай куннинг садағаси кетсанг арзиди.

Зұхра. Кўз тегмасин.

Төхір. Туф, туф, кўз тегмасин.

Зұхра. Ҳозир (*официантлардек тавозе билан вино қуймоқчи бўлади*).

Төхір. Шошманг, хоним. Мен қуяман.

Зұхра. Ўзимнинг жентльмен эrim.

Т о х и р. Аёллар иззатда бўлсин (*бинони олиб, қўлини орқага қилиб қуяди*). Вино тўла қадаҳни хотинига узатади. Марҳамат жоним.

З у х р а (*кулиб*). Ташаккур.

Т о х и р. Кимники бор эса бир бурда нони,

Ўзига яраша уй-ошиёни.

На бирор унга қул, на у бирорга,

Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.

З у х р а. Яшанг.

Бир ғариб кўнглинини қила олсанг шод,

Яхшидир ер юзин қилгандан обод.

Луфтинг-ла бир дилни қул қила олсанг,

Афзалдир юз кулни қилмоқдан озод.

Т о х и р. Балли, олдик! (*Уриштириб, винони хўплашади*.)

З у х р а. Бу ажойиб-ку! Гўзал кечада меҳр бор, муҳаббат бор, хурмат, эътибор бор, лутфу назокат бор. Кўнгиллар шод, юрак ҳиссиётларга лиммо-лим тўла, лекин нимадир етишмаяпти.

Т о х и р. Мусиқа!

З у х р а. Худди шундай.

Т о х и р. Ҳозир муҳайё қиласиз (*кўл телефонини олиб, Озодбек Назарбековнинг “Мени севиб қолсанг-чи?” қўшигини қуяди*).

З у х р а. Мен севган қўшиқ.

Т о х и р. Бу қўшиқни ҳамма яхши кўради. Айниқса, аёллар.

З у х р а. Рашқ қиласиз, мен қўшиқчини эмас, қўшиғини яхши кўраман.

Т о х и р. Мен сизга ишонаман (*хотинини ўйинга тақлиф қиласи*).

З у х р а. Жоним билан сиздек жентльменга йўқ дермидим (*иккаласи рақсга тушади. Лайло билан Му-*

*род уларга ҳавас билан қараб туради. Қүшиқ тугагач, қарсак чалиб уларни олқышлады).*

М у р о д. Гап йўқ, қойилман!

Л а й л о. Жуда ҳам чиройли рақс тушдинглар.

М у р о д. Менинг ота-онам ҳамма нарсани қотиради.

Л а й л о. Менинг ҳам уларга ҳавасим келяпти.

Шундай инсонларга келин бўлганимдан ғуурланиб кетяпман.

З у ҳ р а. Туфлаб қўйинглар, кўзларинг тегмасин.

М у р о д. Туф-туф, кўз тегмасин.

Т о ҳ и р. Энди қариганимизда қўз тегармиди?

З у ҳ р а. Қирчиллама пайтингиз-ку, чол.

Т о ҳ и р. Бўйингиз етиб қолибди-ку, кампир.

М у р о д. Камчиликлар йўқми?

Т о ҳ и р. Йўқ, ўғлим.

Л а й л о. Егуликлар керак эмасми, дастурхонда етишмовчиликлар йўқми, ойижон?!

З у ҳ р а. Ҳамма нарса етарли, Худога шукр.

Т о ҳ и р. Ойижонларингизнинг гўзал чехрасига боқиб тўймаяпман, бизни холи қолдирсангизлар-чи.

З у ҳ р а. Ҳазилингиз қурсин, келинглар, ўтиринглар.

М у р о д. Бўлди, тушундик, хира пашшадек бошлиарингизда парвона бўлмаймиз. Кечангиз осуда ўтсин. Кетдик, хоним. Биз ўзимизнинг хонада дилкаш сухбат курамиз (*Хотинининг қўлини ушлади*).

Л а й л о. Вой қўйсангиз-чи (*Улар кириб кетишади*).

З у ҳ р а. Энди нима қиласиз?

Т о ҳ и р. Тонг отгунча сухбатлашиб ўтирамиз.

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,  
Садафда қамалиб, қатра дур бўлур.

Мол кетса, бош қолур унинг ўрнига,  
Қадаҳ бўшатилса, қайтадан тўлур.

(*Вино қуйиб, тавозе билан узатади.*)

З у х р а. Маст қилиб қўйманг.

Т о ҳ и р. Бу кеча ширин сўзлардан маст бўламиш.

З у х р а. Шўх йигит ўрнингдан тургин тонг саҳар,  
Ёқут майга тўлдир биллурий соғар.

Ҳар дам омонатдир, ўтиб кетар тез,  
Сўнг қанча қидирсанг топмассан хабар.

Т о ҳ и р. Балли, жоним.

Умр дафтаридан фол очганда дил  
Хўрсиниб сўзлади бир куйган кўнгил:  
Бахтлидир ул кимса – ой юзли ёри  
Бағрида бўлса-ю оқшоми – бир йил.

З у х р а. Офарин, султоним.

Т о ҳ и р. Жавоб! Жавоб оғирлик қилдими, Раъно?

З у х р а. Ўйлагани ҳам фурсат бермайсиз-а, Анвар  
ака.

Гулуз ёр ҳеч кимга насиб этмас экан,  
То унинг дилига санчилмай тикан.  
Тарокқа назар сол, ёрнинг сочига  
Етгунча юз бўлак бағри тилинган.

Т о ҳ и р. Балли, енгдинг-а, Раъно?!

З у х р а. Енгган бўлсам, ютуғимни беринг.

Т о ҳ и р. Уринг (*юзини тутади*).

З у х р а. Мана (*секин уради*).

Т о ҳ и р. Мен енгсам қўлим билан урмасдим.

З у х р а. Нима қиласардингиз?

Т о ҳ и р. Мен лабим билан урадим.

З у х р а (уялиб). Уятсиз (*кулишади*).

Т о ҳ и р. Кулгидан айирмасин!

З у х р а (*жиддийлашиб*). Бир даста гул хонадонимизга шунча хуш кайфият, хушвақтлик, хушбаҳтлик олиб кирди. Гул учун катта раҳмат.

Т о ҳ и р. Арзимайди (*ерга қарайди*).

З у х р а. Қимматдир-а?!

Т о х и р. Билмадим, йўлакдан топиб олувдим.

З у х р а. Нима, нима дедингиз?!

Т о х и р. Йўлакчадан топиб олдим.

З у х р а. Ростданми?

Т о х и р. Рост (*Зуҳра ийғлаб юборади*). Нима бўлди?

З у х р а. Дард бўлди, бало бўлди!

Т о х и р. Зуҳра.

З у х р а. Ҳеч бўлмаса ёлғондан фалон пулга сотиб олдим, денг!

Т о х и р. Ёлғон гапиришни билмайман, биласиз-ку.

З у х р а. Менга атаб сотиб олибсизми, деб ўйлабман.

Т о х и р. Нима фарқи бор?

З у х р а. Бор, бор, бор! (*Бақиради*.) Ташландиқ гулга арзидимми?

Т о х и р. Барибир эмасми, ҳаммаси бир гул эмасми?

З у х р а. Байрамларда, туғилган кунларда бирор марта ҳам гул совға қилмаган инсон қандай қилиб гул олиб келди, деб бошим кўкка етган эди. Мен ҳам одамман, менда ҳам ор бор, ғуур бор. Ҳаммасини оёқости қилдингиз. Қалбимни вайрон қилдингиз. Дилемни хуфтон қилдингиз. Гул топиб олмай ҳар нарса бўлинг! Шу сафар алдаб қўйсангиз бўлмасми?! Сен учун сотиб олдим, деб алданг дадаси, алданг! (*Йиғлайди*.)

Т о х и р. Алдай олмайман, борим шу. Гулни шунчалик яхши кўрар экансан, гулга кўмиб ташламайманми!

М у р о д. Нима бўлди, дада, ойи?

З у х р а (*ийғлаб ўғлиниң кўксига бошини қўяди*). Даданг гулни йўлақдан топиб олган экан. Мени ўша ташландиқ гулга тенглаштирибди (*Лайло ҳам секин чиқиб келади*).

М у р о д. Йиғламанг, сизга қанча гул керак ўзим олиб келаман, ойижон!

З у х р а. Сен олиб келган гул бошқа, даданг олиб келган гул бошқада, ўғлим!

М у р о д. Ойижон, йиғламанг!

З у х р а. Ўғлим, сен дадангга ўхшаб күчадан топиб олган гулни совға қилма. Дадангга ўхшаб хасис, зиқна бўлма! (*Йиглайди*.)

Т о ҳ и р. Мен хасис, зиқна эмасман.

М у р о д. Мен ҳозир сизга ўзим бошқа гул олиб келиб бераман, ойижон. Хафа бўлманг, илтимос.

З у х р а. Кўнглим вайрон бўлди. Дилим ойнаси чилчил синди. Керак эмас, керак эмас.

Т о ҳ и р. Ўзим янги гулдаста сотиб олиб келаман, хафа бўлманг. Бунчалик дили ранжийди, деб ўйламабман. Йўлакда чиройли бўлиб ётган экан, увол бўлмасин деб олиб келибманда. Ойингни бунчалар хафа бўлишини билганимда олмас эдим. Шундай ширин кечани расво қилди (*гулдондан гулни олиб, отиб юборради*). Бехосият гул!

З у х р а. Гулда айб йўқ. Айб сизда, сизнинг эътиборсизлигингизда, бефарқлигингизда, лоқайдлигингизда!

Т о ҳ и р. Хотинжон, мени кечир. Энди бефарқ бўлмайман! Ичингдаги дардларинг шу гул сабаб очилди. Сени энди билдим. Қалбингнинг қанчалар нозиклигини энди тушундим. Аёл қалби қанчалар нозик, қанчалар нафис, қанчалар беғубор, шишадек тиник, билурдек соғ эканлигини энди тушундим (*чиқиб кетади*).

М у р о д. Уйга кириб, дам олинг, ойижон!

З у х р а. Ҳаётимдаги энг жароҳатли кун бўлди (*юрагини ушлайди*).

Л а й л о. Вой, нима бўлди, ойижон?!

М у р о д. Кўриб турибсиз-ку, диванни тўғриланг (*онасини ушлайди*).

З у х р а. Кўрқманглар, кўнглим беҳузур бўлди.

Л а й л о. Диванга ётқизинг!

М у р о д. Сиқилманг, ойижон.

З у х р а. Ана, жавонда валерианка бор.

Л а й л о. Ҳозир. Дўхтири чақирайликми?

З у х р а. Керак эмас, ўтиб кетади.

М у р о д. Тез ёрдам, чақирайлик.

Л а й л о. Мана дорингиз, ичиб олинг!

З у х р а. Беринг (*тилининг тагига ташлайди*).

М у р о д. Ҳозир тез ёрдамга телефон қиласман.

З у х р а. Керак эмас, дедимку. Дори ичдим, ўтиб кетади. Ҳар гал юрагим безовта бўлса, дори ичсам, бас.

Л а й л о. Тузукмисиз, ойижон? Бизни қўрқитманг!

З у х р а. Раҳмат, жоним.

Л а й л о. Нима қилиб берай?

М у р о д. Мен нима қилай, ойижон? Кўнглингиз хоҳлаганини айтинг, мухайё қиласман. Сиз ўзингизга келсангиз бўлди.

З у х р а. Муҳаббатни чақиринглар!

М у р о д. Ҳозир (*уяли телефонни теради*). Алло, опажон, яхшимисиз? Поччам, жиянлар яхшими? Тинчлик, ойим сизни сўраяптилар. Тез етиб келинг.

З у х р а. Келин!

Л а й л о. Лаббай, ойижон!

З у х р а. Ана у оёқ остидаги гулларни териб олиб, гулдонга солинг. Мендек оёқости бўлмасин.

Л а й л о. Хўп бўлади, ойижон (*териб олади*).

З у х р а. Қочқоқ даданг қаерга кетди?

М у р о д. Билмадим.

З у х р а. Телефон қил, кеч бўлганда сарсон бўлиб юрмасинлар.

М у р о д. Қилган ишларидан уялиб юргандирларда (*телефон қиласди*). Телефонлари ўчирилган.

М у ҳ а б б а т (*шошиб киради*). Нима бўлди,  
ойижон?

З у ҳ р а. Юрагим безовта бўляпти.

М у ҳ а б б а т. Нима бўлди? (*Йиглайди*.) Нима қил-  
динглар, келинингиз билан жанжаллашдингизми?

Л а й л о. Йўғ-ей.

З у ҳ р а. Бунда келин бечоранинг айби йўқ. Бошимда  
парвона бояқиши.

М у р о д. Дарров келинингиздан кўрасиз-а, опа.

М у ҳ а б б а т. Хотинингнинг ёнини олма. Ҳозирги  
келинлар қайнонасилинг ажалидан беш кун олдин мар-  
гимуш бериб, ўлдириб қўяқолишади.

З у ҳ р а. Қизим, келинимга ёпишма, унда айб йўқ.  
Даданг билан тортишиб қолдик.

М у ҳ а б б а т. Нима? Нега жанжаллашдинглар?  
Дадам қўй оғзидан чўп олмаган беозор инсон-ку. Нима  
қилдилар?

З у ҳ р а. Эй, арзимаган гап. Эсласам яна безовта  
бўламан. Сўрама, қизим.

М у ҳ а б б а т. Ҳа, майли. Дўхтир чақирдингларми?

М у р о д. Ойим хоҳламадилар.

М у ҳ а б б а т. Э-э-э, ўзбек жони чиқай деганда  
дўхтирга боради. Қон босимини ўлчадингларми?

Л а й л о. Йўқ.

М у ҳ а б б а т. Вой, томошабин бўлиб ўтирибсизлар-  
ми? Аппаратни олиб чиқинг, қон босимини ўлчайлик.

Л а й л о. Хўп, опажон (*кириб кетади*).

М у ҳ а б б а т. Судралмасдан чаққон-чаққон бўлинг-  
лар. Сен ойимни дадамга хафа қилдириб ўтирибсанми?

М у р о д. Яхшигина гаплашиб ўтиришганди. Мен  
халақит бермайлик, деб келинингиз билан хонамиизда  
эдик. Бирдан ойимнинг овози баланд-баланд эшитилиб  
қолди.

Ла й л о. Мана, опажон! (*Олиб чиқади.*)

М у ҳ а б б а т. Менга беринг! (*Аппаратни олиб, Зуҳранинг қон босимини ўлчайди.*) Хайрият, қон босими жойида экан. Уф, юрагим қинидан чиқаёзди-я! Хафа бўлманг, ойижон. Менинг бор-йўқ давлатим сизсизлар. Бахтимизга соғ бўлинглар.

З у ҳ р а. Менинг қанотсиз фариштам. Менинг меҳрибоним (*қизини бағрига босиб, соchlарини силайди*).

М у ҳ а б б а т. Энди бир бошидан гапириб беринг, нима бўлди?

М у р о д. Ўлган эшакнинг тақасини қидириб, гап кўзғаманг!

М у ҳ а б б а т. Бўпти, ақл ўргатаверма! Оиладаги келишмовчиликларга сиз эркаклар сабабчисизлар. Аёлларни одам ўрнида кўрмайсизлар, аёл уйнинг гули, кўрки, баракаси эканлигини тушунмайсизлар, озор берганларинг берган, тилларингдан заҳар томгани-томган. Ичиб келиб дўқ-пўписа қиласизлар.

М у р о д. Азага борган кампир ўз дардини айтиб йиғлар экан. Дардингизни айтиб, кўнглингизни бўшатиб олинг!

М у ҳ а б б а т. Поччанг ҳар куни ичиб келади. Жағига бир-икки тушурмайсан ҳам. Ука бўлиб ҳолимдан хабар олмайсан. Опам бор, деб йўқламайсан ҳам (*йиғлайди*). Мен сизларни яхши кўраман, соғинаман. Сизлар учун жонимни ҳам беришга тайёрман.

М у р о д. Ўзимнинг меҳрибон опажоним, йиғламанг! Турмуш ташвишларига ўралашиб эътиборсиз бўлиб қолибман. Кечиринг, опа.

М у ҳ а б б а т. Худо кўрсатмасин, ойимга бир нарса бўлиб қолса, нима қилар эдим (*яна йиғлайди*).

З у х р а. Бўлди, қизим. Мен ўлмай туриб аза тутманглар!

М у ҳ а б б а т. Хўп, ойижон. Бошқа йиғламайман. Аҳволингизни кўриб, кўнглим бузилиб кетди. Яхши гаплардан гаплашайлик.

М у р о д. Ана энди ўзингизга келяпсиз, опажон.

М у ҳ а б б а т. Дадамдан хафа бўлманг, ойижон. Дадам яхши одам, оқкўнгил, меҳрибон, камтарин.

З у х р а. Ўша сен мақтаётган даданг сен туғилганингда бир даста гул билан олиб чиқмагани ҳеч юрагимдан чиқмайди.

М у ҳ а б б а т. Дадам йўқ деёлмайдиган хокисор одам. Ишхонасидагилар сафарга боринг деса, кетаверган. Йўқ, хотиним ҳомиладор, беролмайман дея олмаган. Ўз ишини виҷдонан бажарадиган одам бўлганлиги учун кетаверганлар.

М у ҳ а б б а т. Сен доим дадангнинг ёнини оласан. Даданг – оппоқ, мен – қора!

М у ҳ а б б а т. Иккалангиз ҳам парқу булутлардек оппоқ, булоқ сувидек тиник, покиза, ҳалол одамсизлар ойижон. Мен иккалангизни ҳам яхши кўраман.

З у х р а. Мени яхши кўрмай қўя қол! Бор дадангни яхши кўр, даданг кўчада ётган гулни менга олиб келибди. Мен ҳам одамман-ку, қизим. Менда ҳам қалб бор.

М у ҳ а б б а т. Аразладингизми? Аразчи ойижонимдан. Дадам кўчадаги бечора гул увол бўлмасин деб олиб келганлар. Билсангиз дадам чумолига ҳам озор бермайди. Бузоқнинг ҳақи, деб сигирнинг сутини ҳам ичмайдиган одам-ку! Дадамнинг феълини ўзингиз яхши биласиз-ку.

З у х р а. Билмайман.

Л а й л о. Адам ҳеч ҳам сут ичмаганмилар? (*Ҳамма кулиб юборади.*) Нимага куласизлар, нотүғри гапирдимми?

М у ҳ а б б а т. Содда экансиз-ку, келинжон. Мақолайтдим.

Л а й л о. Мен ростдан ҳам сут ичмайдилар, деб тушунибман.

М у р о д. Ишонувчанлигингиз, соддалигинги яхши, содда одамлар беғубор бўладилар.

М у ҳ а б б а т. Келиннинг соддалигини суистеъмол қилиб, алдаб юрма.

М у р о д. Мени поччамга ўхшатманг. Ичганини яшириш учун поччам бечора қанча ёлғонлар тўқиган бўлсалар керак (*кулади*).

М у ҳ а б б а т. Кулма, йиғлагин, укагинам, йиғла!

М у р о д. Узр, ҳазиллашдим, опа.

М у ҳ а б б а т. Дадам қаерда қолдилар экан?

З у ҳ р а. Мен ҳам хавотир оляпман. Бунақа кеч қоладиган одатлари йўқ эди. Бир жойга кетсалар айтиб кетар эдилар. Айтган пайтида келар эдилар.

М у р о д. Телефон қилсам қўтармаяптилар.

Л а й л о. 02 гами, 03 гами, хабар бериш керакдир?

М у р о д. Ваҳима қилманг.

М у ҳ а б б а т. Қилган ишларидан хижолат бўлиб, кўчада айланиб юргандирлар.

З у ҳ р а. Адангни қидириб кел, болам. Бор! Мендан хафа бўлган бўлсалар, кечирдим.

М у р о д. Ахтариб келаман! (*Эшик тақиллайди.*)

Л а й л о. Мен очаман! (*Эшикни очади. Тоҳир бир қучоқ қизил атиргул билан кириб келади.*) Вой, гулларнинг чиройлилигини!

М у р о д. Адам аёлларнинг қўнглини оладиган ҳақиқий мард эркак-да!

М у х а б б а т. Ўзимнинг меҳрибон дадажонимдан ўргилай. Менинг дадам – дунёда яккаю ягона оққўнгил одам.

Ла й л о. Атиргулнинг ифори уйимизни тутиб кетди.

Т о х и р. Дилингизни оғритиб қўйдим! (*Кучогидаги гулларни Зуҳрани олдига олиб боради. Зуҳра қўзлари қувончдан порлаб, секин ўрнидан туради.*)

З у ҳ р а. Оҳ, оҳ, оҳ!

Т о х и р. Атайлаб сиз учун ўзимнинг пулимга сотиб олдим. Эътиборсизлигим, бефарқлигим, хатоларим учун узр сўрайман.

З у ҳ р а (*қўзларидан севинч ёшлари қўйилиб келади*). Сиз ҳам менинг инжиқликларим учун, эркаликларим учун кечиринг!

М у р о д. Ҳаё, ибо, андиша қилиниб, айтилмаган ўзбекча муҳаббат бор бўлсин!

Т о х и р. Азобларим, озорларим учун узр! Садоқатингиз, сабрингизга бош эгиб таъзим қиласман!

Мусика янграйди. Актёрлар қўшиқ оҳанглари остида томошабинларга таъзим қиласди.

П а р д а.





## ИШҚ ЛАЗГИСИ

### Икки пардали тарихий драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

1. Шоҳ Феруз
2. Малика
3. Шаҳзода Исфандиёрхон
4. Ошиқ
5. Онажон
6. Дўст
7. Раъно
8. Оталиқ
9. Жон
10. Раққоса
11. Созандалар, раққосалар, хонандалар

### МУҚАДДИМА

Оқ либосли раққоса қўлларини самога кўтариб, ҳайкалдек қотиб турибди. Унинг атрофида оловдек буралган Жон чирпираб айланади. Раққосанинг олдига бир неча бор яқинлашиб, кўрқиб яна орқага қайтади.

И л о ҳ и й о в о з . Танага кир!

Ж о н . Кирмайман.

И л о ҳ и й о в о з . Нега кирмайсан?

Ж о н . Одамнинг ичи зулмат экан, кўрқаман!

И л о х и й о в о з. Буюраман, танага кир!  
Ж о н. Танага кириб, минг бир азобда яшашни хох-  
ламайман!

Самодан илохий күй таралади. Жон буралиб Раққосанинг танасига кирганини сезмай қолади. Раққоса аста-секин ўзига кела бошлайди. Аввал бармоқлари, сўнг қўллари, кейин елкалари қимирлаб, “Лазги” рақси туғилади.

## Биринчи парда

### Биринчи кўриниш

Ранг-баранг гуллар очилган боғда Ошиқ сурнайида күй чалиб ўтирибди. Күй сеҳрига ошуфта бўлиб, гўзал қиз кириб келади. Йигит булбулдек нолаю фифон билан куйлади. Қиз сел бўлиб эшитади. Ошиқнинг кўзи қизга тушиб, күй авжидан тўхтайди. Қиз чўчиб, кетмоқчи бўлади.

О ш и қ. Эй оҳудек қиз, шошмай туринг!

О н а ж о н. Нов дейсиз?

О ш и қ. Жонлимисиз?

О н а ж о н. Ҳовва!

О ш и қ. Чаққанмисиз?

О н а ж о н. Ўзингиз нечуксиз?

О ш и қ. Оҳ, оҳ, воҳ-воҳ!

О н а ж о н. Жиллимисиз?

О ш и қ. Сизнинг ишқингизда!

О н а ж о н. Мен кетдим.

О ш и қ. Юрагимни ўғирлаб қайга кетасиз?

О н а ж о н. Қачон ўғирладим?

О ш и қ. Ўша тонгда, худди шу боғда, кўзим-кўзингизга тушган маҳал.

О н а ж о н. Ҳеч, ҳеч!

О ш и қ. Жодули кўзларингиз сеҳрлаб қўйди!  
О н а ж о н. Кўзларимга боқманг эди.  
О ш и қ. Ҳар тонг пайдо бўласиз.  
О н а ж о н. Сизнинг нолангизни эшитмоқ учун.  
О ш и қ. Сизга ёқдими?  
О н а ж о н. Қалбим ором олди.  
О ш и қ. О-ҳей, о-ҳей!  
О н а ж о н. Руҳим кўкка парвоз этди.  
О ш и қ. Аллоҳим одамни лойдан яратиб, илоҳий  
куй билан жонни киритган экан.  
О н а ж о н. Сизнинг куйларингизни эшитиб менинг  
ҳам жоним кирди.  
О ш и қ. Воҳ-воҳ-ей, жонимни учу!  
О н а ж о н. Қўйсангиз-а!  
О ш и қ. Куйимдан кўнглимни тушунгандирсиз?  
О н а ж о н. Ҳовва!  
О ш и қ. Жавоби?  
О н а ж о н. Майин эсган шабадалардан сўранг!  
О ш и қ. Оҳ-оҳ!  
О н а ж о н. Гулларнинг ифори айтиб турибди.  
О ш и қ. Жонидан.  
О н а ж о н. Япроқлар шивирлаб айтиб турибди.  
О ш и қ (мугомбира). Мен тушунмадим.  
О н а ж о н. Қалб билан тингласангиз, тушунасиз.  
О ш и қ. Сўз билан айта қолинг!  
О н а ж о н. Айёрлик қилманг, у муқаддас сўзни тил  
билан ифодалаб бўлмайди.  
О ш и қ. Нечук?  
О н а ж о н. Дил куяди, юз қизаради, тил соқов бўлиб  
қолади.  
О ш и қ. Оҳ, оҳ-ей!  
О н а ж о н. Қиз бола у илоҳий сўзни айта олмайди.  
О ш и қ. Ишонмоқ истайман!

**О на ж о н. Сурнайингизни чалинг!**

**О ш и к. Жоним билан чаламан! (Куй чалади. Онажон бутун борлиқни унумтиб, рақс тушади. Ошиқ куй билан севги изҳор қиласди. Онажон рақс орқали муҳаббатини тушунганини, қабул қилганини айтади. Кўнгиллар ором олиб, руҳлари чарх уради. Уларни панада кузатиб турганларни сезмайди. Қизнинг кўзи уларга тушиб, қанотдек силкинаётган қўллари сингандек ёнида осилиб қолади. Ошиқ куй чалишдан тўхтайди.)**

**Ш а ҳ з о д а (панадан чиқиб). Яна, яна!**

**О т а л и к. Дим зўр!**

**Ш а ҳ з о д а. Хоразмда яна бир лазгичи дўради!**

**О ш и к. Йўлингдан қолма!**

**Ш а ҳ з о д а. Шикордан овсиз қайтаётган эдик. Охунинг ўзи оёғимиз остидан чиқди.**

**О т а л и к. Худо ярлақаган одамсиз-да, Шаҳзодам!**

**О ш и к. Жаҳлимни чиқарма, ҳолингни хароб этаман!**

**О т а л и к. Тилингни тий! Ким билан гаплашаётганингни унутма!**

**О ш и к. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўрқмайман!**

**Ш а ҳ з о д а. Жасур йигит экансан! Оталик!**

**О т а л и к. Лаббай, Шаҳзодам!**

**Ш а ҳ з о д а. Қиличингизни унга беринг!**

**О т а л и к. Хўп бўлади, Шаҳзодам! Ушла! (Қиличини олиб, Ошиққа отади.)**

**Ш а ҳ з о д а. Агар қиличбозликда енгилсанг, сени ҳимоя қилаётган сулув қиз менинг ихтиёrimда бўлади!**

**О ш и к. Мен ютқазмайман!**

**Ш а ҳ з о д а. Енгилсам сизларга баҳт тилаб, йўлимда равона бўламан!**

**О на ж о н. Шаҳар бедарвоза эмас, шоҳга арз қиласман!**

Шаҳзода. Шаҳарнинг битта эшиги менман! Қани бошладик! Ўзингни ҳимоя қил!

Ошиқ. Ҳақиқий эркакча жанг бўлсин!

Шаҳзода (*кулиб*). Оталиқ, ҳакамлик қиласиз!

Оталиқ. Ҳазрати Довуд пирим иккалангизни ҳам кўлласин! Бошланглар! (*Иккаласи қиличбозликни бошлишади.*)

Она жон. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Оталиқ. Ақл билан жанг қилинг!

Она жон. Ор учун курашган ғолиб бўлади!

Оталиқ. Ҳиссиётларга берилманд!

Она жон. Шаънимни ҳимоя этганингиздан хурсандман!

Оталиқ. Жангу жадалларда қанчадан-қанча қиличбозларни ер тишлатгансиз!

Она жон. Мен сизга ишонаман! (*Ошиқ қўлидан қилич тушади.*)

Оталиқ. Балли, Шаҳзодам!

Шаҳзода (*кулиб*). Ошиқлар сурнай чалишдан бошқа ишга ярамайди!

Ошиқ. Кулма! (*Қилични олиб, яна ташланади.*)

Оталиқ. Ҳалол курашинглар! Фирромлик – номардларга хос!

Шаҳзода. Дадил бўл, шу қизнинг шаънини тикдинг!

Она жон. Мен сизларга мукофот эмас!

Оталиқ. Муҳаббат учун курашмоқ – азалдан ошиқлар аъмоли!

Она жон. Қонга беланган ишқ ишқ эмасдир!

Оталиқ. Ишқ учун қонлар тўкилган, жонлар фидобўлган.

Она жон. Ишқ – озод, илоҳий туйғу! Шамширлар, найзалар бўйсиндира олмас!

О т а л и қ. Гоҳида тожу тахт, бойлик олдида муҳабат ожиз қолади.

О ш и қ. Эрк ҳар нарсадан улуғ!

Ш а ҳ з о д а. Ўз ихтиёрларинг билан қул бўлишга мажбур қиласман! (*Шиддат билан қиличбозлик қилишади. Ошиқнинг қўлидан қилич яна тушади.*)

О т а л и қ. Баракалла, Шаҳзодам! (*Қиличини олади.*)

Ш а ҳ з о д а. (*Қиличини кекирдагига тираб.*) Мағлублигингни тан олдингми?

О ш и қ. Тан олдим, зўр экансан!

Ш а ҳ з о д а. Бошингни танангдан жудо қиласман!

О ш и қ. Ишқ учун бундай қисматга розиман, лек севгилигимга озор берма! Ўз эркига кўй!

Ш а ҳ з о д а. Бошинг, жонинг ўзингга сийлов, маъшуқангни саройга олиб кетаман!

О ш и қ. Севгилисими, ор-номусини ҳимоя қилолмаслик – шармандалик! (*Қиличга ётишади.*) Майли, мени ўлдир!

Ш а ҳ з о д а. Оталиқ, қандай ҳукм қиласиз?

О т а л и қ. Йигитлик ғууруини синдириб, тирик қолдириш – ўлим билан баробар. Ҳозир бошини ўзига сийлов қилиб, қизни олиб кетсақ, умр бўйи минг ўлим азобини торгади. Қилич сермаб, бошини олсангиз, мардларча ўлади.

О ш и қ. Адолатли ҳукм.

О н а ж о н. Йўқ, бу – адолатсизлик! Мен истамайман!

Ш а ҳ з о д а. Ё Пирим! (*Қиличини кўтаради.*)

О н а ж о н. Ўлдирманг уни! Мен саройга боришга розиман!

О ш и қ. Рози бўлманг, севгилим!

О т а л и қ. Эгилган бошни қилич кесмас! Қиз рози, Шаҳзодам, ўйлаб кўрарсиз!

Ш а ҳ з о д а (*қиличини тушуриб*). Шартда ютиб чиқдим. Демак, гўзал қиз меники. Саройга кетдик.

Она жон. Жисмимни олиб кетасиз!

Ошиқ. Хўрлиқдан ўлим афзалроқ, ўлдиринг!

Оталиқ. Жон олмоқ – Азроилнинг иши, Шаҳзодам.

Кетдик.

Ошиқ. Мени азоблар гирдобига ташлаб кетманг, қайтинг!

Она жон. Қалбим, муҳаббатим, жоним сиз билан...

Шахзода. Қалбга ҳам йўл топилиб қолар!

Она жон. Ҳеч қачон! (*Кета бошлайди.*)

Ошиқ. У менинг нафасим, у менинг борлиғим, жону жаҳонимни олиб кетманглар! (*Отлиққа ёпишади.*)

Оталиқ. Мард бўлсанг, сўзингда тур! (*Қамчи билан солади.*)

Она жон. Ошиқлар – Аллоҳнинг севган бандаси. Унга озор берган икки дунёда ҳам кўкармайди.

Шахзода. Мен мардлик билан Ошиқни енгдим!

Оталиқ (*Олдига солиб*). Қани, бўл тезрок!

Она жон. Сенга дуч келтирган тақдирга минг лаънат!

Оталиқ. Қайсаарлик қилма, тақдирга тан бер! Шаҳзодага дуч келтирган ҳам тақдирдир! (*Қизни судраб кетади.*)

Ошиқ. Етти қават ернинг қаърига улоқтиринг мени! (*Икки қўлини мушт қилиб, ерга уради.*) Эй Худо, маъшуқамни васлига етай, деганимда, бу қулфатни нега бошимга солдинг? Нима гуноҳ қилдим, мени шунчалар яхши кўрасанми, Аллоҳим?! (*Кўкка илтижсо қиласди.*)

Дўст (кириб). Эй дўст, нима бўлди? Нортуюдек бўзлаб қолибсан?

Ошиқ. Эй Худобехабар, дилим гулистонини пайхон қилиб, қалб каъбасини вайрон этиб кетишиди.

Д ў с т. Ёмоннинг кучи япалоққа етган доим. Ким экан  
ўша хокисор ошиқ бечорани тупроқ ила тенг қилган?

О ш и қ. Юртимизнинг сарвари, мамлакатимиз гул-  
тожи – Шаҳзода.

Д ў с т. Тирик қолганингга шукр қил, аждаҳо домидан  
омон қолибсан.

О ш и қ. Маъшуқамни олиб кетди. Ҳимоя қилол-  
мадим, асраб қололмадим. Қиличбозликда енгилдим,  
хомлик қилдим (*бошини чангаллаб*). Бундай тириклик-  
дан ўлганим афзал. Севгилимнинг олдида ер билан як-  
сон бўлдим!

Д ў с т. Эй Худо-ей, қўлида соз, қалам ўйнатиб  
юрган ошиқ-шоирнинг қўлига шамшир тутқазиб нима  
қиласардинг? Соз билан жанг қиласиз, демадингми?

О ш и қ. Кўнглимга малҳам бўлиш ўрнига туз сепяп-  
санми?

Д ў с т. Йўқ, асло, дўстим!

О ш и қ. Ўлганинг устига чиқиб тепяпсанми?

Д ў с т. Биринчидан, тузчи эмасман – туз сепадиган.  
Иккинчидан, Худога шукрки, ҳали тириксан. Учинчи-  
дан, устингга чикмадим-ку ҳали! (*кулади*).

О ш и қ. Менинг ҳолимни кўриб куляпсанми? Гоҳида  
сенинг дўстлигингта ҳам ишонмай қоламан.

Д ў с т. Гапингда жон бор. Дўстинг ким бўлса, душ-  
манинг дўстлигингта ҳам ишонмай қоламан.

О ш и қ. Оналар ҳақ бўлади. Сирларингни билган  
дўст кун келиб душманга айланса, энг нозик томонинг-  
дан ушлаб, элга шарманда-ю шармисор қиласди. Юзинг-  
ни қора қиласди. Сен ҳам ўшаларнинг тоифасидансан!

Д ў с т. Найзангни санчиб, аламингни олавер! Сен-  
га юзланган балоларга ўзим балогардон бўламан, дўс-  
тим!

О ш и қ. Сен дўст қиёфасидаги душмансан!

Дўс т. Йўқ! Мен дўсти учун тош бўлса кемирадиган,  
сел келса симирадиган, яхши-ёмон кунида тиргак бўла-  
диган содик дўстман!

О ши қ. Ишонмайман!

Дўс т. Ишончсизлик, шубҳа-гумонлар дўстни душ-  
манга айлантиради. Дўстинг душманга айландими,  
Худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртгани шу  
бўлади.

О ши қ. Дўст бўлсанг, йўл кўрсат, чора топ, ёрдам  
бер.

Дўс т. Баракалла, ҳозир сенинг кўзларингда учқун  
пайдо бўлди, фикрингни чалғитиб умидсизлик ўпқо-  
нидан олиб чиқдим.

О ши қ. Сабримни синама, тезроқ бўл, нима қилай,  
дўстим?

Дўс т. Бу ишда шошқалоқлик кетмайди, у шаҳзода  
бўлса, сен бўлсанг бир гадо. Обдон ўйлаб чорасини  
топамиз!

О ши қ. Бардошим қолмади, дўстим!

Дўс т. “Ошиқ” сўзининг маъносини биласанми?

О ши қ. Нима экан?

Дўс т. “Ошиқ” дегани ўз фикрини, мақсадини ўз-  
галарга сингдирувчи дегани. Демак, биз ҳам мақсад  
сари интиламиз!

О ши қ. Ишқ йўлида қурбон бўлсам керак!

Дўс т. Ошиқ – шоирларнинг, бахшиларнинг пири,  
устози! Қурқут ота қариганида жонини олиш учун  
ажал доимо уни кузатиб юрар экан. Аммо Қурқут ота  
кеча-ю кундуз ҳеч тинмасдан “Ҳаёт қўшиғи”ни куйлар,  
ажал унга яқинлаша олмаган экан. Бир куни Қурқут ота  
чарчаб, ҳолдан тойиб, кўзи бир нафас уйқуга юмил-  
ганида ажал заҳарли илон қиёфасида уни чаққан ва  
Қурқут ота ўлган экан. Шундан бери “Ҳаёт қўшиғи” ва

ажал ўртасида тинимсиз кураш борар эмиш. Қиссадан ҳисса шуки, дўстим, ҳаёт – курашмок, дегани, биз ҳам мақсад сари кураш олиб борамиз!

## Иккинчи кўриниш

Шоҳ саройи. Ўймакорлик, ганчкорлик, мисгарликнинг энг нодир намуналари билан безатилган сарой пештоқлари куфий ва насх ёзувлари билан жило берилган. Хон тахтининг ўзига хос жилоси бошқа барча безаклардан ажралиб туради. Хон тахтда. Ўнг ёнида Оталиқ, Ризо баҳши дутор билан “Алиқамбар” куйини чалиб тугатади.

Ризобаҳши. Алқисса, Ҳазрати Алининг Қамбар исмли отбоқари ва Мискин деган ошпази бўлган экан. Уларнинг иккаласи ҳам дутор чалишда мохир ва машхур бўлганлар. Бу машшоқлар бир қанча куйлар ҳам басталаган. Шулардан бизгача етиб келгани “Алиқамбар” куйи Қамбар бобо ижодига мансуб бўлиб, кекса устозларнинг айтишича, бу асар қадимдан “Али десам Қамбар ёдимга тушди” ғазали билан ижро қилинган. Мискин мақоми Мискин бобо томонидан ижод қилинган. Бу иккала дўстни бирбиридан ажратиб бўлмаганидек, хоразмлик кекса устозлар олдин Алиқамбар куйини чалиб, унга Мискин мақомини улаганлар. (*Мискин мақомини чалади.*) Ана иккала дўстни топиштиридик, жуда савобли иш бўлди! Илоҳи омин, пиру устозларнинг руҳи шод бўлсин!

Шоҳ Феруз. Устозга бир ҳамён олтин инъом қилинг!

Оталиқ. Бош устига! (*Бир ҳамён олтин беради.*)

Ризобаҳши. Ташаккур, шоҳим!

Шоҳ Феруз. Уй куриб берилсин!

Оталиқ. Бу буйруғингизнинг бажарилишини ўзим назорат қиласман!

Ризобаҳши. Марҳаматингиздан бошим осмонга етди, шоҳим!

Шоҳ Феруз. Сизга рухсат!

Ризобаҳши. Умрингиз узун, жонингиз соғ бўлсин! (Таъзим билан чиқиб кетади.)

Шоҳ Феруз. Хўш, бу дунёда нима гап, Оталиқ?

Оталиқ. Тинчлик, шоҳим.

Шоҳ Феруз. Ўғлим билан юрт кезиб келдингизми? Халқ нима дейди? Нимадан норози?

Оталиқ. Тинчлик.

Шоҳ Феруз. “Тинчлик” дейсиз, лекин кўзларингиз тубида хавотир, ҳадик, бесарамжонликни кўряпман. Ҳақиқатни рўй-рост сўзланг.

Оталиқ. Одамлар шароб ичишга, банг чекишга ружу қўйганлар.

Шоҳ Феруз. Яна!

Оталиқ. Маош камлигидан халқимиз пул топиш учун турли юртларга бош олиб кетяпти.

Шоҳ Феруз. Яна!

Оталиқ. Мумтоз мақомларимизни, халқ қўшиқларини, нодир куйларимизни ёшларимиз бузиб айтишяпти.

Шоҳ Феруз. Яна!

Оталиқ. Хабарингиз бордир, Шаҳзодам раққоса қизга ишқи тушиб, саройга олиб келди.

Шоҳ Феруз. Күш уясида кўрганини қилибди-да?!

Оталиқ. Сиз олиму донишмандларни, шоиру баҳшиларни, мақомчи-созанда, раққоса мусиқачиларни, истеъдод соҳибларни саройга йиққансиз, шоҳим!

Шоҳ Феруз (хўрсаниб). Мен уларни мажбурлаб олиб келганман!

Оталиқ. Таъбингизни хира қилманг, шоҳим!

Шоҳ Феруз. Биринчи фармон!

Оталиқ. Бош устига! (Қалам олиб ёзади.)

Шоҳ Феруз. Шароб ичиш, банг чекиш қатъий таъкиқлансан! Фармонни бузганлар оғзи кулоғигача кесилсин!

**О т а л и қ. Ёздим!**

**Ш о х Ф е р у з.** Иккинчи фармон! Иш излаб, бош олиб кетганлар юртига қайтарилсін! Иш билан таъминлансын, маошлари оширилсін!

**О т а л и қ. Ёздим, шоҳим!**

**Ш о х Ф е р у з.** Учинчи фармон! Халқымиз минг ийллардан бери асраб-авайлаб келаётган мұмтоз мақомларни, нодир күй-күшиқларни бузғанлар 41 даррадан урилиб, сазойи қилинсін!

**О т а л и қ. Ёздим!**

**Ш о х Ф е р у з.** Давлатни идора қилиш қанчалар оғир! (*Үйланиб қолади.*)

**О т а л и қ. Нечун үйланиб қолдингиз?**

**Ш о х Ф е р у з.** Дунёга келиб, гүё ҳеч нарса килмагандекман, ҳеч нарсага улгурмаёттанға үхшайман.

**О т а л и қ. Араб, форс, туркий тилларда гапириб, үқиб ва ёзишни билганингиз учун халқымиз сизни яхши кўриб “Охунхон” дейишади. Шаҳарларни ободонлаштириш, факирларнинг кўнглини шод қилиш асосий мақсадингиз бўлди. Олиму донишмандларни йифиб, китобхонлик ва ваъзхонлик қилдингиз. Мадраса ва масжидлар қуриб, азиз-авлиёлар мақбараларини, хусусан, Паҳлавон Маҳмуд пиримнинг ҳам мақбарасини қайта таъмирладингиз. Божхона ва бошқа муассасаларни тикладингиз, чегараларни кенгайтирдингиз, шоҳим!**

**Ш о х Ф е р у з. Булар кам, кам, Оталиқ!**

**О т а л и қ. Кам ухладингиз, кам едингиз, кам дедингиз, фақат халқ тақдирини үйладингиз!**

**Ш о х Ф е р у з. Мақтаманг, Оталиқ!**

**О т а л и қ. Ҳақ сўзни айтяпман! Паҳлавонниёз Мингбоши ихтиро қилған чизик (*нота*)дан кўплаб нусха кўчиртирдингиз. “Феруз” номли шеърий девон туздингиз. Босмахона қурдирдингиз. Арабча, форсча,**

усмонли турк тилларидан кўпгина тарихий, бадиий китобларни ўзбек тилига таржима қилдирдингиз!

Шоҳ Феруз. Булар етарли эмас.

Оталиқ. Сизнинг паноҳингизда ўттиздан зиёд шоирлар, муаррихлар етишиб чиқди. Улар орасида Табибий, Баёний, Аваз Ўтар ўғли, Мунис, Огаҳий, Комил, Рожий каби улуғ шоирлар бор.

Шоҳ Феруз. Шоирлар ҳамма замонда бўлган.

Оталиқ. Рост, Дугоҳ, Сегоҳ, Бузрук, Ироқ, Панжгоҳ мақомларига мухаммас боғладингиз. Шошмақомга жами ўн уч нағма боғладингиз.

Шоҳ Феруз. Буларнинг мақтанаарли жойи йўқ.

Оталиқ. Эрондан бир тошбосма матбаасини келтириб, уни Иброҳим Султон исмли матбаачига топшириб, кўплаб китоблар чоп эттирдингиз! Улли Мамат Маҳрам тарафидан усули савтия мактабини очирдингиз!

Шоҳ Феруз. Булар даврнинг талаби эди. Юрт учун кўп нарсалар қилишим мумкин эди.

Оталиқ. Муродингизга еting, шоҳим!

Шоҳ Феруз.

Тун бошқоронғу, туғса – шояд қўрамиз,

Найлайди давр айланиб, гоят қўрамиз.

Умр аввали не кўрган эдик, хайрият,

Умр охири не бўлур, ниҳоят қўрамиз.

Оталиқ. Шаҳзодани чақирайми, шоҳим?

Шоҳ Феруз. Йўқ, ўғлим билан ўзим гаплашаман!

### Учинчи қўриниш

Қафассимон кўркам сарой. Онажон саройнинг мис панжараларига ёпишганча, эшикни уриб, дод солади.

Она жон. Очинг, эшикни очинг! Ким бор, ёрдам беринглар!

Шаҳзода (кириб). Минг афсус, бу олтин қафасни бузиб, учиб кетолмайсан!

Она жон. Сиз ҳам ниятингизга етолмайсиз!

Шаҳзода. Мен сенга ёмонлик қилмадим. Мевалари ғарқ пишган, сув ўрнига сут оқадиган жаннатий ҳаёт яратиб бердим.

Она жон. Эрким ўзимда бўлиб, тоғу тошлар, тиканзорлар кезиб юрганим афзал эди!

Шаҳзода. Бу ҳаётни кўплар орзу қилади. (*Тилла тангалар сочади.*)

Она жон (сесканиб). Мен буни орзу қилмайман!

Шаҳзода. Хиром эт, ўша жозибали рақсингни яна бир бор кўрай!

Она жон. Кўлларим пажмурда қушнинг қанотидек қайрилган, хушим бу жисмимдан айрилган. Руҳим синиб ўзимга келолмаяпман!

Шаҳзода. Руҳингни кўтариш учун нима килай?

Она жон. Қафасдан озод қилинг!

Шаҳзода (жасал билан). “Озодлик” сўзини тилингга олма!

Она жон. Унда мен тирик ўлиқман!

Шаҳзода. Сенинг кўнглингни олиш учун нима килай? Хумо кушини топиб, бошингга қўндирайми? Афсонавий ғордан ёнар гулни олиб келиб, совға қилайми?

Она жон. Ҳеч нарса керак эмас!

Шаҳзода. Мафтункор рақсингдан сехрланиб қолдим! Юрсам ҳам, турсам ҳам сени ўйлайман! Ухласам тушимда, кундуз хаёлимда сенсан, жоним!

Она жон. Мен ўзганинг хаёли билан яшайман!

Шаҳзода. Биламан, ўша девонаи Ошиқ, уни хаёлингдан чиқар! Ўша кундан буён ишқингда ёнаман! Телбаман, истасанг сенинг васлингга етиш учун ҳар нарсага тайёрман! Истасанг, эгилмаган бошимни эгиб,

тиз чўкаман! Фақат менинг севгимни рад этма, жоним!  
(*Tiz ch'ukadi.*)

М а л и к а (*сарой раққосаси билан кириб келади*).  
Вой тавба, ё алҳазар! Жинни бўлиб қолдингми? Таги паст  
ўйинчининг оёғи остида ўзингни хор қиляпсанми? Тур-ей!  
Одамлар эшитса, шаънимизга доғ тушади.

Р а Ҷ н о. Тавба қилдим.

М а л и к а. Оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, тилингни  
кесиб, итларга ташлайман!

Р а Ҷ н о. Оғзимга қулф солиб оламан, маликам!  
Лом-мим десам, ёрилиб ўлай!

М а л и к а. Вой, тур ўрнингдан!

Ш а ҳ з о д а. Менинг ҳаётимга аралашманг!

Майли, эл ичида шарманда бўлай,  
Одамлар олдида қора юз бўлай,  
Халқнинг орасида афсона бўлай.

Шаҳзода оддий раққосани севиб қолибди, деб маломат тошларини ёғдиришсин, мен уни севаман. Жонимдан ортиқ севаман!

М а л и к а. Ақлдан оздингми?

Ш а ҳ з о д а. Ҳа, ақлдан оздим!

М а л и к а. Эҳтиросларга берилмасдан ақлингни  
йиғиб ол, кимлигингни унутма, сен ушбу юртнинг шаҳзодасисан!

Ш а ҳ з о д а. Шаҳзоданинг ҳам вужудида қалб бор,  
туйгулари тирик, унинг ҳам севиш, севилишга ҳаққи  
бор, ойижон! У харсангтош эмас, девор эмас, одам!

М а л и к а. Биз – насл-насаби тоза шоҳлар зотидан.  
Бу қиз қора халқдан чиққан. Уни севишга ҳаққинг йўқ!

Ш а ҳ з о д а. Ҳаққим бор!

М а л и к а. Ўғлим, кўзингни оч, онангнинг сўзига  
қулоқ сол, онанг сенга ёмонликни раво кўрмайди!  
У тенгинг эмас!

Шаҳзода. Мен аҳд қилдим, шу қиз рози бўлса,  
уйланаман!

Малика. Эй Худо, ақлини еб қўйган бандангни  
ўзинг йўлга сол! Шоҳлар, маликалар, беклар устимиздан  
кулиб, шарманда бўлмайлик! Ўйлаб гапиринг, Шаҳзо-  
дам!

Шаҳзода. Менинг аҳдимдан ҳеч ким қайтара ол-  
майди.

Малика. Шу гўзал қўғирчоққа уйлансанг, берган  
сутимга рози эмасман!

Шаҳзода. Ўзингиз биласиз.

Малика (*онажоннинг олдига бориб*). Ўғлимнинг  
ақлини қандай олдинг, қандай қилиб ўзингга ром  
этдинг! Қандай қилиб оналик меҳримни юлиб олдинг,  
жодугар? (*Қизнинг юзига шапалоқ тортади*.)

Она жон. Мен ҳеч нарса қилмадим!

Малика. Яна нима қилмоқчи эдинг? Менга ўғ-  
лимни душман қилиб қўйдинг! Қандай сир-синоатинг  
бор? Гапир, ярамас!

Она жон. Мен оддий қизман, сирим йўқ менинг,  
маликам!

Малика (*қизнинг кўзларига ўқрайиб қарайди*). Бу  
кўзларда жин бор. Ўғлимни сеҳрлаб олган бу жодугарни  
захарлаб ўлдираман! (*Бақиради*.) Гўштларини қийма-  
қийма қилиб, итларга едираман! Отнинг думига боғ-  
латиб, судратаман! (*Қизга ташланади. Шаҳзода аж-  
ратади. Раъно томоша қилиб туради*.) Мендан  
ўғлимни ажратган иблисга Аллоҳдан ўлим тилайман!  
(*Шоҳ Феруз сездирмай, кириб келади*.)

Раън о. Маликам, шоҳим ташриф буюрди-  
лар.

Шоҳ Феруз. Маликам, сизга нима бўлди, ово-  
зингиз бутун саройга эшитиляпти?!

**М а л и к а.** Мен чидолмайман, ўғлингиз ақлу хушидан айрилиб қолибди. Кимлигини, насл-насабини унутиб, манқурт бўлиб қолибди.

**Ш о х Ф е р у з.** Тушунтириб сўзланг, маликам!

**М а л и к а.** Шаҳзодамиз мана бу зоти паст ўйинчини севиб қолибди.

**Ш о х Ф е р у з.** Севиш-севилиш – энг олий баҳт! Кайковус ҳазратлари айтганларидек, Нозик табъдан ҳақиқий муҳаббат туғилади.

**М а л и к а.** Шаҳзоданинг ишқи қурбақага тушгандек, шаҳзодамизнинг ишқи ҳам ўйинчи, яллачи сатангга тушибди.

**Ш а ҳ з о д а.** Ҳақорат қилманг, ойижон!

**Ш о х Ф е р у з.** Муҳаббат оташида ёнмоқ кофиру мусулмонга, жуҳуду ўрисга, Мусо авлодими, Исо наслими, Муҳаммад пайғамбаримиз қавмими ҳаммага баробар.

**М а л и к а.** Э-э-э, ўйинчилар ишқ-муҳаббат учун эмас, кўнгилхушлик учун яралган!

**Ш о х Ф е р у з.** Раққосалар инсон руҳининг одам шаклидаги қиёфасидир. Улар инсон руҳини кўкка кўтаради, камолга етказади. Синиқкан руҳларни даволайди, мадад бўлади. Мутлақ руҳга талпинтириб, руҳларни қовуштиради. Аллоҳнинг васлига етиштирувчи воситачи пари руҳлардир. Уларнинг дилига озор берсанг, руҳинг синади. Руҳ синса, кимлигингни, борлигингни, ўзлигингни унутиб, тирик мурдага айланиб қоласан! Руҳсиз яшаб бўлмайди.

**Ш а ҳ з о д а.** Мен унга озор бермадим.

**М а л и к а.** Тавба, Шоҳ билан Шаҳзоданинг тупроғи бир жойдан олинган экан. Бу гўзал ўйинчини кўриб, шоҳимнинг ҳам хуши бошидан учди.

**Ш о х Ф е р у з.** Киноя қилманг, маликам!

**Ш а ҳ з о д а.** Мен муҳаббатимга эришаман!

**Шоҳ Феруз.** Одам Ато билан Момо Ҳаво эришган илоҳий муҳаббатга етишиш учун икки кўнгилнинг тоза ҳис-туйғулари қовушса, ҳақиқий муҳаббат пайдо бўлади. Муҳаббатга зўрлик билан эришиб бўлмайди.

**Она жон.** Инсон кўнглини тушунадиган адолат-парвар шоҳим! Саройдан кетишимга ижозат беринг!

**Шаҳзода.** Йўқ, асло! Рухсат берманг, отажон!

**Она жон.** Шундай адолатли шоҳнинг фарзанди оталарига муносиб бўлгай.

**Шаҳзода.** Отамнинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам улкан!

**Малика.** Шоҳимнинг сўзига қарши бормассиз, ўғлим?

**Шаҳзода.** Отамга сўз бераман, сизга озор бермайман. Лекин қалбингизни ишғол қилишга уриниб кўраман!

**Она жон.** Қалбини Ошиқ забт этиб бўлган, ҳаракатларингиз зое кетади! Менга рухсат беринг, хурматли шоҳим!

**Шоҳ Феруз.** Эмишким, Ҳиндистонда хивалик полвон билан ҳиндистонлик полвон кураш тушиши ҳақида эълон қилинади. Шунда Маҳмуд одатига кўра, шу атрофдаги қабристонларни зиёрат қилишга боради. Бир мозор олдида йиғлаб ўтирган кампирга кўзи тушади. Заифа бир авлиё қабрини зиёрат эта туриб: “Менинг ўғлим – подшоҳнинг катта полвони. Унинг норасида болалари бор. Эшлишишча, Хоразмдан полвон келганмиш. У менинг ўғлимни енгса, болалари нафақасиз қолади”, деб турганини эшишиб қолади. Полвоннинг кампирга раҳми келади. Эртаси икки тарафдан икки полвон майдонга тушиб, курашадилар. Паҳлавон Маҳмуд рақибининг кучсизланаётанини сезади. Уни даст кўтариб ерга урмоқчи бўлганида, заифанинг авлиё қабри бошида қилган нолалари ёдига

тушиб, тизза букади. Ҳиндистонда тизза букса, йи-  
қилган ҳисобланар экан. Ана шунаقا мард Паҳлавон  
Маҳмуднинг авлодимиз, ўғлим! Қуш каби эркин рак-  
қосани ўз ҳолига қўй! Қафасни тарк этиб, кенгликлар  
узра чарх ураверсин!

О на ж о н. Бир умр миннатдорман, шоҳим!

М а л и к а. Худога шукр!

Ш а ҳ з о д а (ўйланиб). Отажон, сиз ҳалқ орасидаги  
нодир қобилиятли олиму донишмандлар, фозилу фу-  
залолар, шоири мусиқачилар, ҳофизу хонандалар, гўян-  
даларни топиб, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқар-  
дингиз. Маърифат гулшанининг боғбони бўлдингиз.  
Менинг бир ўтинчим, бу қизнинг Аллоҳ берган қоби-  
лияти бор. Шу қобилиятини кўрсатиб, Хоразм ҳал-  
қининг афсонавий рақси “Лазги”нинг тўққиз турини  
тиклаб, бизга кўрсатсан! Кейин ихтиёри ўзида, майли!

Ш о ҳ Ф е р у з. Розимисан, қизим?

О на ж о н. Рози бўлмасдан иложим қанча, марҳа-  
матли шоҳим!

М а л и к а. Бир ялангоёқ қизга бунчалар марҳамат  
кўргузишнинг не кераги бор?! Тавба... (*Малика билан*  
*Шоҳ Феруз чиқиб кетади.*)

Р а Ҷ н о. “Лазги”нинг қиёматларини ўзим кўрсатар  
эдим, шаҳзодам! Сиз менга ишонмайсиз-да!

Ш а ҳ з о д а. Саройни, боғни, кутубхонани кўр-  
сатинг! Яхши жой ҳозирлаб, Онажоннинг айтганини  
қилинг!

Р а Ҷ н о. Кўнглимнинг кўчасидан ўргилдим!

Ш а ҳ з о д а. Нима дедингиз?

Р а Ҷ н о. Бош устига Шаҳзодам!

Ш а ҳ з о д а. Тезда айтанимни бажаринг! (*Кетади.*)  
О на ж о н. Опажон!

Р а Ҷ н о. Опажон дема, мен сендан ёшман!

Она жон. Кечирасиз, синглим.

Раън о. Синглинг ҳам эмасман!

Она жон. Узр, сиз мендан хафа бўлманг! Менга саройингиз ҳам, ўрнингиз ҳам, жойингиз ҳам керак эмас! Мен Шаҳзода қўйган шартни бажариб, озод бўлиб, қишлоғимга кетаман. Менга ўз эркимдан ўзга ҳеч нарса керак эмас. Кўрқманг!

Раън о. Нега қўрқар эканман? Рақсга тушиб, “Лазги”ни тикласанг, хоҳласанг-хоҳламасанг ҳам сарой раққосаси қилиб, олиб қолишади.

Она жон. Менadolатпеша шоҳимга ишонаман!  
Саройни кўрсатинг!

Раън о. Орқамдан юр! Шоҳ саройини юксак санъат кошонаси деса бўлади. Кошинлардаги гуллар оқ, кўк, зангори ранглар билан безалган. Оқ ранг – тозалик, ёруғлик, баҳт ва омад рамзи; кўк ранг – мовий осмон, ёмон кундан асраш, зангори – олий эътиқод рамзи.

Она жон. Дим зўр!

Раън о. Ёғоч ўймакорлик санъати Хоразмда жуда қадимдан пайдо бўлган. Ўймакор усталар мана бу устунларни тут, кўк тераклардан ясаган. Уч йилдан етти йилгача қуритилган. Иссиқ-совуқда ёрилмайди.

Она жон. Сиз қаердан биласиз?

Раън о. Саройда яшагандан кейин буларни билиш шарт, бекаҷ!

Она жон. Тушундим.

Раън о. Сарой пештоқларидағи нашқларда олам-олам маънолар яшириңган. Мадоҳил, олмагул, битов нақши, айланма нақш, турғунг, ҳошия нақши, жияк нақши, арқон, тирноқ нақшлари билан безатилган.

Она жон. Жуда чиройли нақшлар экан.

Раън о. Ўймакор усталарнинг ўзи ҳам наққош, ҳам ҳаттот ва ўймакор бўлган. Мадрасани тамомлаган,

тарихни билган, мусиқа ва назм билан таниш бўлган. Улар “улги” чизиш учун 5–7 йил устага шогирд тушган.

Она жон. Кўпқиррали истеъдод соҳиблари бўлишган экан-да.

Раъно. Мана бу эшик тавақалари ўсимликсизмон нақшдан турғунг, мадохил, тожигул нақшлар билан ўйиб ишланган.

Она жон. Эшикларнинг ўзи ҳам бамисоли санъат асари.

Раъно. Эшикнинг тавақа ва кесакисидаги ёзувлар форс ва араб тилларида, сулс ва насх хатида ёзилган.

Она жон. Ёзувлар бирон бир маънони англатадими?

Раъно. Тарих арабча сўз бўлиб, ўтган бирор воқеани англатади. Шарқ назмида ана шу воқеаларнинг бўлиб ўтган вақти шеърда ҳарфлар воситаси билан кўрсатилган. Шунинг учун ҳам араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф маълум бир рақамни билдиради.

Она жон. Масалан?

Раъно. Масалан, “Алиф” – 1 ни, “бе” – 2 ни, “жим” – 3 ни, “дол” – 4 ни ифодалаган.

Она жон. Ҳайратимнинг чеки йўқ!

Раъно. Муҳаммад Раҳимхон I Паҳлавон Маҳмудга атаб қурган мақбара эшик ва кесакиси чиройли ўйма нақшлари ичida сулс хатида битилган ёзувларнинг мазмуни шундай: Эй Парвардигор! Бизга фазлинг ва марҳаматинг эшигини очгил!

Она жон. Муҳаммад Раҳимхон I шоҳимизнинг оталарими?

Раъно. Албатта!

Она жон. Шоҳимизга ўхшаб, маърифатпарвар бўлган эканлар-да?

Раън о. Мана бу мисдан ясалган буюмлар нақшлар орасига шеър, халқ мақоллари, устанинг номи ҳам ёзилган (*мис буюмни олиб кўрсатади*).

Она жон. Мўъжиза, мўъжиза! (*Кўлига олиб, томоша қиласди*.)

Раън о. Хива ўймакорлари кўпроқ ислимий нақшлар кўллаганлар. Сарв дарахтини эслатувчи суратлар ҳам кўп ишлаганлар.

Она жон. Тарих устозига ўхшайсиз.

Раън о. Ҳақиқий санъаткор раққоса, тарихчи, файласуф, шоир, олим бўлиш керак. Унинг ақли, фикри, ҳаракатларида, маъноли кўзларида сезилиб туриши керак.

Она жон. Менга устозлик қиласиз.

Раън о. Раққосаларни кўпинча китоб ўқимаган, товуқмия, дейишади. Шунинг учун у ўзининг зиёли эканини кўрсатиши керак, бекач!

Она жон. Тушундим, устоз!

Раън о. Мана бу байроқтож Сайид Муҳаммад Аминхон даврида ишланган бўлиб, тожнинг юқори қисмига икки томонидан настаълиқ хатида “Ё Қодир” сўзи ёзилган ва чиройли нақшлар билан безатилиб, сайқал берилган. Тож ўртасида “Аллоҳ” сўзи ва кўзгуда акс этган каби унинг акси ёзиб қўйилган.

Она жон. Ўша ёзувнинг тагида нималар ёзилган?

Раън о. 1273 хижрий сана 1273 тож ишланган йилни билдиради. Бу байроқтож тўқ сарик мисдан ишланган бўлиб, мадохил (уч барг) шаклидадир. Мадохилнинг рамзий маъноси дунёнинг абадийлиги, яхши фикр, яхши ишни билдиради. Жамиятнинг асоси бўлган уч табақа, уч қатламни – олимлар, деҳқонлар ва навкарларни англатади. Тожга “Аллоҳ”, “Ё Қодир” сўзларининг ёзилишига сабаб “Аллоҳ – мададкоримиз” демак. “Ё Қодир” Аллоҳнинг

номи бўлиб, қудратли, ҳар ишни қила оладиган Аллоҳга улкан ишнинг олдидан қилинадиган илтижони билдиради.

О на ж о н. Эй Аллоҳ (*Байроқтожни ушлаб најсом сўрайди.*) Ё Қодир Аллоҳ, Хоразмнинг қадимий лазгисининг тўқиз турини аждодларга етказишга ўзинг мадад бер! Ўзинг онгимни покла, фикримни пешла, йўлимни оч! Рақс санъатининг пиру устозлари! Кўллаб-қувватланг!

### Парда

#### Иккинчи парда

#### Тўртинчи кўриниши

Кушларнинг чуғурлаб сайраши билан парда очилади.

Боғда Ошиқ билан Дўст маҳзун ўтирибди.

О ш и қ. Унинг изларини излаб келдим, ширинафасини кўмсаб келдим, унинг мушк-анбардек ҳидларини истаб келдим.

Д ў с т (*даражатларга қараб*). Кушлар нима деб чуғурлашини биласанми?

О ш и қ. У ҳақдаги ширинахёлларимдан чалғитасан доим!

Д ў с т. Саволимга жавоб бермадинг.

О ш и қ. Билмайман. Ҳозир юрагимга қил сифмаяпти-ю сен кушларнинг сайрашини сўрайсан!

Д ў с т. Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ, деб сайрап эканлар!

О ш и қ. Ростанми?

Д ў с т. Аллоҳим севган бандасига дард берар экан, бошига кулфат солар экан, айрилиқ азобида синааб кўрар экан. сен ҳам сабр қил, бир йўли топилиб қолар, дўстим!

О ш и қ. Хиванинг Хитой деворидек мустаҳкам  
деворидан ошиб ўтолмадим. Севгилиминг дийдорини  
кўролмадим.

Д ў с т. Мен ҳам тил топиб киришга уриндим, аммо  
бир иложини қилолмадим.

О ш и қ. Чегаралар мустаҳкам, навкарлари хушёр  
экан.

Д ў с т. Лекин сен умидсизликка тушма!

О ш и қ. Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,

Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок.

Гул тагида ўтири, чунки жуда тез

Гул ерга тўкилур, биз бўламиш хок.

Д ў с т. Дунёда Умар Хайёмга teng келадиган ошиқ,  
шоир, файласуф йўқ!

О ш и қ (жисддий). Бор!

Д ў с т. Ким?

О ш и қ. Ўзинг топ!

Д ў с т. Ҳофиз Шерозий.

О ш и қ. Йўқ.

Д ў с т. Алишер Навоий ҳазратлари.

О ш и қ. Йўқ!

Д ў с т. Шоҳ ва шоир Мирзо Бобур.

О ш и қ. У ҳам эмас.

Д ў с т. Э-э-э бўлди, Ибн Сино – шоир, табиб, файла-  
суф!

О ш и қ. У киши ҳам эмас!

Д ў с т. Ўзинг айт, ким?

О ш и қ. У улуғ зотларнинг ғуломи.

Д ў с т. Ким?

О ш и қ. Мен!

Д ў с т. Тентак!

О ш и қ. Йўқ. Мен ҳам тўртлик ёздим.

Д ў с т. (Ҳайрон.) Эшитайлик!

О ш и қ. На бир дўстим бор, на бир душманим,  
Ёлғиз ўзинг каби мен ҳам ёлғизман!  
Тавбалар қиласан, кечир Аллоҳим,  
Ёлғиз ўзинг каби мен ҳам ёлғизман.

Д ў с т (ҳайратланиб). Ўзинг ёздингми? Тентак!

О ш и қ. Қасам ичайми?

Д ў с т. Қойилман! Айрилик дарди сенинг қулфи  
дилингни очиби. Аламларингни, изтиробларингни,  
дарду хасратларингни қоғозга тўк, ижод қил! Довруғи  
дунёга достон шоир бўласан!

О ш и қ. Мен шоир бўлмоқчи эмасман! Севгилим-  
нинг васлига етмоқчиман! Чорасини топамиз, деб мени  
алдадинг, дўстим!

Д ў с т. Маъшуқанг асир қилинган, қўрғон мустаҳ-  
кам. Ҳар қадамда пойлоқчи ясовуллар, посбонлар. Сев-  
гилинг билан учраштиришнинг уддасидан чиқолмадим.  
Айборман!

О ш и қ. Севгилим соғ-омонмикан? Тутқунликда  
қандай кун кўряпти? Шаҳзоданинг зару зеварлари ақ-  
лини олиб, мени унутдими? Хат-хабар йўқ. Шубҳа  
гумонлар юрагимни ўртаб юборяпти. Тўлиб кетдим,  
дўстим! Еру кўкка сифмаяпман!

Д ў с т (дутор тутқазиб). Куйла, ошиқ дўстим!  
Мұҳаббатдан куй, қўшиқ, шеър яралади.

О ш и қ. Ох, оҳ ичим куйиб кетди (дуторни олиб  
“Дутор” лазгисини чалади).

Д ў с т. Оҳ-ей, воҳ-ей! Қойилман! (Рақс тушади.)

О ш и қ. Уни жуда соғиндим! (Берилиб чалади.)

Д ў с т. Жақу, жақу! (Рақс тушишда давом этади.)

О ш и қ. Ойдек юзларини, камон қошларини, жоду  
кўзларини соғиндим! (Авж билан чалади.)

Д ў с т. Воҳ, киштак, киштак! Юсуфбек дуторчини  
ҳам доғда қолдирдинг!

О ш и қ. Усиз яшолмайман! (*Күйини тугатади.*)

Д ў с т. Воҳ, воҳ-ей! (*Ошиқни даст кўтариб, ерга қўяди.*) Янги куй туғилди, дўстим! Оҳу ноланг билан юракни сел қилдинг! Ошиқлар азоб тортиб, охири муродига етишган. Сен ҳам муродингга етасан!

О ш и қ. Лайли-Мажнундек у дунёдами?

Д ў с т. Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанамлардек. Мен бунга ишонаман!

О ш и қ. Ҳаёт бунчалар шафқатсиз, дунё – бевафо. Икки ошиқ бир бўлишига рақиблар йўл қўймайди. Ошиқ-маъшуқлар қовушса, дунё яна ҳам гўзал бўлади. Мангалик олдида инсон умри бир лаҳзалик капалак умридек экан. Шу қисқа умрда бир-биrimizga ёмонлик қиласиз, ширин ошимизга оғу соласиз. Нега ҳасад қиласиз, нега бир-биrimizни ранжитасиз? Нозик дилларга озор берасиз, ёвузликлар қиласиз. Капалак умридек умrimизда эзгулик қилиб яшайлик, бир-биrimizning кемтик қалбимизга малҳам бўлайлик. Дардманд кўнгилларни ширин сўз билан даволайлик. Бир-биrimizни юрагимизни эзмасдан, руҳимизни синдирмасдан, кўнгил уйини вайрон қилмасак, тенгсиз гўзал дунё бўлар эди!

Д ў с т. Машраб бобомиз шундай дунёни орзу қилган.

О ш и қ. Мирзо Бедил ҳам!

Д ў с т. Мансур Ҳаллож ҳам!

О ш и қ. Биз ҳам шундай дунёни орзу қиласиз.

Д ў с т. Инсон орзусиз яшолмайди.

О ш и қ. Демак, орзу-умид билан тирикмиз. Эй одамзот, атрофингга боқ, оёғинг остидаги хокисор замин, тубсиз кўм-кўк осмон, оппоқ булутлар, мағрур тоғу тошлар, ям-яшил далалар, гуллаган дараҳтлар. Қояларни тешиб чиқсан тиник булоқлар, табиатга жон ато этган дарёлар, мовий кўзлардек тубсиз денгизлар, кумуш ёғду сочган ой, порлаб турган қуёш, қора тун

бағрида жилваланиб, милтираб турган юлдузлар Аллоҳнинг яратган мўъжизаси, жаннат шу ердир! Унинг қадрига етиб яшашимиз керак!

Д ў с т. Тўғри айтасан, дўстим. Дунёга келиб боғ яратмасдан, солиҳ фарзанд қолдирмасдан, яхшилик қилмасдан изсиз ўлиб кетиш – даҳшат!

Р и з о б а х ш и. Одамлару одамлар,  
Боғда битган бодомлар!  
Эшитмадим деманглар,  
Эшитганлар жилманглар!

Шаҳоншоҳим фармон чиқардилар. Биринчи фармон: кимда-ким шароб ичса, банг чекса, бузукчилик қилса, оғзи қулогигача кесилур!

О ш и қ. Жуда яхши фармон!

Д ў с т. Жим, эшитайлик!

Р и з о б а х ш и. Иккинчи фармон: кимда ким халқимизнинг мумтоз мусиқа мероси – мақомларни, куйларни, халқ қўшиқларини бузиб айтса, қирқ бир дарра урилиб, сазойи қилинади!

О ш и қ. Оҳ, жуда зўр фармон экан. Лўттибоз қўшиқчи, созанда, хонандалар камаяр экан.

Д ў с т. Энди сен жим тур!

Р и з о б а х ш и. Учинчи фармон: Унутилган асл Хоразм “Лазги”сининг тўққиз турини қайта тиклаш учун халқ орасида Аллоҳ юқтирган истеъдодлар кўриктанловини ўтказади. Истеъдод соҳиблари саройга таклиф этилади.

О ш и қ. Ана, Аллоҳим – меҳрибон, саройга кириш учун йўл топилди.

О ш и қ. Хоразм “Лазги”сини халқ орасидан йиғиб, олиб борамиз!

Д ў с т. Мен “Масхарабоз лазгиси”ни ўйнайман. Ҳамма ҳайратдан лол бўлади!

О ш и қ. Мен “Дутор лазгиси”ни чалиб бераман.  
Севикли ёрим васлини кўришга мушарраф бўламан!  
Аллоҳим марҳаматингдан айланай! (*Хурсанд бўлиб чиқиб кетади. Дўст орқасидан югуради.*)

### Бешинчи кўриниш

Қафассимон саройнинг боғи.

О на ж о н. (*Оёгини ушлаб, инграяпти.*) Оҳ оёғим,  
вой жоним!

Р а ъ н о. Овозингни ўчир, эшишиб қолишади!

О на ж о н. Мен сизни устоз деб этагингиздан тутган  
эдим! Нима қилдингиз?

Р а ъ н о. Мен ҳеч нарса қилмадим!

О на ж о н. Мен чиқадиган зинани арралатиб  
қўйибсиз, зина синиб, йиқилиб тушдим!

Р а ъ н о. Туҳмат қилма, ўчир овозингни, деяпман!

О на ж о н. Энди қандай рақсга тушаман?

Р а ъ н о. Бир умр ногирон бўлиб қоласан! (*Кулиб.*)  
Менинг бу ўрнимни ҳеч ким ололмайди!

О на ж о н. Бу ердан менга бирон ўрин керак эмас.  
Менга амал керак эмас! Вой оёғим!

Р а ъ н о (*кулиб*). Ногирон бўлиб, рақс тушишга  
ярамай қолсанг, айни муддао. Мен хотиржам яшайман!  
(*Оталиқ билан Шаҳзода кириб келади.*)

О т а л и қ. Нима гап, нима бўлди?

Р а ъ н о. Бу бефаросат кўзига қарамасдан йиқи-  
либ тушди. Қанча айтдим, янгисан, саройнинг ўнқир-  
чўнқирларини билмайсан, эҳтиёт бўлгин, деб.

Ш а ҳ з о д а. Кўп гапирма, нима бўлди?

О на ж о н. Айтолмайман!

О т а л и қ. Ёш жонингта жабр қилмасдан ҳақи-  
катни айт, қизим!

Р а ғ н о. Шоҳ фармонини назарига илмасдан, атайлаб йиқилиб, оёғини синдириб олди. Мақсади – рақс тушмасдан саройдан қочиш!

О на жон. Ёлғон!

Р а ғ н о. Ёлғон гапирсам тилимдан ари чақиб, ҳар дардга мубтало бўлай!

Ш а ҳ з о д а. Бўлди, бу айёрни биламан! Чўчимасдан бор ҳақиқатни айт!

Р а ғ н о. Менга ишонмаяпсизми?

Ш а ҳ з о д а. Гапир!

О т а л и қ. Шоҳ буйруғига ҳурматсизлик қилиш – оғир гуноҳ! Ҳақиқатни сўйла, қизим!

О на жон. “Лазги” тарихини ўрганиш учун шоҳимизнинг кутубхонасиға тез-тез кириб туардим. Кутубхонага чиқадиган зина арраланган экан, йиқилиб тушдим.

Р а ғ н о. Ишонманглар, тухмат бу.

О на жон. Ишонмасанглар, бориб кўринглар! Appa излари турибди. Юпқа қилиб арралаган экан.

Ш а ҳ з о д а. Оталиқ, кўриб келинг!

О т а л и қ. Хўп бўлади, Шаҳзодам.

Р а ғ н о. Шунча йил саройда садоқат билан ҳизмат қи-лаётган менга ишонмасдан, кечагина келган қизга ишонасизми?

Ш а ҳ з о д а. Ҳозир кўрамиз.

О т а л и қ. Appa билан кесилган экан.

Р а ғ н о. Мен кестирмадим!

О т а л и қ. Айёрлик қилма, итнинг феъли эгасига маълум. Тафтиш чақиртириб, айбингни бўйнингга кўй-масимдан, иқрор бўл!

Ш а ҳ з о д а. Ғазабимга дучор бўлмасдан, чин сўзни айт, дедим! (*Қаҳр билан бақиради.*)

Раъно (*тиз чўкиб*). Мени кечиринглар! Ҳасад кўзимни кўр қилиб қўйди. Ҳасад юрагимни ўйди. Ҳасад ичимни кемириб, адо қилди.

Шаҳзода. Тушунарли. Оталиқ, нима жазо берамиз?

Оталик. Шоҳимизга бўлган воқеани айтамиз. Нима жазо қилсалар, ўзлари билади!

Раъно. Илтимос, шоҳимга айтманглар! Қаҳрларидан кўрқаман!

Шаҳзода. Ит эмган, мен яхши кўрган қизга озор беришга қандай журъат этдинг?

Раъно. Кечиринг, Шаҳзодам.

Шаҳзода. Кечирмайман! Отамнинг қаҳридан кутулсанг ҳам мендан кутулмайсан! Оталиқ!

Оталик. Лаббай, Шаҳзодам!

Шаҳзода. Бу алвастини отнинг думига боғлаб, чўлга ҳайданг!

Раъно. Йўқ, мени кечиринглар! (*Шаҳзода олдида тиз чўкади*). Хато қилдим. Ёлвораман, Шаҳзодам, бир марта кечиринг! Бошқа бундай номаъкул бузоқнинг гўштини емайман. Кўролмаслик касалига чалинган юрагимни ўзим суғуриб, итларга бераман! Кечиринг!

Шаҳзода. Оталиқ буйрукни бажаринг!

Оталик. Тур, нодон, кетдик!

Раъно. Болангизни кўтариб, катта қилай, Шаҳзодам! Сочим билан йўлларингизни супурай, Шаҳзодам! Оёғингиз остига пояндоз бўлай, Шаҳзодам, кечиринг!

Шаҳзода. Сочларидан судранг бу малъунни!

Онажон. Шаҳзодам, мен учун бир қошиқ қонидан кечинг!

Шаҳзода. Чаённи янчмоқ керак! Пайт пойлаб яна заҳарли найзасини санчади.

Онажон. Илтимос, мени десангиз кечиринг уни!

О т а л и қ (жылмайиб). Қалби кенг қиз экансан.  
Сенга душманлик қилған одамни ҳам кечира олар экансан,  
баракалла қизим!

Ш а ҳ з о д а. Унинг этагини ўп, кечирдим!

Р а ъ н о (ийеглаб этагини ўпади). Раҳмат. Яхши-  
лигингни унутмайман!

О на ж о н. Илтимос, бу хабар шоҳим қулоғига етиб  
бормасин, эшитиб, диллари хуфтон бўлмасин.

О т а л и қ. Ақл-фаросатингга балли, қизим!

Ш а ҳ з о д а. Шунинг учун бир кўришдаёқ кўнгил  
қўйганман-да, Оталиқ!

О на ж о н. Ҳайит байрамида “Лазги”нинг тўққиз  
турини ижро этаман.

Ш а ҳ з о д а. Ўша кунни интизорлик билан кутаман!  
(Чиқиб кетишади.)

Р а ъ н о. Нега менга хотамтойлик қилдинг?

О на ж о н. Қон тўкилишини истамайман! Ато  
этилган жонни вақти-соати етиб, Аллоҳнинг ўзи олгани  
маъқул!

Р а ъ н о. Майли мен борай, қўркувдан қора терга  
тушиб кетдим! Кийимларимни алмаштириб келай!

О на ж о н. Менинг ютуқларимни кўришингизни  
истадим.

Р а ъ н о. Албатта кўраман! (Таъзим билан чиқиб  
кетади.)

О на ж о н. Етмиш икки томиримни ларзага келти-  
риб, аъзойи баданимни титратиб, руҳимни нағмага  
солған куйингиз ҳамон қалбларда садо бериб турибди.  
Ўша улуғ кунни, ўша лаҳзани, завқли онларни қўм-  
сайман. Бормисиз, омонмисиз, Ошиғим? Менинг ку-  
йимда кул бўлмасдан, майсадек сўлимасдан, япроқ-  
дек узилмасдан юрибсизми, Ошиғим?! Мен сизни  
соғиндим. Қора кўзларингизни соғиндим, баҳмалдек

кошларингизни соғиндим, ширин-шакар сўзларингизни соғиндим.

Раъно. (Кириб.) Бикачим, сизни бир дарвеш йўқлаб келибди.

Она жон. Дарвеш? Майли, кирсин!

Раъно (бошлиб киради). Марҳамат!

Она жон. Бизни холи қолдиринг!

Раъно. Узр, Бекачим! (Чиқиб кетади.)

Она жон. Дўст ака, дўстингиз омонми?

Дўст. Соғ-саломат!

Она жон. Мени унутмадиларми?

Дўст. Ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳза сизни эслайди.

Она жон. Ўзингиз яхшимисиз?

Дўст (кулиб). Кўриб турганингиздек, соғман.

Она жон. Шоҳимизнинг фармонларидан хабарингиз борми?

Дўст. Ошиқ билан иккимиз Хоразм шаҳрини, чўлу биёбонларни, одам оёғи етмас қишлоқларни кезиб, “Лазги” куйини, қўшиғини ахтариб топдик. Жуда ҳам гўзал санъатимиз бор экан. (Қоғозларни узатади.) Сизга маълумотлар олиб келдим.

Она жон. Менга кераклигини қаердан билдингиз?

Дўст. Аллоҳ қўнглимга солди.

Она жон. Темир тўсиқлардан қандай ўтдингиз?

Дўст. “Лазги”нинг мусиқий ёзувларини тўплаб келдим, дедим. Рухсат беришди.

Она жон. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Дўст. Саройдан қочишнинг иложини қиласиз. Ошиқ сарой ортидаги девор тагида пойлаб турибди. (Шивирлаб гаплашади.)

Она жон. Кўп ҳаракат қилдим, қочишни эплолмадим. Шоҳим шарт қўйдилар. Шартини бажарсам инон-ихтиёрим ўзимда бўлади.

Д ў с т . Қанақа шарт?

О на ж о н . Ҳайит байрамида, ўша улуғ кунда кўришамиз.

Д ў с т . Биз ҳам қатнашамиз.

О на ж о н . Энди боринг, Ошиғимга саломимни етказинг!

Д ў с т . Ошиқ сизнинг васлингиз умиди билан яшяяпти.

О на ж о н . Мен ҳам. Кутмоқ ва умид қилмоқ керак!

Д ў с т . Хайр, яна кўришгунча омон бўлинг!

О на ж о н . Аллоҳ паноҳида асрасин!

Д ў с т . Сизни ҳам, синглим (*чиқиб кетади*).

О на ж о н . Худога шукр, унутмабди!

### **Олтинчи кўриниши**

Саҳна Хиванинг қадимий мақбаралари, миноралари сурати солиниб тикилган кашталар, палак, сўзаналар, жойнамозлар билан ясатилган. Малика саҳнага чиқиб тахтни, саройни дикқат билан текшириб чиқади. Сурнай садолари остида

Шоҳ, Шаҳзода, Оталиқ киришади ва ўтиришади.

Р и з о б а х ш и (*кириб*).

Одамлару одамлар

Боғда битган бодомлар.

Эшитмадим деманглар,

Эшитганлар жилманглар!

Бугун унутилган ноёб рақс санъати дурдоналарини топиб, сайқаллаб, авлодларга олтин мерос қилиб қолдириш мақсадида кўрик-танлов ўтказамиш. Марҳамат, шоҳим!

Ш о х Ф е р у з . Ота-боболаримиздан мерос унтилмас мумтоз мақомлар, куй-кўшиклар, рақслар,

ёп-ёр, ўланларимизни, достону афсоналарни қайта тиклаш – ўзлигимизни, асл қиёфамизни тиклашдир. Ўзлигимиз, ўзагимиз аслимизни билиш ўзлигимизни англашдир. Кимлигимизни унутмаслик бурчимиздир. Олтин меросимизга гард юқтирмай сақлаб қолиш – олий мақсадимиз. Марҳамат, бошланглар! (*Ризо баҳии сози билан ғазал ўқийди.*)

Р и з о баҳи. Чархини тоблаб соз этган,

Йигитни кўрса ноз этган,

Шу Манғитнинг қизлари.

Оёғида ковуши йўқ,

Ухлай деса болиши йўқ,

Ҳазораспнинг қизлари.

Даричаси сочоқли,

Узун бўй, кенг қучоқли,

Шу Хиванинг қизлари.

Кўлида бор билакузук,

Аввало беллари нозик,

Шу Урганчнинг қизлари.

Боқчи кўрса бойим дер,

Қамиш кўрса жойим дер,

Қозокларнинг қизлари.

(*Шоҳ олқишилади. Ҳамма қўшилади.*)

Бир қошиқ қонимдан кечинг, шоҳим!

Шоҳ Феруз. Сўзла!

Р и з о баҳи. “Алиқамбар” куйи билан Мискин куйини чалиб берганимда бир ҳамён олтин бердингиз, раҳмат! Шотирларингиз томи йўқ уй куриб беришди.

Шоҳ Феруз. Куй чалганингизда бир пардасини чалмай, ташлаб кетдингиз. Шунинг учун атайлаб шундай уй қурдиртирдим, энди куйларнинг пардасини ташламасдан чаласиз!

**Ризо бахши.** Узр, шохим! Берунийнинг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида қадимги “Оғам” ҳайит байрами тантанали нишонлангани ёзилган. Ҳайитнинг асосий мазмуни покланиш – оловни шарафлашдан иборат бўлиб, “Олов” рақси дунёга келган. Марҳамат, томоша қилинг! (*Раққоса қиз “Олов” рақсини ижро этади. Шоҳ ва унинг атрофида ўтирганлар олқишилайди.*)

**Шоҳ Феруз. Маъқул!**

**Ризо бахши.** Масхарабозлик ўйинлари “Лазги”га ҳам таъсир қилиб, “Масхарабозлик лазгиси” вужудга келган. Бу ўйиннинг мазмуни қушларга, ҳайвонларга, ёмон феълли одамларга тақлид тариқасида ўйналади. (*Дўст “Масхарабоз лазгиси”ни ижро этади.*)

**Малика.** Жуда ҳам кулгули! (*Шоҳ кулади, атрофидагилар ҳам қўшилиб кулади.*)

**Ризо бахши.** “Қайроқ лазгиси” доира жўрлигида шундай ўйналади. (*Саҳнанинг бир томонидан бир йигит доирада рез чалиб чиқади. Қайроқ “чир-чир” этган қуши садоси резини бошлаб чиқади. Саҳнанинг иккинчи томонидан бир қиз қайроқ чалиб чиқади. Иккаласи ҳам тўхтайди. Доира “лак-лак” деб чорлайди. Йигит баҳшининг айтганини оғзида тақрорлайди. Қайроқ “тақ-тақ” деб овоз чиқаради. Қиз қайроқда тақрорлайди. Доира “лак-лак-лум” деб чорлайди. Йигит доирада чалади. Қайроқ “тақ-тақа-тум” деб садо беради. Қиз қайроқда чалади. Доира “лака-лум-лак” деб чорлайди. Йигит доирада чалади. Қайроқ “така-тум-так” деб жавоб беради. Қиз қайроқда чалади. Сўнг доирада “лак-лака-лум-лак” дегандек савол беради. Йигит доирада чалади. Қайроқ бўлса “така-лаку-так, тақ-лаку-так” деб жавоб қайтаради.*)

*Киз қайроқда чалади. Мусобақа бошланади. “Қайроқ лазгиси”ни йигит билан қиз ижро этишиади.)*

Шох Феруз. Улуг санъатимиз бор!

Ризобахши. Дутор қачон кашф этилганини айтиш қийин. Эҳтимол, уни күнглига шодлигини сифиролмаган ёки абадий жудоликда қолдириб кетган жафокаш ёрини эслаб, ғамга ботган, күз ёшлари шашқатор бир йигит кашф этгандир (*“Дутор лазгиси”ни Ошиқ ижро этади.*)

Шох Феруз. Машшоқ ишқ дардига мубтало бўлган.

Ризобахши. Хоразм эронийлари Хоразм мусиқа ва рақсларини ўзлаштирганлар. Эрон халқининг миллий рақсларида янгича услубда “Эронийлар лазгиси” ёки “Чангак лазгиси” пайдо бўлади. Бу рақс услубининг асосида “Ашуро” маросими таъсири сезилиб туради. (*“Чангак лазгиси” ижро этлади.*)

Шох Феруз. Офарин!

Ризобахши. “Гармон лазгиси”да аёл гўзаллиги, иффати, шодлиги ифодаланади. Бу, асосан, юз, қош, кўз, қўллар, қадди-қомат ҳаракатлари орқали намоён этилади (*гўзал раққоса ижро этади*).

Малика. Ҳовва, ҳовва, жуда гўзал!

Ризобахши. Рақс олами аста-секин ривожланади. Аёллар рақсини ижро этувчи маҳсус ёш ўйинчи эркаклар пайдо бўлади. Ваҳоланки, шу йўл билан исломга келгач, тақиқланган. Аёллар рақс санъатини эркаклар сақлаб, бизгача етказиб келишган. Акс ҳолда аёл рақс санъати, эҳтимол бутунлай йўқ бўлиб, ғариблишиб қолган бўлур эди (*аёл кийимидағи ёш йигит “Ўғлон бола лазгиси”ни ижро этади*). Юксак маданиятли ўлканинг санъати ҳам буюк бўлади. Атроф-муҳитдаги ранг-баранг гўзаллик, меъмору ҳу-

нармандларнинг нозик санъати рақс ижодкорларини ҳам илҳомлантирган. Инсон ўз қўли билан яратган мўъжизалардан баҳра олиб, қалбида туғилган ҳаяжонни рақсга кўчиради. Масалан: Минорага қиёсан бир жойда турганлигини таъкидлаш учун лаган устида оёғини қимирлатмасдан юз, кўз, қўл ҳаракатлари билан ўйналадиган энг мураккаб рақс услуби яратилди. (*Онаажонни йигитлар лаганда кўтариб чиқишиади. Онаажон “Хива лазгиси”ни ижро этади.*)

Шоҳ Феруз. Оҳ, оҳ, қойилман, қизим! (*Онаажонни саҳна четига олиб қўйишиади.*)

Ризобаҳши. Элимизда “Сурнай лазгиси” завқшавқ уйғотувчи куй саналган. Ҳатто хоразмшоҳлар даврига келиб “Сурнай лазгиси” жанг олдидан ва ғалаба қозонгандан чалинадиган расмий бир куйга айланади (*ошиқ ёрини кўрганидан завқланиб, “Сурнай лазгиси”ни чалади. Ҳамма баҳтиёр олқишилади*). Хоразмнинг қадимий лазгисининг тўққиз турини жамлаб, Онаажон ҳалфа намойиш этди.

Шоҳ Феруз. Энг олий мукофотни “Хива лазгиси”ни ижро этган Онаажонга тақдим этаман! (*Мукофотни олиб узатади.*)

Онаажон. Бир қошиқ қонимдан кечинг, ололмайман шоҳим!

Шоҳ Феруз (*ажабланиб*). Нега?

Онаажон. Оёқ-қўлим синган!

Шоҳ Феруз. Оёқ-қўл синган ҳолатда рақсга тушиш бу қандай синоат?

Онаажон. Озодлик орзуси, шоҳим!

Шоҳ Феруз. Ҳайратдаман, санъатингга тасанно қизим!

Оталик. Ошиқ сурнайчини бўзлатган, Онаажонни шабнамдек титратган – муҳаббат!

**Шоҳ Феруз. Ким у Ошиқ?**

Ошиқ. Мен, шоҳим. Маъшуқамнинг васлига етиш учун бошимни кундага қўйишга ҳам розиман!

Шоҳ Феруз. Оҳ, оҳ-ей, қизиқон йигит экансан-ку! Бошинг менга керак эмас. Мен билан Паҳлавон Маҳмуднинг тўртликларидан айтишгин-да, мени енгсанг, маъшуқангни олиб кетишинг мумкин! Шартим маъқулми?

**Ошиқ. Бошланг шоҳим!**

**Шоҳ Феруз. Оҳ-ей, зўрсан-ку!**

Дард эгасидан ул сўз менга ёд эрур,  
Мард хизматин этмаган мард эмасдур.  
Номард хизматига ёндашма зинҳор,  
Боадаб йигит аҳди мардга хизмат эрур.

Ошиқ. Замона ситамида кўзни гирён кўрдим,  
Ҳар неча машаққат бор, мен ҳамон кўрдим.  
Нуҳ минг йил ичида бир тўфон кўрди,  
Мен Нуҳ эмас, лекин минг тўфон кўрдим.

**Шоҳ Феруз.**

Қора тош, дур каби маъдан бўлмас,  
Мурч ила занжабил ширин таъм бўлмас.  
Кулоқ солгин Пурёйивали сўзига,  
Асли нодуруст одам сира мард бўлмас.

Ошиқ. Оқил аҳли хисга гирифтор бўлмас,  
Ҳасад қилган билан тилло хор бўлмас.  
Номард ит кабидир, мард – буюк дарё,  
Дарё ит дамидан ҳеч мурдор бўлмас.

**Шоҳ Феруз.**

Ёмонга ёндашма, бўлгин йироқ,  
Ҳар дам йўлингга қўяди тузок.  
Эгри ёйни кўриб тўғрилигидан,  
Ўқундан қанчалик қочганига бок.

О ш и қ. Бир эр ўзин ҳар ерда қоплон қилса,  
Тош қалъалардин юзини вайрон қилса.  
Юз йил куну тун рўза, намоз айласа ул,  
Тенг бўлмагай ул бир очни меҳмон қилса.

Ш о х Ф е р у з. Тан бердим, энг олий мукофотга  
сазовор бўлдингиз!

О ш и қ. Энг олий мукофот – ЭРКИНЛИК!

Ш о х Ф е р у з. Ошиқ билан Онажонга ҳеч ким  
халал бермасин! Оққушлардек самога парвоз қилсин!

(*Ошиқ Онажонни кўтариб, саҳнадан чиқиб кетади.  
Хонандалар, созандалар, раққосалар Комилжон Отаниёзов  
“Ялла лазгиси”ни ижро этишади.*)



---

◆ ◆ ◆

## РАШК

### Кулги-ҳикоя

#### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Майрамхон.  
Азим чўқинди.  
Ҳамро булбул.

### Биринчи парда

Азим чўқинди жимжимадор нақш солинган сандиқ кўтариб, саҳнага чиқади. Сандиқни очиб, сибизға, уд, скрипка, чанқовуз, арфа созларини олиб, саҳнага териб кўяди. У кенг дўппи, бесўнақай салла, тўн, ясама соқол-мўйлов, баҳайбат қорин ва аёллар кўйлак-рўмоли, иккита пичоқ, тахтачани сандиқдан чиқариб кўяди. Сандиқни очганида аёл чиқади.

А з и м ч ў қ и н д и. Бу хоним – Майрамхон! Асл исмлари Латофат, ҳуснда тенгсиз, кўқонлик маши-надўзнинг қизи.

М а й р а м х о н. Найрангбоз Азим чўқинди не-не кулфат ва ҳақоратларга дучор бўлса-да, мени чин дилдан севиб, ёруғликка олиб чиқдилар. Хотинини очиқча чиқарганлари учун эл ичиди Азим чўқинди номини олганлар!

А з и м ч ў қ и н д и. «Уфори», «Қанди наво», «Дилхирож» ҳалқ рақсларини қотириб ўйнайдилар.

М а й р а м х о н. Санъатимни тушунадиган ҳалоскорим!

*(Азим чўқинди яна сандиқни ётиб очади. Сандиқдан эркак чиқади.)*

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Ҳамро Ғаффоров Ургутнинг Фус қишлоғидан. «Майда қарсак» рақсини майин, ёқимли, серифода ижро этиб, эл орасида Ҳамро булбул номини олганлар.

ҲАМРО БУЛБУЛ. Кишини хижолат қилманг!

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Буюклар оддий ва камтар бўлади. Бугунги томошамиизда ...

МАЙРАМХОН. Танқид, тақлид, муқаллид, кулгихикоялар ҳам бўлади.

ҲАМРО БУЛБУЛ. Халқ ўйинлари ҳам бўлади

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. «Рашқ» деб номланган кулгихикоямизни томоша қилинг!

*(Азим чўқинди ва Ҳамро булбул чиқиб кетади, Майрамхон саҳнадаги кўйлакни кияди, рўмол ўраб ўзга аёл қиёфасига киради).*

МАЙРАМХОН. Болаликда қўшиқ куйлашни, рақс тушишни, артист бўлишни орзу қилмаган одам бўлмаса керак. Мен ҳам жумлаи мўмин қатори артист бўлишни орзуладим. Қабрлари нурга тўлгур отам раҳматлик бу ниятимни эшишиб, ота-бувамииздан артист чиқмаган, деб 17 ёшимда орзумни армон қилиб, кўз-ёшларимни кўл қилиб, дод, эрсираганим йўқ, ўқийман, десам ҳам чирқириатиб, оху зоримга қарамай куёвга бериб юбордилар. Куёв дегани ёвдай гап экан. Кўхликкина бўлганим учунми билмадим, итдан ҳам, битдан ҳам, ҳатто, эркак курт-кумурсқалардан ҳам рашқ қиласди. Куёв тушмагур ҳам Рустамдек қадду басти келишган, қадам босса оёғи остида ер титрайдиган, йўталса уй шифтлари тўқилиб тушадиган, қўллари паншахадек йигит эди. Кечасию кундузи тинмасдан пешонасини терлатиб, роса ишладилар. Мехнатлари зое кетмади.

Мен ҳам серхосил ердайгина бўлиб, оз эмас, кўп эмас 15 тагина фарзанд кўрдим. Ҳар бири Алпомишдай, Фарҳоддай, Авазхондек 8 ўғил, Мисқол пари, Юнус пари, Зухрахонлардек 7 қизлик бўлдим. Ўғилларим чақмоқдек йигитлар бўлди. Сочининг ҳар бир толасига 7 қиз ошиқ бўлди. Ёмон йўлга кириб кетмасин, деб кўзи очилмасдан уйлантириб қўйдик. Улар ҳам отасидек меҳнаткаш бўлганларидан бола-чақали бўлиб кетишиди. Қизларим ақл-фаросатли, ҳаёли, иболи бўлгани учун 16 ёшга тўлар-тўлмас совчилар эшигимизни бузишиди. Куёв бўламан, деган йигитларни осто намдан зўрға ҳайдаб солиб, кўнгил қўйганларига аста сўраб, узатиб юбордик. Қизларим ҳам худди ўзимдек этакларидан кўпайишиди. Бир этак неварали-чеварали бўлдим. Елкамдан тоғлар ағдарилди. Лекин юрагимнинг туб-тубида чўкиб қолган орзуни ўлдириб бўлмас экан. Ўйин-кулгини яхши кўраман. Ярим-яланғоч саҳнага чиқиб, ойнаи жаҳон орқали чала-чулпа қўшиқ куйлаётганларни кўриб, қоним қайнаб, бир уларга ҳақиқий қўшиқ-ўйин қандай бўлишини кўрсатиб қўяй деб, чолимнинг елкасини силаб, дардимни айтсан «қариганда йўрға чиқарма, уч тийинлик тангадай қилиб ўтири!» дедилар. Кўпол гапларидан эзилиб-эзилиб йиғлаб, дардимни Аллоҳга айтиб ёлвордим. Ичимда ажриқдек чирмасиб, дарди бедаво касалдек ўртаб ётган артист бўлиш орзуимни сўлдириб ҳам, ўлдириб ҳам бўлмади. Унутилган куй-қўшиқларни, ўйинларни қайта тиклаб, сайқаллаб дунёга олиб чиқиши, дунё кезиши орзузи ётсан ҳам, турсам ҳам тинчлик бермади. Мен барибир орзуимга етаман, деб аҳд қилдим. Куй-қўшиқни майна қиласидиганларга қарши ўт очаман, дедим. Менинг «сантиквар» санъатимни тушунадиганлар топилиб, концертларга, томошаларга, сайлларга таклиф қила бошлади. Ҳатто тўйларга ҳам

бирровга чақирадиганлар бўлишди. Лекин мен тўйларга бориб, санъатимни сотмадим. Қистир-қистирларга пешонамни тутмадим. Ана шунаقا санъатга содик инсонман. Тўй ҳаммани боқяпти-ку, дейсизми? Мен пулга муҳтож эмасман. Чолимга айтмасдан қочиб келдим. Томошага келиб қолиб, бузмаса гўрга эди-я! Мақсадимни биласизлар, хунаримни кўриб, ўзларингиз баҳо берасизлар.

(«Пичоқ ўйини» бошланди. *Майрамхон оёгининг остига кичик таҳтача қўяди. Пичоқни бир-бирига уриб, таҳтача устига чиқиб, бир оёқлаб, сакраб-сакраб куйлади.)*

Сочим нега ўсмайди, гулбоққа, гулбоққа,

Учиди тумори бор, гулбоғ.

Ёрим нега келмайди, гулбоққа, гулбоққа,

Кўнглида гумони бор, гулбоғ.

(*Тўхтосиз жазавага тушиб, гулбоққа, гулбоққа, гулбоққа, гулбоққа! – деб роса сакрайди. Майрамхон ҷарчаб, ҳансираҳ таҳтача устидан тушади.)*

М а й р а м х о н . Ташаккур, қуллик, мен сизларни севаман!

Майрамхонни санъатидан таъсиrlаниб, бир чол саҳнага югуриб чиқади.

Ҳ а м р о б у л б у л . Офарин! Тасанно! Салламно!

М а й р а м х о н . Соғ бўлинг!

Ҳ а м р о б у л б у л . Онажонимдан кўйлак, иштонсиз дунёга келганимдан буён бундай ўйинни кўрмаган эдим. Салламно!

М а й р а м х о н . Биз ана шунақамиз. Ярқ этиб онангизни кўзингизга кўрсатиб қўямиз!

Ҳ а м р о б у л б у л. Фақат онажонимни эмас, уруғ-авлодимни, етти пуштимни эсдан чиққан ўйинларини кўргандай бўлдим. Салламно!

М а й р а м х о н. Бу – кўшиқ!

Ҳ а м р о б у л б у л. Кўшиқми, ўйинми, бари бир эмасми!

М а й р а м х о н (*кулиб*). Фаросатингиздан айланай!

Ҳ а м р о б у л б у л. Ўйинингиз мени тўлқинлантириб юборди (*энтикиб*). Кўксимдаги юрагим күшдек патиллаб қолди. Нима деяётганимни билмаяпман!

М а й р а м х о н. Ўпкангизни босиб олинг!

Ҳ а м р о б у л б у л. Босолмаяпман, босолмаяпман, завқланиб кетяпман! (*Ўйнокълайди*.)

М а й р а м х о н. Сизда ҳам эски ўйиндан бир парча борми?

Ҳ а м р о б у л б у л. Бир парча эмас, анча-мунча бор!

М а й р а м х о н. Кўрайлик!

Ҳ а м р о б у л б у л. Ҳозир эмас, мавриди келганда!

М а й р а м х о н (*у ёқ бу ёққа аланглаб*). Кўрган кўз нима дейди, илтимос, саҳнадан тушинг!

Ҳ а м р о б у л б у л. Нима дерди, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейдилар. Сизнинг санъатингиз мени мафтун қилиб қўйди. Эй, қўл етмас юлдуз!

М а й р а м х о н (*хуши ёқиб*). Фақат ўйинимми?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Ҳуснинг ҳам мени асир қилди.

М а й р а м х о н. Ана шунаقا, сал кулиб қарасанг мафтун бўлдим, асир бўлдим, дейишади. Кейин бир пиёла чойга таклиф қиласди. Ҳомий бўламан, дейди.

Ҳ а м р о б у л б у л. Тавба, тилимнинг учидаги, дилимнинг тубидаги гапни топасиз-а! Томошадан кейин бир пиёла чой ичайлик! Ҳомийингиз бўламан!

Дунёга олиб чиқаман! Унutilган куй-оҳангларимизни дунёга кўз-кўз қиласиз!

Майрамхон. Мен сизга ишонмайман! Сизга ўхшаган мухлислар ваъдани қоп-қоп бериб, иши битгандан сўнг сувга тушган тошдек гум бўлади.

Ҳамро булбул. Мен унақа номардлардан эмасман. Лафзи ҳалол одамман. Бир ишни бошласам охирига етказаман. Мана менинг ташриф қоғозим (узатади).

Майрамхон (у ёқ-бу ёққа қараб, секин олади). Раҳмат, энди саҳнадан тушинг! Рашқ борасида чолимнинг олдида Отелло ҳам ип эшолмай қолади. Келиб қолса, иккимизнинг ҳам бошимизни ойболта тагига қўяди.

Ҳамро булбул. Сиздек сулув кампирга битта эмас, ўнта бошим садқа бўлсин!

Майрамхон. Кампир, деб ҳақорат қилманг! Ҳали ўн гулимдан еттиласи очилгани йўқ (кулиб). Ҳазил!

Ҳамро булбул. Мен жиддий айтяпман. Сизнинг хусну жамолингиз аклу ҳушимни олиб қўйди.

Майрамхон. Шилқимлик қилманг! Хос соқчимни чақираман!

Ҳамро булбул. Соқчингиз ҳам борми?!

Майрамхон. Бор, саҳнадан тушмасангиз ҳозир чақираман!

Ҳамро булбул. Хьюстон бўлинг-ей!

Майрамхон. Илтимос, тушинг, ҳозир чолим келиб қолса саҳнага чиқармай қўяди. Илтимос орзуумидларимни поймол қилманг!

(Азим чўқинди саҳнанинг орқа томонидан чиқиб, кузатиб туради. Булар кўрмайди.)

Ҳамро булбул. Бўлди, сизни тушундим! (Майрамхонга 200 сўм пул қистириб, пешонасидан чўпиллатиб ўтиб олади.)

**М а й р а м х о н** (*пул қистиргани ёқиб*). Тўйда эмас томошадасиз, томошибинларнинг олдида хижолат қилманг, тўрам!

**А з и м ч ў қ и н д и.** 200 сўм пул қистирганига дарров тўрангиз бўлиб қолдими?!

**М а й р а м х о н.** Худо урди, олабўжим келди.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ҳа савил, биз олабўжи бўлиб қолибмиз энди!

**М а й р а м х о н.** Эй Худо, сулув санъаткор бўлиш қанчалар оғир! Мактублар, муштлашишлар, адоват, фитналар, маломат тошларинг дўлдай бошга ёғилишлари. Пичноқбозлик! Ана яна бир можаро, томоша бошланди.

**А з и м ч ў қ и н д и** (*ҳезланиб*). Менинг кампиримга пул қистириб, пешонасидан ўпадиган пулдорнинг онасини Учқўрғондан, йўқ, йўқ, Учқўрғон яқин бўлиб қолди, Америкадан кўрсатаман!

**М а й р а м х о н** (*довдираб*). Америкага олиб бормоқчи эдилар!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ваъдалашдиларинг ҳамми?!

**М а й р а м х о н.** Йўқ, йўқ, дунёни кўрсатмоқчи эдилар.

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Санъатлари мени сеҳрлаб, сархуш қилиб қўйди. Ҳалигача ҳушимни йиғиштириб ололмаяпман!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ҳозир хушингга келтириб қўяман! (*Бошига муштлайди.*)

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Бошимга осмон қулаб тушдими?!

**М а й р а м х о н.** Уринг-а, ер ютмагурни. Бергани 200 сўм пул. Ўпганига бало борми?!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ҳа, остона ҳатлаб кўчага чикма, деган эдим-ку! Кулоғингга гап кирмайдиган бўлиб қолдими, эчки!

**М а й р а м х о н.** Ҳа, энди биз эчки бўлсак, сиз тақасиз-да (*хижсолатли кулади*). Томошабиннинг олдида тилингизга эрк берманг. Уйга бориб сўкаверасиз.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Одамларнинг олдида сўксам яхши таъсир қилади, қайсар курра!

**М а й р а м х о н.** Ҳанги эшагимдан ўзим айланай!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Оғриқнинг олдини олиб, ширин бўлиб қолдингми, қари товуқ? Ҳозир патингни юлиб олайми?!

**М а й р а м х о н.** Бобоқ хўрозим шайтонга ҳай беринг! Бир оёғи гўрда, бир оёғи ерда бўлган беланги хўроздан rashk қиляпсизми?!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Пешонангдан ўпганига чидолмайман!

**М а й р а м х о н.** Ўпса нетар, ювса кетар, дейдилар!

**А з и м ч ў қ и н д и.** У-ув-ув! (*Отелло каби ўкиради.*) Ўзингда ҳам мойиллик бор экан-да, падаркусур!

**М а й р а м х о н.** Rashk қиляпсизми?!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Кўкрагида ёли бор эркак rashk қилади-да!

**М а й р а м х о н.** Эркакман, деб итдан ҳам, битдан ҳам rashk қиладими?

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ерда чўзилиб ётган бит эмаску! Хотинини яхши кўрган эр албатта rashk қилади!

**М а й р а м х о н.** Ўзимнинг вафодор чолимдан айланай.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Артистлик қилиб эритмоқчимисан? Найрангинг ўтмайди. Юр, олдимга туш!

**М а й р а м х о н.** Саҳнани ташлаб кетолмайман! Саҳна ухласам тушларимга кириб чиқади. Саҳнада, сайлларда катта залларда куйлаётган, ўйнаётган кишилардай бўлгим келади.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Уларга ҳавас қиляпсанми?

**М а й р а м х о н . Ҳавас ҳасаддан яхши-да!**

**А з и м ч ў қ и н д и . Хотинини қилпанглатиб, орқа-  
сидан сумкасини кўтариб, пул териб юрган хотинча-  
лишлардан ҳазар қиласман!**

**М а й р а м х о н . Уларни ҳам тушуниш керак!  
Тирикчилик – тирикчилик, дейдилар. Тирикчилик  
мажбур қиласми.**

**А з и м ч ў қ и н д и . Тирикчилик, деб осон йўл  
билин пул топгандан кўра бошига рўмол ўрагани яхши  
эмасми?!**

**М а й р а м х о н . Айтмасангиз ҳам рўмол ўрайдиган-  
лар кўпайиб кетди.**

**А з и м ч ў қ и н д и . Ундейлардан ор қиласман!**

**М а й р а м х о н . Вой соддасиз-ей! Ҳозир ор  
қолибдими? Орингни сот, молингни сот, пул топ! Пул  
бўлмаса, ҳеч ким сизни одам ўрнида кўрмайди.**

**А з и м ч ў қ и н д и . Пул – қўлнинг кири.**

**М а й р а м х о н . Сизга ўхшаб бир тийин тополмай  
икки тийинни назарига илмайдиганларнинг қийшиқ фал-  
сафаси бу!**

**А з и м ч ў қ и н д и . Инсонда ғуур бўлиши керак.  
Ғуур синса, одам майдалашиб янтоқнинг устига чиқиб  
азон айтадиган бўлиб қолади, падаркусур!**

**М а й р а м х о н . Ана шу янтоқнинг устида аzon  
айтадиган замонлар келмаслиги учун ҳаёсиз, ибосиз,  
тилини, динини, аслини унутаётган шайтонсифатларга  
ҳақиқий санъат қанака бўлишини кўрсатиш ниятим  
бор, ҷол, айланай ҷол!**

**А з и м ч ў қ и н д и . Ниятинг ёмон эмас, кампир  
(Ўйланиб қолади.)**

**М а й р а м х о н . Сиз ҳам ўхшатишга устасиз-ку!  
Икки ёрти бир бутун бўлиб, менинг холис ниятимни  
амалга оширайлик, айланай ҷолим!**

**А з и м ч ў қ и н д и.** Бир аёлнинг макри 40 эшакка юк бўлиб, ортиб қолар экан. Ширин сўзинг билан бошимни қотирма!

**М а й р а м х о н.** Масхарабозга ўхшаб болаларингизни роса кулдирар эдингиз.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Эсимда йўқ!

**М а й р а м х о н.** Эслаб кўринг! Ҳақиқий ҳофизлар, хонандалар ҳам чикяпти, куйляяпти, ўзлигини унумаяпти.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ақлмирза бўлиб кетяпсан, падаркусур!

**М а й р а м х о н.** Эсимиздан чиқкан ёр-ёр, ўлан, лапарларни тиклаётган «Момогул», «Шалола» этнографик ҳалқ дасталарини бутун дунё танияпти, бизнинг қаеримиз кам?!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Манави падаркусурнинг бир муштлик ҳоли бор эканми, ҳалидан бери шалпайиб, ўрнидан туролмаяпти?!

**М а й р а м х о н.** Қулоги остида қолмабдими?!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ўлмаган! Ана елкасидан нафас оляпти. Яна урмасин, деб артистлик қилиб ётиби. Мен кетсам ўрнидан туриб, шаталоқ отиб қочади.

**М а й р а м х о н.** Гапни аққа-бакқа бурмасдан «ўғри» муқаллидини қилиб кўрсатинг.

**А з и м ч ў қ и н д и.** Кўймадинг, қўймадинг-да, падаркусур!

**М а й р а м х о н.** Чолгинамдан ўргилай!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Яrim кечаси ўғри овга чиқди. Ўғри мен, манави сулайиб ётган сигир, сен ўғрининг шериги коровул бўлиб турасан! Атрофга аланг-жаланг қарайсан.

**М а й р а м х о н.** Хўп бўлади, тақсирим!

«Ўғри» – муқаллиди:

Ўғриларнинг ҳажв қилувчи комедияларда қоп-қоронғу тунда ижро чиларнинг пайпаслаб, секин-аста юриши, нималаргидир қоқилиб, йиқилиб тушиши орқали кўрсатилади. Тасаввурнидаги молхонага кириб, сигир тақлидини қилиб ётган статист-актёрнинг якtagини секин-секин ечиб олар экан. Сиз унинг ўғринча сигирни сўйиб, терисини шилиб олганлигига ишонмасдан иложимиз йўқ (*муқаллид тугагандан кейин Ҳамро булбул секин қимирлади*).

Азим чўкинди. Терисини шилиб олганимдан кейин жон киряпти падарқусурга.

Ҳамро булбул (*бошини ушлаб, ўрнидан тура бошлиайди*). Вой,вой кўзларим қоронғулашиб, юлдузчалар порлаб кетди.

Азим чўкинди. Бу кунингдан баттар бўл! Ким айтди бироннинг кампирига шилқимлик қил, деб!

Ҳамро булбул. Битта муччи олиш қимматга тушди!

Азим чўкинди. Кўзинг мошдай очилдими? Энди бегона кампирларнинг пешонасидан ўпмайсан, падарқусур.

Ҳамро булбул (*ўрнидан туриб*). Унинг Худо берган санъати бор! Талантини оёқости қилма, тупой!

Азим чўкинди. Яна жон кирдими бу ўламсага!

Ҳамро булбул. Талантини бўйма!

Азим чўкинди. Кампир меники, нима қилсам, ўзим биламан!

Ҳамро булбул. Уни саҳнада ўйнаш баҳтидан маҳрум қилсанг, уволига қоласан!

Азим чўкинди. Бизнинг оиласвий ишимизга аралашма! (*Ҳамро булбулни итариб юборади*.)

Ҳ а м р о б у л б у л. Кузда очилган гулни пайҳон  
қилма, номард! (*Азим чўқиндининг ёқасидан олади.*)

А з и м ч ў қ и н д и. Жўжахўролардек чўкиш-  
манглар!

Ҳ а м р о б у л б у л. Майрамхонга озодлик бер,  
нодон!

А з и м ч ў қ и н д и. Ўзинг нодон! (*Иккаласи бир-  
бирини ёқасидан тутиб, айлана бошлиайди.*) Менинг  
кампиримга хўжайинлик қилма, дедим!

Ҳ а м р о б у л б у л. Саҳна марду майдонники,  
дерлар. Ўзини кўрсатсан!

А з и м ч ў қ и н д и. Сендек шилқим ҳомийларнинг  
касрига уйда ўтиради.

Ҳ а м р о б у л б у л. Мен факат холис ёрдам  
бермоқчиман, сўқир!

А з и м ч ў қ и н д и. Сенга ўхшаганнинг ниятларини  
биламан. Холис ёрдам бераман, деб жазман қилиб  
оласанлар!

М а й р а м х о н. Узоқ йиллар бир ёстиққа бош  
кўйган кампирингизман, тушунинг!

А з и м ч ў қ и н д и. Тушунмайман! “Тур” десам,  
турасан, “ўтири” десам, ўтирасан, “ёт” десам, ётасан!

Ҳ а м р о б у л б у л. Аёл жонсиз, ҳиссиз қўғирчоқ  
эмас. Жони бор инсон!

А з и м ч ў қ и н д и. Ёқамни кўйвор! Ҳозир яна  
таъзирингни бераман!

Ҳ а м р о б у л б у л. Майрамхоннинг саҳнада  
очилиши учун ҳамма нарсага тайёрман!

М а й р а м х о н. Ундей деманг, илтимос! Чолим яна  
тўнини тескари кийиб олади. Ўзим юмшатаётган эдим.  
(*Уларни ажратади.*)

А з и м ч ў қ и н д и. Қани, уйга кетдик!

**М а й р а м х о н (йиеглаб).** Сандиқ тўла сариқ гул,  
Тақсам адо бўлмайди.  
Севган чолим, дардини,  
Айтсам адо бўлмайди.

**Ҳ а м р о б у л б у л (йиегламсираб чидолмайди).** Ўз шаънини ўйлайдиган ахмоқ! Майрамхонни қўйвор!  
(*Азим чўқиндини мўлжсалга олиб солади.*)

**А з и м ч ў қ и н д и.** Ўҳ, Самурай! (*Шилқ этиб тушиади.*)

**М а й р а м х о н.** Уринг ер ютмагурни, уринг! Ўзи ҳам ўпмайди, бирорвга ҳам ўптирумайди!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Бир ғарам беданинг устига ит чиқиб олибди. Така бечора қўзларини мўлтиратиб, итдан қўрқиб бедага яқинлаша олмас экан. Ит бедани ўзи ҳам емас экан, такага ҳам бермас экан. Чолингиз ҳам итдан қолишмас экан!

**М а й р а м х о н.** Оғзингизга қараб гапиринг. Чолимни итга ўхшатманг! (*Чолининг олдига югуриб бориб, уни тургизмоқчи бўлади.*) Гурзидай қўлингиз узилиб тушмасин! Чолимни нима қилиб қўйдингиз?!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Чакка томирига туширдим. Чолингиз хушидан кетди. Бироздан кейин ўзига келади.

**М а й р а м х о н.** Чолимни урган қўлингиз гўрда чиримасин-а!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Қарғаманг, ўзингиз шуни хоҳлаган эдингиз-ку!

**М а й р а м х о н.** Бу кўнгил ўлгур нималарни хоҳламайди. Чолимнинг дабдаласини чиқарибсиз!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Эркинлик истаган эдингиз,

**М а й р а м х о н (чолига).** Туриңг, тўрам, туриңг! Мени қўрқитманг! Войдод, чолимни ўлдириб қўйишид!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Вахима қилманг, ўлмайди. Ўзига келади, дедим-ку!

**М а й р а м х о н.** Йигит ўлмагур-а, ўзига келмаса нима бўлади?!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Сизга яхши бўлади. Эридан айрилиб қўшиқчи бўладиганларга ўхшаб саҳнада очилиб, сочиласиз!

**М а й р а м х о н.** Ўзига келмаса икки қўлим ёқангизда бўлади!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Ҳўқиздек пишқиради, бир муштлик ҳоли бор экан!

**М а й р а м х о н.** Каратистмисиз, нима бало?!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Болалигимда озроқ шуғулланганман!

**М а й р а м х о н.** Ўзига келмаяпти-ку?!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Шошилманг! Нархини оширяпти. Муғомбирлик қилиб пул ундиromoқчи бўляпти. Шантажчилар ҳам кўпайиб кетди. Мабодо, чол-кампир келишиб олиб, шантаж қилмоқчи эмасмисизлар?!

**М а й р а м х о н.** Биз унақа паст эмасмиз. Тезроқ ҳушига келтирмасангиз мендан кўрадиганингизни кўрасиз!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Яхшиликка яхшилик қайтмас экан-да?!

**М а й р а м х о н** (эрининг кўксига бошини қўйиб). Нафас олмаяпти!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Ваҳима қилманг!

**М а й р а м х о н.** Вой тўрам, кампирини тул қилиб кетган тўрам!

**Ҳ а м р о б у л б у л** (шошилиб унинг кўксига қулоқ солади). Ўлгани йўқ. Қўрқанинг кўзига қўш кўринади, дегандай қўрқанингиздан шундай туюляпти.

**М а й р а м х о н.** Ростданми?!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Аза очишга ҳали эрта, хурсанд бўлманг!

**М а й р а м х о н.** Нега хурсанд бўлар эканман?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Баъзи бирорлар эри ўлса дардисардан кутулдим, деб хурсанд бўлади.

М а й р а м х о н. Умримда бирорнинг эркагига кўзимни сузган эмасман! Чолимга содикман!

Ҳ а м р о б у л б у л. Куйланг булбулим куйланг, шу гулнинг шохи синсин!

М а й р а м х о н. Булбулимнинг шохини синдириб қўйдингиз!

Ҳ а м р о б у л б у л. Шохи синган булбуллар кўпайиб колди.

М а й р а м х о н. Булбуллар ўзи борми?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Булбуллар қирилиб, фақат ғозлар қолган деб ўйлайсизми?!

М а й р а м х о н. Ҳак сўзни куйлайдиган булбуллар қолмаган назаримда.

Ҳ а м р о б у л б у л. Эшитинг, қулоқ солинг, булбул сайраяпти (улар эшитишади).

М а й р а м х о н. Асл булбуллар бор экан. Чолимни хушига келтирмасангиз мен ҳам орқасидан кетаман!

Ҳ а м р о б у л б у л. Артистлик қилманг, ошириб юбордингиз!

М а й р а м х о н. Мен артистлик қилаётганим йўқ!

Ҳ а м р о б у л б у л. Сизга на иссиқ, на совуқ ёқади!

М а й р а м х о н (яна кўксига бош қўяди). Чолим қарилиги учун ҳам узоқ вақт хушига келмаяпти. Тез чора кўрмасангиз бўлмайди.

Ҳ а м р о б у л б у л. Қош қўяман, деб кўз чикариб қўйибман-ку! Ҳали тухматга қолмасам эди! Нима қилмоқ керак? Нима қилмоқ керак?

М а й р а м х о н. Ҳозир ҳар бир одам “Нима қилмоқ керак”, асарини ёзаяпти!

Ҳ а м р о б у л б у л. “Тирик қолмоқ ё ўлмоқ” монологини ҳам ўқишияпти! Тирик қолмоқ ё ўлмоқ, шудир масала!

**М а й р а м х о н.** Гамлетбой, сиз монолог ўқигунин-гизча чолим адo бўлади. Унинг куйида гадо бўламан кейин!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Ҳозир, ҳозир! (Тафаккур қилаётган одам ҳайкали қиёфасига киради.)

**М а й р а м х о н.** Ўйловчининг ўйи битгунча тавак-калчининг иши битган экан. Тезроқ бўлинг! (Чолининг қўлларини уқалайди.)

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Кўнглим сезиб турибди. Бу сизни тавба қилдириш учун найранг қиляпти. Халқ орасида бекорга найрангбоз Азим чўқинди номини олмаган! (*Саҳна олдига боради.*) Ҳозир боплайман!

Кетсанг кетавер ёрим,

Кетсанг нима парвойим.

Бу бошим омон бўлса,

Яна битта суйганим, – дегандек чолингиз ўлса яна биттасини топиб оласиз, ялло қилиб юрасиз!

**М а й р а м х о н.** Бирорга ўлим тилагандан кўра ўзингизга умр тиланг!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Энди пешонангизга ёзганини кўрасиз!

**М а й р а м х о н.** Пешонагинам ўйилсин! Пешонам!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Сочингизнинг оқ толасига ҳам арзимайди ўша дардисар, рашқчи чолингиз!

**М а й р а м х о н.** Сочимнинг оқини кўришга ҳам улгурдингизми? Жуда синчков экансиз. (*Олдига боради.*)

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Сулув кампирларнинг бир қарашда ҳамма ёғини кўраман!

**М а й р а м х о н.** Рентгент бўлиб кетинг-е!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Ўлгани яхши эмасми? Рашқ қилавериб қонингизга ташна қилиб юборгандир?

**М а й р а м х о н** (*бошини кўтариб*). Нияти бузук, номард! (*Бошини эгади.*)

Ҳ а м р о б у л б у л. Орзуларингизни армонга  
айлантирган чолни бошингизга урасизми?

М а й р а м х о н.

Қінғирми, қийшиқми, эркак яхшидир!

Ориқми, семизми, эркак яхшидир!

Қўтирми, чўтирми, эркак яхшидир!

Маймоқми, саймоқми, эркак яхшидир! –  
деганларидек ёмон бўлса ҳам эрим!

Ҳ а м р о б у л б у л. Ҳар доим шунақа. Ўзимиз  
ўлдирамиз-да, кейин марсиялар тўқиймиз. Раҳматли  
яхши одам эди, деб ёстиқдай-ёстиқдай китоблар ёзамиш,  
ҳайкаллар кўямиз. Тириклигига қадрига етмаймиз!

М а й р а м х о н. Бирам шириңсўз эдиларки,  
эркалаганларида мойдек эриб кетар эдим.

Ҳ а м р о б у л б у л. Эзма одамга ўхшайди!

А з и м ч ў қ и н д и. Ўзинг эзмасан! (*Бошини  
кўтариб яна ётади.*)

Ҳ а м р о б у л б у л. Ҳеч нарсага тушунмайдиган  
мижғов, латтачайнар одамга ўхшайди.

А з и м ч ў қ и н д и. Ўзинг мижғовсан, ҳайвон!  
(*Бошини кўтариб қўяди.*)

М а й р а м х о н. Латта эмас, гапчайнар эдилар!

Ҳ а м р о б у л б у л. Бир муштлик ҳоли бор экан,  
чўзилиб ётишини қаранг Отелло чолингизни!

М а й р а м х о н. Войдод, войдод, чолгинамдан  
айрилиб қолдим!

Ҳ а м р о б у л б у л. Куюнманг, ўзингизни асранг  
бону. Бир бошга – бир ўлим!

М а й р а м х о н. Войдод! Тоҳиридан айрилган  
Зухродек, Мажнунидан жудо бўлган Лайлидек чолим-  
сиз яшолмайман!

Ҳ а м р о б у л б у л. Болаларингиз учун, невара-  
чевараларингиз учун, қолаверса мен учун яшашга маж-  
бурсиз!

**М а й р а м х о н.** Нега сиз учун яшашим керак, тушунмадим?!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Чунки мен сизни севиб қолдим!

**М а й р а м х о н.** Нима?! (*Хушиңиң ҳам, ёқмаслигини ҳам билмасдан.*) Нима дедингиз? Яна бир қайтаринг!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Мен сиздек оғатижон, сулув кампирни бир кўришдаёқ севиб қолдим!

**М а й р а м х о н.** (*Марсияни шўх қўшиқдек куйлайди:*)

Алп Эртўнга ўлдими?

Ёмон дунё қолдими?

Замин ўчин олдими?

Энди юрак йиртилур!

**Ҳ а м р о б у л б у л.** (*Майрамхоннинг қўлини уйлайди.*) Сўзларимга ишонинг, мен сизга уйланаман!

**А з и м ч ў қ и н д и** (*кўзини ярақ этиб очади*). Дон Жуан, уйланиб бўлибсан! (*Ҳамро булбулни бўғиб олади. Иккаласи олишиб, думалаб кетади.*)

**М а й р а м х о н.** Бугун томоша тутамайди, шекилли!

**А з и м ч ў қ и н д и.** Бироннинг кампирига кўз олайтирган кўзингни ўйиб оламан!

**М а й р а м х о н.** Рашқ чолимни дорулбақо осто-насидан дорулфандага қайтарди! (*Жилмаяди.*)

**Ҳ а м р о б у л б у л.** Кўйвор, ўлиб қоламан! (*Йўталади.*)

**А з и м ч ў қ и н д и.** Дон Жуанлар ўлса, қора Ботирлар ўлса суйишганлар баҳтли яшайди!

**М а й р а м х о н.** Кўйинг, товонига қолманг, жонини ўзига сийлов қилинг! (*Ажратса бошлайди.*)

**А з и м ч ў қ и н д и.** Раҳмингиз келяптими?

**М а й р а м х о н.** Ўлдириб қўйсангиз миршаб-бозлик, қозибозлик бўлиб, қамалиб кетманг, дейманда!

Азим чўқинди. Қамалиб кетсам, мана бу нокасга турмушга чиқиб оласанда-а! (Уни қўйворади.)

Ҳамро булбул. Ажалнинг домидан қайтдим!

Азим чўқинди. Ўйинчи, артист!

Ариқ лаби музлама,

Музламани тузлама.

Ўз ёринг уйда туриб,

Бегонани кўзлама!

Уйга юр, олдимга туш! (Ғамгин мусиқа янграйди.)

Майрамҳон. Қуш эдим қанотимни қайирдилар, гул эдим булбулимдан айирдилар, деган Жамилабону ҳақ экан! Мен ҳам энди орзуларимни армонга айлантириб, кўнишиб яшашга мажбурман! Хайр менинг жонидан ортиқ севувчи муҳлисларим! Хайр менинг муқаддас сахнам! Мен сизларни бутун умрга тарк этаман! Мен сизларни ўла-ўлгунча севаман! (Ҳушидан кетиб ишқилади, чоли ушлаб қолади.)

Азим чўқинди. Вой кампир, сенга нима бўлди?

Ҳамро булбул. Дард бўлди, бало бўлди! Кампирингни тириклиайн ўлдирдинг!

Азим чўқинди. Нега ўлади? Ҳазиллашма кампир! (Ерга ётқизади.)

Ҳамро булбул (олдига бориб, қўлини ушламоқчи бўлади). Қани, томир уришини кўрай!

Азим чўқинди. Номахрам, торт кўлингни!

Ҳамро булбул. Шошманг, табиблиқдан хам хабарим бор!

Азим чўқинди. Сен дононинг ҳамма нарсадан хабаринг бор экан-да?!

Ҳамро булбул. Кўп билган хор бўлмайди (Кампирнинг қўлини ушлайди.) Кома!

Азим чўқинди. Нима?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Якинда писта сотиб ўтирадиган кўшнимнинг Дилобар деган гўзал қизини бир йигит ҳақорат қилган экан, «кома»га тушиб қолибди. Уч кун ётди.

А з и м ч ў қ и н д и. Менинг хотиним ҳам уч кун ётадими?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Билмадим! Уч кунми, уч ойми?!

А з и м ч ў қ и н д и. Уч ой?! Вой-вой, уч ой?  
Чидомайман!

Ҳ а м р о б у л б у л. Чидамасангиз, нима кўп – кампир кўп! Дарахтни тепсангиз, дувиллаб кампир ёғилади! (*Хотиржам*.)

А з и м ч ў қ и н д и. Менга шу кампирамдан ўзга ёр керак эмас!

Ҳ а м р о б у л б у л. «Кома»дан қайтса бахтингиз, қайтмаса пешонангизга бир муштлаб қўясиз!

А з и м ч ў қ и н д и. «Кома» дегани нима?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Янги сўз! Жайдари қилиб айтганда, хушидан айрилди! Худо жонини қайтарса, яшайди!

А з и м ч ў қ и н д и. Эй Худо, кампирамни хушига келтир!

Ҳ а м р о б у л б у л. Яна бир талантнинг дилини вайрон қилдик! Яна бир истеъоддли одамни хазон қилдик! Яна бир Худо берган қобилиятнинг бошига етдик! Биз шундай нодон, сўқир бандалармиз!

А з и м ч ў қ и н д и (*тиз чўкиб*). Эй Худо! Менинг меҳрибон, оқила, фаришта, саромжон-саришта кампирамдан жудо қилма!

Ҳ а м р о б у л б у л. Ана энди фаришта бўлиб қолди!

А з и м ч ў қ и н д и. Акл-фаросатли, бир қарашимда мени тушунадиган, касал бўлсам бошимда гирдикапалак бўладиган, ширин-ширин таомлар пишириб бера-диган кампирамдан айрма! Икки ёрти бир бутун

бўлиб, бир жон бўлиб кетганмиз! Менинг ярим жоним кетар бўлса, менинг тириклигимдан не фойда?! Бу бевафо беш кунлик дунёда мени ёлғиз ташлаб кетма!

Ҳамро булбул. Дунёни беш кунлик, дейдилар, мен эса уч кунлик бўлса керак, деб ўйлайман! Туғилдим, бозорга бордим, кафанлик олдим, мозорга бордим, деб ҳофиз Шерозий айтганидай – туғиламиш, яшаймиз, ўламиш! Бир йили бир кунга арзимайдиган қисқа умрда бир-биримизни назар-писанд қилмаймиз, ҳақорат қиласиз, Каъбадек улуғ дилларимизни вайрон қиласиз, ҳасад қиласиз! Бир-биримизга тан бермаймиз! Мардлик қилмаймиз! Асабларимизни эговлаб, адойи тамом қиласиз!

А з и м ч ў қ и н д и. Ҳар кимнинг ҳар дарди, кал қизнинг эр дарди бор, дегандек, мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди!

Ҳамро булбул. Ҳар бир миллатдан талантли одам чиқса майсадек эзиб, топтаб ташлашга ҳаракат қиласиз. Истеъодини таг-туги билан қуритмоқчи бўламиш. Қуритолмасак дайди итдек ўзга юртларга ҳайдаб юборамиш! “Адашган ит каби Фурқат, қаён боргум билолмасман”, дедириб зор қақшатиб қўяшимиз! Ўша талантли инсон сабр-бардоши билан қаерда бўлса ҳам мақсадига эришиб буюк инсон бўлиб етишса, ундан кейин кўксимизга муштлаб мақтанамиз! У улуғ инсон бизни бобоколонимиз, буюк шахс бизнинг уруғ авлодимиздан чиқсан, деб кериламиш!

А з и м ч ў қ и н д и. Гапингизнинг тагидаги ним косага тушунмадим?

Ҳамро булбул. Ана шундай ўзимизни гўлликка соламиш, тушунмасликка оламиш!

А з и м ч ў қ и н д и. Ростдан ҳам тушунмадим!

Ҳ а м р о б у л б у л. Истеъдодларнинг қадрига етганимизда Мирзо Бобур Тожмаҳални Ҳиндистонда курмас эди. Ибн Сино, Беруний, Шоҳ Машраб ўз юртига бегона бўлиб, дарбадар кезмас эди. Ал-Фарғоний каффиётини Мисрда қилмас эди!!!

А з и м ч ў қ и н д и. Ҳа-я!

Ҳ а м р о б у л б у л. Сизнинг кампирингиз ҳам Худо ярлақаган одам! Худо берган қобилияти бор! Унинг саҳнага чиқишига йўл қўймасангиз санъати увол бўлади!

А з и м ч ў қ и н д и. Йўғ-ей??

Ҳ а м р о б у л б у л. Менинг ниятим – хатолар тақрорланмаслигини истайман!

А з и м ч ў қ и н д и. Тушундим, тушундим, тушундим!

Ҳ а м р о б у л б у л. Нимани тушундингиз?

А з и м ч ў қ и н д и. Гапингизни мағзини тушунгандай бўляпман! (*Камтирини томирини ушлайди.*) Томир уриши секинлашяпти. Сиздан илтимос, табиблиқдан хабарим бор деган эдингиз, ёрдам беринг! Кампирим ўлмасин!

Ҳ а м р о б у л б у л. (*Яна тафаккур қилаётган одам ҳайкали қиёфасига кириб.*) Ҳозир! Нима қилмоқ керак?! Аллоҳим одам танасини пишиқ лойдан ясаб, куй чалиб жон ато этган экан! Кампирингиз ҳам ўйин-кулгини яхши кўради. Демак, куй чалиб, «кома»дан қайтарсан бўлади!

А з и м ч ў қ и н д и. Ақлингизга қойил! Кампирим ўзига келса саҳнага чиқиб ўйнашига, куйлашига қаршилик қилмайман! Тезроқ куйингизни чалинг, илтимос!

Ҳ а м р о б у л б у л. Лафзингизда турасизми?

А з и м ч ў қ и н д и. Чин йигитлик сўзим!

Ҳ а м р о б у л б у л. Ишондим! (*Скрипкани олади.*)

А з и м ч ў қ и н д и. Чалишни биласизми?!

Ҳамро булбул. Бу соз ўзимизнинг ғижжак-ку!  
Туркманлар, қорақалпоқлар қўбизининг қариндоши-ку,  
нега билмас эканман! (*Скрипкани созлайди.*)

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. У соз ғайридинларники-ку! Уни  
чалсангиз ўзига келадими?!

Ҳамро булбул. Ҳозир! (*Уд созини олиб созлайди.*)

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Бу соз туркларники эмасми?

Ҳамро булбул. Бу сознинг ака-укалари дўмбира,  
дутор, тор. Шарқ халқларининг оҳанглари торлар қатига  
сингдирилган. (*Созлайди.*)

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Илтимос, бирор созни чалиб,  
кампиirimни тезроқ хушига келтириңг!

Ҳамро булбул. Созларни яхшилаб созламасак  
бўлмайди. (*Арфани олиб созлайди.*) Бу соз қонун, чанг  
созларининг опа-сингиллари (*сибизгани олиб, чала  
бошлайди*)! Бу сознинг ноласини эшитсан, аъзои ба-  
даним жунбушга келиб, кўз ўнгимда уруғ-аждодларим  
жонланади. Най, флейта, сурнай, кларнет, горн, пуфлама  
созларнинг ҳаммаси сибизганинг болалари бўлади.  
Худди одамлардай, Аллоҳим шу созни чалиб, одамга  
жон киргизган бўлса керак! (*Чанқовузни олиб чалади*):

Биёв, биёв, мен сенга күёв,

Биёв, биёв, мен сенга күёв.

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Менинг миллатим – ўзбек!  
Ўзимизнинг куй-оҳангларни, мақомларни яхши кўра-  
ман! Ғуурланаман, нима бўлса ҳам ўзимизнинг созни  
чалинг, биродар! Кампиirim ҳам асл ўзбек!

Ҳамро булбул. Қадимий унутилган созим нола  
қил, одам боласи жонини қайтар! (*Ғажир найни мароқ  
билан чалади.*)

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Лабида табассум пайдо бўлди.

Ҳамро булбул. (*Уд созини чалади.*) Табиат  
мўъжизаси бўлган одамни хушига келтир!

А з и м ч ў қ и н д и . Қўлларини қимирлатяпти!  
Ҳ а м р о б у л б у л (сибизгани чалади). Бўзла,  
сибизғам, бўзла!

А з и м ч ў қ и н д и . Кампирим кўзини очди!  
М а й р а м х о н . Қаердаман?!  
А з и м ч ў қ и н д и (хурсанд бўлиб). Шу, шу ердасиз!  
М а й р а м х о н . Арши аълодаманми?!  
А з и м ч ў қ и н д и . Йўқ, ердасиз! (*Ҳамро булбул  
тепасига келади.*)

М а й р а м х о н . Тепамда Шайтон билан Раҳмон  
турибдими?!

А з и м ч ў қ и н д и . Йўқ, мен шайтон эмас, Азим-  
шерингман, чолингман!

Ҳ а м р о б у л б у л . Мен Ҳамро булбулман!  
Хушингизга келтирдим!

М а й р а м х о н . Мени хушимга келтириб, бекор  
қилибсиз. Бу дунё ҳайтидан кўра дўзах мамоти яхши  
эди.

Ҳ а м р о б у л б у л . Ношукур бўлманг!

М а й р а м х о н . Эссизгина, жаннат меваларидан  
тотаётган эдим.

Ҳ а м р о б у л б у л . Ўша мевалардан тотсангиз бу  
дунёга қайтмас эдингиз.

М а й р а м х о н . Қайтмаганим яхши эди, тўйиб  
кетдим, бу дунёдан тўйиб кетдим!

А з и м ч ў қ и н д и . Кампиржон, унақа дема! Сени  
бир зумда йўқотиб қўйишдан қўрқиб кетдим. Саҳнада  
ўйнайвер, санъатингни дунёга кўрсатавер, розиман, кам-  
пир!

М а й р а м х о н . Артист бўлмайман! (*Ўрнидан  
туради.*)

А з и м ч ў қ и н д и . Бўласиз, албатта бўласиз!  
Санъатингиз билан дунёни қойил қолдирасиз!

М а й р а м х о н . Вой Худойим-ей, қулоқларимга  
ишонмаяпман! Худо ўзи инсоф берса ҳеч гап эмас экан!  
Ростанми?!

А з и м ч ў қ и н д и . Ҳамро булбулнинг ақлли сўз-  
ларини эшитиб, мағзини чақиб кўрдим. Талантни ҳимоя  
қилиш керак. Талант бир куни ўзини намоён қиласди,  
деган гапда жон бор экан! Талантни хор қилмаслик керак  
екан! Талантингизни ўзим ҳимоя қиласман, ўзим хос соқ-  
чингиз бўламан!

Ҳ а м р о б у л б у л . Кевин Костнер бўлинг-ей!

А з и м ч ў қ и н д и . Аммо, лекин, бироқ...

Юзингдан ўпичлар олса шамоллар,

Бош эгиб салом берса мажнун толлар.

Олиб қочса мени турли хаёллар,

Рашким келса, дардим кимга айтаман!

Баъзилар қилсалар сени маломат,

Эшитиб менда ҳеч қолмаса тоқат.

Сақлаб сенга доим дилда садоқат,

Рашким келса, дардим кимга айтаман!

М а й р а м х о н . Вой Худойим-ей, яна бошланди!

Ҳ а м р о б у л б у л . Букрини гўр тузатар экан-да!

А з и м ч ў қ и н д и . Йўқ, мен ҳозир мана бу падар-  
қусурга хунар қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

Ҳ а м р о б у л б у л (кулиб). Қани, хунарингизни  
кўрсатинг-чи!

А з и м ч ў қ и н д и . Сиз ҳам иштирок этасиз!

Ҳ а м р о б у л б у л . Бош устига, биродар!

А з и м ч ў қ и н д и . «Тол сотди» қизиқчилигини  
кўрсатаман!

Ҳ а м р о б у л б у л . Унутилган халқ анъаналариданми?

А з и м ч ў қ и н д и . Ҳа, сиз харидор бўласиз! Томо-  
шабинлардан биттасини чақирамиз. (Томошибинни  
таклиф қиласди.)

## Тол сотди

Масхарабозлиқда даврадан бир киши чақирилиб, унга тол дарахти бўлиши, томошада ўзини қандай тутиш кераклиги тушунтирилиб, воқеа давомида уни йиқитадилар, чопадилар, арралайдилар. Энг қизиқ жойда «тол» азоб берадиганлардан шикоят қилиб қолади. Харидор эса «тол»нинг одамларни-кидек қулоғи, бурни, кўзлари борлигини кўриб ажабланади.

Тол бўлган киши залга залга тушиб кетади.

Ҳамро булбул. Индамасдан индай бало чиқади, дегани шу экан-да!

Майрамхон. Менинг чолимнинг амали ичида!

Ҳамро булбул – Бир муштипар аёлнинг орзузи амалга ошишига туртки бўлганимдан ғоятда баҳтиёрман!

Майрамхон. Ташакқур, яхши одам!

Ҳамро булбул. Мен одамларга ёмонликни право кўрмайман! Яхшилигимга ёмонлик қайтса ҳам яхшилик қиласвераман. Яхшилик қилиб миннат ҳам қилмайман. Миннат қиласиганлардан андак дилим ранжиса, дардимни тўртликларга тўкаман.

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Тўртликларингиздан эшитсак бўладими?

Ҳамро булбул. Ҳозир биттасини эслашга ҳаракат қиласман:

Миннатли яхшиликдан заҳарланди-ку ошим,  
Маломатнинг тошидан ёрилди-ку бу бошим.  
Кўнглингизни кенг қилинг, тор феълли одамлар,  
Бирингиз қабоғимсиз, бирингиз бўлинг қошим.

АЗИМ ЧҮҚИНДИ. Э, тасанно-ей, бале!

Майрамхон. Офарин!

Ҳамро булбул. Жанжал бўлган жойга бориб, яхшилик билан ҳал қилишга ҳаракат қиласман.

Одамларга яхшилик қилиб роҳат оламан. Табассум,  
кулги улашишни яхши кўраман.

М а й р а м х о н. Афандимисиз?!

Ҳ а м р о б у л б у л. Йўқ, оддий одамман. Бир оғиз ширин сўз билан инсонлар кўнглини тоғдек кўтарадиган одамлар орамизда кам эмас. Мен ҳам шунақалардан бириман. Ҳеч бўлмаса куйдирилган калладек тиржайиб туравераман. Одамларни кулиб қарши оламан.

М а й р а м х о н. Мен ҳам ўйиним билан кишиларнинг кўнглини завққа тўлдирмоқчи эдим.

А з и м ч ў қ и н д и. Қариганда қилиқ чиқариб одамларга майна бўлиб қолмасин, шарманда бўлмасин, деб қаршилик қилаётган эдим.

Ҳ а м р о б у л б у л. Унутилган урф-одатларимиз, қадриятларимиз, ўйинларимизни сайқаллаб, элга манзур қилишнинг нимаси ёмон! Фольклор-этнографик томошаларимизда халқимизнинг асл қиёфаси, ўзлигимиз, улуғлигимиз, буюклигимиз бор!

А з и м ч ў қ и н д и. Енгил-елпи ўйинлар, куйкўшиқлар жонга тегиб кетди.

Ҳ а м р о б у л б у л. Ҳар бир миллатнинг мумтоз рақсини кўрсангиз юрагингиз ларзага келади. Уларнинг қадимий созларидан таралаётган куйларни эшитсангиз, лаззатдан юракларингиз эриб кетади. Сел бўлиб оқасиз, ҳайратдан лол қоласиз! Сабаби томиримиз, илдизимиз, ўзагимиз бирлигига! Уруғ-аймоғимиз, насл-насадимизни суриштиrsак Одам Ато билан Момо Ҳавога бориб тақалади. Уларнинг пушти камаридан дунёга келган фарзандлармиз! Ҳар бир миллат ўз аро қон-қариндошмиз, оғанинимиз, ака-укамиз деган оддий ҳақиқатни санъат тили билан дунё халқларига тушунтириб, жар солишимиз керак!

М а й р а м х о н. Уч ёрти бир бутун бўлиб, унутилган ўйинларни ҳаётга қайтарсак.

А з и м ч ў қ и н д и. Жуда зўр бўларди!  
Ҳ а м р о б у л б у л. Хайрият!  
“Қошнинг қароси келди,  
Элнинг сароси келди,” деб қарсак чалиб, усул бериб туринглар! (*Томоша залига қараб.*) Сизлар ҳам! Мен «Майда қарсак» деган унutilган ўйинимизни ўйнаб бераман (*Ҳамма қарсак чалади, Ҳамро булбул мириқиб ўйнайди*).

### «Майда қарсак»

Ургутнинг «Fus» қишлоғидаги Ҳамро булбул Ғаффоровнинг (1887–1967) ўйини диққатга лойиқ эди. Унинг рақси, асосан қўл ва бош ҳаракатлари майнин, ёқимли ва серифода, қарсак усулига биноан ўзгариб туради. Ўйинчи фақат оёқ учидаги икки қўлини пастга ташлаб, кўтариб, кўкракка камалак қилиб, силкитиб, елка учирив ўйнайди.

Олқишлиар билан Ҳамро булбул, Майрамхон сандиқ ичига тушиб, ғойиб бўлади. Азим чўқинди созларни, нарсаларни иғишишириб, сандиқка солади. Сирли сандиқни кўтариб, чиқиб кетади

### П а р д а

Муҳсин Қодировнинг «Ўзбек халқ томоша санъати» китобидан фойдаланилди.



## ПАЛАХМОНТОШ

**Икки пардали мусиқали комедия**

### ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

А к б а р – 55 ёшда, адабиёт муаллими.

М а л о ҳ а т – 50 ёшда, Бошланғич таълим муаллими.

Н о р г у л – 50 ёшда, тикувчи, ҳалимдай мулойим аёл.

А с а д – 27 ёшда, геолог. Норгулнинг ўғли.

А з и з а – 24 ёшда, журналист. Акбарнинг қизи.

Г у л ю з – 40 ёшда, косметолог. Норгулнинг синглиси.

М а ф т у н а – 45 ёшда, модельер. Малоҳатнинг синглиси.

Х ос и я т – 40 ёшда, математика муаллими. Акбарнинг синглиси.

### Биринчи парда

#### Биринчи кўриниш

Боғ. Асад аланглаб кимнидир кутяпти. Бироздан сўнг Азиза шошиб кириб келади.

А з и з а. Ассалому алайкум!

А с а д. Ваалайкум ассалом!

А з и з а. Узр, куттириб қўйдим.

А с а д. Сизни кутиш ҳам мен учун катта баҳт.

А з и з а. Тоғу тошларни кезиб соғ-саломат келдин-гизми?

А с а д. Қирлардан ошиб, адирлардан ўтиб, тошқин сойдай шошиб, соғиниб келдим.

А з и з а. Мен ҳам сизни... (*Ўнгайсиз ҳолда диктофонини олиб ўйнай бошлайди.*)

## *Дүэм*

А с а д. Ой чехрали ойим соғиндим.

А з и з а. Нур ёғилган шамсим соғиндим.

А с а д. Хумор күзингизни соғиндим.

А з и з а. Камон қошингизни соғиндим.

А с а д. Қизил юзингизни соғиндим.

А з и з а. Шамшод бүйингизни соғиндим.

А с а д. Ғунча лабингизни соғиндим.

А з и з а. Иссик меҳрингизни соғиндим.

А с а д. Иболи ёримни соғиндим.

А з и з а. Вафодор бегимни соғиндим.

А с а д. Гули гулзоримни соғиндим.

А з и з а. Содик боғбонимни соғиндим.

А с а д. Мана келдим.

А з и з а. Хуш келибсиз!

А с а д. Баланд қоялар, осуда осмон, кенг даралар сизсиз ҳувиллаб қолди.

А з и з а. У кунларни эслатиб одамни уялтирумang!

А с а д. Ўша кун, ўша лаҳза ҳеч ҳам эсимдан чикмайди.

А з и з а. Қўйсангиз-чи.

А с а д. Қоялар орасида елкасида сумка, кўлида диктофон, бир қиз нимтабассум қилиб турарди. Парими, рўёми, кўзларимга ишонмай қолдим.

А з и з а. Муболага қилманг.

А с а д. Тилим калимага келмай шошиб қолдим.

А з и з а. Диктофонимни тутиб ўзимни таништирдим:  
Азиза – журналист (*диктофонини тутади*).

А с а д. Менинг... менинг исмим – Асад.

А з и з а. Геологлар ҳаёти ҳақида ёзмоқчи эдим.

А с а д. Она еримизнинг ҳар бир қаричи – хазина.  
Тупроқни кавласак олтин, мис, кумуш, олмос, ёқут қимматбаҳо тошлар тошиб чиқади.

А з и з а. Хазинани излаб топишда қийналмайсиз-  
ларми?

А с а д. Ҳар касбнинг ўзига хос мاشақкати, фахрли  
томонлари бор.

А з и з а. Машақкатли томони нимада?

А с а д. Баъзан бир конни топиш учун йиллаб  
тоғларни кезиб вақтимиз кетади. Ота-онадан узокда,  
соғинч билан яшаймиз.

А з и з а. Фахрли томонлари-чи?

А с а д. Машақкатли меҳнатимиз юзага чиқиб,  
қимматбаҳо кон топсак юртимизга, миллатимизга фой-  
дамиз теккани – фахрли.

А з и з а. Конга тушиб, яқиндан танишсам бўладими?

А с а д. Пастга тушиш жуда хавфли.

А з и з а. Манзарани ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

А с а д. Қайсар қиз экансиз.

А з и з а (*кулимсираб*). Чукурликка тушиб, нафас  
олишга қийналиб, ҳушимдан кетдим.

А с а д. Сизни ер юзига олиб чиқдим.

А з и з а. Сиз менинг ҳаётимни сақлаб қолдингиз.

А с а д. Йигитлик бурчимни бажардим.

А з и з а. Мардлигингиз учун кўнгил қўйдим.

А с а д. Ўшандан бери сизни кўрсам юрагим ёқимли  
тепа бошлайди (*яқинлашиб қучоқламоқчи бўлади*).

А з и з а. Ҳаддингиздан ошманг! (*Ўзини олиб қочади*.)

А с а д. Унаштирилганмиз-ку (*интилади*).

А з и з а. Тўйдан кейин (*қочади*).

А с а д. Яқинда бирга яшаймиз.

А з и з а (*яна қочади*). Никоҳ ўқилмагунча бунақа  
ишлил яхши эмас.

А с а д (*чўнтағидан узук олиб, кафтига қўяди*).  
Никоҳ узуги ясатдим.

А з и з а. Вой... (*Олдига югуреб келади*.)

А с а д. Олинг.

А з и з а. Бунча чиройли (*қўлига олиб*). Қимматбаҳо бўлса керак.

А с а д. Кўзи сердолик тошидан, банди олтиндан ясалган.

А з и з а. “Сердолик?” Тушунмадим...

А с а д. Бу тош ўз ранги билан самодаги қуёшни эслатади. Шунинг учун уни «Қуёш тоши» деб атайдилар.

А з и з а. Ҳақиқатдан ҳам қуёшга ўхшар экан.  
(*Қуёшга тутади, узук кўзи ялтирайди.*)

А с а д. Хитойликлар “тошда қотган кечки қуёш” деб ҳам аташади. Бармогингизни тулинг, такиб қўяман.

А з и з а. Йўқ!

А с а д. Учрашувга чиққанда узук тақиларди-ку.

А з и з а. Узр, никоҳ куни тақасиз.

А с а д. Яна узук оламан.

А з и з а. Менга атаб «Қуёш тоши»дан заргарга ясатган шу бебаҳо узугингиз етади (*қайтариб*). Олинг!

А с а д. Сиз жудаям қизиқ экансиз (*олади*).

А з и з а. Ўзингизга ҳам узук ясаттирдингизми?

А с а д. Ҳа! (Бошқа чўнтағидан узук олади.)

А з и з а (*қўлига олиб*). Бу узук кўзини қайси тошдан ясатдингиз?

А с а д. Малахит тоши. Ўзбекча номи – «Сўнмас гўзаллик».

А з и з а. Жуда гўзал номи бор экан. Унинг қандай хусусияти бор?

А с а д. Мовий-яшил рангли Сўнмас гўзаллик тоши шифобахш кучга эга, эгасини соғлом қилади.

А з и з а (*қайтариб*). Ҳеч қачон бемор бўлманг!

А с а д. Фақат сизнинг ишқингизда бемор бўламан.

(*Қуиларнинг чуғурлаши эшиштилади.*)

А з и з а. Чумчуқлар чуғурлашяпти.

А с а д. “Шом бўлганга ўхшайди”.

А з и з а (кулиб). “Юрагим жиғирлайди”.

А с а д. “Ёр келганга ўхшайди”.

А з и з а. Энди мен кетишим керак.

А с а д. Шошманг, тўйин қачон қиласиз?

А з и з а. Билмасам.

А с а д. Сизнинг фикрингиз муҳим.

А з и з а. Ихтиёрингиз.

А с а д. Ўрик гуллаганда.

А з и з а. Ўрик гулларининг муаттар ҳиди анқиб турганда...

А с а д. Ўзимизни жаннатда юргандай ҳис қиласиз.

А з и з а. Биз нафас олиб турган шу дунё, шу гўзал борлиқ, яшаб турган заминимизнинг ўзи мўъжиза, жаннат!

А с а д. Ўрик гуллашига ҳам оз қолди (энтикиб). Тез кунда висол насиб этиб, еттинчи осмонда сузуб юрамиз (*сархуш айланади*).

## Дүэм

А с а д. Жисмимдаги жонимсиз,  
Томиримда қонимсиз.  
Латофатли, ҳаёли,  
Вафодор севгилимсиз.

А з и з а. Кўзимнинг қароғисиз,  
Юрагим титроғисиз!  
Ориятли, ғуурли,  
Лафзи ҳалол ёримсиз.

А с а д. Офтоби анбаримсиз,  
Зулфи паришонимсиз!  
Гулзор ичра энг гўзал,  
Қалбим маликасисиз!

А з и з а. Оқ юзли ошиғимсиз,  
Бахтиму номусимсиз!

Йигитларнинг энг марди,  
Кўнглиминг султонисиз!

А з и з а. Юксаклардан тушиング. Аммам билан холам уйингизга боришмоқчи.

А с а д. Нега?

А з и з а. Уй жиҳозлари олиб боришимиз керак экан.

А с а д. Уй жиҳозларимиз бор.

А з и з а. Келин томон күёвга уй жиҳозлари олиб бериш керак экан. Урф-одат шунаقا.

А с а д. Бу урф-одат эмас, хурофот. Менга мебелларингиз керак эмас.

А з и з а. Бу расм-русумлар қон-қонимизга сингиб кетган. Осонликча воз кечолмайсиз.

А с а д. Биз қарши чиқамиз.

А з и з а. Биз қарши чиққанимиз билан ота-она-ларимиз рози бўлишмайди.

А с а д. Бу бемаъни одатлар қанчадан-қанча оиласларни бошига кулфат соляпти. Баъзи оталар қарзини узолмай инфакт бўлиб қолмоқда. Биз бу бемаъни урф-одатларга чек қўямиз.

А з и з а. Қотиб қолган урф-одатларни бузамиз, деб ўзимизнинг баҳтимизни бузиб қўймайлик!

А с а д. Бизнинг ишқимиз ҳақиқий. Бузилмайди.

А з и з а. Ишончингиз комилми?

А с а д. Мен муҳаббатимизга ишонаман.

### Иккинчи кўриниш

Уч хонали бўм-бўш уйга Х о с и я т билан М а ф т у н а кириб келади.

Н о р г у л (*кутиб олади*). Вой, қудажонлар, хуш келибсизлар.

Х ос и я т. Хушвақт бўлинг, кудажон! (*Кўришади.*)

Н о р г у л. Қадамларингизга ҳасанот.

Х ос и я т. Раҳмат. Ўзларингиз тўйнинг ширин ташвишлари билан чарчамаяпсизларми?

Н о р г у л. Тўй бўлади-ю, чарчаши нимаси? Ўзингиз яхшимисиз?

М а ф т у н а (*кўришиб*). Худога шукур, югуриб-елиб юрибмиз.

Г у л ю з. Уҳ-ху, кудажонлар келиб қолишибди-ку.

Х ос и я т. «Кўзларингиз учиб тургандир», деб кела-вердик (*кўришади*).

Г у л ю з (*қучиб*). Ўнг қовоғим учиб турган эдия шу топда.

М а ф т у н а. Чап қовоғингиз учмасин!

Г у л ю з билан М а ф т у н а бир-бирини назарига илмасдан кўришишади. Юриш-туришда, гапиришда, бир-биридан баланд келишга харакат қилишади.

Г у л ю з. Эсонмисиз?

М а ф т у н а. Омонмисиз?

Х ос и я т. Душман аралашмасин, деб уй кўргани холаси билан келавердик.

Н о р г у л. Биз ҳам синглим билан кутиб ўтирибмиз.

М а ф т у н а. Бу уйдагилар кўчиб кетмадими?

Н о р г у л. Тавба, нега кўчади. Уч хонали “банковский” уйни атайлаб ўғлимиз учун сотиб олдик.

М а ф т у н а. Жиҳозлари йўқми?

Х ос и я т. Қовун туширманг, холаси!

Г у л ю з (*ҳиринглаб кулади*). Жиҳозларни сизлар олиб келасизлар-да энди.

Х ос и я т. Ҳа, ҳа, биз олиб келамиз, шунинг учун атайлаб уй кўргани келдик. Хоналарни кўрсатинг.

Н о р г у л. Олдин бир пиёла чой ичиб олинглар.

Хосият. Шошиб турибмиз, кудажон.

Норгул. Ихтиёрларингиз, марҳамат, мана бу – зал.

Мафтуна (*назарига илмай*). Залийла бунча кичкина?

Гулюз. Вей! (*кулади*). Борини эплаб тўлдираверийла!

Хосият. Тўлдирамиз.

Мафтуна. Кўркмайла.

Норгул. Нега қўрқар эканмиз, тавба!

Мафтуна. Оғзиларингга сиққанини айтила.

Норгул. Нимани айтамиз?

Мафтуна. Биз олиб берадиган нарсаларни.

Гулюз. Шунақами?

Мафтуна. Шунақа.

Хосият. Оғирроқ бўлинг, холаси!

Мафтуна. Мен нима дедим, аммаси.

Гулюз. Ўнг томондаги қўшнимиз келин туширганда келини ҳар биттаси минг долларлик Эрон гила-мидан олтитасини олиб келиб тўшади.

Мафтуна. Атигими? Шу холосми?

Норгул. Кудажонларга оғир бўлмасин. Нечта гилам олиш – ўзларининг ҳимматлари.

Хосият. Э-э, эрон гиламлари дедийлами.  
Ўзимизники бўлмайдими?

Гулюз. Вей! (*Кулади*) Бўлмайди.

Норгул. Маҳалла-кўй олдида кам бўлмайлик, кудажонлар.

Мафтуна (*жсаҳл билан*). Паст кетманг, аммаси!

Хосият. Майли. Эрон гилами (*блокнотига ёзади*).

Норгул. Мана бу ётоқхона, айтинг, холаси.

Гулюз. Чап томондаги қўшнимиз ўғил уйлантирганда келини беш минг долларлик Италия мебели олиб келибида.

**М а ф т у н а . Атигими?**

**Н о р г у л .** Хитойнинг нақшинкор, жимжимадор мебели ҳам бўлади.

**Х о с и я т .** Ўзимизнинг Ҳувайдо мебелларининг ҳам сифати яхши, қудажонлар.

**М а ф т у н а .** Одамни уятга ўлдирманг, аммаси.

**Х о с и я т .** Бўлди, тушундим, оламиз Хитой мебели (*ёзади*).

**Н о р г у л .** Адабиёт муаллимимисиз, куда бунча ёзасиз.

**Х о с и я т .** Акам – адабиёт муаллими, янгам – бошланғич синф ўқитувчиси. Мен математикадан дарс бераман. Зиёлилар оиласиданмиз.

**Г у л ю з .** Вей! (*Кулади.*) Интеллигент қудаларимиз бор экан-да.

**М а ф т у н а .** Киноя қилманг.

**Г у л ю з .** Йўғ-ей.

**Н о р г у л .** Бу меҳмонхона, айтинг холаси.

**Г у л ю з .** Яна бир қўшнимиз келин туширганда, келин томон беш минг долларлик Франция жиҳозлар тўпламини олиб келибди.

**Н о р г у л .** Кудаларимизнинг рангини учирманг, холаси, Россиянинг оққайинидан ясалган жиҳозлар ҳам бўлади.

**М а ф т у н а .** Нега рангимиз учаркан? Атиги шуми?

**Н о р г у л .** Оқ қайиндан ясалган жиҳозга бирам ҳавасим келди. Бирам ҳавасим келди.

**Х о с и я т .** Ҳавас қилган етар муродга, ҳасад қиган қолар уятга (*ёзади*). Оқ қайиндан ясалган жиҳоз.

**Н о р г у л .** Бу – ошхонамиз. Айтинг холаси.

**Г у л ю з .** Акам ўғлини уйлантирганда келин томон олти минг долларлик голланд ошхона мебелини ходилник билан бирга олиб келган.

М а ф т у н а. Атиги шуми, гап бўлиши мумкин эмас.  
Ёзинг, аммаси.

Х о с и я т. Голланд ошхона мебели. Ёздим.

Г у л ю з. Дугонам келин туширганда, келин томон  
қишида иситадиган, ёзда салқин қиласидиган учта кон-  
диционер ўрнатиб беришибди.

М а ф т у н а. Атигими?

Н о р г у л. Зал билан ошхонага биттадан ўрнатиб  
берсаларинг ҳам бўлади, яна ҳам ҳимматларинг.

Х о с и я т. Битта ўрнатсак бўлмайдими?

Г у л ю з. Вей, (кинояли) туюни юки енгил бўлса  
бақироқ бўлар экан.

М а ф т у н а. Ким тую-а, ким тую?

Н о р г у л. Мақол айтдик.

Х о с и я т. Ўзингизни босинг, холаси, қудачилик –  
минг йилчилик, дейдилар.

Г у л ю з. Ортиқча харажат қилиб овора бўлманглар.  
Бизда ҳам инсоф бор.

Х о с и я т. Ҳа, кўриниб турибди.

Г у л ю з. Кенг экранли япон телевизори, кир ювиш  
машинаси, газ плита, духовка, микротўлқинли печ олиш-  
ларинг шарт эмас!

Н о р г у л. Яна ҳам ҳимматларинг!

М а ф т у н а. Атиги шуми?

Х о с и я т. Яна орзу-ҳавасларинг бўлса, ўйлаб кўра-  
веринглар.

Н о р г у л. Ҳеч нарса эсдан чиқиб қолмадими?  
Менинг хотирам чатоқ, синглим.

Г у л ю з. Вей, оstonадан киришдаги эшикка, ётоқ-  
хона деразасига, меҳмонхона деразаси ва эшигига элит  
пардалар олиш эсдан чиқмасин!

Н о р г у л. Сенинг эсинг бутун, Гулузбону.

Хосият. Албатта элит парда тикириб оламиз.  
Үлчамларни олинг, холаси.

Мафтуна. Хўп (*ўлчам ола бошлайди*).

Гулюз. «Элит» пардаларнинг материаллари алмисоқдан қолган бўлмасин тағин.

Хосият. Бизларда ҳам дид бор (*ёза бошлайди*).

Норгул. Укамнинг жўраси келин туширганда, келин уйнинг девор қоғози рангига мос тушмайдиган, арzon матодан парда тикириб келган экан. “Оддий матодан элит парда тутишга ор қиласман”, деб лашлупшларини ортиб ҳайдаб юборибди.

Хосият. Яни бошқа парда тикириб келишибдими?

Норгул. «Мен паст одамлар билан куда бўлмайман», деб тўйни бузишибди.

Хосият. Бечора келиннинг тақдири нима бўлибди?

Гулюз. Тўйи бузилган келинни ким ҳам оларди?

Норгул. Қари киз бўлиб, ота-онасининг уйида ўтирибди.

Хосият. Вой бечора, увол бўлибди.

Мафтуна. Тешик мунчоқ ерда қолмас, ерда қолса кимлар олмас.

Гулюз. Йигит бир хафтанинг ичидаги қарсиллатиб тўй қилиб, бир бойваччанинг қизига уйланибди.

Норгул. Ҳа, қизнинг отаси «чорлар»ида куёвга янги машинанинг калитини совға қилибди. Айтинг, холаси.

## Дүэм

Гулюз. Японнинг чиннисидан,  
Эроннинг гиламидан,  
Хитойнинг жиҳозидан,  
Ола келинг, қудажон.

Н о р г у л.	Ха, тўғри, тўғри, тўғри... Кам бўлмайлик, холаси. Чиннимиз пахта гули, Хувайдо мебеллари, Хиванинг гиламлари, Бўлмайдими, кудажон? Вой оламиз, оламиз!
Х о с и я т.	Паст кетмайлик, аммаси. Французнинг атри, Фэберликнинг упаси, Орфлейм лакидан, Сават қилинг, кудажон! Ха, тўғри, тўғри, тўғри... Кам бўлмайлик, холаси.
М а ф т у н а.	Фэберлик упасини, Орфлейм лакини, Чет эл лаб бўёгини, Куёв нима қиласи?!. Вой оламиз, оламиз!
Г у л ю з.	Паст кетмайлик, аммаси. Ўн жуфт турсику майка, Бир ҳафталик “неделка”, Ҳаммолига “тапочка”, Олиб келинг, янгажон! Ха, тўғри, тўғри, тўғри... Кам бўлмайлик, холаси.
Н о р г у л.	Тунги иштон куйлакни, Оёғига пайпокни, Келин олиб бериши – Уят эмасми қуда?!. Янги урф-одат шунаقا!.. Паст кетмайлик, оламиз!
Х о с и я т.	
Г у л ю з.	
М а ф т у н а.	

Х о с и я т. Замонамиз зўр! Қизлар хор бўлиб қолди.  
Мафтунахон, кетдик.

Н о р г у л. Вой қудажонлар, қази-қарта, сомса,  
кабоб, пишириқлар, ширинлик, куруқ-хўл мевалар би-  
лан дастурхон безаб қўйганмиз. Еб кетасизлар.

Х о с и я т. Йўқ, раҳмат, тўйдик.

Н о р г у л. Куруқ оғиз кетманглар.

М а ф т у н а. Раҳмат. Тўйдан кейин бўкиб-бўкиб  
еймиз!

Х о с и я т. Худо хоҳласа (*иккаласи шошиб чиқиб  
кетади*).

Н о р г у л. Тушунмадим, қовун туширдикми?

А с а д (*кириб*). Нималар қиляпсизлар, ойи, хола?

Г у л ю з. Нима қилибмиз?

А с а д. Ҳаммасини эшитдим.

Г у л ю з. Вой шпион-ей.

А с а д. Вақтли келгандим, “аёллар мажлиси”га ха-  
лақит бермай, деб эшик олдида кутиб ўтирдим.

Г у л ю з. Пойлоқчилик қилдингми?

А с а д. Тўсатдан эшитиб қолдим. Қудаларингизни  
инфакт қилиб ўлдирмоқчимисизлар?

Н о р г у л. Қиз куёвнинг уйига мебел, сарпо олиб  
келиши – азалий одат!

А с а д. Инсофи борнинг баракаси бор, дейдилар.

Н о р г у л. Ақл ўргатиб асабимни бузма, мебеллар  
сенга керак бўлмаса менга керак. “Келинни келгандা  
кўр, сепини ёйганда кўр” дегандай, қўни-қўшнилар,  
қариндош уруғлар “молёяр” чиққанда тўртта кўйлаги  
 билан бир жуфт пайпоғини кўрсатаманми? Менинг ҳам  
орзу-ҳавасим бор.

А с а д. Орзу-ҳавас, деб қудаларингизнинг кўнглини  
синдириб қўймайлик.

Г у л ю з. Келин келмасдан улар томонга ўтиб кет-  
дингми?

А с а д. Э-э-эй, қўйсангиз-чи, бемаъни гапларни.

Г у л ю з. Дами дуо қилиб оғзингни бойлаб кўйдими?

А с а д. Ўша ирим-сиримларга ишонаверманг.

Г у л ю з. Аёл кишининг макри қирқ эшакка юк бўлади, дейишади. Ҳар бало бўлиши мумкин. Тўғрими, опа? Ўша жодугар аклу хушингни олиб қўйганга ўхшайди. Ҳа, ўқитиб юбориш керак.

А с а д. Гапни бошқа томонга бурманлар. Мебел-себел, латта-путта, лаш-лушлар, деб орага совуқлик тушиб, низо пайдо бўлса, хафа қиласан, холажон.

Г у л ю з. Нима, урасанми?

А с а д. Сизни уриб бўладими?

Н о р г у л. Холангнинг дилини оғритма, қариндошим, деб куйиняпти.

Г у л ю з. Хизматга тухмат, яхшиликка ёмонлик экан-да. Сени уйлантирамиз, деб жонимни жабборга бериб, югуриб юрибман.

А с а д. Огоҳлантирдим, тўй бузилса мени уйда кўрмайсизлар.

Н о р г у л. Тавба, нима қиласан?

А с а д. Тоғу тошларга бош олиб кетаман.

Г у л ю з. Вей! (*Кинояли кулади*.) Қари ўламан, ёш кетаман, деб қўрқитар экан.

Н о р г у л. Хотинларнинг ишига аралашма, бор, ўғлим.

А с а д. Хотинлар билан бир ишни ҳал қилиб бўлмайди.

Н о р г у л. Вой, эркак-ей.

А с а д. Отам қачон сафардан келадилар.

Н о р г у л. Сафарқул дадангнинг умри сафарда ўтади. Сен тоғу тошларга кетиб қоламан, деб қўрқитяпсан. Тезроқ келин туширсан менга ҳамроҳ бўларди (*ийглайди*).

А с а д (эркалаб). Ўзимнинг меҳрибон онажоним,  
майлими бир савол берсам?

Н о р г у л. Савол?

А с а д. Отамга турмушга чиққанингизда мебел олиб  
келганмисиз?

Н о р г у л. Йўқ.

А с а д. Телевизор, музлатгич, кир машина олиб  
келганмисиз?

Н о р г у л. Йўқ.

А с а д. Отамга костюм шим, пальто олиб берган-  
мисиз?

Н о р г у л. Йўқ. Атлас, адрес, номозшомгул,  
лайло матолардан ўзимга бешта қўйлак, ўзим тиккан  
кашталар, “Юз очди”да ёш болаларга тарқатиш учун  
рўмолчалар ва битта сандик билан келганман.

А с а д. Ана энди ўзингизга келдингиз.

Н о р г у л. Битта чойнак, олтита коса, олтита пиёла,  
олтита ёғоч қошиғимиз, битта қора қозонимиз қайнаб  
туради. Гўштни қовуриб, сирли кастрюлкага солиб  
қўяр эдим. Оилада аччиқ-чучук гап бўлмасди. Меҳр,  
эътибор, хурмат бор эди.

А с а д. Уйни ким қурган?

Н о р г у л. Даданг иккаламиз пешона теримиз билан  
топган пулимизга қурганимиз.

А с а д. Ичидаги жиҳозларни ким олган?

Н о р г у л. Ўзимиз.

А с а д. Машинани ким олиб берган?

Н о р г у л. Ўзимиз.

А с а д. Мен ҳам уй, жиҳозлар, машинани ўз  
пешона терим билан топган пулимга олмоқчиман.  
Келин олиб келган буюмларни олиб, бир умр минна-  
тига қолишни истамайман. Йигит кишида ғурур бў-  
лиши керак.

**Г у л ю з.** Ҳой йигит, у замонлар бошқа эди, ҳозирги замон бошқа.

**А с а д.** Замон жойида турибди. Мол-дунёга ўч, нафси – оч, сиз – одамлар ўзгариб кетяпсизлар. Тўқлика шўхлик қилиб, янги одатлар, бидъатлар ўйлаб топяпсизлар.

**Г у л ю з.** Вей! (*Кинояли кулади.*)

**А с а д.** Кулманг хола, bemani одатларни, деб муҳаббатимизга озор етса, баҳтимиз биноси қулаб тушса, тўй бузилса сизлар айбдор бўласиз (*чиқиб кетади*).

**Н о р ғ у л.** Вой тавба,вой ўлмасам! Уйдан кетиб қолса, нима киласан?

**Г у л ю з.** Ваҳима қилманг, қаерга борарди опа, ҳали замон жаҳлдан тушиб, мулла минган эшакдек мулойим бўлиб кириб келади.

### **Учинчи кўриниш**

**Стол-стул.** Шкаф билан безатилган оддийгина хонада  
**М а л о ҳ а т** ёзиб ўтирибди.

**М а л о ҳ а т.** Қиз узатаман, деб йўғонлар чўзилиб ингичка шарт этиб узилиб кетар экан. На уйкуда ҳаловат бор, на ейиш-ичишда. Ҳеч нарса эсимдан чиқиб қолмадими-кан? Синглим билан қизимнинг аммаси ҳам кела қолмади.

**А к б а р** (*тапкасини кўтариб бўшашганча кириб келади*). Уф... ўзи билармон, қайсар, бекулоқ болаларга дарс ўтиш қийин бўлиб қолди.

**М а л о ҳ а т.** Ҳар ким ўз дардида, кал қиз эр дардида экан (*ўз-ўзига*).

**А к б а р.** Кулоғида наушник, оғзида чақиҷ, сотка жинниларига танбех берсанг бетингга сапчийди.

**М а л о ҳ а т.** Глобаллашув, космос, техника, компьютер асли бўлса сиз тараққиётга қаршимисиз?

А к б а р. Техника асри, деб энди ҳамма темирга айланиши керакми? Уяли телефонда соатлаб гаплашишади. Мусиқа эшитишади. Ўйин ўйнайди. Телефондан тарқалган нур жуда катта салбий таъсир қўрсатади.

М а л о ҳ а т. Унда ўша уйинг куйгур матоҳни нимага чиқаришади?

А к б а р. Пул қилишяпти. Телефон – салом, хайр, ҳа, йўқ – хабар воситаси бўлиши керак. Мактабда, колледжа телефон тутишни таъқиқлаб қўйиш керак.

М а л о ҳ а т. Жонингизни куйдириб сизга нима?

А к б а р. Сенга нима, менга нима деб болаларнинг тақдирига бефарқ, безътибор бўлсан келажагимиз нима бўлади?

М а л о ҳ а т. Унда ота-оналарни чақиртириб тушунтиринг.

А к б а р. Эркакларнинг уруғига ўт тушганми, мажлисга фақат аёллар келади. Аёлларга фарзандининг камчилигини айтса пешонасини тириштиради. Уларнинг қулоғи кар, кўзлари сўқир, тиллари лол.

М а л о ҳ а т. Ҳозир ҳамма шу. Асабингизни бузманг. Қизимизнинг тўйига ҳам оз қолди. Ўзимизнинг муаммоимиз етади.

А к б а р. Мактаб, болаларни ўқитиш оғриқ нуқталар бўлиб қолди.

М а л о ҳ а т. Ҳозир менинг дардим – қизимни орзуҳавас билан узатиш. Миямни ачитманг.

А к б а р. Хўш, нима дейсан?

М а л о ҳ а т. Қизимнинг сепига олиш керак бўлган нарсалар рўйхатини тузиб чиққан эдим. Ҳозир ўқиб бераман. Маъкул бўлса “муҳр қўйиб, тасдиқлаб берасиз”.

А к б а р (дафтарга ишора қилиб). Достон ёздингми?

М а л о ҳ а т. Эсимдан чиққани бўлса айтарсиз, рўйхатга илова қиласиз, ўқийми?

А к б а р. Шошмай тур, юрак доридан ичиб, ўпка дори олиб чиқай (*кириб кетади*).

М а л о ҳ а т (*ўз-ўзига*). Вахима билан дадасини юрак ўйноғи қилиб қўймай, ётиғи билан тушунтиришим керак.

А к б а р (*яшил олма сурати солинган сигаретдан бир қутича олиб чиқиб, тутатади*). “Сарпонома” дostonингни ўқи, мен тайёрман.

М а л о ҳ а т. Диққат билан эшитинг (*жисилмаяди*).

А к б а р. Бутун вужудим қулоқ бўлиб эшитаман.

М а л о ҳ а т. №1. Тақинчоқлар: тилла узук, тилла занжир, тилла зирак ва гарнитур олинади.

А к б а р. Нархи қанча бўлади?

М а л о ҳ а т. Тахминий нархи беш миллион сўм.

А к б а р. Яхши (*секин нафас ола бошлияди*).

М а л о ҳ а т. Яна амма холалари ҳам тилла буюмлар олиб келишади. Мен ҳам вақтида қизларининг тўйида кўшганман.

А к б а р. Хўп, ўқи!

М а л о ҳ а т. № 2. Чиннилар: Мадонна, Шаҳзода, оҳу, япон, хитой, миср чинни тўпламлари.

А к б а р. Биттасини олса бўлмайдими?

М а л о ҳ а т. Икки ёш жуфт бўляпти. Ҳамма нарса жуфт-жуфт олинади.

А к б а р. Ўзимизнинг пахта гулли Тошкент чиннилари бўлмайдими?

М а л о ҳ а т. Бўлмайди.

А к б а р. Савилнинг нархи қанча бўлар экан?

М а л о ҳ а т. Тахминий баҳоси тўрт миллион сўм.

А к б а р. Хўш, кейингисини ўқи.

М а л о ҳ а т. № 3. Кўрпа-тўшаклар: 10 та духоба кўрпа; ўнта уч метр духоба кўрпача, 10 та 4 метрлик

тоза бахмалдан кўрпача, 2 та икки кишилик одеял, 2 та икки кишилик поролон кўрпа...

А к б а р. Майдадарлари билан қанча бўлар экан?

М а л о ҳ а т. Тахминий баҳоси 6 миллион сўм.

А к б а р. Кўрпа-тўшакка шунча пул кетадими?

М а л о ҳ а т. Иложи борича камхарж қилиб ҳисоблаяпман.

А к б а р (*чукур хўрсаниб*). Яхши!

М а л о ҳ а т. Елкангиздан нафас олманг, бу ҳали ҳолваси.

А к б а р. Ўқи.

М а л о ҳ а т. № 4. Мебел жиҳозлари: шкаф, тошойна, тумбочка, иккита тунги чироқ – 5 миллион сўм.

Мехмонхона жиҳозлари: стенка, стол, 12 та стул – 5 миллион сўм.

Ошхона жиҳозлари – 5 миллион сўм. Жами – 15 миллион сўм.

А к б а р (*яна ҳам чукур нафас олади*). Яхши!

М а л о ҳ а т (*хавотирланиб*). Нафас ололмаяпсизми?

А к б а р (*бошини чанглаб*). Ўқи!

М а л о ҳ а т. Қулоқларингизни бекитмасдан яхшилаб эшитинг.

А к б а р (*асабий*). Эшитяпман.

М а л о ҳ а т. Қизимизга олиб бериладиган кийим-кечаклар рўйхати.

А к б а р. Қиз туғилгандан сепини сандиққа сол дейдилар, йиғмаганмисан?

М а л о ҳ а т. Бу кишимнинг гапини қаранг, ҳар иили мода ўзгарса сеп йиғиб бўладими? Ўтган йилги кийимни бу йил кийишмайди.

А к б а р. Уф! Давом эт.

М а л о ҳ а т. № 5. Кийимлар:

тўрт фаслга мос 20 хил тайёр кийимлар.

Қишки пальто, дублёнка, кузги, баҳорги плашлар.  
түрт фаслга мос оёқ кийим ва этиклар.

А к б а р. Умумий нархини айт.

М а л о ҳ а т. 10 миллионга етиб қолади.

А к б а р (чуқур уҳ тортиб). Ўқи!

М а л о ҳ а т. Уҳ тортманг, ёмон бўлади.

А к б а р (ўшиқириб). Ўқи!

М а л о ҳ а т. № 6. Куёвтўрага олинадиган сарполар:  
пальто, плаш, куртка.

Қишки, кузги этик, тўрт жуфт туфли.  
икки сидра костюмшим.

Ҳаммасини бутиқдан олишимиш шарт.

А к б а р. Тушунмадим, “Бутук”?

М а л о ҳ а т. Соддалигингиз қурсин. “Бутик” дегани  
бойвачча тадбиркорлар чет элдан олиб келадиган асл,  
тоза моллар дўкони.

А к б а р. А-а, ўзимизнинг қўшма корхоналарда  
ишлаб чиқарилганидан олсак бўлмайдими?

М а л о ҳ а т. Нозик томонларини тушунмайсиз.  
Оддий дўкон ёки бозордан олиб куёвнинг иззат нафсини  
ерга урмаслик керак. Бутиқдан олсак, улар ҳам қизи-  
мизга бутиқдан олади.

А к б а р. Замондан орқада қолиб кетибман.

М а л о ҳ а т. Ҳали яна “мужской парфюмерия оли-  
шимиз...

А к б а р (ажабланиб). Нима, нима?

М а л о ҳ а т. Куёвтўрага олинадиган атирупа,  
“Жилет” устараси, тиш чўтка, паста, тиш ковлагич.

А к б а р. Эркакка ҳам атирупа олинадими?

М а л о ҳ а т. Ҳозир мода бўлган бу. Куёвга бир сават,  
келинга бир сават парфюмерия қилинади.

А к б а р. Бир сават атирупани куёв тўра уялмасдан  
оладими?

М а л о ҳ а т. Жон-жон, деб олади.

А к б а р. Йигитларда ғурур қолмапти. Сават тўла атири-упанинг нархи қанча бўлади?

М а л о ҳ а т. Икки саватига икки миллион етади.

А к б а р. Мен олмайман.

М а л о ҳ а т. Ҳозир ҳамма шундай қиляпти.

А к б а р. Ҳамма жардан ташласа, сен ҳам ташлайсанми?

М а л о ҳ а т. Ҳаммадан қизимни кам қилмайман, қарз олиб бўлсаям қиласман.

А к б а р. Тилимни қичитмагин, олмаймиз.

М а л о ҳ а т. Оқимга қарши сузманг. Мужский парфюмерия қилмасак қудалар қизимизнинг кўзини очиришмайди. Арзимаган сабаб билан қизимиз баҳтсиз бўлмасин! Бу ҳали ҳаммаси эмас.

### *A r i я*

М а л о ҳ а т.

Тонгда туриб ҳовлига,  
Қариндош қўшниларга,  
Маҳалланинг итига,  
Салом берар қизимиз!

Қайн ота калишини,  
Қайн aka-укани,  
Этигу туфлисини,  
Тозалайди қизимиз!

Қайнона қовоғини,  
Қайн сингил нозини,  
Куёв тўра дўкини,  
Кўтаради қизимиз!

Эшигидә қул бўлиб,  
Хонадонда хор бўлиб,  
Қарға-қузғундан чўчиб,  
Яшар энди қизимиз!

Ўғил туғиб наслини,  
Қиз туғиб авлодини,  
Етти пушт – ҳаммасини,  
Яратади қизимиз!

А к б а р (яна чуқур хўрсиниб). Ўқи!

М а л о ҳ а т. Фақат жаҳлингиз чиқмасин.

А к б а р. Бўпти.

М а л о ҳ а т. Куёвга олинадиган ички кийимлар:  
10 жуфт майка, 5 жуфт қишида киядиган ички кийим,  
10 жуфт ёзги ва қишки пайпок, 10 жуфт неделка.

А к б а р. Нима “делка”?

М а л о ҳ а т. Ўфф. Ўзбекчасига ҳафталик калта  
иштон.

А к б а р. Падарига лаънат бундай одатларнинг!  
(Асабий бақиради.) Размери тўғри келмай қолса, нима  
бўлади?

М а л о ҳ а т (қўрқиб). Аммаси бор, холаси бор, сўраб  
билиб оламиз!

А к б а р. Келин куёвга неделка турсик олиб бериш  
уят эмасми?

М а л о ҳ а т. Урф-одат!

А к б а р. Бундай урф-одатларингга ўт тушсин!

М а л о ҳ а т. Мен ўйлаб топганим йўқ бу одатларни!

А к б а р. Сенга ўхшаган майда одамлар ўйлаб  
топган. Бу одатлар ўзбеклар учун уят, номус!

М а л о ҳ а т. Асабийлашманг (эрининг елкасини  
силайди). Ўзингизни босинг. Қудаларимиз қизимизни

ҳам кийинтиришади. Пальто, дублёнка, этик, кийим-кечак, сарпо-суруклар олиб беришади.

А к б а р. Қизимиз улар олиб берган нарсаларни ўзи билан олиб кетади, түғрими? Маъно йўқ (бекол ўтириб қолади). Бу ерда мантиқ йўқ.

М а л о х а т. Мантиқ қидириб одатларимизга қарши борманг, айланай сиздан, дадаси.

А к б а р. Бу урф-одат эмас, қиз ўстираётган ота-онани куппа-кундузи тунаш, ўлдириш, фожеа...

М а л о х а т. Кўпга келган тўй, нима қиласми?

А к б а р. Бир йилда 365 кун бўлса ўрта ҳисобда 200 кун тонг сахарда туриб, кўнгил қолмасин, деб ош егани бораман. Еган оғиз уялар, дейдилар. Мен ҳам камида минг кишилик ош дамлаб элга дастурхон ёзиг қарзимни узишим керак. Қизимга “қиз базми”, “чорлар”, “куёв чакирди” қилиб беришим керак. Қанча пул кетишини биласанми? Мактабда оддий ўқитувчи бўлсан. Бунча пулни қаердан топаман?! (*Юрагини ушлайди*.)

М а л о х а т. Вой, сизга нима бўлди?

А к б а р. Сув бер, ичим ёниб кетяпти.

М а л о х а т. Ҳозир.

А з и з а. (*Югурни кириб келади ва юргурганча дори билан сув олиб чиқади*.) Мана сув отажон!

А к б а р. Раҳмат, қизим (*дорини олиб ичади*). Сувдек сероб бўл, қизим.

А з и з а. Ҳамма нарсани юрагингизга олманг, отажон!.

А к б а р. Кўрқма, қизим, ўтиб кетади (*қўлидан ушлаб юрагига босади*.) Юрагим санчиб безовта бўлганида, муштдек қўлингни юрагимга боссам, оғриғи қолар эди. Сени узатсан, юрагимга ким малҳам бўлади? Қизим, жоним! (*Йиғлаб юборади*.)

А з и з а (*йиғлаб*). Мен турмушга чиқмайман, сизларни ташлаб кетмайман, дада.

А к б а р. Унақа дема, қизим. Ҳаёт қонунларига қарши боролмаймиз. Фарзандини вояга етказиб, таълим-тарбия бериб яхши жойга узатиш – ота-онанинг бурчи, қизим.

А з и з а. Тўрт йил бакалавр, икки йил магистрда контрактда ўқитдингизлар. Ҳеч нарсадан кам қилмай катта қилдингизлар. Энди сизга катта ташвиш келтириб ўтирибман.

А к б а р. Лекин, тўй – ширин ташвиш, қизим.

А з и з а. Ўқиши, ўртоқларимнинг туғилган кунларига бориб, кеч қолсам хавотир олиб бекатда кутиб ўтиришингизни бирам яхши кўрардим. Автобус ойнасидан сизни кўришим билан теримга сифмай севиниб кетардим.

М а л о ҳ а т. Келар вақтингдан ўн дақиқа кеч қолсанг отанг иккимизнинг жонимизда жон қолмасди, қизим. Катта шаҳар, ёмон одамлар бор, деб ваҳима босар эди.

А к б а р. Онангта таскин берар эдим-у, ўзим ҳам хавотирга тушар эдим.

А з и з а. Дунёда менинг ота-онамдан меҳрибонроқ одамлар бормикан! Одамлар отасининг эркатой қизи бўлса керак, дейишади. Ҳа, мен оиласизнинг маликасиман, дейман. Оғзимдан чиққан нарсамни олиб беришади. Менинг отам бир сўзли одам, ҳеч қачон алдамайдилар. Бир нарсани ваъда қилсалар, гоҳида ойлиги етмай қолса, бир-икки ой кечикиб бўлса ҳам олиб берадилар. Менинг саҳий, бағрикенг отам борлигидан ғуурланаман. Беозор, кўнгилчан, оқила онам борлигидан, зиёлилар оиласида туғилганимдан фахрланаман!

## *А р и я*

А з и з а.

Табаррук елкангиз тавоф қилайин,  
Босган изларингиз кўзга сурайнин,  
Ўгит-сўзларингиз тумор қилайин,  
Юзингиз кўрмасам, хумор қилайин,  
Яратган эгамга ёлвориб дейман,  
Бу дунё тургунча туриңг, отажон!

Эгилиб пойингизга гиёҳ бўлайин,  
Тунлар йўлингизда чироқ бўлайин,  
Юзингиз сийпалаб шамол бўлайин,  
Учсангиз, онажон, қанот бўлайин,  
Яратган эгамга ёлвориб дейман,  
Бу дунё тургунча туриңг, онажон!

А к б а р. Ақлли, ҳаёли, фаросатли қизим борлигидан  
хурсандман.

М а л о ҳ а т. Мен ҳам гўзал, ифратли қизим  
борлигидан фахранаман.

А к б а р. Ота-онага меҳрли, оқибатли, эътиборли  
қиз ўстиришдан ортиқ баҳт борми? Ҳаётдан умидим  
катта, қизим учун ҳамма нарсага тайёрман. Ҳеч нарсага  
зориқтирумайман.

М а л о ҳ а т. Ана энди ўзингизга келдингиз.

А к б а р. Ҳамма маросимларни қилиб бераман.

А з и з а. Узр, отажон ортиқча харажатнинг нима ке-  
раги бор? “Қиз базми”, “чорлар”, “куёв чақирди” каби  
ортиқча замзама керак эмас.

А к б а р. Олий ўқув юртини тугатдинг. Яхши жойда  
ишлайсан. Ҳамкасларингнинг олдида хижолат бўлиб  
қолмайсанми?

А з и з а. Йўқ, отажон!

А к б а р. Кўнглинг ўксиб, мендан хафа бўлиб юрмайсанми?

А з и з а. Асло хафа бўлмайман!

М а л о ҳ а т. Эй қиз, синфдошлар, курсдошлар, дугоналарингдан уялмайсанми?

А з и з а. Нега уялишим керак?

М а л о ҳ а т. Юзингга солишса, қизармайсанми?

А з и з а. Қизарадиган иш қилмаяпман.

М а л о ҳ а т. Маҳаллада қандай бош кўтариб юрамиз?

А з и з а. Маҳаллани баъзи ғийбатчи хотинларидан кўрқадиган жойим йўқ.

М а л о ҳ а т. Улардан эҳтиёт бўлиш керак. Тили билан қорани оқ, окни қора қилиб қўйишади. Қиз болани иши нозик. Арзимаган майда гапдан фил яса шади.

А з и з а. Ҳалол, беғубор, самимий ота-онам бор. Покиза оиласиз бор. Бир-бирилизга ишонамиз. Нимадан кўрқамиз?

А к б а р. Ўзимнинг зукко қизим. Қаерга келин бўлиб тушса ҳам шу ақли билан баҳтли бўлишига ишонаман.

А з и з а. Демак “қиз базми”, “чорлар”, “куёв чақирди” бўлмайди, келишдикми, отажон?!?

А к б а р. Келишдик, қизим.

Х ос и я т билан М а ф т у н а кириб келади.

Х ос и я т. Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизларми?

М а л о ҳ а т. Худога шукур.

А к б а р. Келинглар, қандай хушхабар билан келдингиз?

М а ф т у н а. Аммаси, сиз айтинг.

Х о с и я т. Холаси, ўзингиз айтинг!

М а л о ҳ а т. Одамнинг юрагини сиқмай айтақолинг-лар.

Х о с и я т. Дангалини айтаверайлик-ми?

М а ф т у н а. Юрак бакувватми, почажон!

А к б а р. Доримни ичиб олдим, айтаверинглар.

Х о с и я т. Айтасизми?

М а ф т у н а. Сиз айтинг, дафтарчангизга ёзиб олдингиз-ку, аммаси.

Х о с и я т. Хўш (блокнотни очиб ўқий бошлайди). Қисқа, лўндасини айтсан: бешта беш минглик эрон гилами, беш минглик хитой меҳмонхона жиҳози, беш минглик рус оқ қайнинидан ясалган ётоқхона жиҳози, беш минглик голланд ошхона жиҳози, японларнинг кенг экранли телевизори, музлатгич, иккита кондиционер ва ҳоказолар...

М а д и н а. Атиги шу, холос.

Х о ж и а к б а р. Ўзимизнинг пулдами, ё...

М а ф т у н а (оғзини тўлдириб). Долларда, почажон, долларда!

М а л о ҳ а т. Очиқ ойдин шунча долларлик нарса олиб келинглар, дейишдими?

Х о с и я т. Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, дегандек шама килишди. Фаросатимиз бор, коса тагидаги ним коса сўзларга тушунамиз, тўғрими холаси?

М а ф т у н а. Тўғри, “яна ҳимматларинг” деб ҳам кўйишиди.

А к б а р (бир оз ўйланиб). Тўй бўлмайди.

М а л о ҳ а т. Унақа деманг.

А к б а р. Мен уларга жавохир тўла сандик берадётганим йўқ. Бир парча этлигидан кафтимда кўтариб катта қилаётган қизимни беряпман. Тош келса кемириб, сел келса симириб, бўронлардан асраб, шамолларга

кўксимни тутиб, катта қилган юрагимни беряпман! Жисимдаги жонимни беряпман!

Хосият. Улар сирли хазинага дуч келдик, деб ўйлашяпти.

Мафтуна. Кудаларнинг айтган нарсаларини олиб берсак, тилимиз бир қарич узун бўлади!

Хосият. Айтган сўзларини оғзига қопқоқ қилиб кўйсак зўр бўлади, aka!

Мафтуна. Ҳа, қудажонларимиз олдида тилимиз кисиқ бўлмайди.

Акбар. Кудаларимизнинг асл башараси ўз вактида очилди. Молпарастларга берадиган қизим йўқ!

Малоҳат. Тавба қилдим, денг, тўй бузилса, куёв томон ноҳақ бўлса ҳам, тўқсон фоиз қиз томон гуноҳкор бўлади. Куёв бошқасига уйланиб кетаверади. Фотиҳаси бузилган қизни ҳеч ким олмайди. Кўзимизнинг оқуқораси – ёлғиз қизимизни бебаҳт қилманг. Жон дадаси, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирманг. Қарз кўтариб бўлса ҳам айтган нарсаларини олиб берайлик. Қизимизни эсон-омон эгасига топширайлик, айланай дадаси!

Акбар. Йўқ! (*Асабий бақиради.*)

Малоҳат. Қиз туғмай мен ўлай (*ўқсиб ииғлайди*).

Акбар. Кўпчилик оталар қиз туғилганда нега хафа бўлишини энди тушундим. Юрак-бағрингни қиймалаб, жонингни тилка пора қилиб қизингни олиб кетишар экан-да (*юрагини чангаллаб ииқлади*).

Хосият. Акажон!

АЗИЗА. Отажон.

Мафтуна. Поччажон!

Малоҳат. Қиз туғмай ўлай!

## Иккинчи парда

### Тўртинчи кўриниш

Жиҳозсиз ўша уч хонали уй.

А с а д (кириб). Қаердасиз, ойи!

Н о р г у л (чиқиб). Нима дейсан, ўғлим!

А с а д. Нималар қилиб кўйдингиз.

Н о р г у л. Тинчликми, нима қилибман?

А с а д. Куда бува инсульт бўлиб қолибди.

Н о р г у л. Вой тавба, касали бор эканми?

А с а д. Билмадим.

Н о р г у л. Қайси касалхонада экан, тез бўл, кўргани борамиз.

А с а д. Фойдаси йўқ!

Н о р г у л. Вой товба, ў-ўлиб...

А с а д. Нафасингизни иссиқ қилинг, тирик!

Н о р г у л. Хайрият-ей, эсимни чиқариб юбординг. Бўлақол, кудачилик, бормасак хафа бўлишади. Мен ҳозир кийиниб чиқаман.

А с а д. Мен бормайман.

Н о р г у л. Вой, нега?

А с а д. Келинингизнинг отаси тўй бўлмайди, дебди.

Н о р г у л. Нима учун?

А с а д. Ўзингизни билиб билмасликка олманг, ўша кунги солиқларингиз учун тўйни тўхтатамиз, дебди.

Н о р г у л. Вой, эркак қуда бунча ноз қилмаса, тўйни тўхтатса катта кўча, нима кўп – қиз кўп, бошқасига уйлантириб қўяман.

А с а д. Менга бошқаси керак эмас.

Н о р г у л. Ўша қизнинг туёғи тилладан, шохи кумушдан эканми?

А с а д. Ўзингиз ҳам аёл зотидансиз, нега келингизни ерга ураверасиз.

Н о р г у л. Аёл – эркакнинг чап қовурғасидан ясалган, шунинг учун эркакка нисбатан паст бўлади.

А с а д. Мен меҳрибон онамни ҳам. Севикли ёримни ҳам ҳамма зотлардан устун кўяман.

Н о р г у л. Балли, ўғлим!

А с а д. Сиз мени туғиб катта қилгансиз.

Н о р г у л. Ҳа, худди шундай, шубҳа йўқ.

А с а д. Сиз мени уйлантирсангиз, келинингиз менга фарзанд, сизга шириндан-шакар набира туғиб беради. Тўғрими?

Н о р г у л. Тўғри.

А с а д. Онани, хотинни, болани ёмон кўриб бўладими?

Н о р г у л. Ана энди ўзингга келяпсан. Она ҳам ҳеч қачон болага ёмонликни рано кўрмайди. Уй-жой, шароити бекаму кўст бўлсин, ёш оила роҳат-фароғатда яшасин, деб ота-оналар ҳаракат қиласи.

А с а д. Бели оғримаганинг нон ейишини кўр, дегандай, осмондан тушган шароитга қўққисдан эга бўлган, қайнотаси олиб берган машинада мазза қилиб юрган, юмшоқ мебелларга ётган йигитлар оилани қадрига етмай ажрашиб кетишяпти. Шоҳона шароитга ўрганиб қолган эркаклар бирини олиб, бирини ҳайдаб юборяпти. Йигитинг ўзи меҳнат билан пул топиб, уйланса ажрашишлар бўлмасди. Бу – жамиятнинг фожеаси, она.

Н о р г у л. Ақлли гапларинг билан бошимни оғритма, отанг сафарларда югуриб-елиб, мен топган-тутганимни йифиб-йифноқлаб уч хонали уй олдик. Келин томон уйни жиҳозлар билан тўлдириб бериши шарт. Ўша шароитда сен, хотининг, болаларинг яшайди. Мен гўримга олиб кетмайман.

А с а д. Бахт уй жиҳозлари, латта-путталар билан ўлчанмайди. Бахт муҳаббатдан, меҳрдан туғилади.

Н о р г у л. Муҳаббатинг бўлса-ю, уй-жойинг, қозонтовоғинг, картошка-пиёзинг бўлмаса бахт тўкис бўлмайди. Иккалангнинг муҳаббат қасринг кулаб тушади.

А с а д. Мен келинингиз олиб келган юмшоқ мебелларда ағнаб ётишга ор қиласман. Қайнотам олиб берган кондиционер тагида роҳатланиб ётишдан номус қиласман. Келин олиб келган нарсаларни кўриб виждоним қийналиб кетади. Нафасим бўғилиб ўлиб қоламан, ойи!

Н о р г у л. Ҳозир ор-номус, виждон қолдими?

А с а д. Виждон, ор-номус бор.

Н о р г у л. Ўша зорманда кимда бор экан?

А с а д. Сизда, отамда, бизда бор! Менга келинингизнинг олиб келадиган тақир-туқурлари керак эмас.

Н о р г у л. Вой, нега?

А с а д. Йигитман, эркакман! Орим бор, ғурурим бор!

### *Дүэм*

А с а д. Мебеллари керак эмас,  
Гиламлари керак эмас,  
Атир-упа чиннилар,  
Мол-давлати керак эмас!

Н о р г у л. Вой, нега?.. Нега?.. Нега?..

А с а д. Орим бор, номусим бор!  
Йигитман, ғурурим бор!

Н о р г у л. Атир-упа менга керак.  
Сарполар менга керак.  
Мебеллару гиламлар,  
Давлати менга керак!

А с а д. Ойи, нега?!. Нега?!. Нега?!.

Н о р г у л. Дўстим бор, душманим бор!

Фийбатчи аёллар бор!

А с а д. Улар бахтни бермайди.

Тожу тахтни бермайди.

Мехрни, муҳаббатни,

Соф севгини бермайди.

Н о р г у л. Вой, нега?.. Нега?.. Нега?..

А с а д. Орим бор, номусим бор!

Йигитман, ғууруим бор!

Н о р г у л. Маҳалла нима дейди?

Кўшнилар нима дейди?

Сепсиз келин олибди,

Баттар бўл, ўл-а, дейди!

А с а д. Ойи, нега?!. Нега?!. Нега?!..

Н о р г у л. Дўстим бор, душманим бор!

Фийбатчи аёллар бор!

А с а д. Менга ўз бахтим керак!

Севикли ёрим керак!

Меҳнатим билан топган,

Тожу давлатим керак!

Н о р г у л. Оббо!..

А с а д. Орим бор, номусим бор!

Йигитман, ғууруим бор!

Н о р г у л. Ҳа, тўғри, ор бизда бор! Лекин, одамлар нима дейди?

А с а д. Оила қурганларингда ҳеч нарсаларинг бўлмаса ҳам мисқоллаб йигиб уй-жой қилдинглар. Мустаҳкам оила бўлиб бахтли яшадинглар, тўғрими?

Н о р г у л. Тўғри, кишининг ҳакига хиёнат қилмадик, одамлар дилига озор бермадик. Қийинчиликларга сабр-бардош билан чидадик.

А с а д. Мени тарбиялаб, ўқитиб катта қилдинглар.

Н о р г у л. Нимжон бола эдинг, силаб-сийпаб, пуф-пуфлаб катта қилганман. Энди осмондан тушгандай тилинг бир қарич.

А с а д (кулиб). Яшанг, ана энди ўзингизга келяпсиз. Келинингиз ҳам кимнингдир пуф-пуфлаб, силаб-сийпаб катта қилган қизи. Бироннинг кўзига суртган боласи. У бўлмаса бошқасини олиб бераман, деманг!

Н о р г у л. Нима дей, бўлмаса?

А с а д. Сиз назари тўқ, насл-насаби тоза оиланинг қизи эдингиз. Нафси очлик қаердан юқди?

Н о р г у л (ўйланиб). Билмадим, тўйларга, чорларга бориб, одамларнинг куёвлариға қилган жиҳозлари, элит пардаларини, кийим-кечакларини кўриб, менга ҳам юқ-кандир-да, ўғлим!

А с а д. Ёмон иллат, касаллик тез юқади. Келин томон куёвга мебел қилиш, элит парда олиш, музлатгич совға қилиш тошкентликларнинг одати эди. Ҳозир бу касаллик вилоятларга ҳам вабодек тарқаяпти. Куёв томонлар келиннинг отаси нима олиб берар экан, деб кўзларини лўқ қилиб кутиб туришибди.

Н о р г у л. Ҳамма шундай қилишяпти.

А с а д. Ҳамма ўзини жардан ташласа, сиз ҳам ташлайсизми?

Н о р г у л. Йўғ-а, нега ташлар эканман, ўзимнинг жоним ўзимга ширин, мениям ўзимга яраша ақлим бор.

А с а д. Шунинг учун онги паст, фикрлаш доираси тор, мол-мулкка ўч, кимўзарга ўйнайдиган нодонларга ҳавас қилманг.

Н о р г у л. Нима қиласай бўлмаса?

А с а д. Кудангизнинг уйига бориб, узр сўранг.

Н о р г у л. Тавба қилдим, узр сўрайдиган нима қилибман?

А с а д. Йигит кишининг хонадонидагиларга қизнинг оиласи, қиз маъқул бўлса, эшик қоқиб бораверишдан

ор қилмаслик керак. Мақсадға эришиш учун курашиш керак, ойижон!

Н о р г у л. Узр сүраб бориб, хотинчангни бошимга чиқарып оламанми?

А с а д. У жудаям ақлли қиз, сизни күкларга күтариб юради.

Н о р г у л. Ишончинг комилми?

А с а д. Келинингизга ишонаман, узр сүраб бориб түйни тезлатинг.

Н о р г у л. Қариндош-урұғ, қүни-қүшни әшитса нима дейди? Йўқ, узр сүраб бормайман.

А с а д. Одамлар нима дейди, деб түйимиз бузилса сиз мени онаси ўпмаган бойваччанинг қизига үйлантирасиз, қайнотам менга машина олиб беради. Яхши ишга жойлаштириб қүяди. Сүңг мен қайнотамдан муттаҳам бўлиб, чизган чизигидан чиқмайман. Ота-онамни, қариндош-урұғларимни унутиб манкуртга айланаман. Чидайсизми?

Н о р г у л. Йўқ-йўқ, Худо күрсатмасин, қариб қолганимизда суюнч, бошимиз ёстиққа текканда дармон бўласан, деб сени катта қиляпмиз. Асло чидолмайман.

А с а д. Тўйи бузилган қизга, инсульт бўлган қудангизга ачинмайсизми? Бунчалар тошбағир эмасдингизку, ойижон.

Н о р г у л. Билмадим, билмадим (*асабий юра бошлидии*).

А с а д. Сиз меҳрибон, раҳмдил, ақлли онажонимсиз.

Н о р г у л (*ўйлаб қолади*). Ҳа, ақлни худойим нимага берган?

А с а д. Узр сўрагани борасизми?

Н о р г у л (*кулиб*). Хотинсирамай қуриб кеткур.

А с а д. Сизга ҳам келин керак, қачонгача қўлингиз косов, сочингизни супурги қилиб юрасиз.

Н о р г у л (ўғелини қучиб). “Эгилган бошни қилич кесмас” дейдилар. Сенинг муҳаббатинг, баҳтинг учун бошимни эгиб бораман.

А с а д. Мени йигит қилиб тарбиялагансиз. Йигит киши ўз оиласини, ватанини эркакчасиги химоя қилиши керак.

### Тўртинчи кўриниш

(Ўша оддийгина жиҳозланган хона. Ақбар қизи  
АЗИЗА билан гаплашиб ўтиришибди.)

А з и з а. Яхши бўлиб қолдингизми, отажон?

А к б а р. Ҳеч хавфли жойи йўқ экан. Микроинсул, хавотир олма, ўтиб кетди.

А з и з а. Сиз менинг суюнган тоғимсиз, отажон!

А к б а р. Сен мени тожу давлатимсан. Сен туғилганингда, момом қиз туғилди, деб хафа бўлма, фарзанд оллоҳнинг неъмати, дегандилар. Менга фарқи йўқ, ўғилми, қизми, Худонинг бергани, дедим. Қиз бола давлат бўлади, дедилар.

Ҳақиқатдан ҳам, сен менинг давлатим бўлдинг! Ишларим юришиб кетди. Эл-юрт хурматига сазовор бўлдим. Шон-шуҳратга эришдим, қизим.

М а л о ҳ а т (чой қўтариб киради). Ота-бала дардлашиб ўтирибсизларми?

А к б а р. Эсингдами, онаси?

М а л о ҳ а т. Менда эс қолибдими.

А к б а р. Ўқийман, деб умид билан қишлоқдан шаҳарга келдим. Ўқишига кирдим, шаҳарда қолдим. Сенга уйландим. Яшаш учун уй-жойимиз йўқ. Уч ой бир ижарачиникида турсак, муаммоси чиқиб бошқа жойга кўчар эдик. Олти ой яшаб яна бошқасига кўчар эдик. Болаларимиз билан сарсон-саргардон бўлиб юрган кезларимиз...

**М а л о ҳ а т.** Э-э-э, у кунларни эслатманг, юрагим орқага тортиб кетади.

**А к б а р.** Бизнинг аҳволимизга Ҳожи отангиз раҳми келиб, нима деганди?

**М а л о ҳ а т.** Мен бир ярим минг сўм бераман, куёв отасидан бир ярим минг сўм олсин, уч минг сўмга кооператив уй олинглар деб маслаҳат бердилар. Ўша пайтда уч мингта уй берарди. Қолгани йиллар давомида тўланар эди.

**А к б а р.** Мен шунда нима дедим?

**М а л о ҳ а т.** Ҳожи отангиздан бир ярим минг сўм олиб, уй олиб бир умр муттаҳам бўлиб юраманми, деб олмадингиз.

**А к б а р.** Уй-жой, машинани ўз пулимга олдимми? Болаларимни зориқтиримай катта қилдимми?

**М а л о ҳ а т.** Энди сиз ориятли одамсиз-да.

**А к б а р.** Куёвим ҳам менга ўхшаб оиласини ўзи боқадиган ҳақиқий йигит бўлишини орзу қила-ман.

**М а л о ҳ а т.** Унақа куёвни қаердан топасиз, анқонинг уруғи-ку?!

**А к б а р.** Орзу қилдимми, албатта ниятимга етаман. Қизим баҳтли бўлади.

**А з и з а.** Раҳмат, отажон!

**М а л о ҳ а т.** Қайнота билан куёвнинг тупроғини бир жойдан олади. Муродингизга етинг!

**А к б а р.** Оллоҳнинг ҳузурида аёлинни никоҳига олиб, болаларини дунёга келтириб, оталик бурчини унуганлар, аёлинни, фарзандларини ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетаётган, ўзга юртларга кетиб, юргига хиёнат қилаётганлар қай аҳволга тушади?! Ота-она шаънига доғ туширганлардан, болаларини меҳрга зор қилиб юрган, хотинининг мулкини уялмасдан оладиган нокаслардан ҳазар қиласман! Юртининг шаънини асрай-

диган, оиласига, болаларига күксини қалқон, елкасини тоғ қиладиган ҳақиқий әркак күёв топилади.

А з и з а. Қиз бўлиб туғилиб бошингизни ташвишга солиб кўйдим. Қалбингизга озор бердим. Азоблар, оғриқлар жисму жонингизни қақшатди.

### *Дуэт*

А к б а р. Ҳаёли қизим маним,  
Иболи қизим маним.

Отасининг орзуси,  
Иффатли қизим маним.

А з и з а. Ҷоғимсиз, дадам маним,  
Тоғимсиз, дадам маним.  
Оиласининг қалқони,  
Осмоним, дадам маним!

М а л о ҳ а т. Оримсан, қизим маним,  
Жонимсан, қизим маним.  
Онасининг дастёри,  
Боримсан, қизим маним!

А з и з а. Офтобим, онам маним,  
Ойимсиз, онам маним.  
Менинг жону жаҳоним,  
Суянчим, онам маним!

М а л о ҳ а т. Фахримсан, қизим маним,  
Бахтимсан, қизим маним!  
Бошимда порлаб турган  
Тожимсан, қизим маним!

А з и з а. Қошимсиз, онам маним,  
Кўзимсиз, онам маним.  
Нур ёғилиб турувчи  
Оразим, онам маним!

А к б а р. Афсона қизим маним.  
Достоним, қизим маним.

Эртаклардаги гүзал,  
Маликам, қизим маним.

А к б а р. Сен гуноқкор эмассан. Нурдек покизасан, қизим. Мен ақлсизлик, мантиқсизлик билан келиша олмаяпман. Қиз боланинг қадри шунчалар пастлигига чидолмаяпман.

М а л о ҳ а т. Яна юрагингизга оляпсиз.

А к б а р. Ахир аёл, Аллоҳдан кейин яратувчи муқаддас зот! Аёл бўлмаса туғилиш, қўпайиш бўлмайди. Аёл бўлмаса пайғамбарлар, азиз авлиёлар, файласуфлар-у донишмандлар, олимлар, донолар туғилмайди. Аёл бўлмаса дунё, табиат гўзаллигини йўқотади. Аёл бўлмаса олам хувиллаб қолади. Аёл меҳрибон онамиз, мушфиқ синглими, вафодор ёrimиз, севимли қизими. Уларни асраб-авайлаб, кафтимиизда кўтариб юришимиз керак!

А з и з а. Ўзимнинг меҳрибон отажоним!

М а л о ҳ а т. Отанг оқкўнгил, меҳрли, ҳақиқий инсон!

А к б а р. Театрнинг орқасидаги ётоқхонада турганимизда бошингда шляпа, эгнингда узун кўйлак, пилдираб юрардинг, қизим.

М а л о ҳ а т. Ҳамманинг хонасига кириб кетаверадиган тиниб-тинчимас, шўх қизалоқ эдинг.

А к б а р. Чарли Чаплин деб аташарди.

А з и з а. Эсимда, ҳозир ҳам Чарли Чаплин бўлиб беришим мумкин (уяли телефонидан *Лайма Вайкулени* “Чарли” қўшиғига рақс тушади).

А к б а р. Шўх қизалоғим менинг.

М а л о ҳ а т. Шум эчким (ҳаммаси кулишади).

А з и з а. Ўхшатишни қаранг.

Х о с и я т (кириб). Томоша зўр-ку!

А з и з а (уялиб мусиқани ўчиради). Ассалому алайкум, аммажон.

Х ос и я т. Ўйнайвер, сенга ўйин жудаям ярашади.

А з и з а. Отамни хурсанд қилмоқчи эдим.

Х ос и я т. Акажон, яхшимисиз?

А к б а р. Кел синглим, ўзинг тузикмисан?

Х ос и я т. Худога шукур, сиз соғ бўлсангиз биз ҳам яхши бўламиз.

А к б а р. Кўриб турибсан, омонман.

Х ос и я т. Товуқ шўрва қилиб келдим. Иссиққина ичиб олинг.

А к б а р. Куйди-пишди жонсарак синглим борлигидан жуда ҳам хурсандман.

Х ос и я т. Кеннойи, кайфиятингиз яхшими?

М а л о ҳ а т. Худога шукур.

А к б а р. Бироз толиқдим, уйга кириб дам олай, сизлар bemalol суҳбатлашиб ўтиринглар.

Х ос и я т. Ака, товуқ шўрвани ичинг, қувват бўлади.

А з и з а. Менга беринг, косага қуйиб бераман.

Х ос и я т. Ўзинг ҳам ичиб ол.

А з и з а. Хўп, юринг, отажон! (*Иккаласи кириб кетади.*)

Х ос и я т. Кудалардан хабар борми?

М а л о ҳ а т. Йўқ! (*Бошини эгади.*) Кўни-қўшнилар эшитмасин, деб уйдан чиқмай ўтирибмиз. (*Йиғлаб юборади.*)

М а ф т у н а (кириб кўриб қолади). Нега опамни хафа қиляпсиз, аммаси?

Х ос и я т. Э-э-э, бу уйда мушук миёвласа ҳам мендан кўрасиз-а?

М а л о ҳ а т. Хосиятбону ҳеч нарса дегани йўқ, кудалар сўрамаганига эзилиб ўтирибман. Кўчага чиқиб қўни-қўшниларнинг юзига қандай қарайман (яна *йиғлайди*).

Мағтуна. Опа, қизингиз ўғирлик қилдими, ғарлик қилдимики, одамлар юзига қаролмайсиз?

Малоҳат. Фотиҳаси бузилибди, деган иснодга қандай чидайман? Уят, номус!

Хосият. Бўлди, кеннойи, эзилаверманг!

Малоҳат. Акангизнинг юраги ёмон бўлмасин, деб зўрма-зўраки жилмайиб турибман, лекин юрагим куйиб кетяпти!

Мағтуна. Куюнаверманг, қизингизнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир?

Малоҳат. Пешонаси қурсин, шўр бўлмай.

Мағтуна. Нега шўр бўлади?

Малоҳат. Қизим 24 ёшга кирди. Фотиҳаси бузилган қизни ким оларди?

Мағтуна. Кудаларингиз, поччамнинг “Тўй бўлмайди” деган гапини эшлишибдими?

Малоҳат. Эшлишган бўлишса керак.

Мағтуна. Поччамнинг инсульт бўлганини билишибдими?

Малоҳат. Билмадим, билмадим.

Хосият. Поччамнинг касалини эшлитиб, қўнгил сўрашмаган бўлса, одам-подам эмас экан қудаларингиз. (*Шу пайт Норгул билан Гулоз кириб келишади. Уларни кўриб...*) Ие-ие, кудажонлар келинглар. Опа, меҳмонжонлар келишди.

Малоҳат (*кўз-ёшини артиб хушламай кутиб олади*). Келинглар!

Норгул. Ассалому алайкум, кудажонлар, яхшимисизлар? Эркак қуданинг соғлиги яхшими?

Малоҳат. Худога шукур, яхшилар.

Норгул. Тўй ташвишлари билан чарчамаяпсизларми?

Мағтуна. Қанақа тўй ташвишлари?

**Х о с и я т.** Оғирроқ бўлинг, холаси, меҳмон – атойи  
Худо, дейдилар.

**Н о р г у л.** Ўғлимиз билан қизингизнинг тўйларида.

**М а л о ҳ а т.** Кудажонлар, хафа бўлманглар. Отамиз  
тўнларини тескари кийиб олганлар.

**Г у л ю з.** Вей! (*Кинояли кулади.*) Арзимаган гапларга  
тўнларини тескари кийиб олдиларми?

**Н о р г у л.** Узр сўраб, куда буванинг тескари кийиб  
олган тўнларини ечгани келдик.

**Х о с и я т.** Овора бўласизлар. Акам тўнларини еч-  
майдилар.

**Н о р г у л.** Ечсалар, ўнглаб кийдирамиз. Матоҳларни  
деб икки ёшнинг тақдирини бузмасинлар. Бошимизни  
эгиб келдик.

**Х о с и я т.** Бизнинг қайраб турган қиличимиз йўқ!

**Н о р г у л.** Ўғлим бемаъни гаплардан хафа бўлди.

**Г у л ю з.** Вей... (*Кулади.*) Ҳазиллашган эдик.

**М а л о ҳ а т.** Ҳазилларингизнинг зили кўнглимизни  
вайрон қилди.

**Х о с и я т.** Акам тўй бўлмайди, деб оёқларини тираб  
туриб олганлар.

**Н о р г у л.** Ўғлим шу қиздан бошқасига уйланмай-  
ман, деб оёғини тираб олган.

**М а ф т у н а.** Бойнинг қизига уйлантиринглар оғзи-  
ларингга сиққанини олиб беради.

**Г у л ю з.** Айтган нарсаларимизни олиб беришли-  
ринг шарт деганимиз йўқ-ку!

**Х о с и я т.** Гапнинг тагидаги гапни тушуниб олдик.  
Фаросатимиз бор.

**М а ф т у н а.** Оми одамлар эмасмиз.

**Н о р г у л.** Кудажонлар, ўйламасдан номаъкул бузоқ-  
нинг гўштини хаёл қилибмиз. Кечиринглар. Икки ёш-  
нинг бахтини бузмайлик.

М а л о ҳ а т. Дадаси, мен оддий ўқитувчилар бўл-  
сак ҳам ғуруримиз бор.

М а ф т у н а. Ердан чиққан кўзиқорин эмасмиз.

Г у л ю з. Вей... (*Кулади.*) Ғурурни юзларингга  
парда қилиб, қизларингни қаритиб ўтираверасизлар-  
ми?

Х о с и я т. Шу хотиннинг кулиши ёқмаяпти, тутуним  
чиқиб турибди. Бир бало қилиб қўяман.

М а ф т у н а. Ўзингизни босинг, аммаси.

Н о р г у л. Овозингни ўчириб тур Гулуз, пишган  
ошни ланж қилма, аёлларнинг гапига учган менгина  
ўлай, фаразандларимиз баҳтсиз бўлмасин, кечиринглар  
(*йиғлаб юборади*).

М а л о ҳ а т (*йиғлаб*). Қудажон, мен ҳам қизимнинг  
биринчи баҳти бузилишини хоҳламайман. Лекин дада-  
миз жуда қайсар одам.

Н о р г у л. Куда бувани чақиринг, ўзим узр сўраб  
кўндираман.

М а л о ҳ а т (*эшик томонга*). Отаси, қудаларимиз  
келдилар. Сизни сўрашяпти.

А к б а р (*чиқиб*). Хуш келибсизлар!

Н о р г у л. Ассалому алайкум, куда бува, жону  
танингиз соғми?

А к б а р. Худога шукур.

Н о р г у л. Ёш авлодни тарбиялаб асабларингиз  
чарчамаяптими?

А к б а р. Асабларимни болалар эмас, онгсиз катта-  
лар чарчатяпти.

Н о р г у л. Қуда буважон, беайб – парвардигор, ин-  
сон хато қиласи, пушаймонмиз. Кечиринглар, ҳеч нарса-  
ларингиз керак эмас, қизингизни берсангиз бўлди.

А к б а р. Инсон яхши ният билан ўғил, қиз ўсти-  
ради. Улар улгайгач, яхши одамлар билан куда бўлсан,

дейди. Келинни қизим, күёвни ўғлим бўлсин, деб орзу қилади.

Н о р г у л. Қизингизни келин эмас ўз туғишган қизимдек яхши кўраман.

А к б а р. Бир парча этлигидан катта қилган қизимни бегона хонадонга узатиш қанчалар оғирлигини биласизми? Эркак киши унча-мунчага йиғламайди. Дијдаси қаттиқ бўлади. Қизим унаштирилган куни ҳеч кимга билдирмай йиғладим.

М а л о ҳ а т. Мен ҳам тўлиб-тўлиб йиғладим.

А к б а р. Мен бўш уйингизни тўлдириб берадиган сехгарни эмас, қизимни беряпман. Хизматингизни қиласидиган чўри, хизматкор малай эмас, хонадонимнинг гули, қалбим маликасини беряпман. Қизим ўғлингизнинг жуфти ҳалоли бўлиб, зурриёдлар туғиб беради. Сизларнинг насл-насабингизни давом эттиради. Соғлом, бақувват фарзанд туғиши учун эҳтиёт қилинглар!

Н о р г у л. Тушундим!

А к б а р. Чўрига, кулга муомала қилгандай муносабатда бўлманглар. Илтимос қиласман....

Х о с и я т. Ота гапни айтяптилар.

М а ф т у н а. Тўғри.

А к б а р. Ёшларни тўғри йўлга бошлаш, хатоларини кечириш, аҳилликка, тотувликка чорлаш – ёши улуғ пиру бадавлат инсонларнинг олий бурчи, деб биламан.

Н о р г у л. Бизнинг гуноҳларимизни кечиринглар!

А з и з а (чой олиб чиқади). Ассалому алайкум.

Н о р г у л. Ваалайкум ассалом, қизим.

А к б а р. Менинг энг катта бойлигим, осмондаги ойим, нур сочган қуёшим шу қизим. У нима деса шу бўлади. Сени кўра била туриб ўтга ташламоқчи эмасман. Норози бўлсанг ҳали ҳам кеч эмас. Ҳамма тавқиляънатни ўзимга оламан. Бир оғиз сўзинг (жисмлик).

М а л о ҳ а т (илтижо билан). Гапир, қизим.

Х ос и я т. Ўйлаб гапир.

Н о р г у л. Кўз қорачифимиздек асраймиз, гуно-  
химизни ўтинг, қизим.

А к б а р. Тўйни тўхтатмайми?

А з и з а. Отажон, сизнинг раъингизга қарши борол-  
майман! (*Яна жисмлик.*)

А к б а р. Кўнглингдаги гапни айт, қизим.

А з и з а. Отажон, тўй бузилмасин.

Н о р г у л. Худога шукур.

А к б а р. Ақлингга балли, қизим.

М а л о ҳ а т. Хайрият, биринчи баҳтидан кечмади.

М а ф т у н а. Доно жияним.

Х ос и я т. Аммасига тортган-да, аммасига.

А з и з а. Куёвингиз эсли-ҳушли, ақлли йигит. Мен у  
кишига ишонаман.

Н о р г у л. Менга ҳам ишонинг, қизим, ҳеч қачон  
озор бермаймиз. Бошимизда кўтариб юрамиз.

Г у л ю з. Вей... (*Кулади.*) Оёқости бўлиб қолманг!

Х ос и я т. Ўйинбузуқилик қилманг!

А к б а р. Сенинг баҳтли бўлишингга ишонаман!  
Палахмонтошдай отилган қизим.

### *Aрия*

Ҳаётимнинг боши давлатим,

Ёруғ юзим шаъним, савлатим,

Танда жоним суғуриб отдим,

Палахмонтош бўлди, ох, қизим!

Сабр сувин симириб яша,

Тош бўлса гар кемириб яша,

Сахрова ҳам кўкариб яша,

Палахмонтошдай отилган қизим!

Тунларимда тўлишган ойим,  
Кундузимда нурли офтобим,  
Самодаги олис юлдузим,  
Палахмонтошдай отилган қизим!

Афсонавий баҳтлар тилайман,  
Маликалар таҳтин тилайман,  
Сенга чинор умрин тилайман,  
Палахмонтош менинг юрагим!

Борган жойингда тошдек қот қизим!

(Қоронғулик.)

### Олтинчи кўриниш

Уч хоналик уй фалак, кашта, сўзаналар билан безатилган. Бир жуфт лайлак, оху, кабутарнинг сурати солиб тикилган кашталар деворга осилган. Уйнинг устида духоба солинган хонтахта. Унинг атрофига атлас кўрпачалар тўшалган. Хонанинг бир четидаги нақшинкор сандик устида кўрпа тахланиб жойнамоз ёпилган. Азиза адрасдан халат, лозим, дўппи, Асад бекасам тўн ва дўппи кийиб олган.

А с а д. Мен сиздан хафаман.

А з и з а. Вой, нега?

А с а д. Отангиз тўйни тўхтатаман, деганида қарши бормадингиз, курашмадингиз...

А з и з а. Отам жаҳл отига миниб қизиб турганларида қарши борсам, чатнаб турган темирга сув сепгандай бўлар эдим.

А с а д. Фикрингизни очиқ айтишингиз керак эдида!

А з и з а. Ота юзига тик қараб бўладими? Айниқса, ўзбек қизлари. Шунинг учун отамга қарши бормадим.

Вазиятни сизга тушунтиридим. Сиз онангизни узр сүраб келишга күндиридингиз. Отам күнглимини сүради. Ҳаммаси яхшилик билан ҳал бўлди. Аёл кишини ақли кирқ эшакка юк бўлади.

А с а д. Макри, денг.

А з и з а. Макр ҳам ақл билан қилинади.

А с а д. Қойилман!

А з и з а. Ақл билан муҳаббатимизни, баҳтимизни асрар қолдик.

А с а д. Ақл билан ечилмаган бирор тугун кам, дейди доноларимиз. (*Чўнтағидан узук олиб.*) Узук тақсам бўладими?

А з и з а. Майлингиз!

Асад Азизанинг бармоғига узук тақади.

Азиза ҳам Асаднинг қўлига узук тақади.

### *Дуэт*

А з и з а. Тоғим, кўкси қалқоним,

Бир сўзли паҳлавоним!

Орзуим, шаъним, шавкатим,

Содик жуфти ҳалолим!

А с а д. Кўксимдаги юрагим,

Муҳаббатим, ҳаётим!

Баҳтим, тахтим, давлатим,

Бир умрлик йўлдошим!

Парда

---

---

## **МУНДАРИЖА**

Чимилдиқ .....	3
Қаллик ўйин .....	42
Қирмизи олма .....	80
Эски муҳаббат .....	127
Андишали келинчак .....	168
Сенсиз ўтmas кунларим .....	207
Күнгил .....	241
Ишқ лазгиси .....	286
Рашк .....	325
Палахмонтош .....	353

*Адабий-бадиий нашр*

**Эркин Хушвақтов**

**АНДИШАЛИ КЕЛИНЧАК**

*Пъесалар*

Муҳаррирлар: *Ҳикоят Махмудова,*  
*Сайдмурод Холбеков*

Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*  
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*

Мусаҳҳих Доно Тўйчиева  
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензия рақами AI № 154.14.08.09.

2015 йил 19 ноябрда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Times New Roman гарнитураси.  
Офсет босма. 21,0 шартли босма тобоқ. 15,6 нашр тобоги.

Адади 500 нусха. 624 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Faғур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп  
етилди. 100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

*Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29*

*Факс: (371) 241-82-69*

*www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz*